

МОЗИНГА  
САЕХАТ

ЮСУФ РЎЗИ БАЙКЕНДИЙ

БУХОРОНИНГ  
ОЛД ПОЛВОНИ

ЮСУФ РҮЗИ БАЙКЕНДИЙ

БУХОРОНИНГ  
ОЛД  
ПОЛВОНИ

ТАРИХИЙ-САРГУЗАШТ РОМАН

35773

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
**ToshDO'TAU**  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент

«Янги аср авлоди»

2006

84(54) 6-4 Ўзб. адаб, асарлари

Роман

Бириичи полвон бўлиш учун нима қилиш керак? Ҳалқ олқишига сазовор бўлиш учун-чи?

Мазкур асар қаҳрамони Мурод полвон Пойкандий кураги ерга тегмаганлардан устун келиб, Бухоройи Шарифнинг сўнгги ҳукмдори Саййид Амир Олимхон назарига тушади. Ўзи полвон бўлса-да табиатан камсуқум бўлган инсоннинг турмуш тарзи ва тақдирни кўпчиликни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

20.07  
A253

Alisher Navoiy  
номлагл  
Gullonning oʻsidi

10 32763  
301

ISBN 978-9943-08-022-5

«Юсуф Рӯти. «Бухоронинг олд полвони» «Янги аср авлоди»,  
2006 йил

## ПАҲЛАВОНЛИК СИРЛАРИ

Ўзбек кураши бутун дунёда янги ва ёрқин бир спорт тариҳи тан олингани ва ҳамма қитъаларда намойиш этилаётгани дилимиизда миллий ифтихор туйғуларини уйғотади. Бу курашнинг "Ҳалол", "ёнбош", "чала" каби атамаларини инглизлар ҳам, руслар ҳам, бошқа ўнлаб миллат вакиллари ҳам мусобақалар пайтида бизнинг она тилимизда талаффуз этганларини зангори экран орқали кўрганда ва эшитганда қалбимиз яйрайди. Чунки кураш ўзбек миллати яратган ва асрлар давомида ўз паҳлавонлари ёрдамида сайқал берган ноёб қадриятдир.

Адабиётимизга бу ажойиб миллий қадрият ўз қаҳрамонлари билан кириб келмоқда. Истебодли ёш адаб Юсуф Рӯзиев "Бухоронинг олд полвони" деб аталган романидаги оддий меҳнаткаш оиласида ўсган Мурод образини худди ҳаётдагидай ишончли ва жозибали қилиб тасвирлайди. Гарчи Мурод полвон ўтган асрда амирлик даврида яшаб шуҳрат қозонган бўлса-да, биз унинг кураш майдонида эришган улкан зафарларини худди бугун юз бераётган ажойиб ҳодисалардек қизиқиб кузатмиз.

Бунинг бонси шуки, роман муаллифи, Мурод полвон ҳаёти ва курашларини ҳалқ орасида юриб, чуқур ўргангандан аслида қандай бўлса шундай ҳаққоний тасвирлаган. Мурод полвон бизнинг кўз ўнгимизда туғилган пайтидан то боқний дунёга кетгунча тарихий шахс сифатида гавдаланади. Бониқа қўпчилик қаҳрамонлар ҳам ўз ҳаётларини қандай яшаб ўтган бўйсалар, романда шундай кўрсатилади Шунинг учун Юсуф Рӯзиевнинг романи тарихий роман жанрини майхур полвонлар бошлан кечирган саргузаштлар билан бойитувчи асар сифатида ҳам қадрлидир.

Албатта, бу ҳали муаллифнинг биринчи йирик асари бўлгани учун келажак нашрларида уни янада такомиллаштириш мумкин бўлар. Энг муҳими, Юсуф Рӯзиев жозибали қаҳрамон яратган. Унинг ўзи ҳам кураш майдонига кўп тушган Шунинг учун муаллиф кураш сирларини ичдан ҳис қилиб, мароқли тасвир этган.

Қоракўл туманида, қадимий Байкентла ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Юсуф Рӯзися мактабда физика ва астрономиядан дарс беради. Аниқ фанлар унинг адабиётда ҳам ишонарли, аниқ образлар яратишига ёрдам беради. Шунинг учун унинг романи ёшлиаримизга полвонлик сирларини ўрганишда аниқ бир ҳаётий сабоқ бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин.

Мен Юсуф Рӯзисевнинг ilk романига оқ йўл тилар ёканман, келажакда унинг янада мукаммал ва ёрқин асарлар яратишига умид билдираман!

Пиримқул ҚОДИРОВ,  
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi.  
31 октябр 2006 й.

## 1. ОНАСИГА ТОРТГАН ЧАҚАЛОҚ

Милодий 1887 йил. Эрта баҳор. Бухоронинг жануби-ғарбидаги жойлашган Қоракўл беклигининг қадимий Пойканд шаҳри харобалари яқинидаги Сайёт қишлоғи. Эндиғина қизариб отаётган тонгги қуёш шуълаларида қишлоқнинг ўзига хос манзараси янада гўзалроқ, ён-атрофда жонланиб бораётган яшил ўтлоқлар, дараҳтлар янада сўлимроқ кўринади. Яқинидагина қору ёмғирдан ҳосил бўлиб, толнинг яланғоч баданига ёпишиб олган қиш сумалаклари — биллур яхлар ўрнини сарик попук гулли тол хивичлари эгаллаган. Улар баҳорнинг тонгги майнин шабадасида бетакрор рақс ижро этаётгандек, гўё.

Зарафшон дарёси сўлида жойлашган бу қишлоқ ўз атрофи ни ўраб турган қум тепаликлардан анча пастда бўлиб, қора гупроғи жуда унумдор ва шу сабабдан қишлоқ терагу толлар, олмаю ўрикларга бой. Ана шундай кўхлик ичидаги жойлашган бирбирига туташиб кетган паст-баланд пахса уйлар, тепаликдан қараган кишига, яйловда ётиб дам олаётган ўркачли туяларни эслатиши табиий.

Қишлоқнинг шарқидан ўтган эгри-буғри тупроқ йўл Бухоро амирлигини ўз музофотидаги Чоржўй беклиги билан туташибди. Ана шу йўл бағридан ажралган кичик сўқмоқ қишлоқни деярли қоқ иккига бўлиб ўтади. Сўқмоқнинг катта йўл билан туташган жойи энли бўлиб, узоқлашган сайин торайиб боргандек, гўё. Сўқмоқ йўлнинг икки ён четида унча катта бўлмаган — нари борса, ароба сиғар катталикка эга, ёғоч дарвозали, қатор пахса уйлар ястаниб ётибди.

Қишлоқнинг тонгги сокинлигини эшак қўшилган аробанинг гижирлаши бузди. Аробага қўшилган эшакни тез юришга унданб, бод-бод халаҷўп ниқтаётган киши ўттиз ёшлардаги, кенг елкали, бўйчангина. Шароф исмли йигит бўлиб, у ўзи билан

қишлоқнинг доя момосини олиб келаётган эди. Йигит аробани катта йўлга етмай, чапдан учинчи дарвоза олдида тўхтатди. У аробадан сакраб тушаркан, қарияга қарата такаллуф билан:

— Момо, ёрдамлашайми? — деди.

Ҳали ўрнидан қўзғалишга ҳам улгурмаган оппоқ сочли доя момо кулимсираб:

— Барака топтур, болам, яхшиси уйингга кириб хабар олчи, балки, Ҳудо дардини енгил қилиб, хотининг туғиб улгургандир. Суюнасан. Мен, ўзим аробадан сирғаниб тушавераман, — деди.

Шароф қўлидаги ип ва таёқни ароба устига қўяркан:

— Иншоолло, — деб, ҳовлиққанча, дарвозадан ичкарига кирди. Момо эса ён-атрофга бир алланглади-да, оёқларини пастга узатиб. аробадан сирғалиб тушли. Сўнгра, тўпланган этакларини тузатган бўлиб, қариликка хос вазминлик билан дарвоздан ичкарига кирди. Момо кенг ҳовлининг чалида жойлашган пастаккина, зисиз пахса уйга киаркан, тўлғоги тутиб, туғолмай ётган Роҳатхоннинг аҳволини тушунди.

— Ҳозир, қизим, ҳозир енгил тортасан, — деди ва нима килишини билмай сўррайиб турган Шарофга қараб:

— Сен ташқарига чиқиб туравер, болам — деди.

Момо эгнидаги яктакни счиб, дераза олдига қўйди-да, кўйлаги енгларини юқори кўтарниб, дард чекавериб терга ботиб қолган Роҳатхоннинг ёнига чўкди.

Шароф эшикдан ташқарига чиқаркан, анча пайт ўзига келмади. У ҳовли ўртасида ўсган улкан тут дарахти остига бир неча марта, хаёли паришон ҳолда, бориб қайтганини ўзи ҳам билмайди. У бир зум тўхтаб, ўзини қўлга олди, эндиғина уфқдан бош кўтараётган қуёшга қараб қўл очаркан:

— Аллоҳим, хотинимнинг мушкулини енгил қилгайсан, — деди ва қўлларини кўтариб юзларига тортди. Шу пайт хонадан бирдан чақалоқ йигиси эшигилди.

Отаётган тонг арафасида чақалоқ чунонам жарангдор йифладики, бу овоз гўё табиат мўъжизакори — она Қуёшнинг тонгги нурларига уйғунашиб, бутун борлиққа тарқалгандай бўлди.

— Худога шукур. — деди Шароф ва эшикка яқин борди. Аммо ичкарига кирмай тисарилди. «Балки доя момо чақирар, унинг рұксати билан киарман» — ўйлади у. Шароф бир зум

күтди. Бу орада янғы түгілған чақалоқни расм-русуми билан құлға олған доя момо бүғиқ овоз билан Шарофні чақырды:

— Шарофжон, болам. Ў-ү-ү Шарофжон!

— Эшитаяшман, момо! — жавоб берди Шароф.

— Киравер, болам. Киравер.

Шароф ичкарига кирди-ю, на севинишини на йиглашини билмай қолди. Момонинг құлида «инга-инга»лаб йигластган каттагина чақалоқ, уннің сұлида устига күрпа ёпилған, деярлы нафас олмастап Роҳатхон әтарди.

— Роҳатхонга нима бўлди? — қўрқув аралаш, ҳайрат билан, суради у.

— Роза қийналиб ҳолсизланди. Ҳозир үзига келади. Умри билан бергур, болаңг жуда кагта туғилди. Онасига тортган. Онаси сендан ҳам гавдалироқ-да, боласини яхши етилтирган. Шу пайтгача дсялик қилиб, бунақа етуқ бола туғилганини кўрмаганман. Бундайларни кўз-сүқ чалиши мумкин, асра. Аллоҳ умрини бериб, муродига етказсин. Огини Мурод қўй! — деди момо ва чақалоқни оқ сурп матога ўраркан, уни эркалаб юнатди.

Шу пайт Роҳатхон бошини болиш узра тебрата бошлади. У қўзини очди-ю, мадорсиз, унсиз товуш билан:

— Болам қани? — деди.

— Болангмана, — деди, момо чақалоқни иккі қўлида ушлаб, кўтариб онасига юзлантириди. — Роза йиглади. Энди ором ола-япти. Сен ёташег Ҳозир мен атала пишириб, русумини қилиб кетаман. — Шароф учинг борми? — деди, кейин отасига юзланиб.

— Бор, моможон. Худога шукур, бор

— Ҳа-я, бекорга айтишмаган сени «Шароф тегирмончи» деб. Тегирмонині бор-да, унни орттирасан. Насиб килсан. хизмати ҳам оғир. Кетаримда, ментә ҳам бир ўмошлиқ беришни унутма, болам, — деди момо, вазманилик билан.

— Ҳүн бўлади, момо. жошим билан, — деди Шароф, хотининиң кўзин ёрнгани — фарзандилик бўлганидан хурсандлигини ошкора намойиш қўлтганцай, табассум билан.

Доя момо барча ирим-сиримларини қилиб бўлиб, қўлида тугунча билан дарвозадан чиққанида куни тушга яқинлашган эли.

## 2. ФАЛАТИ БОЛА

Шароф тегирмончининг ҳовлиси. Дарвозадан кираверишда, ўиг томонда, жойлашган насттаккина айвон остида эшик бўлиб, ундан Шарофнинг исмига қишлоқлошлари томонидан «тегирмончи» сўзини илова қилишларига сабабчи бўлган тегирмонхонага ўтилади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Сайёт қишлоғи турли бекликлар ва қишлоқлардан кўчиб келган кўчманчилар ва овчиларнинг ўтроқ қолишидан юзага келган бўлиб, алоҳида кўчиб келган ҳар бир қабила, ёки уруғ алоҳида қавм шаклида қишлоқпинг маълум бўлагини ташкил қилган. Уруғларнинг сўзлашув тиллари бир-бирига етарлича тушунарли бўлса-да, шева на талаффузлари кескин фарқ қилган. Қишлоқда араблар, беклар, қуллар, хўжалар ва бошқа қавмлар мавжуд бўлиб, сўзлашув пайтида, бир хил исмли кишиларни алмаштириб қўймаслик мақсадида, уларнинг исмларига уруғ ёки касбининг номи илова қилинарди. Аслида хўжалар авлодидан бўлса-да, «Шароф тегирмончи» бўлиб кетишнинг сабаби ҳам шунда эди.

Тегирмонхона эшиги очиқ бўлиб, ундан Шароф тегирмончининг жуссаси яққол кўриниб турибди. У қўлидаги сопол косяга солинган донни эшикдан ташқарига юзланган ҳолда, кун ёргуғида, чўп-хасдан тозалар ва вағти-яқти билан кашкаш ҳамасига қуярди. Ичкарида кашкашни кунига етти-саккиз соатлаб айлантиравериб кўннишиб қолган хачир Шароф тегирмончининг ўқтинг-ўқтинг «ҳеҳ - ҳеҳ!» дейнишига бепарво, бир меъёрда айланаяпти.

Шароф тегирмончи хушмуомала, меҳнаткаш ва ҳалол инсон. Шу сабабли қишлоқда, етти-саккиз хонадонда кашкаш ва қўл тегирмони бўлса-да, кўпчилик донни ун қилдирмоқ важида унинг тегирмонини маъқул билишарди.

Ҳовлининг қоқ ўртасида катта тут дарахти, унга узоқ бўлмаган жойда, усти очиқ ҳолда тандир ўчоқ жойлашган эди.

Тандир срга шундай ўрнатилганки, унинг оғзи тик ҳолатда турибди.

Бугун Роҳат ойим нон ёпаётир. Унинг нон ёпиши бошқа аёлларнинг нон ёпишидан ўзгачароқ. У ноннинг шаклини тандир ёнгинасида ёйилган бўйра устида ўтириб ясар ва ўрнидан турмасдан, тиззалари устида туриб, зувалани ёйиб тандирга уар-

ди. Унинг бўйчанлиги бу юмушни мохирона бажаришига имкон берарди.

Роҳат ойим Қоракўл беклигининг Олот мавзейига қарашли Буржоқ қишлоғида туғилган. У Шароф тегирмончининг онаси томонидан узоқ қариндош бўлиб, тақдир уларни юлдузини юлдузига мос қилиб боғлаган. Мәҳнатсевар, қалби пок, қорача юзлик, соғлом бу аёл қоматининг узундан келганлиги ва тўлалиги унинг бир ҳуснига яна ўн ҳусн қўйди.

У ясама хамирни тандирга урди-да, ўз навбатида, хушбўй ҳид тарататётган бўрсилдоқ нонни узиб олиб, бундан бир неча дақиқагина олдин олинган нонлар ёнига оҳиста қўйди.

Шу дам дарвоза томондан қўшниси Наима момонинг товушни эшиттилди:

— Ҳорманг, Шарофжон! Ҳўп саломатмисиз? — деди у, тегирмонхонада ишлаётган Шароф тегирмончига қарата.

— Ассалому алайкум! Ўзингиз омонмисиз? Бетоб экансиз деб эшитдим, тузалиб қолдингизми?

— Ҳа, қурғур сёёкларим тортиб оғрийди, юрагим санчиди. Ҳозир яхшиман, Худога шукур.

— Шифо бергани рост бўлсин. Кираверинг, Роҳатхон уйда, — деди Шароф тегирмончи, момони ҳовлига унданб.

— Кўраяпман. Келин нон ёпаяпти, чарчаматур.

Наима момонинг ҳовлига киргани ва сұҳбатидан воқиғ бўлган Роҳат ойим:

— Келинг, қани, хола. Бугун сизникига иссиққина нон олиб чиқаман, деб ният қилган эдим, — дея ўрнида туриб, бўйранинг бир бурчагига кўрпача ёйди.

— Кечагина бориб ҳоллашдинг-ку, раҳмат. Э-э, Аллоҳнинг ҳукми вожиб: оламан деса бандасини бир зумда олади-қўяди. Умр бераман деса, юз йил ҳам кам, — дея, момо кўрпача устига вазмин ўтириди. — Келин, меш кўтариб чиқиб эдим. Муроджонга айтсан, Зарафшон сувидан келтириб берар, деган умид билан кирдим, — деди ва қўлидаги мешин ёнига қўйди.

— Албатта, момоси. Албатта, келтириб беради. Лекин бир оз кутасиз. Муроджоннинг ўзи ҳам сувга кетиб эди. Ҳозир келиб қолади.

— Муроджон — оқил бола, мәҳнаткаш. Шу дамгача бирор юмушимга йўқ демаган, — деди Наима момо ва қўшиб қўйди,

— Роҳатхон, рапидани берироқ қўйинг, нонингизни ясаб бериб турман, — деди.

— Йўғ-э, хола. Яхшиси, нондан еб туринг.

Роҳат ойим шундай деб, ҳозиргина тандирдан чиққан нонлардан бирини момога узатди ва ёнидаги ўроқ бошидан қумғонни олди-да, сув солиб, тандир ичидаги чўғ устига ўрнатиб қўйди.

Дарвозадан, сув тўла қўшқулоқни елкасида кўтарган Мурод кириб келди. У тўрт-беш чеҳак сув кетар ҳажмидаги қўшқулоқни оҳистагина тутнинг қуюқ соясидаги сўрига қўйди. Чуқур нафас олди. Коматини ростлади.

Мурод ўн тўққиз ёшни тўлдириб йигирмага етган, бўйдор, тўладан келган йигит. Кўп жисмоний машқлар қилганидан қомати келишган, ақли расо. У ҳазил-мутойибани ёқтирадиган, шўх ва айни пайтда вазмин, босиқ йигит. Унинг соchlари қорамтирил мalla рангда бўлиб, энди сабза ура бошлаган мўйлаби буфдойранг юзига жуда ярашиб турибди. У Шароф тегирмончи билан Роҳат ойимнинг ёлғиз ўғли.

— Ассалому алайкум, момо! Саломатмисиз? — деди Мурод, Наима момога табассум билан.

— Ваалайкум ассалом, Муроджон. Ўзинг катта йигит бўлиб қолдингми, болам, — деди момо.

Уларнинг суҳбатларига тиззалири устида туриб, тандирга нон ураётган Роҳат ойим қўшилди:

— Болам, яна қўшқулоқни тў-ўлдириб олиб кўтариб келдингми?

У «тўлдириб» сўзидағи «ў»га ундов бериб чўзиб гапирди.

— Шундоқ, она, — деди Мурод, маъюс.

— Сенга айтганмиз-ку, сувни камроқ солиб ол, деб. Ахир қўшқулоқ оғир идиш. Яхшиси, сен сувни меш ва кўзаларда ташиб, кейин қўшқулоққа қўйсанг, ишинг енгилроқ кечарди.

— Сиз айтганчалик оғир эмас эди. Бир кўтариб чиникай, деб эдим, — деди Мурод.

Гапга Наима момо аралашди ва ўз муддаосинн айтди:

— Болам, ҷарчаб кетган кўринасан. Зарафшон сувидан келтириб берасан деб, биттагина меш кўтариб кириб эдим.

— Ҷарчаганим йўқ, момо. Майли бирров олиб келаман. Сиз хотиржам ўтираверинг, — деди Мурод ва момонинг қўлидан мешини олди.

У икки чақирим наридан оқиб ўтадиган дарёга сув учун биттагина меш күтариб боришни ёқтирмасди. Шу сабаб, ўзларининг меiplаридан битта олмоқ учун тут тагига борди. Тутнинг имоқли шохларидан уч-тўртта меш осиғлиқ бўлиб, улар қалин сояда сувни жуда салқин тутарди. Мурод улар орасидан бўш мешни олиб, сув келтирмоқ мақсадида, дарвоза томон отланган эди, онаси билан Наима момо пичирлашиб кулиб олишди.

— Болам, қизим Қизлархонни сен билан бирга сувга юборардиму, аммо жуда уятчан. Паранжида қолгур, кўчага кам чиқади, — деди момо кулимсираб.

Ёшлигидан Мурод билан бирга ўйнаб ўсган қўшни қиз — Қизлархон уч-тўрт йил бўлдики, кўчага паранжи ёпиниб чиқадиган бўлди. Баъзан, болалигидагидек, Мурод у билан узоқ, дилдан сухбатлашмоқчи бўлса, қиз тоҳ: «Отам чақирияптилар», деб ёки бирор юмушни баҳона қилиб, тез юриб кетар ва орқасидан тикилиб қолган йигитга анбар бўйини-ю, қисқагина, жарангдор кулгисини ҳадя қилиб кетарди.

Қани энди, онаси айттанидек, Қизлархон у билан бирга сувга борса, Зарафшон бўйида сув сепишиб, кулишиб, яйраб ўйнашича, хаёлидан ўтказди Мурод.

Бу қалбida муҳаббат ғунчаларини асраб-авайлаб улғаяётган ёш ва етук йигитнинг ширин хаёллари эди.

Мурод аёлларнинг кулгусидан ўзига келиб, уяди. Айни чокда кўнглига ёқимли буюм топиб олган боладек қувноқ бир аснода, қўлларидаги мешларни ўйнатганича, тез-тез қадам ташлаб, дарвозадан ташқарига чиқиб кетди.

— Вақти келиб, Муроджоннинг назари қизим Қизлархонга тушса, албатта, уни сенга келинликка узатардим, — деди Наима момо, нурсиз кўзларини бир нуқтага тикканча ўйланиб.

— Худо насиб, хола Қизлархон одобли, сулув қиз. Уни келин килиш нияти бизларда ҳам бор, Худо етказса.

— Аммо, менга насиб қиласмикин, уларнинг тўйларини кўриш, — дея, пичирлаганча ўнг қўлини, эҳтимолки, оғриқ берәётган юраги устига қўйиб, ўйланиб қолди момо.

Бу орада Роҳат ойим нонларини ёпиб олган ва ўрнидан туриб, тандир чўғига қўйилган қумғонни олиб, чой дамлаётган эди.

### 3. НАМОЗХОНЛИК ЁХУД ЕНГИЛ ЮККА РОЗИЛИК

Бугун пешиндан сүнг жума киради. Шунинг учун Шароф тегирмончи тушгача ишлади. Сүнгра таҳорат олиб, пешин намозини ўқиди-да, аср намозини қишлоқ марказида жойлашган масжидда адо қилишни ният қилиб, бир пиёла чойдан сүнг, пинакка кетди.

У беш вақт намозни ҳар кун ўз вақтида адо қилиб, қишлоқнинг ҳар бир маъракаларида муллалар қаторида иштирок этсада, ҳеч қачон «муллалик»ни даъво этмасди. У иймонли бўлиши намоз ўқимоқ, яратганга шукур айтмоқ ҳамда тан ва қалб поклиги деб биларди.

Кўпчилик мусулмонлар қатори Шароф тегирмончи ҳам шариатда жума куни ишлашни нодуруст деб билар ва пайшанба куннинг пешинидан сўнгги аср намозини, жума кунги пешин, асрни қишлоқ масжидида жамоа бўлиб ўқирди.

Қишлоқнинг бош мулласи Мустафоқул Қори деган ёши қиркни қоралаган киши бўлиб, у Бухородаги Мир Араб мадрасасини тутгатган. Саводхон бу киши Қуръони Каримни бошдан оёқ хатм туширган, ёд билган. Шу билан бирга Саъдий Шерозий, Бедил, Навоий ва бошқа кўлгина шоир ва адилларнинг шеърлари, асарлари ва баёзларининг аксариятини ёд биларди. Шу сабаб жума кунлари, қишда офтобда тобланиб, масжиднинг ташқи деворига суюнишиб, ёзниг иссиғида масжиднинг соясалқин айвонида ўтириб олган муллалар ва намозхонлар соатлаб Мустафоқул Қорининг авлиёлардан нақл қилишини, шеърхонлик қилишини қизиқиб тинглашар, саволлар беришиб, узок вақт суҳбат қилишарди.

Агар Мустафоқул Қори бир юмуш билан суҳбатга турмай кетиб қолса, умрларида бирор диний китобни қўлига олмаган чаласавод муллалар ҳар мавзуда тортишишиб бачканалик қилишар, ҳатто баъзи «ўткирлари» «дин зоҳидиман», — деса, баъзи бирорлари валийлик даъво қилишарди.

Албатта, бундай «ўткир»ларнинг сўзлари бошқасига ёқмас натижада тортишувлар даҳанаки жанжалларга олиб борарди. Бундай пайтларда масжид имоми — Ҳусанхонхўжа исмли катта мулла билан Шароф тегирмончи уларни инсофга чақиришар ва аксар ҳолларда «нафаси ўткирлар» ҳамда «валийларни» яраштириб қўйишарди.



Мана бугун ҳам, юқорида айтилганидек, Шароф тегирмончи аср намозини масжидда ўқишини ният қилган ва унгача талайгин на вақт борлигини кўзлаб пинак қилиб олмоқ мақсадида чўзилган.

Роҳат ойим ҳовлидан шошилиб уйига кирди-да, уйқу элита-ётган Шароф тегирмончини турткиласди.

— Дадаси, дадаси. Турсайиз-чи!

— Ҳа! Нима дейсан, тинчликми? — деди Шароф тегирмончи, уйқу аралаш, бошини кўтариб.

— Муродга бўлди қип, демайсизми? Анчадан бери хуржуннинг икки кўзини тупроқ билан тўлдириб, кўтариб ўйнаяпти.

— Астағфурилло. Шунга мани уйғотганмидинг? О бўлди қил дегин, тамом!

— Айтдим, кўп айтдим. Кулади. «Сизга оғирдек туюлади, мен учун енгилгина, бироз кўтариб чигил ёзди қилиб олай, онажон», дейди. Бунақада бир хасталикни топади. — деди Роҳат ойим йигламсираб

— Полвон дегани тиниб-тинчимас бўларкан-да, ўзи, — деди Шароф тегирмончи ва уйқуси бузилганидан норози аснода, бош чайқаганча, ҳовлига чиқди.

Ҳовли ўртасида каттагина хуржуннинг иккала кўзини тупроққа лиқ тўлдирган Мурод, терга ботганига қарамай, машқ қиласди.

— Э-би, қўй хуржунни ерга! Ҳозир юрагинг ҳовлиқиб йиқиласан! — дея, Шароф тегирмончи ўғлининг елкасидан юкни кўтариб олиш илинжида, шошилганича, уриниб кўрди. Аммо бунинг уддасидан чиқа олмади.

— Ҳозир, дада, ҳозир, — деди Мурод ва секингина, тупроқ тўла хуржунни ерга қўйди.

— Қани, уйга кир, болам. Қизиб кетибсан, шамоллаб қоласан, — деди Шароф тегирмончи, ўғлининг елкасидан оҳиста суриб, уйга ундаркан. Роҳат ойим қўлидаги сочиқни ўғлига узатиб:

— Ма, болам, тезроқ артии. Мен ҳозир тўнингни олиб чиқаман, — деганича ичкариги уйчага ўтди.

Шароф тегирмончи эса, кўрпачага ўтириб, чарчоқ оёқларини узатиб олди-да, ўғлини дўқ аралаш койий бошлади.

— Ўғлим, сен бунча юкни кўтариб отмидинг, туямидинг? Ахир бу танажабрлик-ку! Бунақада ўзингни-ўзинг хаста қилиб

қўймогинг ҳеч гал змас. Мен санга неча бор айтганиман, «Оғир юк кўтариб ўйнама» деб, қайта бундай қилмиш устинда мен сани учратмайин!

Мурод сочиқ билан олдин тер оқаётган юзини, йўғон бўйни-ни, сўнгра кенг елкасига мос қилиб тикилган ёқаси жиякли сурп кўйлагидан бўртиб турган кўкрагини артаркан мулойим оҳанг-да гап бошлади:

— Дада, мен энди ёш эмасман. Машқ қилавериб тобланган-ман. «Сизга оғирдек туюладиган бу юк мен учун енгилгина», деб онамларга айтсан ҳам ишонмайдилар. Нуқул, «Юкни қўй, зўриқасан!», деб туриб оладилар. Ахир, енгилгина юк билан қандай зўриқасан, киши?

— Енгил эмиш, — дея асабийлашди Шароф тегирмончи, — кеча ҳайит куни, «менинг борарим бор, тегирмонни ишлатиб тур», десам икки қоп буғдойни, икки елкангта қўйиб найранг қилибсан. Қоллардан бирининг тешиги бор эканми, бир қадоқ чоғи буғдой ерга тўкилибди.

Суҳбатга қўлида қора тўн кўтариб чиққан Роҳат ойим ара-лашди:

— Болам, яқиндагина сув тўла қўшқулоқни кўтариб эдинг, бир қулоғи синди, — у ўғлининг елкасига тўнни ёйиб ташлар-кан, гапида давом этди. — Энди ўша қўшқулоқда ўзингдан бўлак ҳеч ким сув келтира олмайдиган бўлди.

Дарҳақиқат, ичига тўрт-беш чепак сув сифадиган ҳажмдаги бу қўшқулоқ рўзгорнинг яхшигина ҳожатбарори эди. Унда қишлоқ четидан ўтган Зарафшон дарёсидан тиниқ оқар сув келтирилиб, фақат чой ҳамда кунда бир маротаба пишириладиган камтарона овқат учун ишпатиларди. Рўзгорнинг бошқа зару-ратлари учун эса сувни атрофдаги ариқ ва қудуқлардан кўза ёки мешларда келтириларди.

Онасининг қўшқулоқ ҳақидаги жонғифонлик билан гапир-ганини тик турганча, боши эгик алфозда тинглаётган Мурод лабида кулги билан:

— Берди савдогарнинг маърака ошида кураш тушиб, муко-фотига каттагина кўза олганман-ку, яна машқ қилаверсам, бир неча кўза соврин оларман, иншоолло, — деди. Ўғил бу билан ота-онасининг курашга бўлган қизиқишларини орттиришга ва уларнинг ризолигини олишга интилаётган эди.

Муроднинг кураш тушишига келганда, сўнгги икки-уч йил ичиди нафақат Сайёт қишлоғи, балки Пойканд ҳудудида

ұтказилаётган барча байраму түйлардаги курашларда Мурод-нинг кураги ерга теккани йўқ. Шу сабабдан унинг полвонлиги овоза бўлиб барча қишлоқ одамларини лол қолдирган эди. Ёш полвоннинг кураш тушишини томоша қилган кексалар Шароф тегирмончига: «Ўғлингни эҳтиёт қил, кўз чалиб қўймасин тағин», деб айтиб ҳам қўйишарди.

Аслида, Шароф тегирмончига одамларнинг «полвоннинг отаси» дейишлари хуш ёқса-да, қарияларнинг «кўз чалиб қўйиши» ҳақидаги насиҳатлари, Роҳат ойимнинг болажонлиги уни Муродга «Кураш тушишни тарк эт!» дейишга мажбур этарди. Шу сабабли ўғлининг гапини тинглаган бўлиб жим турди-да, сунгра чуқур нафас олиб:

— Ўғлим, синглингни Худо кўп кўрган экан, — Шароф тегирмончи Муроддан икки-уч йил кейин түғилган қизининг олти ёшида, зотилжам касалидан нобуд бўлганини назарда тутмоқда эди. — Сен ёлғиз ўғлимизсан. Ахир, мундоқ тушунсангчи, кейинги пайтларда, сенинг тўғрингда мақтov гаплар кўпайиб қолди. Ёмон кўздан сақлан, деймиз-да, азбаройи Худо! — деди, куюниб.

Эрининг ҳар бир гапини бош силкиб, маъқуллаб турган Роҳат ойим ҳам ўғлига юзланиб:

— Шундай, болам, шундай. Бу кундан қўяқол, давраларга чиқиб таталашишингни,— деди, йифламсиб.

Кўнгли алланечук бўлган Мурод бироз гуноҳкорона тикилиб тургач:

— Майли, мен даврада кураш тушмайман. Аммо енгил-елпи юк кўтариб тобланишимга қаршилик қилмасаларингиз бўларди, — деди.

— Мана бу бошқа гап, ўғлим, — деди Шароф тегирмончи,— юкни ҳам енгилгина кўтариб машқ қиладирғон бўлсанг, майли.

Мурод ота-онасини даврада кураш тушишга кўндира олмаса-да, «енгилгина» юк кўтариб машқ қилишига розилигини олганидан хурсанд бўлиб, кўзларида сурур билан:

— Хўп, айтганингиздек бўлади, — деб болаларча жилмайиб қўйди.

Шароф тегирмончи эса, ёнбошидаги лўла болишни олиб чўзиларкан:

— Энди менга халал берманглар, тегирмондан чарчаб чиқиб, аср намозигача дам олсам, деб эдим, — деди.

Мурод ва онаси секингина ҳовлига чиқиб кетишиди.

#### 4. БЕРДИ САВДОГАР

1907 йилнинг кузи. Куннинг сахар ва шом пайтлари, киш яқинлашаётганини эслатиб, киши баданини ёқимсизгина чимчилаб қўйса-да, пешин чоғларида қўёш нури яхшигина элитиб олади.

Шароф тегирмончининг ҳовлисида ўсган улкан тут дарахти баҳорнинг сўнгги чорагидан то кеч кузга қадар баргларини қўёш шуъласига тоблаган ҳолда кишининг дилини яйратувчи кўхлик манзара касб этиши билан бирга, хонадон соҳиблари учун соя-салқин ҳосил қилиб турувчи табиий соябон ҳам эди.

Дарҳақиқат, қуюқ сояли бу балхи тут соясида узунчок шаклли обиғиштлардан чиройлигина сўри қурилган бўлиб, унинг устига олдин бўйра, сўнгра қалингина кигиз ёйиб ташланган. Меҳнат қилиб чарчаган ҳар қандай киши бундай соя-салқин жойда мириқиб чой ичса ва дам олса, тану жони ҳаловат топади.

Куз охирлаб бораётганига қарамай улар ўша тут соясидаги сўри устида тушлик қилмоқдалар. Ўғлининг қатиқланган гўжани иштаҳа билан ичиб тугатганини кўрган онаси унинг қулидаги косасига қўл узатиб:

— Болам, яна бир косагина овқат қуйиб берай, еяқол, — деди.

— Ҳей онаси, сўраб нима қиласан? Ахир, қачон боланг бир косагина овқат еб, «Бўлди, тўйдим» деган. Бундан ташқари, тандир-ӯроқ учун ёвондан икки боғ юлғини орқалаб, кўтариб келган бўлса яна бир коса гўжани сайди-да, — деди отаси кулиб.

— Дада, онам пиширган овқатни сира еб тўймайман. — деди Мурод бир зум туриб, онасига меҳр тўла кўзлари билан боқаркан. — Шундай экан, яна бир коса бўлса ҳам жон деб еявераман-да.

Ҳаммалари кулиб олишди.

— Каттагина йигитсан, меҳнат қиласан, онажонинг бўйингдан. Ҳозир қуйиб бераман, — деб, Роҳат ойим қўлида коса билан ўрнидан турмоқчи бўлди. Икки ҳовли наридан эшитилаётган, болаларнинг кий-чувидан ниманидир англаган Мурод уни тўхтатди:

— Онажон, бўлди. Емайман. Кўчага чиқаман. Карвон келаётганга ўхшайди. Ана, ана Саъди «Карвон, карвон!» деб бақирайти.

— Саъдулла ўзи доим шунаقا бақириб-чақириб ўйнаб юради. Овқатингни еявер. болам, — деди Роҳат ойим ўғлига термулиб.

Мурод адашмаган эди. Саъдулланинг уйи катта йўлга яқин бўлғанлиги учун Бухоро шаҳри томонидан келаётган юк ортилган туялар карвонини кўрган эди.

Шу пайт Саъди ва Муродларнинг ҳовлиси оралиғида жойлашган Хўжжи чўпчининг ўғли Рўзи унинг ҳовли пахсасидан бош чиқариб:

— Мурод, эй, Мурод! Карвон келаяпти, карвон. Берди савдогар келди, — деди.

— Дада, дастурхонга дуо ўқиб беринг. Рўзилар билан катта йўлга, карвоннинг истиқболига чиқамиз, — деди Мурод.

— Ўзим ҳам чиқаман, — деди Шароф тегирмончи қизиқшини яшира олмай. — Қани, Берди савдогар нималар олиб қантатётган экан? — дея, қўшиб қўйди.

Улар дастурхонга қўл очиб дуо айтишди.

— Таъба, туя кўрмаганмисизлар? — деди Роҳат ойим, ҳовлиқиб ўринларидан қўзғалишган ота-болага истеҳзоли оҳангда.

Мурод шошиб кўчага чиқди. Бир пайтнинг ўзида Рўзи ҳам, ҳовлиққанча, кўчага отилиб чиққан эди.

— Мурод, катта йўлгача ким ўзарга югурмизми? — деди Рўзи.

— Майли, югурмиз, — деди Мурод, кўшини боланинг таклифини рад этгиси келмай.

— Бўпти, — деди Рўзи ва тез югурга кетди.

Қорача юзлик, қотмадан келган, узун бўйли бу йигитнинг бўйи Муроднидан бирозгина паст, ёши тўрт ёш кичик бўлса ҳам жуда чаққон эди.

У Муроддан саккиз-ўн қадам олдинроқда туриб югуришни бошлиди. Орқасидан Мурод ҳам югурди. Икковлари катта йўлгача бўлган юз қадамча масофани шиддат билан босиб ўтдинлар. Йўл охирида Мурод Рўзига етиб олиб, елкасидан ушлади.

— Мурод, тўғрисини айтсан, — деди Рўзи, югурниб чарчагани боис, гапиролмай чайналиб, — мен сени полвошлигинг туфайли, ҳўқиздек кучли деб билардиму, аммо бунақанги чаққонлигини энди билдим.

— Вой мириғ-эй. Ҳўқизга ўхшатармидинг мени?

— Нима бўпти, ўғил боласан-ку! Қизиқ, кеча уйда опам Қизлархон билан Гулчи опа сұхбатлашиб, сендан гапиришганида, «Мурод ҳўқизни айтяпсизларми?», десам, Қизлархон роса койиди.

— Ростданми. Рұзи? Ростданми? — қизиқиб сұради Мурод, Рұзининг елкасига құли билан қоқиб.

— Ро-о-сі, — деди Рұзи. Аммо унинг диққати суҳбатдан «қочиб» келаётган карвонга қадалған әди. Мурод эса Қизлархон ҳақида әшитиб, курсанд бир аснода туриб қолди. У Рұзидан опаси Қизлархон тұғрисида яна нималарни идір сұрамоқчи бүлди-ю, аммо кеч әди. Рұзи келаётган карвон томон илдам юриб кеттеган әди.

Мурод ҳам келаётган карвонга юzlаниб юра бошлади. Карвон тобора яқинлашиб келди. Унинг теварагини олған йигирма чөглиқ болалар қий-чувлашиб қичқиришар, кузатиб чикқан катталар ҳол-ақвол сұрашиб, «Савдоларингиз бароридан келдими?» деб, олиб келган молларыға күз ташлаб қўйишарди. Карвондагилар эса узоқ мудлат қишлоқда бўлмаганликларидан бўлса керак нукул, «Сизлар яхши юрибсизларми, менинг уйимдагиларнинг барчаси соғ-омонми?», деб тақрор сұрашар ва «Соғлик», «Барчаси соғ», «Сайётдагиларнинг барчаси кўриб кетганиигиздек» каби жавобларни әшитгач, таскин топишар, карвонни кузатиб келаётганларга калла қанд, сақич бўлакларидан тарқатиб чиқар әдилар.

Карвон етмишга яқин юқ ортилган туялар, учта от қўшилган аробадан иборат бўлиб, унинг олдида савдогарларга хос кийинган учта отлиқ келаётган әди. Уч отлиқдан бири Сайётлик Берди савдогар бўлиб, қолган иккаласи Қоракўл беклигининг Қаймоқчи қишлоғидандир. Улардан бири Бозор Шариф ўғли, иккинчиси Ҳомид Ражаб ўғли бўлиб, ёnlарида ёрдамчилари — Бозор Саҳат ўғли, Азим тұякаш, Ёмғирбек исмли шотир йингит ва бошқалар әди.

Берди савдогарнинг қирққа яқин тұяси бўлиб, карвон кўчди куни, яъни савдо йўлига чикадиган пайтда Бозор Шариф ўғли ва Ҳомид Ражаб ўғли каби савдогарлар ҳам унга келиб қўшилди.

Сайёт қишлоғигача етиб келгач, Берди савдогар ўз тұялары билан ажралиб қолар, бошқа савдогарлар эса карвон сафи билан Қаймоқчи қишлоғига етиш учун йўлида давом этарди.

Берди савдогар ўзи билан йўл ва тил биладиган Раҳмат бобо исмли қарияни, Қулли Рұзи исмли, ёшлигидан тұя боқиб катта бўлған, ёши элликни қоралаган тұякашни, унинг қорачадан

келган ўғли Фофур Қорапи ва уч-тұрт чаққон-шотир йигитлар-ни доимо савдога олиб чиқар зди.

Фофур Қора сотиб оладиган молларни ўлчаб оладиган ва ҳисобни чиқарадиган яхшигина баққол ҳамда бazzоз зди. Унинг улдабуронлиги ва аниқ ҳисоб-китобидэн Берди савдогарнииг савдоси доимо бароридан келарди. Шунинг учун ҳам у сафардан қайтгач, қишлоққа ош берарди. У ош куни нафақат Пойканд ҳудудидати, балки Қоракүл беклигининг барча полвонларини курашга таклиф қилиш учун чопарлар юборарди.

Унинг бу галги савдоси ҳам яхшигина даромад берниши тайин бұлса керак. Бу нарса унинг йүлдошлари билән бұлаётган хушчақтақ суҳбатидан күриниб турарди.

— Мана, ман айтган полвон йигит, — деди Берди савдогар Муродни ёнида келаётган иккى отлиқ — Ҳомид ва Бозор савдогарларга таништириб.

— Келишган йигит экан, — деди Бозор савдогар.

— Елқадорлығы ҳам полвон эканлыгини англашиб турибди, — құшиб қўйди Ҳомид савдогар.

— Нима, мени қуриқига мақтаб гапирди, деб ўйловдингизларми? Эртага мен ҳам ош бераман, эшитган, билган полвонларингиз бұлса олиб келасиз-да. Ӯшанда күрасиз, бизнинг Мурод полвонни, — деди Берди савдоілар.

— Бизда ҳам зұрлари бор, олиб келамиз, — деди Бозор сарбон.

— Ассалому алайкум! — деди Мурод ўзига яқинлашиб келгандар сарбонларга.

— Ваалайкум ассалом, полвон, — салом-алик қилишди, отлиқлар бірваракайига.

Илонизи катта йўлдан келаётган карвоннинг боши Сайёт қишилогига етиб келди. Шу йўлдан Берди савдогар ўз уйига бурилади. Шунинг учун йўл бошида отининг жиловини тортиб, оркага бурилди-да, тұякашларга карата:

— Тұяларни ажратинглар! — деб буйруқ берди.

Бундай катта карвондан ўз тұяларини ажратиб олишлари учун тұякашлар энг аввало, тосакли тұяларни, яъни бўйнига кичик қўнғироқлар тақилған нор тұяларни ажратиб чиқаришарди. Тосакли тұялар изидан унга узоқ вақт ўрганған ҳамроҳлары — «гурух вакиллари» эргашишади. Агар тосакли тұяга эр-

гашмай қолган түх бүлса, унинг қумфошидан яъни устига ёйиб ташланган матойидан ёки иккала томонига бοғичлаб ташланган ёғоч юқ қутиси — сандиклари, қажаваларидан аниқлаб, ажратиб олинарди.

— Энди мен отдан тушаман. Узоқ йўлда мен Дурдулдан, Дурдул мендан безди, — деди Берди савдогар. Йўлдошлари ва атрофда тўдалангандар кулиб юборишиди.

Берди савдогар ўзининг қизгиш-қорамтири рангли ёлу дули дурдек говланиб турувчи, отини чиройли қилиб «Дурдул» деб атарди. У бу отни попук ва шилшилалар билан безаб минишни ёқтиради. У отидан тушган эди ҳамки, ўғиллари Эргаш ва Ҳамро: «Дадам келдилар, дадам!» деганларича, югуриб келиб, қучоғига отилишиди.

Берди савдогар Бухоро амирлиги музофоти бозорларидан қўшни вилоятларга, Чин мамлакатлари ва Мозори Шарифга кундалик киёйим-кечаклар, қоракўл тери, чарм, қорақурт, тут шинниси кабиларни сотувга олиб кетар, қайтаётгандан: гуруч, чой, шакар, каллақанд. чинни идишлар, матолар, турли қимматбахо тақинчоқларни кўтара харид қилиб қайтар эди. Унинг бу мамлакатларга бориб қайтишига, камида икки-уч аксари ҳолларда беши-олти ой вақт кетарди. Шунинг учунми, у болаларини соғинч ҳислари тўла бағрига босди.

— Асалларим, ҳар кетганда уч-тўрт ой кегаману қайтганимда болаларим анча улгайган бўлиб кўринадилар, — деди Берди савдогар, икки үнпини бағрига оларкан.

— Бола-да, бола «ун сайин бўй чўзади, — деди Ҳомид савдогар кулиб.

— Дада, мени Дурдулга миндиринг, — деди кичик ўғли Ҳамро.

Берди савдогар ўн ёшлардаги кичик ўғли Ҳамрони кўтариб, от устига қўйди ва отининг жиловини қўлига тутқазди.

— Мени-чи, дада? — деди ёлвориб, ундан икки-уч ёш катта Эргаш.

— Сени ҳам миндириб қўямаи, келақол, — леди савдогар ва катта ўғлини ҳам кўтариб згарнинг орқасига, отининг устига ташланган чиройли кумфош устига, миндириб қўйди. Ҳамро «Чу-у-у, жонивор!» дегач, от узоқ орзиқиб кутган хонаси томон шахдам юриб кетди.

Бу орада туккашлар катта карвондан ўз туйларини ажратиб олишган эдилар.

— Демак, эртага полвонларингизни олиб келасизлар-а? — сўради Берди савдогар сарбон ўртоклари билан ажралишдан оддин.

— Албатта, полвон йигитларимиздан икки-учтасини олиб келамиз, — деди Ҳомид сарбон.

— Номдор полвонларимиз бор, олиб келамиз, — деди Бо зор сарбон ҳам.

— Ҳўп, хайр, биродарлар! — деди Берди савдогар, йўлдошларига.

— Эртага кўришгунча, — деди Ҳомид савдогар.

Берди савдогар, атрофидаги қишлоқдошлари билан кичкина йўлдан уйи томон қишлоқ ичига юрди.

— Эртага ош бермоқчимисиз, дойи? — деб сўради бўйчангина йигит, савдогарларнинг ҳалиги гапи юзасидан.

— Кураш ҳам бўладими, дойи? — деди Рўзи.

— Ҳа. Эртага ош ҳам, кураш ҳам бўлади, худо ҳоҳласа. Мурод полвоннинг курашини томоша қиласиз, насиб бўлса, — деди Берди савдогар, ёнида бораётган Муроднинг елкасига қўйл ташлаб.

— Кураш тушардиму, аммо дадам ва онамларга: «Энди кураш тушмайман», деб ваъда берганман, — деди Мурод хижолат билан.

— Нега энди тушмас экансан, Муроджон? Ахир эртага ошга сарой уламоларидан бир нечтасини таклиф қилганман. Уларга мен: «Бизларда зўр кураш бўлади, деб мактаб гапирганман. Сенсиз кураш кураш бўлмайди, полвон».

— Мен-ку, жон деб кураш тушардиму, фақат бунга дадам парнинг рухсатлари лозим, — деди Мурод ийманиб.

— Дадангдан рухсат лозим экан, оламиз. Ана, Шароф аканинг ўзи ҳам дарвозанг олдида турибди, — деди Берди савдогар, дарвозаси олдида туриб, қишлоқ ичига бурилган карвонинг ўтишини кузатиш учун, қизиқиб чиккан Шароф тегирмончи томонга ишора қилиб.

— Ассалому алайкум, таксир! Соғ-омонмисиз, — деди Шароф тегирмончи, Берди савдогарнинг олдига пешвоз чикиб. иккала қўлинни саломга чўзаркан.

— Ваалайкум ассалом, Шароф ака. Омонмисиз?

— Савдонгиз бинойидай бўлдими. гақсир? — деди Шароф тегирмончи.

- Савдомиз-ку, бинойидай, аммо зртага ўтказмоқчи бўлаётган кураш тадбири миз хунукроқ чиқади, деб қўрқаяпман.
- Тавба денг, Берди бой. Тавба денг Ахир, давра боши сиз бўласизу кураш хунук бўлардими?
- Мен, ўғлингиз — Мурод полвонсиз кураш қизмайди, деб айтмоқчиман. Унга сиз кураш тушишни таъқиқлаган эмишсиз.
- Йигит бўлгандан кейин у ер-бу ерда кураш тушиб юргани маъқул. Уни таъқиқлаш шарт эмас, — деди Берди савдогар билан келаётган нотаниш киши.
- Мен-ку, хўп дейман. Аммо... онаизори болажон-да, — деди, ўйланиб, Шароф тегирмончи.
- Ахир, сиз хўп десайиз, заифайиз кўнадилар-да, — деди яна кимдир.
- Хўп майли, Муроджонга кураш тушишга рухсат, — деди ота унга қараб, кулиб турган ўғлига юзланиб.
- Ана бу гап бўлак-да, Шароф ака. Эртага ошга ўтинг, — деди савдогар.
- Насиб, Берди бой. Насиб бўлса, борамиз.
- Қани, ҳоҳиши бор йигитлар бўлса, юринглар. Уйга бориб, юкларни ташиб, омборга киритишга ёрдамлашиб юборинглар! — деди Берди савдогар, атрофидаги йигитларни ўзи билан боришга ундан.
- Биз ҳам борамизми, жўралар, — деди Рўзи.
- Юр Мурод, борамиз, — деди Саъди.
- Борамиз, — деди Мурод.
- Улар Берди савдогар билан кетаётганларга эргашдилар.

## 5. ОШ ВА КУРАШ ТАДБИРИ

Берди савдогарнинг бу тадбирига Сайёт қишлоғининг ёшу қарилари келибгина қолмай, балки Пойканд ҳудудининг ҳамма қишлоқларидан, қолаверса. Қоракўл беклиги қишлоқларининг таниқли полвонлари-ю, жонғифон ишқибозларининг аксарияти жон-жон деб қатнашарди. Бундай жойда бирор киши «доира хабар» яъни айтилмаган жойга келган, деб ҳисобланмасди.

Савдогарнинг ҳовлисида, маърака кунлари, зрталабдан одам гавжум бўлиб қоларди. Бир қарашда уларнинг ҳаракати гартибсиз бир аснода кечеётганлек туюлса-да, аслида, маълум тартиб мавжуд эди. Берди савдогарнинг узоқ-яқиндан келган дустлари

ва савдогар биродарлари, қишлоқнинг бообру кишилари чиройли безатилган меҳмонхонага олиб кириларди. Меҳмонхонага сифмай колган бошқа меҳмонлар кишлоқнинг ҳурматли кариялари билан бинонинг олд айвони сўрисига ташланган кигиз ва шол устига таклиф қилинарди. Меҳмонхона эшиги ва деразаси очик бўлиб, ичкаридаги сұхбатлар ташқаринга эшитилиб турар ва бош мулланинг дуою фотихалари ташқаридагиларга ҳам бирдай тааллуқли эди. Қўшни қишлоқлардан келган бошқа одамлар ва болалар ҳовли атрофи бўйлаб супа бетига ташланган шол ва кигизлар устига ўтириб олишган. Бошқа бирлари эса супа бетига белбоғларини ёйиб ташлаганларича ошдан насибаҳўрлик қилишарди. Маъракада икки мисқозонда ош пишарди. Уларнинг бирида пишадиган ош кўпчиликка, иккинчи, кичикроқ мисқозонда, Берди савдогарнинг азиз меҳмонларига аталган сергўшт ош бўлиб, устига чалов. яъни майда киркилган қовурилган гўшт сепиб сузилар эди.

Бугунги тадбирнинг ҳам ўзига хос қатъий тартиб қоидаси мавжуд эди. Бу қатъийлик уй эгаси томонидан змас, кўпроқ меҳмонлар томонидан юзага келганди. Бунинг бирдан-бир сабаби янги полвонларнинг курашини кўришга келган Бухоро амирлиги қозикалони Бадриддиннинг хўжалик мудири Мулла Мирза ва яна икки нафар сарой амалдорининг ташрифи эди. Мана шу кишилар ҳурмати вожидан катта қозон атрофига ҳар галгидек қичқириб гапиришлар, суқулиб товоқ узатти қилишлар йўқ эди. Бу эса, ёши элликдан ошиб, олтмишни қоралаган, узун бўйли, қнрра бурун, келишган сийратли ошпаз — Умр бобога енгиллик бағишиласа-да, қозон тубида колиб кетаётган паловига ачинганидан, тез-тез: «Паловга келинг. меҳмонлар. Паловга келинг!» деб чақириб қўярди.

— Умр бобо, ош қолган бўлса зиёни йўқ. Ҳали олдинда кураш бор. Ўша даврада ҳам, кечикиб келган меҳмонларга сузасиз. **Ха.** улардан ҳам ортса, ҳар галгидек, қишлоқнинг бева-бечорлари-ю карияларига. беморларига ўзим тарқатиб чиқаман. — деди қишлоқнинг хабарчиси — Акбар ғуррон, салгина нарида ўрнатилган кичик мисқозон бошида туриб.

Акбар ғуррон сочу соколига оқ оралаган, тўладан келган, калта бўйлик. ёши кирқдан ошган киши бўлиб, унинг овози жуда баланд эди. У қишлоқнини ҳар бир тўю маъракаларига хабарчиллик қилар ва табиийки, ҳар бир маъракага аралашиб юрар-

ди. Мәхнатсеварлиги ва ҳалоллигини ҳисобга олиб қишлоқнинг бош ошпази Умр бобо уни ўз ёнига ёрдамчи қилиб олган эди.

— Тўғри айтасан, Акбаралн. Маъқул гапни дединг, — деди Умр бобо.

— Мана биз ҳам ўзимизга тегишли мәҳмонларни ош билан таъминлаб ҳам бўлдик. Энди баҳузур ўтириб ошхўрлик қилсак бўлар, насиб бўлса, — деди, нуқул мәҳмонхонага ош ташиб, хизматини ниҳоясига етказган, Фофур Қора.

— Мәҳмонларни совган бўлсангиз, келинг, ўзингизга ҳам, чаловлигина қилиб ош сузиб берай, Фофуржон, — деди мискозон ошпази Акбар фуррон.

Адён-адёнда Умр бобо олдинга ҳам товоқ кўтариб келиб турар эдилар.

Мәҳмонлар ошу неъматлардан тўйиб, дастурхонга ҳеч ким кўл узатмай қўйгач, Мулла Мирзо уй эгасига қарата:

— Бердибой, назаримда ҳамма овкатланиб бўлди. Дастурхонга дуо ўқилса, дейман. Пешин намози яқин, уни адо қилиб бўлгач, маъраканинг иккинчи фаслида катта полvonлар курашини томоша қилардик, — деди.

— Модомики, шундай экан, марҳамат, Мустафоқул Қорига баҳш этдик, ўқисинлар, — деди Берди савдогар.

— Марҳамат, Қори дўстим, — деди Мулла Мирзо.

Ўтирганларнинг барчаси Қорига юzlаниб: «Марҳамат, марҳамат Қори» дейишиди.

Мустафоқул Қорининг ўзига ром этувчи қироати мәҳмонхонанинг очиқ деразасидан бутун ҳовлига тарқала бошлади.

Дарвоке, Мулла Мирзонинг Мустафоқул Қорини «дўстим», дейиши бежиз эмас эди. Улар аввалдан таниш ва инок зилилар. Бунга сабаб, Мустафоқул Қори қишлоқнинг бош мулласи бўлибт이나 қолмай, Пойканд худудидан тушадиган ариза ва шикоятларни амирлик қозикалонига етказувчи котиб ҳам эди. Унда тўртбурчак шаклидаги кумуш муҳр бўлиб, унда «Мустафоқул Қори», деган арабча битик бор эди. Шу худуддан берилган ариза ва шикоятлар Мустафоқул Қорини, ёхуд унинг муҳрисиз инобатга олинмас ва кўриб чиқилмас эди.

Мустафоқул Қори тез-тез қозикалон олдинга бориб тургани боис унини ёрдамчиси мулла Мирзо билан дўстлашиб қолишганди.

Қорининг ошга ўқиган дуойи фотиҳасидан сўнг ёш болалар ва ҳангоматалаб катталар ҳовли ўртасига ёйилган қум устида кураш бошлаб юбориши. Меҳмонхона ичидағилар ва олдидағилар эса қўзғалишмай бир дам суҳбат қилиши.

— Берди ака, қани, сизнинг мақтаган полвонингиз Муроджон, кўринмаяпти? Бу дейман, бизнинг полвонларни кўриб, қўён бўлган бўлмасин, тагин? — деди Берди савдогарнинг савдогар дўсти Ҳомид. Кўпчилик баралла кулиб юборди.

— Ҳа, энди, бизнинг алплар ҳақиқий полвонлар-да, — ёнида ўтирган икки полвондан бирининг елкасига қўл ташлаганча қўшиб қўйди Бозор сарбон.

— Бизнинг Муроджон меҳмонхона ташқарисида ўтирибди. Ичкарига кир десам, тортинди. Ҳали ёш-да, уятчанлиги бор, — деди Берди савдогар.

— Кирсинглар. Полвонга бир назар солайлик, кам бўлмайди, — деди Мулла Мирзо.

Берди савдогар меҳмонхона эшигидан ташқарига чиқиб, сўрида ўтирганлар орасидан, Муродга яқинроқ борди-да:

— Полвон кел, ичкарига кириб, меҳмонларга ўзингни бир танишириб қўй! — деди.

— Йўғ-э, дойи\*, насиб бўлса даврада кўрарлар, — деди Мурод торгиниб.

— Келсанг-чи, меҳмонлар интизор бўлмасин, — деди савдогар.

Мурод Берди савдогарнинг орқасидан меҳмонхонага кирди. У кириши билан қўлларини кўксига қўйиб, ўтирганларга салом берди. Ўтирганларнинг барчаси алик олдилар.

Ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги Йигитнинг кенг елкаси эшик олдини тўсив турса-да, ўтирган полвонлардан унинг ёши хам, жуссаси ҳам кичик зди.

Дарҳақиқат, бугунги курашга Пойканд ҳудудининг барча қишлоқларидан, шунингдек, Бозор ва Ҳомид савдогарнинг Қаймоқчи қишлоғидан яна икки полвон келишган бўлиб, уларнинг ҳаммаси танилган, забардаст полвон эдилар.

— Мурод полвон деганингиз мана шу гўдакми, дейман? — деди кинояли оҳангда қаймоқчилик Ҳасан полвон, Ҳомид савдогарга.

\* Дойи – тога

— Ҳа, шу йигитча, — деди Ҳомид савдогар қишлоқдош полвонга бош чайқаб.

— Сайли, Мурод полвон деганлари мана шу тирмизак бола зкан. Зап сенбоп экан. Сен курашавер у билан. Мени Ҳомид ака билан Бозор ака ваҳима қилиб, қуриқага олиб келишибди, — деди, масхараомиз оҳангда Ҳасан полвон ўзи билан бирга келган Сайли полвонга ва бош иргиб кулиб қўйди.

— Нега энди айнан мен билан кураш тушар экан. Мана, ҳовлида кураш тушаётган болалар бор, қўшилиб тушаверсин, — деди Сайли полвон, ҳовли супасига ёйилган қум устида ўзаро таталашиб кураш тушаётган болаларни кўрсатиб.

Меҳмонхонада енгилгина кулги бўлди.

Зўр ва билимли кишилар табиатан мулойим, иродали ва камгап бўладилар. Муроднинг табиатида мана шу хислатларнинг барчаси мужассам бўлибгина қолмай, у келишган ва нур юзли эди. У Пойкандга меҳмон бўлиб келган бу икки полвоннинг андисасизларча айттан масхараомиз сўзларидан ўта ранжиган бўлса-да, буни уларга ҳам, меҳмонхонада ўтирганларга ҳам сеззирмай:

— Полвон акалар, тўғри айтасиз, мен ёшман. Лекин кураш тушиш истаги билан келган экансизлар, муродини изга албатта етасизлар. Пойкандда Ҳайдар полвон, Абдукаримхон полвон, Абдураҳмон полвон каби давра кўрган полвонлар бор. Ўшаларни сизларга муносиб биламан, — деди.

— Ў-ў-ў бола, ўша сен айтган Ҳайдар полвонинг билан Абдураҳмон полвоннинг бир йилча бурун йиққанман. Абдукарим полвонинг эса ҳали сўтак. Унақалар билан сен кураш тушиб юравер, эшитдингми?! — деди Сайли полвон.

— Ё, Сайли аканг сени ҳам, лўла ёстиқдай иргитиб, ўйнаб, тўшининг тагига олсинми, ука?! — деди Ҳасан полвон, жиддий одангда.

— Полвонлар, «Инналлоҳа муассабирин!» — деди Мустафоқул Қори, полвонларнинг сұхбатлари жиддий тортишувга айланиб бораёттанини англаган ҳолда ва айтган арабча сўзларнинг маъносини ўзбек тилига ўгирди, — яъни «Аллоҳ сабр қылувчилар билан биргадир!» дейилган оятда. Сабр қилинг. Ана ҳозир, пешин намозидан сўнг, катта полвонлар кураши бошлигиди. Ўшанда синашасизлар.

\* Қуриқага – бекордан-бекорга

— Майли, мен борай, — деди Мурод ва эшикдан ташқарига чиқди. Унинг орқасидан Берди савдогар ҳам эргашиб чиқди.

— Муроджон, бу полвонлар сенга қараганда кучлироқقا ўхшайди. Сен ҳали ёшсан, кучга тўлиб борасан. Улар билан бу кун змас, орадан бир-икки йил ўттач, яна ҳам кучга тўлганингда курашарсан, — деди савдогар.

— Йўқ, дойи, курашаман. Агар Аллоҳ омадимни берса, бу андишасизларни бир қўлдан ўтказмай йиқитишга ҳаракат қиласман, — деди Мурод, босиқлик билан, майин оғангда.

Муроднинг ўта хотиржамлик билан гапиришига қарамай, суҳбатдоши унинг қалбига ғазаб учқуни тушганини сезиб қолди. Чунки, Мурод курашаётган ҳарифи ундан жуда ожиз бўлса ҳам ҳурмат қилар ва уни одоб юзасидан, уч қўл курашиб бўлгачгина йиқитарди. Унинг бу одатини Берди савдогар жуда яхши биларди. Бу гал у «Бу андишасизларни бир қўлдан ўтказмай йиқитишга ҳаракат қиласман», деди. Берди савдогар Муроднинг бу сўзларидан фурури, ориятига тош отилгани, ғазаби қўзғигани ва унда ҳосил бўлган асовликни фақат ва фақат олишув босиши мумкинлигини англаб:

— Майли, Аллоҳ омадингни берсин, — деди, ўнг қўлини йигитнинг елкасига ташлаб.

— Айттанингиз келсин, — деди Мурод.

Савдогар ичкирига — меҳмонлар олдига кирди. У Мулла Мирзога назар ташлади. Мулла Мирзо унга афсус билан, ачиниш билан қараётгандек эди. У бу қараши билан Берди савдогарга «Сенинг мақтовли Мурод полвонинг бу полвонлар олдида жуда ожиз», дегандек бўлди, гўё.

— Берди ака, ўтиринг. Даврага кичкина фотиҳа ўқийлик. Биз пешин намозини қишлоқ масжидида ўқишини ният қилдик, — деди Қори. Савдогар ўтирганлар даврасига чўккач, Қори қисқагина фотиҳа ўқиди. Сўнгра ҳаммалари ўринларидан гуриб, ташқарига чиқишиди. Улар ҳовлида қий-чувлашиб кураш тушаётган болаларни четлаб ўтишиб, масжид томон кетишиди.

Ҳовлида, меҳмонлар орасидаги полвонларни қузаттан кишилар бир-бири билан ўзаро баҳслашар эдилар. Улардан бири: «Ана у полвонларни кўрдингми? Бизнинг Муродга йўл бўлсин», деса, иккинччиси: «Бизнинг Мурод ҳам шердай кучли ва чақон, буларга олдириб қўймас», дер эди.

— Фоғир, барча гилам ва шолларни олиб кел, давра атрофина тузатамиз! Мәҳмонар бирров масжидга бориб келишгач курашни боштайдыз, — деди Берди савдогар.

— Хүп бўлади, бой ака, — деди Фоғир Қора ва шошилиб мәҳмонахона тараф юрди.

\* \* \*

Қоракўл беклигида, айниқса, Пойканд ҳулуди қишлоқларида, ҳар бир тўйу базмларда кураш беллашувининг тақирил қилиниши одатий ҳолга айланган. Мазкур ҳудуд ҳалқининг тез-тез кураш беллашувлари ва бошқа ўйинлар ўтказиб туришини қуидагиларга боғлаб изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, бу қишлоқлар Зарафшон дарёси бўйндаги унумдор ва серсув воҳада жойлашганидан ҳалқ дастурхонининг тўқислиги бўлса, иккинчи важ қадим мозийга бориб қадалади. Тарихдан маълумки, бор-йўғи 72 таноб майдонда жойлашган Пойкенд шаҳристони аҳолисининг деярли барчаси савдогарлик билан шуғулланган. Улар ипак йўли ва дениз орқали бориладиган мамлакатлар билан савдо қилгандар. Шу боис бу шаҳар ўз замонасидаги, дунёning энг бой шаҳарларидан бирига айланган. Афсуски, Ўрта Осиёга бостириб кирган босқинчилар жиноий ва маҳаллий тұдалар кичик, аммо бой бу шаҳарни талаб ўтишни назардан қочирмаганлар. Бироқ, Пойканд шаҳрининг мустаҳкам мудофаа искеңкомига эга эканлиги, яъни атрофи баланд ва қалин девор билан ўраб олинганилиги боис уни босиб олиш босқинчилар учун осон бўлмаган. Боз устига, узоқ муддат савдо сафарида бўладиган савдогарлар шаҳар аҳолисига мудофааланиш усулларини мажбуран ўргатиб, машқ қилдириб турганлар. Табиийки, қуролсиз мудофааланиш асосини яkkама-якка қўл жанги ҳамда кураш ташкил қилган. Кўпчилик босқинчилар баланд девор билан ўралган, мустаҳкам қалъя ва муносиб ҳимояланна оладиган ҳалқа эга бўлган бу шаҳарни қўлга кирита олмаганлар. Савдогарлар Пойканлга қайтиб келгач, душманга муносиб қаршилик кўрсатиб, уларни чекинтиришга эришганлар. Бу билан улар маҳаллий аҳолига жанг қилиш қоидаларини амалий тарзда кўрсатиб берганлар. Савдогарлар шаҳарни, оиласари-ю мулкини босқинчилардан ҳимоя қилишда мардлик кўрсатганларга, ярадор бўлганларга мукофотлар

улашиб тақдирлаганлар. Алқисса, бундай томошалар катта байрамларга айланган.

Берди савдогарнинг ҳовлиси ўртасига қалингина қум ёйи-либ, кураш тушиш майдони ҳосил қилинган эди. Майдон атро-фининг уч тарафи одамлар билан гавжум бўлиб, яқин турганлари ўтириб олишган, улардан орқадагилар тик турганларича, курашии томоша қилишга ҳозир эдилар. Давранинг бир томо-ни гилам, палослар ёйилган ва кўрпачалар ташланган ҳолда ўз соҳибларига мунтазир эди.

Кўп ўтмай ўн-ўн икки кишидан иборат бўлган маърака-нинг ҳурматли меҳмонлари ҳовлига кириб келдилар. Улар Берди савдогарнинг такаллуфи билан кўрпача устига ўтириб олдилар. Ўртада, гилам устига ташланган баҳмал кўрпача-лар устида, Мулла Мирзо унинг ўнг томонида Мустафоқул Қори, Бозор ва Ҳомид савдогарлар, Ҳасан ҳамда Сайли пол-вонлар ўтиришарди. Бу меҳмонларнинг рӯнарасида базмнинг биринчи фаслига кечикиб келган, Қоракўл беклигининг Қо-раун қишлоғилик Юсуп полвон ўз ўғилчаси билан жойлаш-ганди. Майдоннинг чап томонида Берди савдогар, Бозор за-котчи, Мулла Қурбон, Шароф тегирмончи, унинг ёнида Му-род, Абдураҳмон, Абдукаримхон, Ҳайдар полвонлар ўтириб олдилар.

— Бой ака, марҳамат, чой келтирдим. — деди Фоғир Қора бир даста чинни пиёла билан, чой тўла чойнакни Берди савдо-гарнинг олдига қўяркан . Савдогар «балли» дегандек, мамнун-лик билан бош иргитиб, чойнак-пиёлани олдига тортди. Сўнгра, даврада кураш тушаётган ёш болаларга қаратади:

— Қани болалар, майдончани бўшатинглар, курашганин-гиз етар. Энди даврага катта полвонлар чиқалилар. Вақт бўлди! — деди.

Курашаётганларнинг бири Ҳайдар полвоннинг чамаси ўн бир-ўн икки ёшлардаги ўғли Аҳмад эди. Тўладан келган малла-соҷ бу болакай ўзидан тўрт-беш ёш катта Янгимурод исмли полвон йигитча билан курашаётганди. Улар курашни тўхтатиши-ди. Улар ажралишгач, ғолиб полвонларга мукофотлар улаб турган Қулли Рўзи:

— Ў-ў-ў, полвонлар! Мана, мукофотингизни олиб ўтиринг-лар, — деди ва ҳар икк韶ларига бир жуфтдан калла қанд узатди. Болалар хурсанд ҳолда совринларини олиб ўтиридилар.

— Энди навбат катта полвонларга. Ким курашмоқчи? Чиқсин, марҳамат! — деди Берди савдогар.

— Ҳайдар полвоннинг ўғли ўтириди, энди ўзи чиқа қолсин, — деди Қулли Рӯзи ҳазиломуз оҳангда. Унинг бу таклифи давра аҳлига маъқул тушди шекилли, ҳамма бир овоздан: «Ҳайдар полвон чиқсин! Ҳайдар полвон чиқсин!» дея бошлади. Берди савдогар Шароф тегирмончи ва ёнида ўтирган полвонларнинг «Қани полвон, чиқа қолинг!» деб ундашларидан сўнг, Ҳайдар полвон якtagини ечди. У Мулла Мирзо, Мустафоқул Қори ва Мулла Қурбонлар олдига бориб, тизза ташлаб, уларнинг дуосини олди. Сўнгра ўртага чиқиб, даврани ўнг қўл бўйлаб виқор билан айланса бошлади.

Эгнига полвонларча кийим — чакмон ва узун оқ бўзий иштон кийган, белига белбоғ боғлаган, қорача юзли, қирра бурун, лочин қарашли бу полвон Пойканднинг Солур қишлоғидан бўлиб, Қоракўл бекслигининг барча қишлоқларда ўтказиладиган курашларга, жумладан, Сайёт қишлоғининг маърака ва курашларига ҳам қатнашар эди. Ёши ўттиз тўрт ёхуд ундан каттароқ бўлган, калтагина соқоли ўзига ярашиб турган бу полвоннинг жисмоний бақувватлиги келбатидан билиниб турарди.

У қўлларини бир-бирига ишқаб, ерга боққанича, оҳиста айланар ва аҳён-аҳён атрофга аланглаб, бўлажак рақиби ким бўлишини билишга интиларди. Бирдан даврада қий-чув кўтарилди. «Гиламга» «Бургут полвон» чиққан эди. У шу ҳудуднинг Кулолчи қишлоғидан Соҳиб полвон бўлиб, унинг отаси «Бургут полвон» номи б. машҳур бўлган. Соҳиб полвоннинг отаси даврада қўлларини ёнинг ёйиб, гўё, парвоз этаётган бургут янглиғ айланиши одатидан шу лақабини олган. Ўғли Соҳиб ҳам даврада худди отасидек сакраб айланар, қўлларини атрофга ёйиб учайтган бургут тимсолини намоён килиб, дорбозлар сингари қизиқарли ҳаракатлар қиласади.

Шунинг учун ҳам, ҳалқ томонидан унга отасига берилгани каби, «бургут полвон» лақаби берилган эди. Бургут полвоннинг давраларга чиқиши томошибинларга завқ бағищлаб, унинг ҳар бир чиқиши қизғин олқишиланар эди.

Бугун ҳам у, ўз одатига кўра, қанот ёйиб, сакраб ўйнаган ҳолда даврани бир неча бор айланиб чиққач, тўхтаб қариялардан фотиҳа олди.

— Қани полвонлар, курашинглар! — деди Қулли Рӯзи вақт бўлганлигига ишора этиб.

Полвонлар ўз рақиблари билан ҳурмат юзасидан икки қўлиярини узатишиб кўришдилар. Сўнгра, икки - уч кадам орқага тисарилгач, бир-бирларн томон шиддат билан яқинлашдилар. Беллашув бошланди.

Одатда, давранинг баковуллигини ҳурматли кишилар ўтирган ҳолда, қатъият билан олиб боришар, янгиш ҳолларда атрофдагиларнинг «ҳалол», «чала» деб қичқиришлари инобатга олинарди.

Ушбу даврада кураш баковуллигини давранинг ҳурматли кишилардан бири Берди савдогар ва унинг дўстлари олиб борди. Қулли Рўзи уларнинг ёрдамчиси сифатида давра эълонларини айтиш ва мукофотларни тарқатиш қаби ишларни бажарарди.

Ҳайдар полвон билан Бургут полвонлар беш-олти қўл курашишдилар. Ҳайдар полвонинг ёндан оёқ қўйиб ошириш усулини яхши ишлатиши натижасида, Бургут полвон йиқилди. Даврадагилар, «Ҳалол!», «Ҳало-ол!» деда, қичқира бошлашди.

— Офарин! Ҳайдар полвон деганингиз яхши курашар экан,  
— деди Мулла Мирзо.

— Бу полвон қўшни Солур қишлоғининг олд полвони саналади, — деди савдогар.

Давра давом этиб, томошабинлар ва дўстларининг «чиқинг!», «чиқинг!» деб ундашларидан сўнг, даврага кўп полвонлар чиқиб, ғолиблик нашидаси-ю мағлубият изтироби билан ўтирдилар. Даврани қиздириш учун «товоқ»лар ташланиб, уларни кўтарган полвонлар курашга тушдилар. Кураш давомида Уста Рўзивой полвон билан қўшни Қизилкесак қишлоғидан Бекки полвон курашиб, Уста Рўзивой полвон ғолиб, Абдураҳмон полвон билан Ҳайдар полвон курашиб, Ҳайдар полвон ғолиб, Абдукаримхон полвон билан Уста Рўзивой полвон курашиб, Абдукаримхон полвон ғолиб бўлдилар. Қулли Рўзи ғолибларни бир жуфт ковуш, бир жуфт махси, чинни чойнак-пиёлалар, чиройли ишланган кўза кабилар билан тақдирлади.

Кураш давом этди. Товоқлар ташланиб, давра ғолибларидан сўнгти учинчи даврани бошлашга Ҳайдар полвонни курашга чорладилар. Унга рақиб бўлиб Абдукаримхон полвон курашга чиқди. Қулли Рўзи ҳар галгидек баланд овоз билан даврага чиқкан полвонлар таърифини айтди:

— Мана бу полвон Салур қишлоғининг энг зўр полвони, солурлик машҳур Нур полвоннинг шогирдлари — Ҳайдар пол-

вон. Бу киши эса, Алика Ҳўжа қишлоғининг энг донгдор полвони — Абдукаримхон полвон бўладилар.

— Марҳамат, курашсинглар! — деди баковул — Берди савдогар.

Абдукаримхон полвон Ҳайдар полвондан қариб ўн ёш кичик бўлса ҳам, номдорликда рақибидан қолишмас эди. Тұладан келган, оқ юзли, келишган келбатли бу йигитнинг ишқибоз ва тарафдорлари кўп эди. У яктагини счиб, зғидаги оқ бўздан тиззасидан тўрт бармоқ паст қадар узунликда тикилган чакмонинга ва тўпиники ёпиб турувчи сурп иштонга аланглаб, у ер-бу ерини тузатган бўлди. Сўнгра, белини сёрбар қанжирга билан боғлаб, кекса мулла — Мулла Қўрбон бобо олдига чўкди.

— Мулла бобо, номимга бир дуо ўқисангиз, Аллоҳ ижобатини бериб, шояд қўлим баланд келса, — деди.

Мулла Қўрбон бобо дуога қўл очиб:

— Илоҳи! Аллоҳ ўз иноятларини сендеқ муслимидан дариф тутмасин — ўзи қўллаб қувватласин, болам. Омин, ё Роббил оламин, — деди ва кафтини юзига тортди. Унинг ёнидагилар ва давранинг аксарияти дуога қўшилдилар. Полвонлар даврани бир-икки айланишгач, Берди савдогар:

— Полвонлар, олишинглар! — деди.

Полвонлар икки қўллаб саломлашдилар ва шу наҳзада бир-бирларининг кўзларига бир зумгина назар ташлаб олишди.

Одатий бу қўл сиқишиш тажрибали полвонлар ўнун катта аҳамиятга эга. Кўпчилик наздида бу шунчаки саломлашиш ва муросали курашга дебоча бўлиб тушунилса-да, аслида, тажрибали полвонлар рақибининг панжасига панжа уриб кўргач, унинг қай даражада бақувватлигини деярли аниқ билди олиши билан бир вақтда, кўзларига назар ташлаб, унинг айни дамдаги руҳий ҳолатини аниқлаб олиши мумкин. Улар беллашувни бошладилар.

Кураш давомида Ҳайдар полвоннинг озроқ устунлиги сезилиб турса-да, Абдукаримхон полвон унинг усусларига муносаб қарши усуслар қўллай оларди. Анчагина чўзилган бу кураш сўнггига, давра бошидан курашиган Ҳайдар полвонда бўшашиш пайдо бўлди. Омад келганиданми, Ҳайдар полвоннинг чарчаб қолганиданми, ёхуд Ҳудо ёрлақаганиданми, Абдукаримхон полвоннинг дастпеч усули Ҳайдар полвондек кучли полвоннинг бошини ҳам қилди. Даврадагилар қий-чувлашиб, «Ҳало-ол!», «Ҳало-ол!» дея қичқира бошлашди.

— Ана энди Мурод полвонни Абдукаримхон полвон билан курашга құшсанғыз бүлар, — деди Мулла Мирзо, савдогарға юzlаниб.

— Шундай құлсак ұам бүлади-куя, аммо Муроднинг нияти Ҳасан ва Сайли полвонлар билан курашиш. Шунинг учун, Мурод уларнинг даврага чиқишини кутиб турибди. — Сиз эса бундай қилинг, Фуррон даврага мәйлум құлсінки, агар Абдукаримхон полвонга талабгор бүлмаса, у бош соғринни, яъни күчқорни олади. Шундай дейилсагина ўз кучига ишонадиган полвонлар даврага чиқадилар.

— Маъқул, — деди савдогар ва Қулли Рұзини чақириб, — Эълон қилингки, агар Абдукаримхон полвонга талабгор бүлмаса, у давранинг эңг олд полвони ҳисобланади ва бош соғринни олади, денг, — деди.

Қулли Рұзи даврани айланиб зълонни эшиттира бошлади. Атрофдагилар «Мурод чиқсин!», «Мурод чиксин!» деб қичқира бошлашди. Шу пайт, кутылмаганда, даврага Сайли полвон чиқди. У тұнини ечиб, махсус кураш чакмони билан даврани айлана бошлади. Тұладан келган, кенг елкалы, қорача юзлик бу полвон ўзини ўта викорли тутар ва сажду салдарам билан, қадамларини оқиста босар эди. У даврани айланиш баробарила одамларнинг күэзига тикилар, күпчиликнинг нигоҳини ўзига қаратганидан күтарынкилик билан бүйин мушакларининг чигалини ёзган бұлиб, гарданини чўзиб айлантиради.

— Бардам бүл! — деди Ҳасан полвон.

— Бұлғанда қандоқ, бардамман, — деди Сайли полвон кулиб.

— Ана, энди кураш яна қизийдиган бүлди, — деди Мустафоқұл Қори ённагиларга.

— Давранинг олд полвони аниқланади, — деб полвонларни қитиқлаб қўйди-да, — писанда қилди Мулла Мирзо.

— Ха, ҳали кураш олдинда кўринади, — деб қўйди Берди савдогар.

Полвонлар одатий қўл сиқишишларидан сұнг курашни бошлаб юборишиди. Улар беш-олти қўл беллашишиди. Ҳар қўл курашдан сұнг даврани бир айланар эдилар. Сайли полвон давра айланиб, Ҳасан полвонга яқинлашгач, Ҳасан полвон унга:

— Баччағар тик келаркан, ёндан қўйиб ташла, Сайли! — деди.

— Осон эканда, — деди Сайли полвон.

Уларнинг бу суҳбатини беихтиёр тинглаб турган Мулла Мирзо унинг икки уламо дўсти ва Мустафоқул Қорилар кулиб олишиди.

Улар яна курашиб, Сайли полвон ўнг оёғи билан Абдукаримхон полвоннинг ёнидан қўйиб усул қилмоқчи эди, орқасида қолган Абдукаримхон чап оёғи бармоқлари билан унинг чап оёғини илиб олди. Натижада, Сайли полвон ўзини олдинга ташлаб ҳарчанд кучанмасин, ҳарифини Ҳасан полвон айтганидек, «ёндан қўйиб» ташлолмади. Оқибат ўзи қумга узала тушди. Атрофдагилар юzlари қум билан упаланганд Сайлининг аҳволига «хо-хо»лаб кулиб юбордилар.

Шундан сўнг бир икки қўл беллашишгач, Сайли полвон қалмоқ усулини қўллади ва қутулиб чиқишга ҳарчанд уринмасин, Абдукаримхон полвонни чорасиз қилиб қўйди.

Абдукаримхон полвонни йиқитган Сайли полвон сакраб-сакраб даврани гир айланди. Сўнгра, мукофот тарқатувчи Қулли Рӯзининг олдига келиб:

— Ака, қўчқор қани? — деди.

— Ҳў-ӯ-ӯ ана, сайисхона олдидা, — деди Қулли Рӯзи. Айвонига от ва туялар боғланган катта сайисхона олдидаги, ғарам ёнига боғланган қўчқорга имо қилиб.

— Каттагина экан. Тортаверайми?

— Агар сенга талабгор топилмаса, майли, — деди Қулли Рӯзи.

— Ҳасан мен билан олишмайди. Бошқа ким ҳам бор? — деди Сайли полвон.

Мурод ёнида ўтирган отасига юzlаниб:

— Дада, дуо қилинг, мен чиқаман, — деди.

— Йўғ-э, ўтиранг-чи, болам, — деди Шароф тегирмончи ўғлига қандайдир ички қўрқув билан қараб.

— Муроджон чиқсин. Ҳозир курашмаса, у ўзини бир умр кечирмайди. Қани Муроджон бўл, чиқа қол! — деди Берди савдор.

— Хўп денг, дада, чиқаман, — деди Мурод, кўзлари жовдираб дадасига боқаркан.

— Майли, болам, чиқа қол, — деди розилик билан Шароф тегирмончи ўғлига.

Мурод устидаги кўк қалами яктагини ёчиб, оқ иштон ва ёқаси жиякли, ўзига мос қилиб тикилган сурп яктакда қолди. У белини энли қайиш билан боғлаб, отаси олдига чўкди

— Дуо беринг, дада.  
— Аллоҳ қўллаб-қувватласин. Омин, ё Роббил оламин, — деди, ёйилган қўллари кафтларини юзига суреб тегирмончи. Унинг дуосига қўпчилик шерик бўлди.

Мурод даврани бир айланиб чиқди. Сўнгра, иккала қўлини ёнга ёйиб, мушакларини қотириб керишди. Унинг бу ҳаракатидан сўнг кучига куч, елкасига елка, бўйига бўй қўшилгандек бўлди, гўё. У босиқлик билан даврани айланар экан аҳён-аҳён рақибиға назар солар ва табиийки курашганда қайси усувлар маъқул келишини ўйларди.

— Полвонлар, бошланглар! — деди Берди савдогар.

Даврани айланаётган полвонлар тўхтаб, ўртага юрдилар. Улар рўбарў келишди. Қўлларини узатишиб қўл сиқишилар. Мурод рақибининг қўлларини бир зум қўйиб юбормай, уни ўзига қарашга мажбур этди. Сайли полвон қўлларини ушлаб турган рақибининг кўзларига тикилди. Унинг кўзлари ишонч билан порлар ва: «Энди ўзингдан кўр!» деяётгандек эди. Сайли полвон у билан қўл силташиб шуни англадики, унинг олдидаги ёш бола эмас ёки Ҳасан полвон айтганидек, «гўдак» ҳам, «тирамизак» ҳам эмас, балки қўллари бақувват, кенг елкали, ўзига ўта ишонган полвон турарди.

Сайли полвон ундан кўзларини олиб қочди. Улар қўл сиқишиб бўлгач, бир-биридан икки-уч қадам узоклашдилар.

— Қани, Сайли, омадингни берсин, бос! — деди Ҳасан полвон.

— Омадингни берсин, Сайлижон, — деди Ҳомид савдогар.

— Э-э-э, Сайли полвонга нима бўпти уни йиқитиш. Тўғрими, Сайли? — деди Бозор савдогар.

Сайли полвон уларга қараб, пастки лабини тишлаганча бош чайқади. Бу билан у «Энди менга қийин бўлди», демоқчидаи эди.

Олишув бошланди. Мурод тикка туриб ўнг қўли билан ҳариф чакмонининг чап ёқасидан, чап қўли билан эса, унинг ўнг қўли енгини маҳкам ушлаб олди.

Сайли полвон эса чап қўли билан Муроднинг ёқасидан ушлаб, ўнг қўли билан унинг белбоғидан олишга ҳарчанд уринмасин бунинг уддасидан чиқа олмасди. Унинг бундай аҳволда курашмоқчи бўлишига сабаб, нисбатан кучли бўлган рақиби ни ўзига яқинлаштираслик ва усул бажаришга йўл қўймаслик

эди. У бир неча бор Муроднинг құлларини ўзидан узишга уринди. Аммо бефойда бұлиб чиқди. Чунки, рақиб метиндең құллары билан елкаси ва құлидан ушлаб олган, қутулишига имкон бұлмас зди.

Сайли полвон зғилган ҳолда, тиришиб, йиқілмаслик учун қанчалик уринмасин, барибир күч ўз сүзини айтди. Юқ күтариб, машқ қиласвериб чиниқан Мурод олдинига уни елкасидан юқорига күтарди, сүнгра чап оёғига шундай қоқима қўйдикі, Сайли полвоннинг чап оёғи ердан узилиб, икки тирсак бўйи юқори күтарилди. Шу пайтнинг ўзида, Мурод ўнг қули билан унинг гавдасини чап томонга, пастга тортиди.

Сайли полвон елкалари устига текис йиқилиб, Мурод кўкраги билан устига ташланиб босиб турди. Давра аҳли Сайёт қишлоғини ларзага келтириб «Ҳало-о-ол!», «Ҳало-о-ол!» дей қичқирап эди.

— Ҳалол, ҳалол! — дейишиди гилам устидагилар ҳам, чапак чалишиб.

Муроднинг ғалабасидан бутун давра аҳлигина хурсанд бўлиб қолмай, балки даврадан ўттиз қадамлар нарида, сайисхона олдидаги ғарам устида туриб курашни кузатаётган қизлар ҳам хурсанд бўлдилар. Паранжи ёпиниб олган ўн-ўн беш қизнинг ҳаммаси Муроднинг ғалабасидан қувониб қичқириб юборишиди. Улардан биттаси, айниқса, ўз шодлигини кўпроқ намоён қиласарди. Ёнида турган дугонаси унга:

— Қизлархон, қўшнингнинг полвонлиги ҳаммадан кўра сени кўп хурсанд қилган кўринадими? — деди.

— Иби-и-и, Гулчирой, қара қани, фақат мен змас, ҳамма хурсанд бўляяпти-ку, кўрмаяпсанми? — деди унга жавобан дугонаси.

— Мен ҳам бефарқина чапак чалдим, қўйдим-да. — демоқ чимисан дугона? Ахир ўзинг айтардинг-ку «Баъзан Мурод акам, товорадан бўй чўзиб, менга гап ташлаб қўядилар», деб Ҳозирги қувончингдан билиб олдим уни суюшингни.

— Топдинг, Гулчи, суюман Аммо, ҳали дилларимиз боғлангани йўқ, — деди дугонаси.

— Боғланади, Қизларжон, боғланади. Ҳали айтганди дерсан. Сендеқ сулув қизни ҳеч бир қўшни йигит четлаб ўтолмайди. Айниқса, Мурод акамга ўхшаганлар.

Улар қиқирлашиб кулиб олишдилар. Қизлар қизил атласдан кўйлак кийиб, бошларига қорамтирип паранжи ёпиниб олга-

нидан лолақизғалдоқларни әслатишар. Ғарам устида туриб бир-бирига сүйкалишиб туришлари эса, кир устида ўсган лолақизғалдоғларнинг майнингина шамол таъсирида бир-бирига оҳис-та урилиб-суриласытган манзарасини әслатарди.

Сайли полвон йиқилди. Йиқилганда ҳам уятли йиқилди. Ахир у меҳмонхона ичида, дўсти Ҳасан билан Муродни менси-масдан «гудак», «тирмизак» дея бадзабонлик қилган эди Оқибат-чи? Мана оқибати..

Мурод қўл узатиб, ерга узала ётган Сайли полвоннинг ўрни-дан туришга кўмаклашди. У ўрнидан туриб гангиб қолди. Нахотки «Ҳалол!», «Ҳалол!» деб бақираётган одамлар унинг эмас, рақибининг ғалабасини қутлаётган бўлсалар? У атрофига на-зар ташлади. Ҳеч ким у билан қизиққани йўқ. Аммо рақиби Муродни эмас қандайдир бир ёш йигитни ҳамма кўтариб, ай-лантирялти.

Даврада учта тенгқур чол ўтирас эдилар. Улардан бири. Пойканд ҳудуди бўйича амирлик закотчisi — Бозор закотчи-нинг хизматкори Раҳмат бобо бўлиб, у ориқ, калта бўйли, бир кўзи юмуқ ҳолда туриб, иккинчисини зўр-базўр очиб турувчи, қулоқлари оғир, етмиш ёшлардаги чол эди. Иккинчиси, лофтапларини кўп гапирадиган Гиррик лақабини олган, ёшлигига бакқоллик ва бazzозлик қилган Қурбон бобо эди. Учинчи чол кенг тавдали, тўладан келган, оқ юзли, қирра бурун — хусндор бир киши бўлиб, унинг иккала кўзи ҳам кўр эди. Бу чолнинг номи Ато бобо бўлиб у жуда баджаҳл одам эди.

У сал нарсага истаган одам билан жанжал чиқарар ва бор овози билан бақириб-қичқириб, бадзабонлик қилганича, ўз атрофига ҳангоматалаб одамларни тўплар, бир зумда ўзини «бе-чора-ю» «жанжалкашини» «аҳмоққа» чиқариб қўярди. Шу боис одамлар у билан ўта эҳтиёткорлик билан муомала қилардилар.

— Раҳмат, Шарофнинг ўғли файрни йиқитди, — деди Қурбон бобо.

— А-а-а-а? — дея бақирди Раҳмат бобо, дўстининг сўзлари-ни эшишмаганига ишорат қилиб, қулоғини яқинроқ тутаркан.

— Шарофнинг ўғли файрни йиқитди, — дея янада қаттиқ-роқ бақирди Қурбон бобо, дўсти томон энгашган ҳолда.

— Нима-а-а-а? — қулоғини тенгқурига мумкин қадар яқинроқ тутганича, қичқирди Раҳмат бобо.

— Тўпнинг ўқи! Ҳайронман, Бозор закотчи сендек гарангий қай кунига хизматкор қилиб сақлаяпти? — деди Қурбон бобо,

секинроқ оҳангда, ҳеч нимани эпитетмай бақиртираётган дүстидан хафа бўлиб. У сўнгги гапларини олдинги бақириклардай уч-тўрт чандон пастроқ оҳангда гапирган бўлса-да, Раҳмат бобо бу гал эшитган бўлиб чиқди. У:

— Э-э-э. Оғзингни ёп, Қурвон. Ўзинг ҳам бazzоз бўлиб яшнатганинг йўқ. Ҳул хивичдан ўлчов ясаб, етти газ чит ўлчаганингда Гуллига бир лозим чиқмаган, — деди.

— Ў-ӯ-ӯ, Рамат! Ман санга «Шарофнинг ўғли йиқитди, кўрдингми?» дедим, — деб бақирди Қурбон бобо, гўё бошқа ҳеч нарса демагандек, ўзини сипойи тутиб ва қулоғи оғир дўстига эшитилмайдиган қилиб, олдингидан ҳам секинроқ оҳанг билан қўшиб қўйди, «Ман буни бир кўзи кўр десам, икки қулоқдан ҳам айирган экан-да, бадбахтни» — деб қўшиб қўйди.

У дўстига киноя ташлаб ўз ичини совутмоқчи бўлганди, гўё. Аммо у бу гал ҳам адашган эди. Унинг орқасида ўтирган Ато бобо елкасига асо билан қаттиқ туртиб:

— Эй, Қурвон гиррик. Бундан чиқди, икки кўзи кўрларни «дунё бехабар» демоқчимисан?! Эшитяпмиз. Билиб олдик, Шарофнинг ўғли Мурод Сайли полвон деганинг йиқитганини, — деди.

— Э-э-э, сенлар билан битим ўтирсин! — деди, дўстларидан ранжиган, Қурбон бобо ва ўрнидан туриб кетишга шайланди.

— Ҳой, бобо, қаёққа? Ҳа, ўтиравермайсизми энди. Ҳалигина «Ўтиринг болам, ўтиринг» деб, ёнингиздан жой бериб, мени олиб қолдингиз. Энди «Сенлар билан битим ўтирсин!» деб ўзингиз туриб кетмоқчисиз. Бу қанақаси? — деди, чолнинг елкасига қўлини ташлаб, унинг ёнгинасида ўтирган ўрта ёшлардаги йигит Парда.

— Пардавой, бу жойни сенга мен эмас, Аллоҳ берди. Минг афсуски, у менга бу ердан жой бермоқчи эмас, анави сўқирларнинг дастидан, — деди Қурбон бобо.

У шундай деган эди ҳамки, унинг гапларини эшитиб турган Ато бобо ҳасса билан елкасига зарб билан туширди. Зарб елкага эмас, балки Қурбон бобонинг елкасига қўлини ташлаб гапирётган Парданинг қўлига тегди.

— Воҳ-воҳ қўлим, воҳ-воҳ. Эй Аллоҳ, қаердан жой бердинг манга, кимларга шерик қилдинг мени? — деди Парда кўзлари ни юмиб, осмонга юзланганча. У бир кўзини очиб қараса, Ато

бобо уни урмоқчи бўлиб ҳассасини яна кўтараյпти. Буни кўрган Парда, ҳовлиқъанча, давра бўйлаб тиззалари билан қочди. Қурбон бобо қарадики, Ато бобонинг ғазаби осмон. У яна урмоқчи бўлиб ҳавода асо ўйнатаяпти. Шунда Қурбон бобо ҳам шошганча, Парданинг орқасидан ўтиб тиззалари ва қўллари билан эмаклаб қоча бошлади. Уларнинг қилиқлари даврадагиларнинг қаттиқ қулишларига сабаб бўлди. Парда олдинда, Қурбон бобо орқасидан тиззалари билан юрди. «Ҳассанинг дамидан қутулдим», деб ўйлаган Парда тўхтади. Қурбон бобо унинг орқасига урилди. Даврадагилар янада жарангдор кулиб юбордилар. Мулла Мирзо ҳам ичикиб кулди, сўнгра:

— Бердивой, бу шоёнлик қилаётган мардак билан бобо қишлоқнинг масҳарабозларими? — деди.

— Йўқ. Улар масҳарабозлар эмас. Улар орқаларида ўтирган Ато бобонинг ғазабидан қочиб, бир-бирига тўқнаш келганга ўхшашади, — деди Берди савдогар, кулиб..

— Кўр бободанми?

— Ўшандан.

— Таъба, — деб кулиб қўйди Мулла Мирзо.

Курашда Муроддан йиқилган Сайли Ҳасанларнинг ёнига борди. Үнга «Зарари йўқ, кел, ўтири», дея олдинги ўтирган жойидан — гилам устидан жой кўрсатишиди. Аммо у гилам устида эмас, четроқда, қум устида ўтириди. Унинг шашти синган эди. Мурод билан курашишдан олдинги кеккайиб ўтириш ва атрофга ғурур билан боқишдан асар ҳам қолмаган эди. У ўтириди-ю бошини тиззаларининг орасига яширмоқчидек, эгилди. Сайлининг ҳолатини тушунган Юсуп полвон:

— Зарари йўқ. Буни кураш дейдилар. Ҳозир сенинг ҳурматинг учун тарафингни олиб, Ҳасан чиқади, — деди.

— Чиқмагани ҳам маъқул.

— Нега?

— Шернинг панжасига тушади.

— Қойил, Муродга. Барибир ҳурматинг учун, удум юзасидан, бир қўл чиқсан, — деди Юсуп полвон ва Сайлининг кўнгли учун қўшиб қўйди, — У Муродни йиқитиши ҳам мумкин.

У Сайлининг оғриқ қалбига малҳам излаб шу йўлни тутган, шундай деяётганди.

У жияни Ҳасанни даврага чақириб, Сайлининг ҳурматига Мурод билан олишиши лозимлигини уқтириб:

— Ҳасан, чиқасан. Чиқасан-да, рақибингнинг кучини чамалайсан. Агар у сөндан кучлироқ бўлса, бир кўл курашиб, тан бериб ўтирганинг маъқул. Шу ҳам Сайлининг ҳурмати бўлади. Мабодо ўзингни ундан кучлироқ сессанг у ёғи ўзингга ҳавола, — деди.

Ҳасан полвон кураш тушишга ҳозирлана бошлади.

Юсуп полвон Сайли ва Ҳасан полвонлар узоқ йиллардан бери кураш давраларининг номдор полвонлари сифатида курашиб келаётганини жуда яхши билади. У Муроднинг ҳам кураш тушишини бундан бир ярим йилча олдин кузатган. Ўша пайтда Мурод бирор озғин ва жуссаси нисбатан кичикроқ эди. Ўшанда шердай ташланиб, турли усуллар бажариб, рақибларини мағлуб қилган бу ёш полвонни Юсуп олдига чақириб табриклаган ва маслаҳатлар берган эди. Мана, орадан бир ярим йил вақт ўтиб, тўлишган бўйига янада бўй қўшилган, қоматдор йигитга айланган.

— Мана энди ким ғолиб келса, бош соврин ўшаники бўлади, — деди Мулла Мирзо.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман, — деди Берди савдогар ва яна гапида давом этди, — агар Мурод Ҳасанни йиқитса, жиянининг ҳурмати учун Юсуп полвон чикиши ҳам мумкин. Яна билмадим. Ҳали у ўнг қўли оғригани кураш тушишга эмас, томошага келганини айтганди.

— Юсуп полвон деганингиз қайси бири?

— Ҳў-ў-ўв ана у полвон. Сайлининг ёнида, гилам устида ўтирган қўли боғлиқ йигит.

— Ёш боланинг орқасида ўтирган елкадор йигитми?

— Ҳа, ўша. Олдида ўтирган ўн-ўн бир ёшли бола унинг ўғли Турсунали бўлади. Юсуп уни икки йилдан бери даврама-давра олиб юрар экан Уруғ-аймоғининг барчаси полвон келган. Умуман, уларга полвонлик — ота мерос. Юсупнинг ўзи ҳам танти полвон, — деди савдогар ва суҳбатдошига такаллуф билан бир пиёла чой узатди.

— Бундай давраларда зерикмас экансан киши. Бу даврада кимни сўрасанг номдор полвон бўлиб чиқади. Бухоронинг тўққиз туманида ҳам, ҳатто Бухоро Наврӯзида ҳам бундай қизғин даврани топиш маҳол.

Мулла Мирзонинг худди шундай дейишини кутиб тургандай суҳбатга қишлоқ оқсоқоли ва закотчиси — Бозор закотчи аралашди.

— Бу ҳақда, мавридини топсангиз, амирлик ҳукуматдорларга ҳам сүзлаб берарсиз, деган умидламан. Құраёттаганингиздек, Пойқанд аҳли амиримиз жаноблари неклигидан, улус ободлигидан байрамнишинлик қылладилар.

— Албатта, оқсоқол, албатта, — деди Мулла Мирзо.

Закотчи ёнида үтирган Мулла Құрбон бобога қараб «тұғри дедимми», дегандек, бошини қимирлатди. Унинг нима демоқчилигини яхши анлаган Мулла Құрбон бобо бош силкиб «тұғри», деган ишорани билдири.

Бозор закотчи Пойқанд қишлоқларыда мусулмон аҳоли ва амирлик ҳукумати ўртасидаги муомала — солиқ, үлпонлар — ушр, хирож ва ҳайвонот закоти кабиларни йигувчи киши бўлиб, қатъиятли, шу билян бирга жаҳлдор ҳам эди. Калта бўйлик, тўлача бу кишининг малладан келганлиги, оппоқ юзидағи сарик қошлари остидаги маънодор боқувчи ҳаворанг кўзлари бу муслим ангорини кўпроқ ўрис миллиатига ўхшатиб қўярди. У солиқ, үлпон тўлашга қурби етмаган, кишиларга бирордан қарз кўтартирас ва йигилган нақд закотни ўз вақтида амирлик ғазнасиға етказиб турарди. Бозор закотчи солиқларни ўз вақтида тўламаган кишиларни бадзабонлик билан сўкса-да, унинг халқа ёқадиган томонлари жуда кўп зди. У солиқ, үлпон важидан бирор-бирордан қарз олса, судхўрликка йўл қўймасдан, қисқа вақт оралиғида бу қарзни ундириб берарди. Унинг табиитида одилликка мойиллик пешлиги боис, Сайёт қишлоғи оқсоқоли сифатида ҳам ҳурмати баланд эди.

Закотчи Мулла Құрбон билан кўз уриштириб олгач, яна Мулла Мирзога юзланиб:

— Мулла ака, курашдан сўнг, сизларни бизнинг кулбага ҳам таклифимиз бор. Бир пиёла чой ичиб чиқсангизлар, бошим осмонга етарди, — деди.

— Таклифингиз учун раҳмат, оқсоқол. Насиб этса киармиз. Ҳозир Аллоҳнинг марҳамати билан ана шу полвонлар курашини томоша қиласайлик-чи, — деди Мулла Мирзо.

— Ҳа, бизнинг Муродга ҳам қийин кечадиган кўринади. Ҳасан полвон кучли, номдор полвонлардан, — дея суҳбатга аралашди Берди савдогар.

Даврага чиққан Ҳасан полвон даврани айланы бошлади. Унинг орқасидан Мурод айланди. Мурод ўз одатига кўра, ботбот Ҳасанга боқиб қўяр ва табиийки, унинг кучини чамалар,

унга қарши қандай кураш усулларини қўллаши лозимлигини ўйларди. Даврани сукунат қамраган, одамлар фақат ўзаро пи-чирилашибгина, ким устун келиши ҳақида сўзлашиб олишардилар.

— Қани, полвонлар, марҳамат, курашинглар! — деди Берди савдоргар.

Полвонлар ўртага келиб қўл олишгач, курашни бошлаб юбордилар.

Мурод тик борди ва одати бўйича, ўнг қўлини Ҳасаннинг чап елқасига ташлаб чакмони ёқасидан ушлади. Чап қўли билан эса, ҳарифининг ўнг қўли енгидан ушлаб олди.

Ҳасан полвон эса чап қўли билан Муроднинг чап ёқасидан маҳкам ушлаган, унинг ўнг қўли эса Муроднинг чап қўли чангалида эди. Муроднинг чаққонлиги ва бақувватлиги Ҳасан полвонга панд бераётганлиги сезила борди. У бир неча бор усул қилмоқчи бўлди, аммо Мурод йўл қўймади. Сўнгра Мурод усулга киришди. У рақибини ўзи томон тортди. Ўнг оёғини узатиб, рақибининг оёқлари орасига солди. Ҳасан полвон эса, бор кучи билан уни орқага итарар, биринчи қўлдаёқ йиқилмаслик учун, Муроднинг бу усулидан қутулмоқчи бўлиб, унинг оёғини ўз оёқлари орасидан чиқариб юборишга интиларди. Аммо бунинг имконини топа олмасди. Чунки унинг рақиби анча кучли эди. Мурод бор кучини тўплаб, хиёл чапга бурилган ҳолда, ҳам ўнг қўли, ҳам ўнг оёғи билан кўтариб, рақибининг оёқларини ердан узди ва чапга буриб, ерга ташлади.

Ҳасан полвон елкалари ерга теккан ҳолда, ҳалол йиқилган, Мурод эса тиззалари орасига олиб, унинг кўкраги устига ўтира тушган эди.

Шу аснода Мурод Ҳасан полвоннинг кўзига бир бокди-ю, ундаги аломатларга чидай олмади шекилли, сакраб унинг устидан турди. Мурод Юсуп полвондан ўрганганидек, ўз одатига кўра, Сайлиниг қўлидан ушлаб ўрнидан тургазиб қўйгани янглиф, Ҳасан полвонни ҳам шу тарзда ўрнидан тургазиб қўйди.

Даврада қий-чув бошланди. Сайёт қишлоғининг беш-олти курашга шинавандаси, бараварига даврага отилиб чиқиб Муроднинг пешонасидан ўпишар, қучоқлаб кўтаришар эди. Улар шу қадар хурсанд кўринардиларки, гўё ҳар бирлари забардаст бир полвонни йиқитгандай эдилар.

— Мана буни полвон деса бўлади. Ҳалигина меҳмонхонада дилини вайрон қилган полвонни йиқитгач, унга ҳурмат кўрсат-

моқчи бўлиб, қўлидан тортиб, ўрнидан турғизиб қўйди-я, — деди Мулла Мирзо.

— Бизнинг Мурод полвон босиқ, танти полвон, одоб саҳлай олади, — деди Берди савдогар.

— Бандасига Аллоҳ қанчалик ақл ва куч инъом этса, ундаги иллатлар шунчалик даф еркан, — деди Мустафоқул Қори.

— Ҳасан полвон бошини эгиб ўзига ёпишган кум зарраларини қоққан бўлди-да, гангиганича, қизариб-бўзариб Юсуп полвонлар томон борди.

— Кел, Ҳасан, ўтири, — деди Сайли.

— Биродарлар, Муроднинг полвонлигига тан бермай иложингиз қолмади. Омадини берсин, йигитнинг. Уни Худо ёрлақаган, — деди Юсуп полвон, Ҳасан ва Сайли полвонларга қаратса.

— Яна талабгор бўлмаса, Мурод полвонга бош соврин топширилишини эълон қиласиз, Бердибой, — деди Мулла Мирзо.

— Албатта, Мирзо ака, албатта. — деди савдогар.

Берди савдогар Қулли Рӯзига Мулла Мирзонинг таклифи-ни тушунтириди. Қулли Рӯзи эса, бу эълонни даврага эшигтириди. Мурод полвонга бошқа ҳеч ким талабгор бўлиб чиқмади. Шунда Юсуп полвон:

— Шароф ака, мен Муроджон билан бир қўл курашиб ўтироқчиман, — деди.

— Эби-и, Юсупжон! Қўлингиз оғриқ бўлса, унинг устига Наврӯз байрамида, Чивли қиридаги курашда, Муроджонга қўл бериб, елкасига панжа ургансиз. Ўшандан бери унинг елкаси ерга тегмаган. Шу боис у сизни устоз деб билади. Ёқангизга зиндор қўл узатмас, — деди Шароф тегирмончи.

— Мен Муроджонни шогирдим деб биламан, ака. Уни кучли ва одобли полвон сифатида ҳурмат ҳам қиламан. Аммо Сайли ва Ҳасанлар азалий тәнишларим бўлганликлари боис, уларнинг ҳурматлари важидан, Муроджоннинг елкасига бир қўл қўйиб ўтироқчиман, холос, — деди Юсуп полвон.

— Маъқул гап, майли, полвон, майли, — деди тегирмончи.

Гилам устидагилар ҳам, «Майли полвон, чиқа қолинг» деганларидан сўнг, Юсуп полвон даврага чиқди-да, унга қараб болаларча илжайиб турган Муроднинг олдига, кулимсираб борди. Улар қўлларини тегизиб олишгач, Мурод эгилиб икки қўли билан ўзининг тиззаларини ушлаб турди. Юсуп полвон олдин

унинг елкасига қўйиб олди, сўнгра кафти билан елкасига шапиллатиб :

— Раҳмат сенга, полвон! Кел, бир қучиб, кўтариб қўяй, — деди.

— Йўқ, уста, аввал мен сизни кўтараман, — деди Мурод ва устозига ҳурмат юзасидан, уни баланд кўтариб, турган жойида айлантириди.

Давра аҳлининг кўпчилиги: «Баракалла, Мурод!», «Баракалла, полвонлар!» деб қичқириб олқишилашди. Мурод устозини ерга қўйгач, у ҳам ўз шогирдини баланд кўтарди. Даврада ол-қишилар ва қий-чувлар авж олди. Юсуп полвон шогирдини ерга қўйгач, унинг елкасига қоқиб:

— Раҳмат сенга, Муроджон. Айтгандим-ку, «Усулларни кўп биласан, ишлатишинг ҳам ёмон змас, машқ қиласверсанг сендан зўр полвон чиқади» деб.

— Шундай устоз. Айтганларингизнинг барчасига амал қиляпман.

Улар давра четига Шароф тегирмончи томон юрдилар. Юсуп полвон ўғлини чақирди:

— Турсунали, отда келаётиб, мен сенга: «Келажакда Пой-кандинг олд полвони Мурод полвон бўлади», деб гапиргман. Мана ўша Мурод аканг, танишиб ол! — деди.

— Ассалому алайкум, полвон ака! — деди Турсунали бироз тортинчоқлик билан.

— Ваалайкум ассалом! Қани, полвон, нега ҳали болалар кураш тушганлари... он курашмадинг? — сўради Мурод Турсуналидан.

— Биз пешиндан сўнг кејдик. Дадам отимиз қийналмаслиги учун югуртирумалилар.

— Майли, зарари йўқ. Аммо шундай ҳам билиниб турибди зўр полвон эканлигинг, — деди Мурод ва эгилиб, жажжи полвонянинг пешанасидан ўпгач қўшиб қўйди, — Полвонлар сулоласидансан. Илоҳи! Шу сулоланинг муносиб давомчиси бўл! Курагинг ерга тегмасин!

— Раҳмат, Муроджон, раҳмат, — деди полвончанинг отаси.

— Раҳмат, Мурод ака, — деди жажжи полвон.

— Ў-ӯ-ӯ, Муроджон. Қани бу ёққа кел-чи! — деди Мулла Мирзо, чўнтағидан баҳмал ҳамён халтасини чиқарар экан. Мурод унга яқинлашди. Мулла Мирзо ўрнидан туриб, Муродга бир қисм танга узатди. Мурод олгач, зарбоп тўни остидан

шохи белбоғини ечиб, Муроднинг белига боғлади. Ҳамма чапак чала бошлади. Гиламлар устида ўтирганларнинг баъзияари ҳам Муродга тангалар бердилар.

— Полвон Наврӯз байрамида Бухорога бор. Катта кураш бўлади. Қатнашасан. Пул, ҳужра ва бошқа муаммоларга пуштибонлик қиласман, — деди Мулла Мирзо.

— Хўп бўлади, дойи, — деди Мурод бош згиб.

Шу пайт Фоғир Қора, елкасида қўчқор кўтарган ҳолда, даврада пайдо бўлди. У қўчқорни оҳистагина Муроднинг олдига қўйиб:

— Мана бу, Аллоҳнинг сенга атагани, олақол, полвон, — деди.

— Раҳмат, — деди Мурод ва удумга кўра, қўчқорни елкасига қўйиб, даврани бир-икки айланди.

Мустафоқул Қори даврага якуний фотиҳа ўқиди.

Давра якун топди. Давра аҳли бир-бирига урилиб-сурилиб тарқала бошлади. Уларнинг аксари Муроднинг елкасига қоқиб: «Раҳмат полвон», «Балли полвон» дея кетар эдилар.

## 6. НАЙМА МОМОНИНГ ВАСИЯТЛАРИ

Берди савдогарникида бўлиб ўтган кураш воқеаларидан сўнг Муроднинг полвонлиги ҳақидаги овозалар нафақат Пойканд ҳудулидаги қишлоқларга, билҳақ бутун Қоракўл беклигига тез орада тарқалди. Энди у билан юзлашган деярли ҳар бир кимса унга «Мурод» деб эмас, «Полвон» дея мурожаат қиласидан бўлишди. Ҳамтенглари, ҳатто ундан ёши катталар ҳам у билан ҳамсуҳбат бўлишни ўзларига шараф деб билишар, баъзи бироловлар ҳазиломуз беллашинни истар ёки ундан кураш сирларнни ўрганишни жуда-жуда хоҳлашарди.

Мана бир ҳафтаки, Муроднинг уйи ёшлар билан гавжум.

— Сайли полвонни қанақа қилиб йиқитдинг, полвон? Бизга ўша усулингни яна бир бор кўрсатиб бер-чи, — дея, Саъдула Мурод билан курашга киришди.

— У мана бунақа киришиб келганида мен бор кучимни жамлаб уни елкасидан юқорига кўтардим ва чап оёғига кучли қокима қўйиб, чапга бурдим, — деди Мурод ва Саъдини ўзи кўрсатган алфозда йиқитиб, дарҳол ўрнидан турғазиб қўйди. Ҳангоматалаб ўртоқлари, айниқса Рӯзи, хо-холаб кулишди.

— Энди бизга Ҳасан полвонни қанақа йиқитганингизни кўрсатинг, полвон, — деганча, усул ўрганиш илинжида, Рўзи Муродга яқинлашди. Рўзи уларга қўшни эди. У Муроддан тўрт ёшга кичик бўлса-да, шу дамгача, «сан»сираб мурожаат қилар, ҳатто лақаб тақиб гапиради. Мана бир ҳафтаки «сиз»лаб гапирадиган бўлди.

— Майли, кўрсатаман, келақол, — деди Мурод, девор-дармиён қўшни йигитга.

Мурод ва Рўзи «курашишга» эндигина киришишган эди ҳамки, товора девор орқасидан Қизлархоннинг чақириғи эшитилди.

— Ини,xo ини!

— Рўзи қара-чи, опанг — Қизлархон чақирияпти, шекишили? — деди Мурод курашишдан тўхтаб.

— Шунақа, — деди Рўзи ва товора деворга яқинлашди.

— Хўп, биз ҳам борайлик, — деди Саъди. У, уч-тўрт нафар дўсти ҳовлидан чиқмоқ-чун дарвоза томон юрдилар.

Қизлархоннинг олдига борган Рўзига у бир нималар шилшигач, Рўзи шиддат билан, қўшниларнинг ўзаро ўтди-қайтдисидан суғуриб ташланган тиш ўрнидай бўлиб қолган товора-нинг кемтигидан сакраб ўтганича, уйига томон югуриб кетди.

Бундан ҳайратланган Мурод товорага янада яқинроқ бориб, ўзидан эндигина беш-олти қадам узоқлашган Қизлархонга гап отди :

— Қизлархон, тинчликми ўзи?

Қизлархон бир зум тўхтади. Сўнгра Муроднинг саволига жавоб бермоқ учун, унга юзи билан ўгирилди ва қўшни йигита бир боқиб олгач:

— Ассалому алайкум! Тинчлик, Мурод ака. Кечирасиз, мажлисларингизни бузганим учун, — деди.

Муродга Қизлархон доимо табассум билан хушчақчақ боқар, сўзларида ҳазилга мойиллик, кўзларида қўнгил раъи, қошлиари ҳаракатида иффат, уятчанлик тўлқинлари мавжланарди. Бу гал ундан эмас, қўшни қизнинг нимадандир безовталанганилиги сезилиб турарди. Мурод Қизлархоннинг юзидаги қайғу, қўзидағи мунглилик аломатларининг боисини билиш истагида яна савол билан гап очди :

— Нега унда... Рўзи хавотир билан югуриб кетди?

Қизлархоннинг томоғига йиғининг аччиқ нафаси тиқилгандай бир хўрсиниб олди, сўнгра :

— Онамнинг касаллари оғирлашиб қолди. Шу сабаб, дадам Рўзини чақиртирган эдилар.

— Наима момони оғир дейсанми? Мурод ўзи билмаган ҳолда, ички бир ундаш билан, сакраб товора девордан нарига ўтди.

У Наима момо ётган хона томонга илдам юриб, Қизлархоннинг ёнидан бирор қадам ўтди-ю, яна тұхтади. Бир-бирига зимдан ошно диллар ўзаро йироқлашиши истамас ва аксинча, пинҳона суюшган қалблар бир-бирига талпинарди. Мурод ўзидан анбар таратиб турған тоза бу гулга дил изҳорини айтмоқчи бўлди-ю, аммо бемаврид билиб бундан сўзламади. У Қизлархонга далда бермоқчи, уни юлатмоқчи бўлди:

— Қизлархон, қўй, йиғлама. Онанг тузалиб кетадилар. Ҳали мени айтди дерсан. Ахир, онанг неча бор шундай оғир ётиб, яна соғайиб кетгандилар-ку!

— Айтганингиз келсин, — дедея, Қизлархон Муроднинг кўзларига ўзининг маржон мисол ёш сиздираётган кўзларини тикди. Мурод унинг кўзларида ёш кўриб :

— Қани, азизам, кўз ёшларингни артиб ол-чи! Ичкарига — онангнинг олдларига кирамиз, — деди ва ўзи олдинлаб кетди.

Муроднинг Қизлархонга «азизам» деб мурожаат этиши унга хўп ёқди, шекилли, лабида ва юзида хиёл табассум билан кўз ёшларини артиб, орқасидан эргашди.

Наима момо ётган хонага биринчи бўлиб Мурод, унинг орқасидан Қизлархон кириб келишди. Улар кирдилару ўзларини хонадагилар олдида нимадандир гуноҳкор сезишган кишилардек, тикка қотиб қолишли.

Хонада Наима момонинг оғирлигидан эрталабданоқ хабар топган Муроднинг ота-оналари, Қизлархоннинг отаси Ҳўжжи чўпчи, Рузи, бундан йигирма йиллар олдин Муроднинг дунёга келишида доялик қилган табиб момо — Шарофат момо, кексайиб қолган табиб момони лозим манзилга етаклаб борувчи набраси — ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги Мирзабек, касал ётган Наима момони ўртага олганларича, хомуш ўтирап эдилар. Момонинг боши остига баландгина қилиб болиш қўйилган бўлиб, у эшикдан кирган икки ёшнинг бўйу бастига сукланиб тикилди, хиёл жилмайди, кўзлари ёшланди. У ёшларга нимадир демоқчидай, лабларини чоғлади, аммо гапиришнинг улласидан чиқа олмади. Наима момонинг аҳволидан воқиф бўлган Мурод унинг дарди бу гал ҳақиқатдан оғир эканини сезди. Кўзларига ёш кел-

ди. У атрофдагиларга назар солди. Шарофат момонинг набираси Мирзабек негадир Муродга қараб тиржайиб туарди.

Мурод бемаврид тиржайган бу башардан игохини узиб, касалга боқди. У ҳамон ёшларга термулар эди. Бундан бир нима англаган бўлса керак, табиб момо Қизлархон ва Муродга қаратади:

— Келинглар, болаларим, Наимахонга яқинроқ ўтиргилар, айни маврил, — деди.

Қизлархон югуриб бориб онасининг ўнг томонига ўтириб олди ва ҳўнг-ҳўнг йиглаганча, унинг қулини уқалай бошлади. Мурод унинг чап томонига тиззалири билан чўкди. Кўзларида ёш билан касалга тикилди. Табиб момо Шароф тегирмончи, Родат ойим ва Хўжжи чўпчига маъноли қараб оліача:

— Наиманинг айтганларини ёшларга билдирасак, айни вақти бўларди, нима дейсизлар? — деди. Уларнинг барчалари «Ҳа» дегандай бош тебратиб қўйишиди.

— Болаларим... Рўзи, Қизлархон, Муроджон. Худой шифо берсин... Наиманинг дарди оғирлашиб, у ҳозиргина тилдан қолди, қул-оёқлари бемажол. Аммо у, ҳалигина, гапириб турганида бир нималарни васият килиб қўйди. Гап шундаки ... Наимахон, бир кун вақти етганда, ўғли Рўзи билан Бегмурод жувозчининг қизи Панирни тўй қилиб, уйлаш ниятида бешиккетри қилиб қўйган эканлар. Умид қиласизки, Рўзижон вақти етиб бу васиятни адо этади, — деди табиб момо ва Рўзига қараб, — Нима дейсан болам, бажарасанми? — дея қўшиб қўйди.

— Ҳа, — деб бош тебратиб қўйди Рўзи.

— Яхши, болам. Яқинроқ бор-да, онангга бош иргатиб, «бажараман» деб қўй, армон билан кетмасин, — деди табиб момо.

Рўзи онасига янада яқинроқ бориб:

— Онажон, айтганларигизни бажараман. Албатта бажараман, онажон! — дея бош иргаб қўйди.

— Сунгра, яна бир васиятки... Наима Муроджон ва қизи Қизлархоннинг баҳтларини ҳам кўзлаб пурмаъно истаклар билдириди, — деди табиб момо ва Мурод ҳамда Қизлархонга бир-бир назар солиб олди.

Ёшлар васият нима ҳақда бўлишини англаб етган бўлсаларда. «Қандай пурмаъно истак?», дегандай табиб момога савол назар билан, ҳайрон тикилдилар. Ўтирганларнинг ҳаммаси Мурод ва Қизлархонга гермулиб қолишиди.

Табиб момо яна сўз очди:

— Муроджон, Қизлархон, гап нимада эканлигини тушунган бўлсангизлар керак? Гап шундаки, Наимахон иккала ёш волида-лари ва падарлари ниятлари индаллосидан келиб чиқиб қизи Қизлархон ва Муроджонларнинг бошини бирлаштириш ниятларида эканлар. Энди гап сизларда қолди, болаларим Наимахоннинг сўнгги истакларига нима дейсизлар? Бажарасизларми?

Муродни Наима момонинг сўнгги истаклари ич-ичидан қувонтирган бўлса-да, ўзини ўнгайсизланиб қолган кимса аҳволида тутиб, ота-онасига боқди. Уларнинг чеҳрасидан ризолик аломатларини сезди. Сўнгра атрофдагиларга боқиб, Мирзабекнинг иршайиб турган башарасига кўзи тушди. Англадики, Мирзабек Наима момонинг васиятларини эшигдан ва хонага Мурод кириб келгач, «Мен сиз ва Қизлархон опа тўғрингизда ажабтовур суҳбатлар гувоҳи бўлдим», дегандай Муродга қараб мийигида кулар эди.

Мурод Қизлархонга тикилиб олди. Қизлархон ҳеч нарса эшифтмагандай, онасининг bemажол ва совиб бораётган қўлларини ўзининг нозик ва тафтли қўллари орасига оларкан, ҳўнграб ўтиради.

Мурод ўзига қараб ёшли кўзларини қадаб турган Наима момога янада яқинроқ борди.

— Истагингизни бажараман, момо, — деб бош тебратди.

— Қизим, Қизлархон, сен ҳам бирор сўз де, — деди табиб момо.

Киз ҳам онасининг кўзларига боқа туриб розилик ишорасини қилди.

— Яхши кишиларнинг истак ва васиятлари ҳам нек бўлади. Ана бу муддао ҳам ўз ўрни билан битказилгани яхши бўлди, — деди табиб момо ва қизининг, ўглининг бахтидан гап очилаётган бир паллада шу мазмунлар сабабчиси бўлган хотинининг оғирлашганидан кўнгли тўлган Хўжжи чўпчига қаратса қўшиб қўйди, — Хўжжи, сен Мустафоқул Қоригами ёки Ҳусанхонхўжамгами билдири. Келиб «Ёсин» сурасини ўқиб қўйсин, касал енгил тортади.

Бу гапни табиб момо шунчаки айтмаётганини Хўжжи чўпчи тушунди. Демак, хотинининг соғайиб кетиши даргумон. Ахир, табиб момо бундай касалларнинг кўпини кўрган. Агар касал ҳақида бирор нима деса, деярли рост чиқади.

Кўнгли тўлган Хўжжи чўпчи, хотинига янада яқинроқ келиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Наҳот мен шунчалар бахти қаро бўлсам. Наима турсангчи, тур! — у хотинининг елкасидан кўтармоқчи бўлиб, уни туришга ундан гапирди, — Тур ўрнингдан, турақол энди! Ё сен ҳам Султанойдек, мен бадбахтдан воз кечиб... кетмоқчимисан? Тур энди Наима, тур!!

Наима момо Хўжжи чўпчининг иккинчи хотини эди. Биринчи хотини Султаной касалманд бўлиб, Қизлархонни туғгач оғирлашиб қолган. У уй-рўзғор юмушлари ва бола тарбияси олдида ноқодир бўлиб қолган. Айни шу дамларда Хўжжи чўпчи қўшини Жондор ҳудудини кесиб ўтувчи Зарафшон ирмоғининг Қўлиён қишлоғидаги қирғоқларида ўсувчи патта, топ, ёввойи жийда кабилардан ёғочлар кесиб олар, кесилган ёғочлардан сол ясаб, Сайёт қишлоғигача оқизиб келиб пуллар эди. Ана шу важдан Жондорнинг Қўлиён қишлоғига тез-тез бориб турган Хўжжи чўпчи бева аёл — Наима билан дараклашиб қолган. Наиманинг ёши Хўжжиникидан ўн-ўн икки ёшлар катта бўлиб, бўйи етиб қолган икки қизи ва қўлида бир-икки ёшли ўғли — Рўзи бўлган.

Иккинчи дафъя турмушга чиқаётган Наима қизларини амма-ю холалари олиб қолишган. Наима ўзи билан Сайётга фақат Рўзинигина олиб келган.

Наиманинг ёши анчагина катта бўлганлиги боис кўпчилик ёшлар уни «Наима момо» деб аташади. Наима рўзғор ишларини яхшигина удалаб, тез-тез касал бўлиб узоқ ётиб қоладиган кундоши Султанойга, унинг уч ёшлардаги қизи Қизлархонга, ўзи билан бирга олиб келган боласи Рўзига ҳам бирдай меҳрибон бўлган. Наима келиб уч-тўрт йил ўтгач, Султаной бетоблигидан вафот этади. «...Сен ҳам Султанойдек мен бадбахтдан воз кечиб кетмоқчимисан?» деганда Хўжжи чўпчи биринчи хотини — марҳума Султанойни назарда тутаётган эди.

— Хўжжи, касалнинг устида йифи — абас. Бўлди қил-да, «Ёсин» сурасини ўқишига мулла айтуб кел! Рўзини, қариндошларини боҳабар қилишга Жондорга юбор, — деди табиб момо, чўпчини яна ундан.

Чўпчи йифидан тўхтаб, кўз ёшларини артди-да, онасининг аҳволига ҳўнг-ҳўнг йиглаётган Рўзига.

— Болам, сен эшакка мин-да, Қўлиёнга бориб, онангнинг оғир бетоблигини опангларга, тоғанг ва холаларингга айт, тез келсинлар, — деди.

— Хўжжи амаки, хўп десангизлар, мен ҳам Рўзи билан бирга борсам. Бозор амакимнинг отини сўраб олардим, — деди Мурод.

— Закотчи сенга отини ишонармикан? — сўради Шароф тегирмончи.

— Ҳар доим отларини сугориб келишини, қанот ёйдисини менга ишонадилар. Агар ўзларининг отлик ишлари бўлмаса, албатта бериб юборадилар, — деди Мурод.

— Майли, болам, сўраб кўр-чи. Берсалар Рўзини ҳам орқангага миндириб олардинг. Отда йўлларинг анча яқин бўлади, — деди Хўжжи чўпчи кўз ёшларини арта туриб, хирилдоқ овозда.

— Қани, энди шошилинглар! — деди табиб момо. Рўзи касал ётган онасининг кўзларига термулиб:

— Худо шифо берсин, онажон. Мен бир зумда қайтаман, — деб ўрнидан турди ва тезлаб уйдан чиқди.

— Худо шифо берсин, момо, — деди Мурод ва туриб Рўзининг орқасидан эргашди.

Бозор закотчининг отини миниб олган Мурод ортига Рўзини миндириб, Кўлиён томон йўлга чиқди. Эгасининг виқор билан миниб юришига ўрганган араби от, энди одатдагидан тезроқ йўрғалаб йўл босди.

Куз инъикоси бўлмиш жонсиз барглар мунгли қўшиқ айтатётгандай, йўл сиртида шиқирлашиб учишар, от оёқларининг маромли дулирлашлари ўша хазонга ҳамоҳанг борар эди.

От минган йигитлар манзил сари илдамлаб, қишлоқдан тобора узоқлашиб борар эдилар. Бу орада Хўжжи чўпчи ўз ҳовлисига Мулла Ҳусанхонхўжани бошлаб кирди. Аллоҳнинг сўйган бандаси «Ёсин» сураси ўқилиши ижобатини истаб ётган бўлса керакки, кўп ўтмай чўпчининг хонадонидан баланд овозда йиғи товушлари эшитила бошлади.

## 7. ХАЛҚЧИЛИК

Сайёт қишлоғининг шарқидан темир йўл ўтган бўлиб, торизли бу йўлдан кунига бир ёхуд икки маротабагина поезд ўтиб қайтар эди. Олдинига ўз важохати-ю, товуши билан ерликларни қўрқинчга солган паровоз ва зшалонлар энди ҳеч кимни ҳайратлантиrmай қўйди. Шундай бўлса-да, Сайёт қишлоғи халқини доимо бир нарса ҳадикка солиб турарди. Улар темир йўлнинг нариги тарафидаги тўқайзорлардан, сандали ва тандир-ўчоқ

учун, саксовул, қарағонлар йиғиб олишар, йиғилган ўтинарни аробага юлаб, уйларига ташишлари учун эса темир йўлдан ўтиб қайтишга мажбур эдилар. Темир йўл излари оралиғидан ўтиш эшак ёхуд аробанинг аҳволига қараб, юкланган ўтииннинг оғирлиги-ю, уни бошқараётган кишининг уддабуронлигига боғлиқ ҳолда қийин ёки осон кечарди.

Қишилласида ёқкан қор эшак қўшилган аробада ўтин ташиётган Озоднинг кўзини яшнатса-да, қорнинг бир қисми ерга тушиб эриб биттганлиги боис ҳосил бўлган лой унинг дилини вайрон қилаётган эди. У юкни қийналиб тортаётган эшакни олдинга ундан, «хех», «хех»лар ва ўзи ҳам ароба орқасидан итариб борарди. Шу аснода, бир амаллаб темир изгача етиб келган Озод эшакни тўхтатди ва қиплоқ томонга бокди. Ҳеч ким кўринмади. Темир йўл билан қишлоқ ораси унча узок эмас. Агар бирор ёшроқ кимса кўринса, уни чақирмоқчи, темир издан аробасини ўтказишга ёрдам беришини сўраб, илтимос қилмоқчи эди. У орқасига, келган йўлига назар ташлади. Анча олисда Тилак тоға кўринди. У ҳам эшакка қўшилган аробада ўтин олиб келмоқда эди. Агар Тилак тоға келсалар, биргалиқда олдин ўзининг, сўнгра тоғанинг аробаларини темир издан ўтказиб олардилар.

Озод Тилак тоғанинг етиб келишини бир оз кутди. Кейин терлаб, ҳўлланган кийими аёзда баданига совуқ ботганиданми, Тилак тоғанинг қору лойда имиллаб келаётган аробасини кутиб зерикдими, негадир, темир издан ўтин юкланган аробани бир ўзи олиб ўтишга чоғланди. У эшакни олдинга — темир из сари йўллади. Эгасининг забтини сезган эшак зўр-базўр ўтди. Аммо хали ароба фидираклари излардан ташқарира эди. Озод эшакни олдинга ундан, ўзи ҳам ароба орқасидан чираниб итарди. Фидираклар излари оралиғига ўтди. Йигит эшакни яна ундан бошлиган эдики, у зўриқан бўлса керак, темир излар ташқарисида ётиб олди. Ароба эса, темир излар оралиғида тақалиб қолган эди. Нима қилишини билмай гангид қолган йигит ароба атрофини уч-тўрт марта айланди. Эшакни турғизишга уриниши бефойда бўлди. Эшак умуман ўрнидан қўзғолмади. Бу орада ўтин юкланган эшак аробаси билан Тилак тоға етиб келди.

— Ассалому алайкум, тоға! — деди Озод ва најот истаб, унга боққанча серрайиб қолди.

— Ваалайкум ассалом. Ишларингиз чатоқ кўринади-ку.

Озоджон.

— Ҳа, шунақа бўлиб қолди. Ёрдам беринг, тоға. Қурғур эшагим ётиб олди.

— Уни ўрнидан турғазиш керак. Қани кел-чи! — Улар эшакни кўтаришди, олдига тортишди. Аммо бефойда бўлиб чиқди. Жонивор ўрнидан туришга уринмади ҳам.

— Сен ўтиналарингни аробадан олиб, йўлдан бу ёққа ташла. Мен эшакнинг ипларини ечиб, уни аробадан озод қиласман. Тезроқ бўлайлик, поезд келиб қолиши мумкин, — деди Тилак тоға.

Улар ишга киришдилар. Лекин ишларини охирига етказмай поезд келиб қолди. Озод ҳовлиқиб ароба атрофида бир-икки айланди, эшгини тортқилади, бўлмади. Поезд тобора яқинлашиб қолди. Озоднинг гирён ҳаракатини кузатаётган Тилак тоға уни тортиб, темир издан саккиз-ўн қадам йироққа олиб борди. Поезд ўз ўлжасига яқинлашаётган аждардек, важоҳат билан келарди.

Тилак тоға ва Озоднинг кўзлари паровоздан бошини чиқарип келаётган ҳайдовчига тушди. Тоға бир-икки қадам олдинга ташлаб :

— Стой!.. Стой! — деб бақирди.

Унга қўшилиб Озод ҳам қичқира бошлади :

— Истой!.. Истой!

Озод бақириб гапирав экан, темир изга, аробага янада яқинроқ борди. Поезд тез юриб келаётган зди. Эллик ёшлардаги малла сочли, ўрис ҳайдовчи уларнинг нима демоқчи эканликларини тушунди. У паровознинг ҳаво босимли товуш бергичи билан қисқа баланд товуш чиқарди. Сўнгра гангид аробага яқинлашиб қолган йигитга бақирди:

— Нельзя! Не могу! Отайдите!

Поезд аробага урилиб, уни беш-олти қадам судради. Ароба ёғочлари чил-чил синди. Аробага қўшилган ипи ечиб қўйилганлиги боис, эшак омон қолди. Жонивор ўрнидан тургач гангид турарди. Тилак тоға уни ушлаб олди. Унинг ўнг жаги терисини төш тилган бўлса керак, қон сизиб чиқа бошлади. Озод югуриб келиб эшагининг ипини ушлади. У ёш тўла кўзлари билан гоҳ эшагига, гоҳ синиб ётган аробаси бўлакларига боқиб қўярди.

Паровоз воқеа жойидан узоқлашар экан, ҳаво босимли то-

вуш бергичидан бир неча марта узун товуш чиқарып кетди.

Озод эшагини ўша яқындаги яланғоч тут дараҳтига боғла-  
ди-да, ароба бұлаклари олдига келди. Ароба бұлакларини ку-  
затаётган тоға бош тебратиб:

- Тұхта, деб илтимос қылсак ҳам тұхтамади, шоввоз, — деди.
- Тоға «истой» дегани, «тұхта» деганими?
- Ҳа, шундай.
- Сиз қаердан ўрганиб олғансиз ўрисчани?
- Сен неча ёшдасан?
- Ўн түккізда.

— Ўша йиллари сен әндигина туғилған бұлишинг мүмкін, яъни  
бундан йигирма йил бурун мен ва бошқа чоракорлар, ўрисларға  
ана шу темир йұлни қуришга ёрдамлашғанмиз. Улар бизни «ра-  
бочий» деб аташарди. Биз бу оғир ишда түшінде бериладиган овқат  
ва ҳар күн ишден сұнг бериладиган бир бұлак қора нон учун «ра-  
бочийлик» қылардик. Кечқурун зса, мұллалар уйға келишиб, «Ко-  
фирларға хизмат қилиш катта гуноқ!» деб насиҳат қилишар, ай-  
рим қолларда дүппослаб кепишар әди. Онам оғир бетоб бўлиб ётиб  
қолғанди. Ёшлари етмишдан ошған отам мен көлтирадиган кун-  
далиқ иш ҳақим — бир бұлак нонни күзларига сурар әдилар.  
Шунинг учун ҳам, ўзларига түқ бу мұллаларға раҳматли отам  
«Бизнинг амиримиз билан ўрис подшоси келишиб қилаётган бу  
ишда қандай ёмоялық аломатлари борки, сизлар үнда ишлайди-  
ғанларни шаккокға чиқарасылар?! Агар боламни урадиган бўлса-  
ларинг оқсоқолға ёки шаҳарға бориб қозига арз қиласман!», деб  
пўписа қылардилар ва олдларига солиб қувиб ҳайдардилар. Биз  
кундузи қурған темир йұлни, мұллаларнинг пинхона буйруғи би-  
лан баъзи нодон одамлар тунда бузиб қўйишарди. Бу ҳол кўп так-  
рорланғач, бир куни тунда ўрис аскарлари пистирмада туриб ку-  
заттганлар, баъзи мұллаларнинг сағсатаси таъсиридаги одамлар  
чироқ ва маёклар кўтариб келишиб, темир изларни буза бошла-  
ғанлар. Шунда ўрис аскарлари мильтикларидан ўққа туттганлар.

- Кўпчилик нобуд бўлгандир-а, тоға? — деб сўради Озод.
- Ҳа, кўпчилик. Кўпчиликлар ярадор ҳам бўлди. Одамлар  
жуда содда-да, қўлидаги чирокларни ташлаб. қоронғиликка  
шўнғисалар яхши бўларди-ку?! Бироқ, ундей қилмаганлар. Ўрис  
аскарлари зса чироқ ва маёклар томонга ўқ узаверғанлар. Бир  
куни тунда менга ҳам темир изларни бузишга айтиб келишган-  
ди. Мен зса «Хўп, бораман» деб уйдан чиқдиму, тун қоронғуси-

да улардан ажралып, яна уйга қайтганиман. Ахир топған нонимни ҳалол егім келганды-да. Темир йұлни бузишім эса нонкүрлік бұлар зди. Эртаси куни қишлоқда қиёматли азалар бұлған зди. Ұшандан бүсін ҳеч ким темир йұлни бузишга жүръат этолмайды.

Мен ұшанда, темир йұл қурилишида үріслар билан уч ойдан ортиқ ишлаб, уларнинг баъзи сұзларини ўрганиб ҳам олғанман. Улар орасыдан дұстлар орттиришга ҳам улгурғанман. Антон, Вова исмли дұстларим уйимда меңмон бўлишган. Улар мени ҳурмат қилишарди.

— Озоджон, тұғрисини айтганды, ҳозирги воқеада ҳам хайдовчининг айби йүқ. Чунки у поездни анави қирлікка чиқиши учун тез ҳайдаши керак. Шу боис, тұхташ у еңда турсин, тезликни пасайтиришга ҳам ҳаққи йүқ. Тескари йұлда тұхтаб юриш унга осон бўлади.

Тилак тога ва Озод ұзаро суҳбат билан ароба бўлакларини бир жойга йиғдилар.

Бу орада паровознинг узун товушини әшитиб ҳайратта тушған қишлоқ аҳлининг күлчилиги воқеа томон оқиб кела бошлишди. Бир зумда тумонат одам тұпланды.

— Ҳожи бобонинг набираси Озодмисан? — сұради кексанроқ бир киши.

— Ҳа, — жавоб берди йигит қисқагина.

— Шамси полвоннинг ўғли-ку! Ұша Ҳожи бобонинг набираси бўлади, — тұлдириб гапирди кимдир.

— Чакки бўлған-да, болам. Аммо хафа бўлма. Бошинг омон экан, Аллоҳга шукур қил. Аробангни тузатиб оларсан.

— Аробанинг алифдек үқини тақадек букиб кетибди-ку, поезд деган қизталоқ, — деди кимдир, қўлидаги згри темирни йифилғанларга кўрсатиб.

— Бу паровоз деганларига миниб олған үрісга ҳам ҳайронсан киши, баъзан бир тилим қовун ёки бир жуфт туршак кўрсатсанг бас, темир аравасини такқа тұхтатади-ю, олиб еб «испосиба» деб, елқанғта қоқиб кетади. Баъзан эса, бир такя туршак ёки бутун қовун бераман десанғ ҳам тұхтатмайды.

Тұпланғанларнинг ҳар бири ачиниб-куюниб Озодга күнгил берәётгән паллада бу ерга Мурод, қишлоқ оқсоқоли — Бозор зақотчи, Озоднинг отаси — Шамси полвонлар ҳам келған эдилар

Шамси полвон келиши билан ўғлининг елкасидан қучиб:

— Зарари йүқ, болам. Хафа бўлма. Бошқа ароба тузатар-

миз. Лекин бу ароба ҳақида яна бобонгга гапириб ўтирма. Бу ароба бобонгнинг болалигидан келаётган эди. Ўзи эски бўлсада, яхши ҳожатбарор эди, куюниб ўтирмасинлар.

— Бу ароба ғилдираклари одам бўйидан баланд бўладиган қўқонаробамидики, сағал имо қилганинг билан бу изқурғурлардан ўтса. Бу ғилдираклар билан ўтиш қийин-да, ахир, — деди Бозор закотчи, воқеага баҳо беришга уриниб, синиб ётган эски ғилдиракларга ишорат қиласр экан.

— Мусулмонлар, ўтган йилларда ҳам шунаقا воқеалар кўп бўлиб туради. Бир қўчкор сўйиб қон чиқариш керак, — деди хўппасемиз Қувондиқ Мулла.

— Ўша қўчкор семиз бўлиши керак, етти мулла еб тиловат қилиши керак, — деди кимдир киноғли оғангла.

— Мана, зшакдан қон чиққан-ку, шуни ўзи етар? — деди кимдир кулиб, эшакнинг жағидан чиққан қонни кўрсатиб.

Ўртада кулги кўтарилиди.

— Биродарлар, бу ёққа қаранглар, — деди Бозор закотчи, ўз арабасини темир издан эндиғина олиб ўтишга уринаётган Тилак тоғага ва бу ишда унга кўмаклашаётган Мурод томонга термулиб.

Тилак тоға зшакни бошқарар, ароба ғилдираклари темир изга тираванда эса, Мурод уни кўтариб ўтказиб қўяётган эди.

— Кўряпсизми? — дея, гапида давом қилди закотчи, — Мурод полвон ўтин тўла аробани темир излардан кўтариб ўтказиб қўйди.

«Мурод полвоннинг бундай ишини биз биринчи бор кўришимиз эмас», деди яна кимдир. «Шундай», «шундай» дейишди тўпланғанларнинг кўпчилиги.

— Шундай экан, — деди закотчи, — биз Мурод полвондан бир нарсани илтимос қилсак.

— Нима демоқчисиз, амаки? — деди, Тилак тоғага кўмаклашиб бўлган Мурод, закотчига савол назари билан бокиб.

— Демоқчиманки, — деди закотчи ва бир зум ўлланиб, — сен арабаларни темир излардан олиб ўтишда одамларга ҳар кун кўмақдош бўлиб турсанг бўларди. Биласан, қишининг совуқ кунларида сандалига, тандир-ұчоққа ўтин лозим. Қишлоқ аҳли шу излардан кунига беш-ўн маротаба ўтин олиб ўтмоқдалар. Уларнинг кўпчиликлари бу ишда жуда жуда қийналишмоқда. Агар сен қишибўйи, кундуз чоғида, шу ерда туриб уларга кўмаклашсанг катта

савоб қиласынг, болам.

Бутун Пойканд қишлоқлари ағыдан амирлик үлпөн ва солиқларни йиғувчи, шунингдек, Сайёт қишлоғи оқсоқоли қилиб тайинлаган бообрұ бу кишининг Муроддек ёш йигитта қишлоқ халқи номидан қилаёттан илтимосидан у нима деб жавоб беришни ҳам билемай гангиб қолди.

— Э-э-э, биз ҳам қуруқ құймасдик, полвоннинг күмагида осонгина үтиб оладиган бұлсақ, уннинг дарвозаси олдига ҳам бир сиқим үтин ташлаб ўтардик-да, — деди йиғилганлардан кимдир.

Мурод фавқулодда бу мажлисга эндигина құшилған отаси-нинг купиб турған чеҳрасына назар ташлади. Отаси үнга мийни-гіда кулиб боқарқа: «Сен энди катта йигитсан, сейдан сұраёт-ган эканлар жавобни ҳам үзинг бер! Сенинг жавобшыны кутиб турибман», деяётгандек кулиб термуларди, гүё.

— Күпчилік шуны сұраётган экан, мен розиман. Аммо менинг дарвозам олдига үтнин ташлаб ўтишларининг кераги йүқ.

— Нега үндай дейсан, болам. Ҳизмат ҳаққынг, ҳалюл, — деди Қувондиқ мулла.

— Йүқ, мулла бобо. Кераги йүқ. Бу мажлисда иштирок қилмаганлар мени мәрдикорлық қилаяпты, деб үйлашларин хоҳламайман. Мен холис юракдан ёрдам бермоқчиман, — деди Мурод жиddий оқангда.

— Ажойиб йигитсан-да, полвон. Түғри айтдинг Агар менға ҳам, ёш йигитлик чөгимда, шундай илтимос қилғанларида, албатта сендең йўл тутган бўлардим. Чунки, халқа беминнат ёрдам кўрсатиш – халқчиллик. Халқчиллик бу – саодат. Савобга ҳам қоласан. Ўз уйиннга үтнин керак бўлса, ана шу атрофдан йиғиб оларсан, — деди Бозор закотчи.

— Шундай қиласман, — деди Мурод.

— Демак келишдик-а. полвон? — деди закотчи, Муроддининг елкасига қоқиб.

— Ҳа, шундай.

— Ҳўп, энди мен борай, аср намози яқинлашяпты, — деди Бозор закотчи ва қишлоқ томон кетди.

— Ҳа, намозга ҳам кам вақт қолди. Бориб адo этайлик, — деди Қувондиқ мулла закотчининг орқасидан эргашаркан.

Темир йўл яқинида йиғилғанларнинг барчаси қишлоқ томон юра бошладилар. Мурод ҳам уларнинг орқасидан ўн қадамча

юрди-ю, аммо бирдан тұхтади. У темир йұлнинг у ёғидаги тұқай-зорга боқди, кимдир аробада үтін келтирмоқда...

## 8. РОСТИНГМИ, ҚИЗЛАРХОН?

Март ойининг илк кунлари. Мурод күчадан мамнун ҳолда, үз ҳовлисига кирди. У дарвозадан киаркан тегирмонлонада тегирмон ва кашкаш атрофларини супур-сидири билан машғул онаси томон кулиб қўйганча, ҳовлини кесиб үтиб, Қизлархон ва ўзларининг ҳовлиларини ажратиб турган пахса девор томон юрди. У девордан Қизлархоннинг ҳовлисига мұралади. Унинг қалбини суюклиси билан учрашиш истаги жунбушга соларди. Мурод Қизлархонни чақирса бўларди-ю, аммо укаси Рўзи эши-тиб қолса, хафа бўлиши мумкинлигини ўйлаб андиша қилди. У аввал ҳовлисида Рўзининг бор-йўқлигини билиш мақсадида уни чақира бошлади:

— Рўзи, ў-ў-ў Рўзи, Рўзи!

Кимнингдир чақириқ товушини эшитган Қизлархон югуриб уйидан чиқди-да, устунлари нақшинкор ёғоч айвон остида туриб, у ёқ-бу ёққа ҳайрон аланглади. Кўзи товора орқасида туриб уни кулиб кузатаётган Мурод а тушди. Юзидаги ҳайронлик аломати қувонч аломатига алмашди.

— Вой, Мурод aka. Ассалому алайкум! Чакираётган сизмисиз?

— Ваалайкум ассалом. Ҳа, мен... Рўзини чақирган эдим.

— Иним уйда йўқ.

— Қаерга кетган эди — деди Мурод кулиб.

— Саъдиларни кига ўтган эди. Ўртоқлари билан ошиқ ўйнаётган бўлсалар керак. Ошиқларини олиб уникига ўтганини кўрган эдим.

Мурод пахса девор устига қўлларини қўйиб, унинг кемтик жойидан сакраб, Қизлархон томонга үтиб олди. Унга яқинлашар экан:

— Сендеқ чиройли, нозик қизларни ҳам ҳайҳотдек ҳовлида танҳо қолдириб кетишар экан-да? — деди үз хурсандлигини табассумида намоён қиларкан.

— Уйда дадам борлар, — деди Қизлархон, мийиғида кулиб.

— Дадангизни ҳозиргина менинг дадам билан, масжид томон кетаётганиларини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳечқиси йўқ,



сизга малика, ўзим посбонлик қиласман, — деди Мурод, қоматиги  
ни кеккайган ҳолатга келтиаркан, ҳазиломуз, күкрагига уриб.

— Вой, темир йўл хизматига бормайсизми?

— Тўрт йил, фақат қиши ойларида ўтарда турганимни биласиз-  
ку, бону. Ёки ҳозир баҳор кириб келганини ҳам билмайсизми?

— Биласман, — деди Қизлархон уялиб, секингина, — Унда,...  
унда... борингда кашкашингизни юритинг.

— Бугун жума, тегирмон кашкашларини ишлатмаймиз.

— Унда,... унда...

Кўзлар кўзларга қадалди.

— Эй, париваш. Нега мени уйингдан ҳайдамоқчи бўласан.  
Сабабини билсак бўладими? — деди Мурод, қизнинг нозик  
қўлларини ўзининг кафтлари орасига оларкан.

— Иним келиб қолса, жаҳли чиқади-да, дейман.

— Рўзи энди катта йигит. Иккимиз унаштириб қўйилгани-  
мизни у яхши билади. Тушунади.

— Ҳа, билади. Аммо менга уят-да.

— Қизлархон, мен сенга биз ҳақимизда янгилик айтмоқчи  
эдим.

— Биз ҳақимизда? Қанақа янгилик? — деди қиз, йигитнинг  
кўзларига термулганча ҳайрон бўлиб.

— Ёзда бизларнинг тўйимиз бўлар экан. Дадам айтдилар.  
Сенинг даданг билан келишган эмишлар.

— Мен тўй бўлиб чиқсан, дадам билан иним қийналиб қолар-  
лар, дейман.

— Дадамнинг айтишларича, шу дамгача Рўзининг улғайи-  
шини кутиб юрган эканлар. Бизнинг тўйимиздан сўнг даданг,  
дарҳол Рўзини уйлаб қўяр эмишлар.

— Шунақа дедиларми?

— Ҳа. Ахир Рўзи ўн тўққизини тўлдириб қолди. Қолаверса,  
мен ва сен учун ҳам Наима момонинг васиятларини бажариш  
давримиз етди. Шундайми, Қизлар?

Қиз уялиб ерга тикилди. Сўнгра секингина:

— Шундай, — деди.

— Қизлархон, мени кўзларимга қара. Сенга бир гап айтмоқ-  
чиман.

— Нима демоқчисиз? — сўради қиз, йигитнинг кўзларига  
кулиб термулганча.

— Наима момонинг васиятлари мени жуда қувонтирган эди.

Чунки, мен сени олдиндан ҳам ёқтиардим. Юракдан сүярдим.  
Аммо дилимдагини сенга қандай етказишни билмасдим.

— Мен эса, буни билиб олгандим.

— Қандай қилиб билгансан, топқыр қиз?

— Шундай-да. Менга тикилиб кулиб қарашларингиздан.

Менга нисбатан ширин сұзларингиздан, айнанқса, мени «Бону» деб аташларингиздан.

— Ўша дамларда сени ҳали анча ёш деб ўйласам бало экансан-ку, шайтон қиз. Айт-чи Қизлархон, ўша кезларда сенинг қалбингда хам менга нисбатан бирор түйғу уйғонғанмиди?

— Нима дейин? — дед қиз уялиб ерга боқди.

— Ұшанда ҳам сенниң юрагингда менга нисбатан илиқлик бормиди? — демоқчи зәдим.

— Сизни, сизни Мурод ака, бор вужудим билан сүярдим.  
Ұшанда ҳам, ҳозир ҳам.

— Ростингми, Қизлархон?

— Шундай.

Мурод қизнинг белидан уплаб ўзига тортди. Қиз ҳам ихтиёр билан унга яқинлашды. Улар бериліб құчоқлашишдилар.

— Қизлархон, шириним. Сени ёмон күзлардан Аллоҳннинг ўзи арасасин.

— Сизни ҳам, Мурод ака.

Мурод бармокларини тароқ қилиб Қизлархоннинг майин, қора соchlары оралаб ҳаракатлантируди. Оқиста ҳаракатланаётгап қўли қизнинг қизиб турған юзию қулоги узра ўтиб тұхтади. Уни ўзига көзлантыруди. Уннинг мұхаббаг тұла қалб ҳаяжонидан сармаст титраётгап лабларига ўзининг титроқ лабларини босди.

Бу орада Роҳат ойим тегирмөнхонадаги супур-сидир ишларини тугаллаб, қўлидаги супургини хонанинг бир бурчагига қўйди-да, ташқарига чиқди. У ҳозиргина нимадаңдир мамнун алғозда ҳовлисига кириб келган ўғлини излаб уйларға кириб чиқди. Сұнгра, ҳовлига чиқди-да, беихтиёр, пахса девордан күшни томонга аланглади. Ўғли ва қўшни қизнинг бир-бирларига талпиниб, құчоқлашиб турғанларини кўриб ҳаяжонланиб қолди. Рўмолиннинг учи билан оғзини беркитди. У яқинда тўйла-ри бўлажак бу ёшларнинг ораларида ҳақиқий илиқлик борлигидан суюнса-да, тұсатдан Қизлархоннинг иниси Рўзи ёки отаси Ҳўжжи чўпчи келиб, уларни бу ҳолатда учратиб қолишлиари нодуруст бўлишини ўйлаб, ҳадикка тушди.

У сөекин тегирмонхона томонга тисарилиб борди ва ҳеч нима-ни кўрмаганцек ўғлини чақира бошлади:

— Муроджон, ҳой Муроджон!

— Вой, онангиз чақирайтилар, — деди, Роҳат ойимнинг овозини зшигтан Кизлархон. У хонасидан учиб чиқиб фазода мақом қилган хонаки кабутардек, Муроднинг қучоғидан оти-либ чиқди-да, ҳовлиқиб у ёқ-бу ёгини тузатганича, ярим бури-либ уйига кириб кетди.

Қизлархоннинг кейинги ҳовлиқма ҳаракатларини кулиб кузатиб турган Мурод унинг орқасидан:

— Хайр, Бону, — деди.

У жуда хурсанд ва баҳтиёр ҳолда ўз ҳовлиси томон одимла-ди. Унинг хурсандлиги мўйлабининг юқори парвозни мўлжал-лаган лочин ҳолатини олганидан яққол намоён эди.

Мурод Қизлархоннинг ҳовлисидан ҳали чиқиб улгургани йўқ эди, Рӯзи келиб қолди.

— Рӯзи сени сўраб кириб эдим, опанг «ошиқ ўйнагани кет-ган бўлса керак», деб айтди.

— Ҳа, ошиқ ўйнадик, — деди Рӯзи, алланечук аҳволда.

— Ошиқларинг кўринмайдими? Ютқазиб қўйган бўлсанг керак-да?

— Ҳа уч-тўртта фирром билан ўйнашга тўғри келиб қолди. Тортишиб ҳам олдик.

— Юр, сенга ўзимнинг ҳамма ошиқларимни бераман.

— Қирдаланган яссиларини ҳамми?

— Ҳаммасини бераман. Энди менга ошиқ ўйнаш ярашмас.

Мурод ва Рӯзи ўзаро сұхбат билан пахса девордан нариги ҳовлига ўтишли.

## 9. ШИРБАДАН САЙИЛГОҲИДАГИ КУРАШ

Шамсий йилнинг илк ойи, ҳамалнинг биринчисида бошланган Наврўз ҳар йили Бухоро амирлигига катта байрам сифати-да кенг нишонланар ва уч кун давом қиласарди.

Байрам сайли Бухоро шаҳрининг шарқий томонида, шаҳар-дан икки ярим чақиримча учоқликда жойлашган, Ширбадан деб ном олган катта чорбоғда ўтказилар эди. Ширбадандаги асо-сий сайилгоҳ амир чорбоғи олдидан ўтказилган катта йўлнинг икки томонида жойлашган. Сайилнинг томоша жойи ана шу

подшоҳлик боғи дарвозасининг олди бўлиб бу ер ниҳоятда тор эди. Ҳар куни эрталаб бу ерда аввал чавкий — базм, сўнгра кураш томошаси ташкил этиларди. Сайилгоҳнинг чап томонида масжид қурилган бўлиб, тадбирни бошқарувчи Бухоро қозикалони — қозилар қозиси Бадриддин ва раис Абдурауф карвонбоши ҳам маъмурлари билан шу масжид олдида сўри ва чодир қурдириб, байрамни томоша қилаётган здилар.

Бу йилги байрамнинг шавқи сустроқ кечмоқда. Бунга сабаб, шу йил — милодийнинг 1911 йили Бухоро амири Абдулаҳадхон тақдирни илоҳий амри билан фонийлик оламидан боқийлик дунёсига риҳлат этган здилар.

Шундан сўнг марҳум падари салтанати меросхўри — Сайид Олимхон подшоҳлик таҳтига ўтирган бўлиб, у бу йилги наvrўз байрамида чавкийни бекор қилидириб, фақат кураш томошасига руҳсат этганди.

Шу сабаб, бекликларнинг тўрт ҳокими қози, раис, амлокдор ва миршаблар томонидан йифиб келинган хушовоз созандаларнинг чиқишлиарни бекор қилиниши баробарида, азадор Амир Сайид Олимхоннинг ўзи ҳам томошага қатни шмаётган зди.

Байрамда эрталабдан кечгача фақат кураш томошаси ўтказилмоқда зди.

— Бу йилги сайил курашининг ғолиби яна Тўра бўладиган кўринади, раис, — деди қозикалон Бадриддин ёнида ўтирган Абдурауф карвонбошига. Номдор полvonларни йиқиб, даврада турли қилиқлар билан ғолибона айланадиган полвонга ишорат қилиб.

— Ҳа. Бахтга қарши шундай, — деди раис.

— Абдурауф карвонбоши, мен sizни тушунмадим. Нега энди «бахтга қарши» демоқдасиз?

— Ҳурматли қозикалон, гап шундаки, кечаги оқшом, амимиз жаноби олийларига сайил тафсилотини баён қилиб, «Бугунликча курашда Тўра полвоннинг қўли баланд бўлди» деган эдим, Олампаноҳ: «Ўн йил бурун ҳам ул эди. Наҳот ўн йилдан буён музофотимизда ана шу полвондан қўли баланд келурлик йигит камол топмаган бўлса», дедилар.

— Амимиз жаноблари шундай дедиларми?

— Ҳа, муҳтарам қозикалон. Олампаноҳ шундай дедилар. У киши Тўра полвоннинг курашларидан безиб қолган кўринадилар.

— Модомики шундай экан, Миршабни ҳам чақиринг! Уч ҳоким йигилиб, бир чора юзасидан машяарат қиласылар, — деди қозикалон. Раис ўрнидан туриб, таъзим қилиб, саңдан тушиб кетди.

Шу пайт даврада қий-чув ва күлгі күтарилди. Тұра полвон яна бир ракибини осонлик билан йиқитиб, даврани гир айланыб юрганича қилиқлар қилаёттан зди.

Тұра полвон Бухоро давлатининг Насаф\* вилоятидан зди. У қорачадан келган, ўрта бўйли, пишиқ жуссали, келишган қоматли полвон зди. У истараси иссиқ лочин қарашли чөхраси ёқинли киши бўлиб, кураш бобида соҳибҳунар ва тенгсиз зди. У кўп Йиллардан буён Бухоро давлати полвонларининг барчаси устидан қўли баланд – ғолиблиқ қилиб келмоқда зди. Бухоро амири Амир Саййид Олимхон унинг курашлари томошасини Насафда ҳоким бўлган даврларида ҳам кўп кўрган, тор ва хос давралар уюштириб курашларга қўшган зди. Ҳатто Саййид Олимхон Тұра полвонни Насафда, Косон туманида, Қўнғир тоги бағридаги Амртепада, кўзи боғлаб боқилган маст түя билан ҳам олишувга қўшган зди. У ўша олишувда ҳам мушти билан уриб, түянинг пастки жағини синдирган, уни снігтан зди.

Шундай қилиб, бу йил Амир Олимхон отаси ўлиб кўнгли ғамнок бўлганиданми ёки Тұра полвоннинг курашишларини илгари ҳам кўп томоша қилганидан зерикибми, унинг томошасидан баҳра ололчаслигини билдирган зди.

— Мирзо! — дед үзидан орқада маъмурлар билан бирга турган хўжалик мудири Мулла Мирзони чақириди қозикалон Бадридин.

— Қулоғим сизда, тақсир, — деди Мулла Мирзо, югуриб қозикалон рўпарасида пайдо бўларкан, ўз хўжайнинга таъзим бажо келтириб.

— Бориб ясовулбошига етказинг, ҳалойиқни тартибга чақирын Амиримиз марҳум падарлари азаси билан ҳали-ҳануз ғамноклар. Бу куиларда бундай бақириқ қулгулар авомга абас.

— Хўп бўлади, тақсир. Бош устига, — деди Мулла Мирзо ва таъзим билдириб, пастга — давра томон тушиб кетди.

Мулла Мирзо бир амаллаб давра ичига кирди-да, қий-чув

\* Ҳозирги Қарши

билан олдинга сурилиб келаётган авомни таёқ пўписалаб орқага итараётган ясовулларга нималарнидир уктираётган ясовулбошининг олдига борди. У ясовулбошига қозикалоннинг сўзларини етказар экан, кенг юзли, узун мўйлаб ясовулбошининг мўйлаби учайётган қуш қанотлариdek ўйнаб, ўрик данагидек кўзлари тўнтарилган бир жуфт қошиқ янглиғ шаклни олди. У Мулла Мирзонинг сўзларини эшитиб бўлгач: «Хўп тақсир, хўп тақсир», деб қуллуқ қилди.

Мулла Мирзо даврадан чиқиб кетгач, ясовулбоши курашаттганларни тўхтатди ва давра ахлига мурожаат этди:

— Халойиқ! — дея, бақирди у ва халқ унинг бу сўзидан анча тинчлангач, яна давом этди, — Халойиқ! Якинда олийҳазрат амиримизнинг падарлари бу фоний дунё билан видолашгани боис, ул зоти шоҳона — ҳазрат Амир Саййид Олимхон азадорлар. Шу сабаб, қозикалон олами одил — муҳтарам Бадриддин жаноблари буюрадиларки, кимда-ким бақириб кулса, тартибни сақламаса, қаттиқ жазоланади!

Ясовулбошининг бу сўзларидан сўнг одамлар анча тинчландилар. Ясовулбоши шу маъно ва мазмунни қайта такрорлади. Шу онда Бухоро мадрасалари талабаларидан бўлсалар керак, давранинг олдида туриб кузатувчи уч-тўрт ўртоқ, пастроқ оҳангда ўзаро суҳбат очдилар.

— Чавкий базмини бекор қилишгани етмагандек, энди «Кулманг!» деб пўписа қилишганига ўлайми? — деди улардан бири.

— Ҳа-а-а, — дея, ўртоғининг гапини маъқуллай бошлади, иккинчиси. Ўтган йили сайил зўр бўлган эди. Бизнинг Вобкентдан келган Искандар ҳам зап куйлаган эди. Каримча танбур танбурини қанақа чертган эди-я?

— Ўтган йилги базмга бизнинг Фиждивондан Абдуқодир ва Эргаш дасталари ҳам келтирилган эдилар. Улар куйласалар булбул хиргойи қилар эди-я, — деб суҳбатга аралашди яна бири.

— Дўстим, эсингдами, Оврўпадан келган яланғоч аёлнинг дилни яратиб ўйнагани?

— Сен унга атаб шеър ҳам битган эдинг, тўғрими? — деди яна бири.

У шундай леган эди ҳамки, ўртоғидан «ҳа» жавобини олар олмас, талатўпда кимдир уни олдинга итариб юборди.

У даврага, айни ясовулнинг олдига йиқилди. Ясовул қўли-

даги оқ таёқ билан унинг бўйнига зарб билан урди. Ўртоқлари унинг ўрнидан туришига кўмаклашиб: «Тур биродар, тур!» дея, сафларига тикладилар.

— Шайтонга қўйинингдан жой берган кўринасан, болам. Яланъоч аёлдан гапиришга бало борми? Аллоҳнинг қаҳрига учрадинг, — деди уларга яқинроқ турган бир қария, жабрдийдага.

Жабрдийда: «Э...», дея, тожикчасига болаҳонадор ҳақоратдан икки-уч оғиз сўз очган эди, гапини тугатмай ёнидаги ўртоғи унинг яктағидан тортиб қўйди ва:

— Жим бўл! Эшишиб қолишса, орқага бирон қадам юролмайсан. Ушлаб адабингни беришади, — деди.

— Буларда бундай иш — сармода совуқ, — деди кимдир.

Даврада кураш беллашуви яна бошлаб юборилди.

Бу вақт оралиғида раис Абдурауф амирликнинг яна бир ҳокими миришабини қозикалон Бадриддиннинг олдига бошлаб келди.

У таъзим бажо келтириб, қозикалоннинг ёнида жой топди.

Козикалон Бадриддин Бухоро ҳукмдорлари орасида шу қадар обрўли, эътиборли бўлганки, амир бирон сипоҳ ва муллани унинг маслаҳатисиз ҳеч бир ишга тайинламас ҳамда бош вазир — қушбеги ҳам унинг руҳсатидан ташқари бирон иш қиломасди.

— Муҳтарам зотлар. Икки кунки, кураш беллашувида амирликнинг барча бекликларидан паҳлавонлар келиб, томоша бериб, беллашмоқдалар. Мана иккинчи кун якун топмоқдаки, қаршилик Тўра полвоннинг қўли баланд. Бизга аён бўлишича, подшоҳи олам — Амир Саййид Олимхон жанобларининг таъблариға Тўра полвоннинг курашлари ёқмай қолган экан. Шундай экан, модомики, бекликлардан яна полвонлар йиғиб, бу полвондан қўли баландини топсак, падарлари вафотидан дилпора Амир жанобларининг вақтлари хуш бўларди, — деди қозикалон, ёнида ўтирган ҳокимларга.

— Ниҳоятда доно мулоҳаза, — деди миршаб. Козикалоннинг бу фикрини раис ҳам «Доно фикр», «доно фикр» деб, бош иргаб тасдиқлади.

Шу пайт бу суҳбатдошларнинг орқасида, кичик маъмурлар билан бирга туриб суҳбатни тинглаган ва гап нимада эканлигини англаб олган Мулла Мирзо ҳокимлар олдига ўтиб, таъ-

зим бажо келтирди ва қозикалонга юzlаниб:

- Мұдтарам шариатпаноҳ. Мен гуноҳкорни кечириңг. Би-либ-бilmай пурмаъно сұхbatларингизни зшитиб олдим.
- Хүш, кечирдик. Сұзланг, нима демоқчисиз, Мулла Мирзо??!
- Сиз истаётган баҳодирлардан бирини, таъбир жоиз бұлса, полвонлар полвонини мен күргандайман, шариатпаноҳ.
- Күргандайман??! Очиқ гапириңг. Истиҳолага ҳожат нима? Қаерда күргансиз??!

— Гап шундаки, Қоракүл беклигининг Пойканд ҳудудида яшайдиган Берди савдогар деган бир савдогар дұстим бор. Бир кун, унинг савдоси бароридан келиб, халқа ош беріб, vale-неъматимизнинг табаррук номларига дуолар үқитди. Сұнgra, ошнинг изига кураш томошаси ихтиёр этиб, катта кураш берди. Дұстим Берди савдогарнинг таклифи билан маъракада бу банды ҳам ҳозир әдим. Қурашда Мурод деган ўн тұққиз-йигирма ёшлардаги полвон йигит «алпман» деган номдор полвонларнинг бошини ҳам қылғанини ўз күзим билан күргандым.

«Во ажабо», «во ажабо» дейишди бош ирғаб ўтирганлар. Мулла Мирзо ўтирганларнинг ажабланишларига жавобан «Камина — гувоҳман, шундай бұлди» дея, ишонтиришга ҳаракат қылды ва яна қўшиб қўйди:

— Ҳикоят қилғаним — бу воқеага тұрт йил тұлибdir, тақсир.

— Хуш гапни сұзладингиз, Мулла Мирзо. Аллоҳнинг иродасига мувофиқ, тақдир илоҳий билан, ул йигит янада забардаст бўлиб етишганига шубҳа йўқ, — деди қозикалон.

— Ҳақ сўз, тақсир. Ўзи хушбичим, гўзал ҳулқли эди. Бундайлар Аллоҳнинг иноятига доим сазовор бўладилар, — деди Мулла Мирзо

— Ҳикмат Бўз. Бу иш сизга юклатилади Дарҳол инокларга етказинг. Ҳозироқ ёnlарига сипоҳлар олиб, бекликларга чиқсинлар. Ҳокимларни бундан огоҳ этиб, полвонлар йиғсинлар. Пойкандлик Мурод полвонни топиб, тонг билан менинг ҳузуримга кирсинлар! — деди Қозикалон миршабга қараб.

— Бош устига, тақсир, — деди миршаб ва ўрнидан туриб сўридан пастга тушди.

— Раис, шом намози якин. — деди Қозикалон, — даврага тушиб, кураш томошасининг бугунги фаслига фотиҳа беринг. Авомга етказингки, зртага яна номдор полвонлар курашадилар.

ғолиблар тақдирланадилар.

— Бош устига. Халқа етказурман, тақсир, — деди раис ва сўридан тушиб давра томон юрди.

Қозикалон кўзларини бир нуқтага қадаркан, чан қўли кафти билан тиззасига уриб «Ҳақиқий беллашув эртага бўладиган кўринадур», деб тўнғиллаб қўйди.

Раис даврага кириб, ясовулбоши ва баковулга курашни тўхтатишини, одамларни тинчлантиришни буюрди. Давра аҳли тинчланиб бўлгач, сўз бошлади:

— Мўминлар, бундай пурфайз давра томошалари сабабчиси, пайғамбарнимиз халифаси, улус ва шариат ҳимоячиси — олийҳазрат амиримиз — Амир Сайид Олимхон жанобларининг муборак номларини тилга олиб тиловат қиласак, — дедида, қўлларини дуога очишини кутди ва ўзиям сурга ўқиб, дуо қўшди:

— Илоҳо! Аллоҳнинг назаркардаси муҳтарам зот — зоти шоҳона амиримиз — Амир Сайид Олимхон жаноби олийларининг салтанатлари зиёда бўлсин! Омин, ё Роббил-оламин!

Дуодан сўнг ҳамма қўллари кафтларини юзига суртди.

Шундан сўнг раис яна сўз очиб, Қозикалоннинг айтганларини давра аҳлига етказди:

— Халойиқ! Эшитмадим, деманглар. Шу ерда, яъни сайлогоҳи Ширбаданда, эртага тонгдан, Наврӯз сайлининг учинчи куни бошланади. Эртанги кунда ҳам бекликлардан янада зўр, забардаст полвонлар танлаб келиниб, хуш томоша — беллашув ўтказилади!!

Раиснинг гапларини эшитган ҳангоматалаб давра аҳли қийчув кўтарди.

Раиснинг «янада зўр, забардаст полвонлар танлаб келинади» ибораси Тўра полвоннинг нафсониятига тегди шекилли, у «Ҳали кўрамиз, эртага яна қандай чурвақаларни жамлаб келишаркан?» деб тўнғиллади.

Ясовуллар ўдағайлаб, даврани тинчлантиргач, раис валинесьматлари номига дуо ўқишни унутмади.

— Илоҳо! Жаноби олий жаҳонгир омон бўлсинлар! Пирлар, ёр, чорёр мададкор ва Шоҳимардан ҳазратлари камарларини боғлагайлар! Омин, ё Роббил-оламин! — деди ва даврадан чи-

қишига тараддуудланди.  
Давра аҳли таркала бошлади.

## 10. БУХОРОЙИ ШАРИФ ТОМОН ЙЎЛ

Бухоронинг уч ҳукуматдорлари ўтказган машваратдан сўнг, унинг пироварди — миришаб Аркнинг чап томонида, бозор майдонида бир неча иноқ ва сипоҳларини йигдирди. Гап нимада эканлигини билишга ошиқаётган безовта суворийлар отларини ундалб, миришаб ва унинг атрофида йигилган етти-саккиз нафар иноқ<sup>\*</sup>ларнинг яқинроғига боришга ҳаракат қилишарди.

Иноқлардан бири уларни тинчланишга ундали:

— Тинчланинглар! Эшитинглар!! — деди у, ўнг қўлидаги қамчинини бошидан юқори кўтариб.

Сипоҳлар тинчлангач миршаб сўз очди:

— Биродарлар! Амиримиз хизмати камарбасталари. Мен ҳозиргина иноқларга тушунтирдимки, сизлар улар бошчилигида тезда бекликларга тарқалиб яна полвонлар йигиб келасизлар. Барчангизга Аллоҳ мададкор бўлсин! Қани, иноқлар, ҳар бирингиз ёнингизга сипоҳларни олиб йўлга отланинг, тезрок!!

«Мен Ромитаңга борурман!»

«Мен Шофирконга чикдим!»

«Мен Фиждувонга борурман!» деди, иноқлар миршабга, борар манзилларни билдирган ҳолда тарқала бошладилар.

Иноқлардан бири «Мен Қоракўлга борурман!» деган эди, миршаб унга:

— Тўхта! Сен Қоракўлга борур бўлсанг, дамларингга яна бир бўш от солиб ол! Ҳали мен айтганим — Мурод полвон деганини миндириб қайтасан! — деди.

— Ҳўп бўлади, тақсир, — деди иноқ.

«Мен Қоракўлга борурман» деган иноқ ёнига тўрт нафар суворий олди. Улар Қоракўл беклиги томон от солдилар!

\* \* \*

\* Иноқ - Ҳат, хабар, ёрликларни бекликларга етказувчи киши

Қоракўл беклигига қарашли Сайёт қишлоғи. Ҳалигина чўккан тун қоронгулигини табиат чироғи — ҳилол нури хира ёритмоқда, холос. Тун жимлигини у ер - бу ерда тинмай акиллаётган итларнинг овозларигина бузиб турмоқда.

Шароф тегирмончининг дарвозаси олдида бир пиёда ва унга эргашган беш суворий келиб тұхтадилар. Пиёда келган киши қишлоқ оқсоқоли — Бозор закотчи эди. У дарвоза зулфинини зарб билан уриб тақиллата бошлади.

Бир оз вақт ўтгач, Шароф тегирмончининг «Ким у, хуфтонда?!» деган овози эшитилди.

— Шарофжон, очаверинг, бу менман, — деди закотчи.

— Бозор ака, сизмисиз? Тинчликми? Ҳозир очаман, — деди тегирмончи. Зум ўтмай дарвоза очилди.

Бир қўлида фонус ушлаган уй згаси ташқарида турган Бозор закотчи ва беш суворийни кўриб, ҳаяжондан бир лаҳза қотиб қолди. Сўнgra, уларнинг «Ассалому алайкүм! Омон-эсонмисиз, тақсир?», деб ҳол сўрапларидан кейин эс-ҳушини йигиб олди ва:

— Ваалайкүм ассалом. Ўзларингиз омонмисизлар? Келинглар, биродарлар, келинглар. Марҳамат, — деди.

Ҳовлига закотчи, отидан тушган иноқ ва у бошлаб келган суворийлардан бири бирин-кетин киришди. Ташқарида қолган уч отлик барча отларни саришталаш билан овора бўлиб қолишиди.

Бозор закотчи ва амир амалдорининг сипоҳлар билан қўқисдан, тунда ҳовлисига кириб келиши сабабини англаб етмаган тегирмончи қўрқинч ва ҳаяжондап пойма-пой гапиради.

— Мар-ҳа-мат. Уйимиз тў-ўри сизники.

— Шарофжон, ўғлингиз уйингиздами? — сўради закотчи.

— Шундай, шундай. Аммо ... нега уни..? — тегирмончи яна да ҳаяжонланиб, гапини тугатолмай каловланди.

Тегирмончининг аҳволини сезган иноқ ташриф сабабини тушунтиришга киришди:

— Биродари азиз, ўғлингиз номдор полвон экан. Унинг шаъни Бухоро амалдорлари орасида тилга олинди. Шу сабабки, муҳтарам қозикалон унинг кураш тушишини томоша қилмоқчилар. Агар тақдир қилса, амиримиз назарларига ҳам тушиб, ул жанобнинг табаррук совринларига эга бўлур.

Амалдорнинг бу сўзларидан сўнг, Шароф тегирмончи бироз ўзиға келди, юзиға табассум югурди.

— Аллоҳга шукурким, ўғлим яҳши ном билан Бухоро амалдорларининг муборак тилларига олинниби.

— Мұхтарам зот. Курашда бизнинг Муродға тенг келари то-пилмас дейман. Мана икки кунки, Чивлининг қирида үтказила-еттган Наврұз сайили курашида, Қоракүл полвонларнинг барча-сини доғда қолдирмоқда. Түрт-беш йилдан бүён унинг курагини бирор полвон ерга теккиза олмаган, — деди Бозор закотчи, ўз қишлоғи полвони билан фахрланиб.

— Қани? Полвонни чақириңг? Биз уни ўзимиз билан бирга олиб кетамиз, — деди амалдор.

— Ҳозир чақираман. Ҳозир биродарлар. Сизлар сұрига чи-қиб дам олингиз. Узоқ йүл босиб келибсизлар. Сиз бу фақир-нинг бир пиёла чойини ичгүнингизча барчасидан ўғлим ва она-сини огоҳ этай.

— Маъқул, тақсир. Фақат тезроқ бўлсангиз. Ўғлингизни икки сарвар билан Бухорога юбориб, ўзим Қоракүл ҳокимиға учрайман. Яна полвонлар йиғиши даркор.

Шароф тегирмончи қўлидаги фонусни сўри устига қўйди-да:

— Тушундим, уммати азизлар, — деб, кутилмаган меҳмон-ларга сўридан жой кўрсатиб, ичкари томон кетди.

Бозор закотчи, «Тўрга чиқинг, тақсир» деб, ундашидан сўнг, оддин амалдор, кейин ёнидаги йигит сўрига чиқиб, кигиз усти-га ўтиришди. Улар жойлашиб олгач, закотчи ҳам чиқиб ўти-риб олди.

Бу орада, уйига кириб кетган тегирмончи чироқ ёқди ше-килли, деразадан ташқарига хиёл шуъла оқиб туша бошлади.

Бир оздан сўнг қўлида чойнаклўш ёпилган чойнак ва пиёла-лар билан Шароф тегирмончи чиқиб келди.

— Ҳалигина, дамланган чойимиз бор эди. Совиганича йўқ, марҳамат қилиб ичиб турсангиз. Ўйдагиларга барчасини ту-шунтирдим. Ҳозир Муроджон чиқади, — деди тегирмончи, сўри четига ўтириб, чой қуяркан.

— Яхши қилибсиз. Тезроқ бўла қол, дедингизми? — деди амал-дор.

— Дедим, тақсир, дедим.

Сўри устидагилар бир пиёладан чой ичиб улгурмай, Мурод чиқиб кела бошлади. Унинг орқасидан, уй ичидаги турган онаси-нинг унга оқ йўл тилагини, дуоси, ҳўнг-ҳўнг йигиси секин эши-тилиб турди.

Мурод аввал кураш кийимларини уларнинг устидан кўк кала-ми яктак, бошида такя, оёғида сўфий шолвор ва юпқа чарм-дан

ярим құнжли этик кийиб олган зди. У сүрида үтирганларнинг олд томонига, яқинроғига бориб:

— Ассалому алайкум! — деди ва таъзим қилди.  
— Ваалайкум ассалом! Полвон. Барака топинг. Тайёрмисиз?  
— деди амалдор.

— Ҳа, тақсир. Тайёрман, — деди Мурод.

— Яхши, полвон. Яхши. Қани бизга бир яқинроқ келинг, бир қўл олишиб кўришайлик, — деди амалдор ва ўнг қўйини саломга чўзди. Мурод яқинроқ бориб амалдорнинг панжасига панжасини солди.

— Илоҳи! Омадингни берсин! Худой ёрлақаган полвон кўринасан Панжанг меникидан қарийб икки баробар катта экан, — деди амалдор ва олдида турган пиёладаги чойни бир кўтарганда ичиб, — чой учун раҳмат, биродар. Энди оқсоқолдан дуо олсак, — деди.

— Илоҳи! Аллоҳ амиrimiz олий ҳазратларига пурифтихор салтанат ато этган бўлгай! Барча мўминларга омонлик, қут ва барака берсин. Омин, ё Роб бил оламин! — деди закотчи.

Барча үтирганлар дуога шерик бўлишгач, ўрнидан туриб сўридан пастга тушдилар. Амалдор тез одимлаб дарвоза томон юрди. Қолганлар хам унга зргашдилар.

Мурод дарвоза томон юраркан, пахса девордан нариги томонга — суюклиси Қизлархоннинг ҳовлисига термулди. Қизлархоннинг уйидан чироқнинг хира қизғиш-сарғиши шуъласи дे-раза ойнасининг шаффоф тўсинини писанд билмай ҳовлига сочилаётгандай зди. Ҳовлида эса ҳеч ким йўқ. Қани энди Қизлархон уйида бўлса, Мурод юргурганча бориб, олис сафари олдидан уни қучса, хайрлашса.

Бир қўлида фонус кўтариб олган Шароф тегирмончи ийманнибгина амалдордан сўради.

— Тақсир. Энди бу... Муроджон қачон қайтиб келади, демокчи эдим, таксир.

— Бу менга эмас, муҳтарам қозикалон ёхуд амиrimiz жаноби олийларига боғлиқдур. Улар кураш маъракасини неча кун хоҳласалар шунча чўзаверадилар. Аммо сиз сира ғам чекманг. Полвон менинг пуштибонлигимда бўлади, — деди амалдор ва суворийларининг икки нафарига — Мустафо! Қосим! Сизлар

полвонга сарварлик қиласизлар. Уни тўғри меникига олиб бо-  
риб, овқатлантирасизлар. Мәҳмонхонамдан жой тайёрлайсизлар!  
— деди.

— Хўп бўлади, тақсир, бош устига, — деди суворийлардан  
бири.

— Полвон отда юришни биласизми? — сўради амалдор.  
Муроднинг елкасига ўнг қўли кафтини ташлаб.

— Ха, тақсир. Биламан, — деди Мурод ишонч билан.

— У ажойиб чавандоз. Менинг отларимнинг «қанот ёзди-  
си» унинг зиммасида эди, — деди закотчи, кулиб.

— Унда, мана бу отни миниб олинг! Бу от ҳозирча сизга қарзи  
ҳасана. Агар барча полвонлардан қўлингиз баланд кезиб, дав-  
латнинг олд полвони бўлсангиз, қайтариб олмайман. Гапим бит-  
та. Сизга уни ҳадя қиласман, — деди амалдор ва суворийлардан  
бири ҳозирлаб турган отига миниб олди.

— Саховатли Аллоҳга шукур, — деди Мурод бир сакраб отга  
миниб оларкан.

Бу билан у гўё «Мен барча полвонларни йиқитаман ва шу  
от эгасига айланаман», деб ишонч билан гапираётган эди. Ҳам-  
ма кулиб юборди. Ўзини кулгидан зўр-базўр тийган амалдор:

— Эсингизда туting! Отнинг номи «Оқманглай». Ўзи ёпи.  
Елиши ҳам яхши, — деб таъкидлади. Сўнгра, отини буриб за-  
котчи томон юзланди.

— Қани, оқсоқол, бизга оқ йўл тилаб, бир дуо ўқиб беринг,  
— деди ва қамчини қўйнига тиқиб дуо қилди. Ҳамма унга қўши-  
либ дуога қўл очди.

— Илоҳи! Барчамизга Аллоҳ оқ йўл берган бўлсин! Кураш-  
да Мурод полвоннинг қўли баланд келсин, зўр томоша берсин.  
Амиримиз олий ҳазратларининг ва жами амалдорларнинг вақт-  
лари чоғ бўлгай! Омин, ё Роббил оламин! — дея дуо ўқиди за-  
котчи.

— Қани йигитлар, кетдик! — деди амалдор, отини катта йўл  
томон буаркан.

— Дада, яхши қолинг! Бозор амаки, омон қолинглар, — деди  
Мурод ва отини катта йўл тараф кетаётган суворийлар орқаси-  
дан йўргалатди.

Катта йўлга чиққан амалдор ва икки отлиқ, Мурод ўз изми-  
да икки суворий сарвар билан Бухоройи шариф шаҳри томон  
бурилдилар.

## 11. ҚУРАЛАЙ КҮЗЛАРДАГИ НАМ

Шароф тегирмончи тонгни жуда зерта қарши олган эди. У бомдод намозидан сүнг ҳовлига чиқди-ю, уйига қайтиб кирмади. Ҳовлида айланиб юриб барча юмушларини бажаришга киришди. Говмуши ва ҳўқизига, ўғлининг тўй сарфи учун боқаётган уч-тўртта қўйга пичан солди, тегирмонхонага кириб кашкаш ва тегирмоннинг у ёқ-бу ёғини тузатди. Кейин ҳовлиснинг ўнг томонида, пахса девор ёнида турган ўғли Муроднинг кўтариб машқ қиладиган анжомларини: қум тўла қоп ва хуржинни, гупчакларига оғир юклар осилган ароба ўқи, икки газлар чамаси узунликдаги ёғоч фўласи кабиларни зўр-базўр кўтариб четта олиб қўйди. Чарchoқдан белини ушлаб қоматини ростлади.

Аслида, ҳар кунги тонгни у бунчалик серҳаракат бошламас эди. У зерта нонушта қилиб, тонг ёришиб тегирмонхона ичига ёруғлик тушгачгина кашкашни ишлатар ва одамлар келтирган буғдойни туйиб, ун қилиб бериш билан овора бўларди.

Очиғи, у бугун ўғлининг Бухорога — Наврӯз сайили курашига, қозикалондек кишининг буйруғи билан олиб кетилганидан безовта эди. Шу бонс, эрталабдан ўғлини соғинган ва уни ўйлаб бошида минг бир хаёл билан юрар, рӯзбор икир-чикирлари ила ўзини овутмоқчи бўларди.

Ажабланишга хожат йўқки, Муродни қўмсаб, Роҳат ойимнинг кўнгил ўртаниши зриникидан ўн чандон кўп эди. Кеча кечқурун амир амшадори ўғлини Бухорога олиб кеттанидан сүнг, у мижжа қоқмай тонг оқартирди.

У қумғон тагига ўтин қалаб, чой қайнатиш илинжида, ҳовлида куймаланаар экан, ҳўнг-ҳўнг йиғлагани сезилиб турарди.

Бу орада пахса товорадан нарида ҳовли супураётган Қизлархон қўшни йигитнинг ҳовлисига ўқтин-ўқтин, сездирмайгини назар ташлаб қўяётган эди.

У ҳар тонг ҳовли супураётганида товора девор ортида туриб, машқ қилаётган суюклиси унга гап ташлаб қўяр ва бир зумлик суҳбат билан уни куну тун баҳтиёр қилиб қўярди.

«Негадир Мурод акам ҳовлиларида кўринмаяптилар?» дея, кўнглидан ўтказди Қизлархон. У шоҳи рўмолини учини тишлаб, пойлаб, оёқлари учига туриб, Муроднинг ҳовлисига яна кўз югуртирди. Қумғон тагига ўт қалаётган Роҳат ойимни



күриб, сездирмайгина тисарилди. Яна ҳовли супурган бўлиб, супурги тебратди.

У суюклиси билан кечган кеча тонгдаги суҳбатларини эслади. Кечада эрталаб, Мурод товорадан унинг ҳовлисига аланглаб: «Ҳой қиз! Ҳа деб, супураверганингдан ҳовлинг чуқурлашиб сени кўришга қийналаяпман. Кўп супургинг келса, бу ёққа ўт-да, бизнинг ҳовлини супура қол, бўлғуси қайнонандан раҳмат оласан», деганида у ҳам ҳозиржавоблик билан: «Сизнинг ҳовлингизни тут пишиғидан сўнг супураман. Ҳозирликча сиз, тош кўтариб машқ қилиб, келин кўтардига тайёrlаia беринг. Бўлмаса келинни кўтариб, гулхан атрофида айлантиришда қийналиб қоласиз» деган эди. Қисқагина бу суҳбат Қизлархонга узун кун хушчақчақлик бағишлаган эди.

Мана ҳозир ҳам ҳовлини супураётib ўша суҳбатни эслади-ю, унинг лабларига табассум югурди.

Шу дамда Қизлархоннинг қулоғига, пахса девордан нарида, Мурод кўтариб машқ қиласидан анжомларнинг қасур-қусури эшитилди.

У «Мурод акам тош кўтариб машқ қилаяптилар», деган фикр билан, қувонганича, уни бир кўриб олиш учун, югуриб бориб Муроднинг ҳовлисига боқди. У тошлар олидида бел ушлаб турган Шароф тегирмончини кўрди-ю, алланечук аҳволга тушди. Баданини совуқ тер босгандек бўлди. Рўмолини учини тишлаб пастга чўқди. Қуралай кўзлари жовдираб, узун қайрилма киприклари сархуш жисмига нотобелик билан тез-тез пирпирай бошлади, кўзлари намланди. Уни биргина савол қийнарди: «Негадир Мурод акам кўринмаяптилар?» У ич-ичидан бу саволни қайта-қайта такрорлар, аммо бирон тайинли жавоб топа олмасди.

Девор орқасида бошланган суҳбат қизни қийнаётган саволга ечим бўлди.

— Уҳ-ҳ чарчадим. Муроджоннинг тақир-туқирлари оғир экан. Шуни кўтариб машқ қиласди-я. Жабр экан, жабр, — деди Шароф тегирмончи, белини тутиб, хотини томон яқиплашар экан.

Унинг бу гапи ожизасининг шундай ҳам қийнаётган кўнглини яна тирнаб юборди, шекилли, ҳўнграб йиғлаган ҳолда, зрига:

— Муроджоннинг полвонлиги сизга керак эди, ўзи. Бўлмаса, неча бор айтгандим сизга: «Бу тошларни кўтармасин, қий-

налади, кураш тушмасин чухс топади», деб. «Чиниқаберсин» дедийиз, «кураш тушаберсин» дедийиз. Мана оқибати, олиб кетишди.

— О..! Бўлди қил! Олиб кетишгани бўлса Амриқога олиб кетишдими? О! Ўзимизнинг Бухорога-ку! Суюн, хотин, суюн! Ўғлимиз Бухоройи шарифда кураш тушади.

— Бу Бухоро деганларида қанчадан-қанча катта полвонлари бор. Болажоним ёш. Ўсал қилиб юборсалар-чи? Яна суюн дайсиз-а?!

— Э-э-э, жим бўл! Ёш змас. Йигирма учини тўлдириб, йигирма тўртига кирган қарчиғайдай полвонни-я. Ҳеч нима бўлмас! Бундан фахрланиш керак. Мен ўғлимиздан фахрланам онаси. Сен бўлсанг йиғлаб ўтирасан-а?

— Болагнам тунлари оч-наҳор қаерларда тентираф юради-я?

— Олиб кетган амалдор, «Меникида ётиб туради, эрта-индин қайтиб келади» деб айтди, дедим-ку!

— Бухоронинг амалдорларини эшигтанман, зор қолгурларни.

Қизлархон қўшни ҳовлида кечётган сұхбат мазмунидан ўзига келолмай чукур ўйловда эди. Шу боис отаси унга жуда якин келиб қолганини ҳам сезмай қолди.

— Қизим, жуда хаёл суринг колдингми ёки тобинг кочиб қолдими? Тур! Уйга кир! — деди Хўжжи чўпчи қизига.

— Яхшиман, — деди Қизлархон. У намли қўзларини отасидан яширганича, ўрнидан туриб ундан узоқлашди.

Қўшни аёлнинг йиғлаши, эрининг унга нималарни дир ту-шунтиришга уриниб гапираётганини эшигтан Хўжжи чўпчи пахса девордан нарига қараб:

— Ассалому алайкум! Ҳа, қўшни тинчликми?, — дея, холаҳвол сўради.

Бир оздан сўнг, ҳовлисидан у ёқдан бу ёққа ўтиб қайтаётган қиз отасининг қўшниларга қаратади:

«Муроджон сизу бизнинг фахримиз, у бутун Қоракўлнинг фахри!» деб гапираётганини эшитиб, юзига кулгу югурди. Кўзидағи хиёл намни артиб, уйига кириб кетди.

Девор-дармиён қўшниларнинг сұхбатлари чўзилгандан чўзилди.

## 12. СИНОВ

Бугун тонгданоқ Бухоро кўчалари гавжум бўлиб қолди. Одамлар Наврӯз сайилии байрамнишинлигини қилиш мақсадида, туда-туда бўлиб, Ширбадан сайилгоҳига келаётган эдилар. Дарвоқе, Ширбадан сайилгоҳи маъвосида, бугун Наврӯз сайилида ўтказиладиган кураш томошасининг учинчи — охирги куни кечади.

Боз устига кеча, кураш томошасининг иккинчи куни якунида, раис: «Эртага ҳам бекликлардан яна зўр, забардаст полвонлар танлаб келиниб, хуш томоша-беллашув ўтказилади!» деган эдики, бу Бухоро ҳалқидек азалдан курашига шинаванда ҳалқнинг аксарининг кўзларини деразага «қадаб» қўйишга — тонг отишини кутишга мажбур этиб қўйган эди.

Шу сабаб одамлар кураш ўтказилажак майдонга мумкин қадар аввалроқ боришга, кураш даврасининг олдинроғида ўрин топишига ҳовлиқмоқда эдилар.

Эрталабдан серқатнов бўлиб қолган бу кўчалардан яна икки киши ҳовлиқиб бормоқда эдиларки, улар кўпчилик қатори сайилгоҳга эмас, балки саройга қозикалон ҳузурига шошмоқда эдилар. Улардан бири Мурод ва уларникига борган иноқ — амалдор эди.

Бухоро шаҳрига биринчи бор келган Мурод амалдорнинг тез одимлаб юришига монанд, у билан баробар юришга ҳаракат қилса-да, гоҳ-гоҳ нигоҳлари маҳобатли асори-атиқаларга боғланиб қолар, улар унинг ҳушини ўғирлаб қадами секинлашганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Амалдорнинг «Илдам юринг, полвон!» деб ундашидан сўнг, яна ҳушёр тортиб унга етиб оларди.

Амалдор Арки Олий дарвозаси томон бурилди. Дарвоза олдида турган тўрт соқчи марҳамат билдиргач: «Бу йигит ҳам мен билан» дея, Муродни ҳам Аркка бошлаб кирди. Улар юқорига кўтарилиб, Чорсу йўлидан юриб, чапга бурилдиларда, қозикалон ҳовлисига ўтдилар. Мурод ҳовлига кириши билан унинг истиқболига хушбичим, таниш чехрали бир киши пешвуз чиқди. Бу киши қозикалон Бадриддиннинг хўжалик мудири Мулла Мирзо эди.

— Ассалому алайкум, Мулла ака! — деди Мурод, тўрт йилда э буён кўришмаган бўлса-да, Мулла Мирзони дарҳол таниб.

Мулла Мирзо: «Ваалайкум ассалом, полвон», — деди кулиб,

унга яқинлашар экан.

Улар құчоқ очиб күришдилар. Мулла Мирзо Муроднинг елкаларига құлларини ташлаб, уни тебратиб қўйди-да:

— Мени унутмабсан-а, полвон?! — деди кулиб.

— Сиздек хушсухан инсонни унумтоқ гуноҳ, Мулла ака, — деди Мурод кулиб.

— Анча улғайисан. Келбатинг ҳам дуруст. Ҳозир ҳам кураш тушаяпсанми?

— Ҳа, мулла ака.

— Дуруст. Фоятда дуруст! — деди Мулла Мирзо.

Мулла Мирзо суҳбатини бироз тұхтатиб, Муродни бошлаб келган амалдор билан сұрашиб олгач, унга:

— Муроджонни бунга саломат етказганингиз ва меҳмондорчилегингиз учун ташаккур, биродар. Мен қозилар қозисига «Муроджон менинг танишим», деб эдим. Шу боис полвонни у кишининг ҳузурига ўзим бошлаб киравераман. Сайилдан кейин полвон менинида меҳмон бўлади. Сизга рухсат, бораверинг, — деди.

— Хўп бўлади, тақсир! — деди амалдор, таъзим бажо келтириб.

— Раҳмат сизга, тақсир! — деди Мурод амалдорга миннатдорчилигини билдириб.

— Арзимайди, полвон. Сизга Аллоҳ омад берсин, — деди амалдор ва эшик томон юрди.

— Раҳмат. Илоҳим, айттанингиз келсин.

Амалдор ҳовлидан чиқиб кетди.

— Мурод, — деди Мулла Мирзо, — ҳозир мен сени қозикалон ҳузурига олиб кираман. Киришимиз билан салом бер. Этилиб таъзим бажо келтиришни унумта. Одоб сақла, камгап бўл!

— Тушундим, Мулла ака, — деди Мурод.

— Қани бўлмаса, кел, — деди Мулла Мирзо. У Муродни орқасидан зргаштириб, даҳлизга кирди.

Эшик олдида Муродга: «Сен у ер-бу ерингни тузатиб тур, полвон», деди-да, ўзи эшикдан ичкарига кирди. Бир оздан сўнг чиқиб:

— Полвон! Шариатпаноҳ сени сўрайтилар, киаркансан. Кир, кира қол! — деди. Мурод ийманибгина ичкарига кирди. Ичкарида, эшик тўғрисида, ярим тирсак баландликда кенг сўри бўлиб, унинг устига ипак гилам, гилам устида икки қават баҳмал кўрпа-

чалар ташланган. Күрпачалар устида ўтирган қозикалоннинг иккала томонига биттадан йўғон лўла ёстиқ қўйилган эди. Пастда унинг ўнг томонида, унинг мирзоси кўрпача устида ўтирган, Мирзонинг олдидаги кичик хонтахта бўлиб унинг устида сиёҳдон, ёзув қалами, қоғозлар ва бир-иккита китоб туради.

— Ассалому алайкум, шариатпаноҳ! — деди Мурод, иккала кўли панжаларини мумкин қадар кенгроқ ёйганча, кўкрагига босиб, ярим эгик ҳолда.

— Ваалайкум ассалом, — деди қозикалон. У Муродга бир оз сукланиб қарагач, сўради:

— Пойкандликмисан?

— Ҳа, тақсир. Пойкандликман.

— Қайси қишлоқдансан?

— Банда Сайётликман, тақсир.

— Падаринг ким?

— Падарим фақирни Шароф тегирмончи дерлар, тақсир.

— Сени Мулла Мирзо тўрт йил бурун кўрган экан. «Яхши кураш тушарди», деганди. Ҳозир ҳам кураш тушиб турасанми?

— Ҳа, шариатпаноҳ. Баҳоли қудрат.

— Яхши. Бугун сайилнинг учинчи куни, биз сени номдор полвонлар билан курашга қўймоқчимиз.

— Бош устига, тақсир, — деди Мурод, қозикалоннинг мақсадини англаб, ўзига ишонч билан.

— Сенинг келбатинг, хушбичимлигинг, муомаланг менга ёқди. Сен Мулла Мирзо таърифидан ҳам зиёда йигит кўринасан. Аммо шу ердаёқ сени кучингни синааб кўриш мақсадида бир чора қилгандим.— деб, қозикалон сўридан пастга тушди ва эшик олдига яқинлашиб, — юр ҳовлига чиқамиз, — деди.

Улар ташқарига чиқишиди. Уларнинг орқасидан қозикалоннинг мирзоси ҳам чиқиб келди.

Ташкарида Мулла Мирзо, ҳозиргина келган ва у билан суҳбат қураётган миршаб, ҳамда тўрт тирсак узунликдаги қалин ёғоч фўла атрофида ўралашаётган иккита полвонкелбат йигит бор здилар.

— Ассалому алайкум, шариатпаноҳ! — деди миршаб таъзим билан.

— Ваалайкум ассалом, — деди қозикалон.

— Сўраганингиз Мурод полвонни «келтирдик», деб огоҳ

этишди. Ўзим ҳам бир назар ташлай дедим.

Қози «яхши қилибсиз» дегандай бош қимирлатиб қўйди. Сунг ёнидагиларга мурожаат этди:

— Қани келинглар-чи! Бу полвон ғўлани неча бор кўтара олар экан, қўрамиз.

— Курашга қўшишдан олдин, полвонни бир синаб кўрай дебсиз-да, шариатпаноҳ, — деди миршаб.

— Шундай. Аниви икки киши: Авлиёқул ва Муҳаммад полвонлар, кечаги курашда Тўра полвондан йиқилган здилар. Ҳозир улар ғўлани неча мартадан кўтаришларини синаймиз. Агар Мурод улардан кўп кўтара олса, уни Тўра билан курашга қўшмоқ арзигулик бўлади.

— Фоятда тўғри фикр, тақсир, — деди миршаб.

— Қани Авлиёқул полвон, биринчи бўлиб сен кўтар-чи, неча маротаба кўтара оларкансан? — деди қозикалон.

Қозикалон таништирган Авлиёқул полвон узундан келган, кенг елкали йигит бўлиб унинг пишиқ ва чайирлиги шундай кўзга ташланиб турарди. У ёғоч ғўлага яқинроқ борди.

Ғўла бир тирсак қалинлигига бўлиб, унга икки мушт сиғадиган маҳсус тешиклар қилинган. Полвонлар ана шу мослама ғўлани кўтаришлари керак эди.

Авлиёқул полвон ғўланинг олдида ўзини «ростлаган» бўлди. Сунгра уни бошидан юқори кўтариб – кўкраги қадар пастга тушириб, яна юқори кўтариб, пастга тушириб, шу йўсинда ўша ғўлани ўн олти марта кўтарди.

— Яхши полвон, яхши. Энди навбат Муҳаммад полвонга, — деди қозикалон.

Муҳаммад полвон ўрта бўйли, кенг елкали, кўкрак қафаси олдинга чиққан, юзи энли ва сепкилли хушбичим йигит эди. У кучаниб ғўлани йигирма бир марта кўтара олди.

— Муҳаммад полвон. шунча кучинг бор экан, қандай қилиб Тўрадан йиқилганингга ҳайронман!, — деди қозикалон.

— Тўғри айтдингиз. Аммо усулда адашгандир, — деди миршаб.

— Қани, Мурод полвон энди сен кўтар-чи, — деди қозикалон.

Мурод яктагини эгнидан ечиб ерга қўйгач, белидаги белбоғи — қанжирғасини қаттиқ тортиб боғлади. Бош кийимини ечиб яктаги устига қўйди-да, ғўлага яқин бориб, қаддини ростлади. Сунгра бир уринишда ғўлани ўттиз икки марта кўтарди. У яна

тўрт-беш бор кўгариши мумкин ҳам эди. Аммо қозикалон кўта-ришдан тўхтатди:

— Бас қил, полвон. Бас қил! Беҳудага кучингни сарф қилма! Ҳақиқий полвон экансан. Ҳозир бориб, Ширбаданда сенниг кураш тушишингни, амалларингни томоша қиласиз. Бўшап-май кураш! Ўзингни кўрсат!

— Мулла Мирзонинг айтганлари рост экан. Кўз чалмасин, Мурод полвонга куч деганин Аллоҳ аямай берган кўринади, — деди миршаб.

— Насиб қилсин. Шундай кўринади, — деди қозикалон ва қўшиб қўйди. — Қани, энди Ширбаданга ҳозирланинглар. Кураш томошасига борамиз! Бу орада Мурод якtagини кийиб олган, бош кийимини кийиб, у ёқ - бу ёғини тузатаетган эди.

### 13. СОҲИБҲУНАР ПОЛВОН

Ширбадан сайилгоҳидаги кураш томошасини кўриш илинжира, тонг қоронғусида уйидан чиқкан кураш шинавандалари аллақачон томоша майдонига етиб келишганди. Сайилгоҳга кечиқиб келганлар кураш майдонига яқинроқ жойлашиб олиш мақсадида, олдинроққа ўтишга ҳаракат қилишар ва бунга жавобан ясовулнинг узун таёғи ила пўписасига, баъзан шу узун таёқ «сийлови»га сазовор бўлишашётган эдилар.

Қозикалон томоша майдони яқинига жойлашган усти чодирли баланд сўрига яқинлашар экан, сўри атрофида ўралашаётган Бухоро амалдэрлари унинг истиқболига чиқишиб: «Ассалому алайкум», дега юкундилар. Қозикалон зеринибгина «Валайкум ассалом» деди. Қозикалон юқорига, сўри устига чиқаркан, амалдорлар унинг орқасидан чиқиби: «Марҳамат, шариатпеноҳ!», «Марҳамат қилсинилар!» деб қўллари билан муносаб ўрин кўрсатишарди.

Қозикалон сўрининг олдинроғига ёйиб қўйилган икки қават кўрпача устига ўтириб олгач, унинг икки томонидан раис ва миршаб, қолган ўнлаб маъмурлар улардан орқада жойлашишиди.

Қози кураш майдонига разм солди. У нигоҳлари билан майдон атрофида ўтириб олган кўплаб полвоилар ичидан Муродни қидиради. Кўзи Муродга тушгач:

— Раис! — деди, ўқтам аммо пастроқ оҳангда.

— Лаббай, тақсир. Қулоғим сизде, — деди ёнида ўтирган раис, бүйнини у томонига мумкин қадар чўзиб.

— Ҳўв анави полвонни кўраётисизми?

— Заъфарон чакмон кийган полвонни демоқчисиз, шекилли? Кўраяпман, у Араб полвон-ку?

— Уни эмас Абдурауф, мен сизга унинг сўлида ўтирган йигитни айтиётирман.

— Кўрдим, кўрдим тақсир. Кўк қалами яктаклик қоматдор йигит.

— Ҳа, ўша Менинг назаримда, бугун ана шу полвоннинг қўли барчасидан баланд келади.

— Ҳўш, тақсир. Даврани очиб, уни ўтган икки қуннини олд полвони – Тўра билан қўшаверайми?

— Ҳовлиқаяпсиз раис, ҳовлиқаяпсиз! Курашда ҳам улуснинг ўз қонун-қоидалари бор. Қолаберса, ҳар полвоннинг ори, ғурури бор. Тўра икки қун мобайнинда дуч келган ҳарифини йиқтиб, «олд полвон» даражаси билан турибди. Уни ҳурмат қилишимиз шарт. Тўра полвон билан беллашмоғи учун бу йигит номдор полвонлардан бир нечтасини йиқитмоғи лозим. Агар биз дуч келган полвонни Тўранинг ёқасига осилтираберсак, тўғри бўлмас. Боз устига бекликлардан яна кўплаб полвонлар келтирилганки, уларни кўришга ҳам давра аҳли интиқ турибди, — деди қозикалон, раисга тушунтирган бўлиб.

— Заковатингизга балли, қозилар қозиси, — деда гашга аралашди мишлошаб, — муҳтарам раис, ақли ожизимча, қозикалон жаноблари ўтирган барча полвонларни курашга қўшиб, улар ичидан энг қўли баландини танлаб, фақат унигина Тўра полвон билан беллашувга қўшиш керак, демоқчилар.

— Ҳа-а-а, ақлингизга балли! — деди қозикалон

— Тушундим, тақсир. Тушундим, — деди раис.

— Ҳўш Энди бориб даврани очиб беринг! Айтингки, бугун ким ғолиб бўлса, у «амирликнинг олд полвони» саналади. Муносиб соврин соҳиби бўлиб, амиримиз олий ҳазратларининг табаррук ёрлиқларини қўлга киритади, — деди қозикалон.

— Ҳўп бўлади, ҳурматли шарнатпаноҳ. Ҳалойиқка етказурман, — деди раис ва ўрнидан туриб, таъзим бажо келтираскан, сўри сахнидан пастга тушшиб давра томон юрди.

Давранинг кураш майдонига кирган раис ясовул ва баковулни чақириб, давра аҳлини тинчлантиришни буюрди, шекилли, улар ҳар томонга чолиб «Тинчланнинг! Ҳалойиқ, тинчланнинг!»

— деб қичқира бошладилар.

Давра аҳли тинчлангач, раис суз бошлади:

— Қани, биродарлар. Бу суз шукронасига, амиримиз ҳазратларининг табаррук номларига бир дуо қиласайлик!

Ҳамма раис қатори, дуога қўл очди.

— Илоҳи! Амиримиз — Амир Сайид Олимхон умри боқий бўлсинлар! Салтанатлари пурифтихор бўлсин! Бу йилги Наврӯз юрга беҳбудчилик олиб келган бўлсин! Омин, ё Роб бил оламин!

Ҳамма раисга ҳамдуо бўлди.

Сўнгра раис яна сўзида давом этиб, бу кунги кураш таомилини танишитирди:

— Халойиқ! Сизларга маълумким, бугунги курашга бекликлардан кўплаб номдор полвонлар йиғиб келинган. Ана шу полвонлар ўзаро беллашиб, қай бирларининг қули баланд келса, ўша полвон номдор Тўра полвон билан беллашишга лойиқ топилиб, у билан кураш беллашувига қўшиладир! Ғолиб бўлган полвон эса, шоҳона тақдирланадир! Амиримиз олий ҳазратларининг табаррук ёрлиқларига зга бўладир! Бугун ҳам давра баковули Ўрмон полвон бўлади. У шубҳа ва гумонларга сира йўл қўймас. Қани, Ўрмон полвон, марҳамат! Курашни бошланг! — деди.

Ёши эллиқдан ошган, кенг елкали Ўрмон полвоннинг қорамтири юзига шопмўйлови ярашиб турарди. Бу вазмин полвон амир Абдулаҳадхон даврида ном таратган полвонлардан бўлиб, сўнгги юйларда фақат давра баковуллигини олиб боргувчи эди.

— Хўп бўлади, тақсир, — деди Ўрмон полвон, раисга қаратта бош иргаб.

Раис даврадан чиқиб, сўри томон юрди.

Баковул даврани гир айланиб чиққач Муроднинг олдига келиб тўхтади.

— Полвон, сени биринчи бор кўриб турибман, қаерлнксан?

— Пойкандликман.

— Исминг ким?

— Мурод.

— Қани, Мурод полвон, даврага чиқ! Ҳозир сенинг ҳарифингни танлайман, — деди баковул.

Мурод курашиш усулига кўра бош кийими, оёқ кийими ва яктагини ечиб қўйди-да, олдиндан ҳозирланиб кийиб олган, кураш кийимида қолди. Унинг чакмони оёқлари тиззасини ёпар

узунлиқда, сінгіннің узунлиғи зса, құли панжасиннің бөш бар-  
моғига қадар. Шалвариннің узунлиғи түпіғіні әпіб турарди.  
Белиға тұя юнгидан энли қилиб түқілған — нақшинкор қан-  
жирға — белбоғ боеғланған зди.

У кураш майдони ўртасынға чиқди. Белидаги сербар қанжир-  
ғасини ечди. Чап құл муштини қорни ва қанжирға — белбоғ  
орасида қүйіб, ўнг құли билан белбоғда түгун ўрни белгілади.  
Иккала құли билан белбоғини мустаҳкам боеғлаб қўйди.

Унинг қилаёттан ишларидан давра аҳлининг күпчилигі ҳай-  
рон зди.

Баковул Араб полвонни Муродга муносиб рақиб деб билди.

— Қани Араб полвон, майдонга чиқ! Ёш полвонға бир кү-  
чинги күрсатиб қўй! — деди у, Араб полвон олдига бориб.

— Хўп уста. Ҳозир чиқаман, — деди Араб полвон ва бөш кий-  
ими ҳамда яктагини ечиб «кураш кийиміда» қолди. У оёқ кийи-  
мини счмаган ва белбоғини етарлича тортиб боеғламаган зди.

Араб полвон беллашишга «тайёр» бўлиб, давра ўртасига,  
Муроднинг олдига келди.

Баковул томошабинларга полвонларни таништириди:

— Ана бу киши — барчангизга маълум ва машҳур Араб пол-  
вон бўлади!

— Ана бу киши эса, пойқандлик Мурод полвон бўлади!

Даврада қий-чув ва қичқириқлар бошланди. Күпчилик  
«Маҳкам бўл, Араб полвон!» деса, баъзилар «Ҳа, пойқандлик  
полвон, омад ёр бўлсин!» дейишарди.

— Полвонлар курашинглар! — деди баковул.

Полвонлар яқинлашиб, құл олишиб саломлашди. Шундан  
сўнг курашиш ўрнига Мурод баковулга қараб:

— Тақсир курашга оёқ кийимисиз тушиш керак. Ундан сўнг,  
яна рақибимнің белбоғлари салқи турибди. Уни ҳам мушт  
сигар қилиб боеғлаш керак, — деди.

— Бу нима деганингиз? Араб полвондан йиқилишдан  
кўрқмоқдамисиз?

— Йўқ, тақсир, асло! Аммо кураш қоидаларига биноан ик-  
кали рақиб ҳам оёқяланг бўлишлари шарт! Боз устига белбоғ-  
ларини ҳам жуда салқи ташлабдилар.

— Бундай қоидаларни қайси мадрасада таҳсил қиларканки,  
сиз ўрганибсиз, полвон? — деди баковул.

— Менга бу ва бошқа шартларни қоракўллик уста — Юсуп

полвон ўргаттанлар, бу шартларни бажаришдан рақибимга зиён йўқ. Чунки менинг ўзим ҳам, у киши баробарида шундай кураш тушаман.

— Маъқул, полвон, маъқул, — деди баковул ва бош чайқаб кулиб қўйди. Сўнг Араб полвонга қаратса:

— Оёқ кийнмингизни ечинг, полвон, — деди.

Араб полвон оёқ кийимини ечиб келди.

— Белбоғингиз ҳам жуда салқи боғланган экан. Мурод полвон ростини деяпти. Бундай белбоғли киши билан кураш тушиш чаланироқ бўлади, — деди баковул унинг олцига бориб.

У Араб полвоннинг белбоғини ечиб:

— Қорнингиз устига муштингизни қўйиб туринг, мен ўзим белбоғингизни боғлаб қўяман, — деди ва айтганидек қилиб, белбоғни Араб полвон мушти узра айлантириб, тортиб боғлаб қўйди.

Сўнгра Муроднинг ёнига келиб, унинг белбоғига мушт тикиб кўрди.

— Ана энди бир хиллик ҳосиј бўлди, — деди баковул.

Давра ахли Ўрмон полвондек баковулга кураш қоидаларини ўргаттан бу ёш полвондан ҳайратта тушишди. Улардан бири: «Бу полвон туш кўриб, тушида Ҳазрати Алидан сабоқ оладиган Увайсий\* бўлса керак. Бўлмаса, бу қоидаларни қайдан оларди» — деб ҳам қўйди.

— Қани полвонлар, курашинглар! — деди баковул.

Мурод Араб полвоннинг олдига бориб, иккала қўлини саломга чўзди. Араб полвон ҳам қўл чўзиб саломлашди. Мурод қўлларини узмай унинг юзига тикилди. Араб полвон ёш ва лекин ўзига ишонган бу йигитнинг кўзларида фурур, ишонч кўрди. Кўнгли ноҳушлик сезгандай, юраги алланечук бир «симмиллаб» қўйди. Улар курашни бошлашди. Мурод тик гавдасини керган ҳолда оёқларини ерга мустаҳкам қадаб рақибига яқинлашди. Араб полвон эса қаддини тик тутиб, уни менсимай турарди. Мурод бундай кеккайган полвонларга қандай усул ишлатишни яхши биларди.

У курашга киришгунча ўртача ҳаракатда бўлиб, жанг бошланиши билан шундай тезлик олдики, давра ахлининг кўпчилиги Араб полвон қандай усуlldан сўнг Муроднинг остида чалқ-

\* Тушида пир ва пайғамбарлар билан ҳамсуҳбат бўлувчи

анча ёттанини кўрмай қолиши. Мурод Араб полвоннинг устидан дарҳол тушиб, унинг қўлидан тортиб, ўрнидан турғизиб қўйди.

Мурод Араб полвонни йиқишида ўзининг ўнг оёғини рақибининг оёқлари орасига солиб, унинг чап оёғини ўзига тортиб, гавдасини эса орқага сурган эди.

Даврада қий-чув кўтарилиди. Қозикалон ва ёнидагилар кулиб юборишиди.

— Ана полвон, мана полвон, — деди миршаб.

— Ўзи, қандай усул билан йиқитди Араб полвонни. Мен кўрмай қолдим, азбаройи Худо, — деди қозикалон.

— Буни мен ҳам кўрганим йўқ, — деди раис.

— Раис, бориб айтинг, қайта кураш тушсинлар! — деди қозикалон, — агар бу йиқитгани тасодиф бўлмаса, яна бир бор удасидан чиқади.

— Хўш, тақсир. Ҳозир бориб айтаман, — деди раис ва ўрнидан туриб, таъзим билан сўри супасидан тушди.

Раис даврага кириб, қозикалоннинг истагини баковулга етказди.

— Мен ҳозир Мурод полвоннинг қўлини кўларай. Бу дегани бугунликча шу даврада Мурод полвон Араб полвон устидан ғолиб дегани бўлади. Кейин қозикалоннинг истак ва таклифлари билан қанча десалар, шунча кураш тушаверадилар, — деди баковул ва Муроднинг қўлини юқори кутариб қўйди. Араб полвон ўнгайсиз бир аснода давра четида турарди.

— Араб полвон, Мурод полвон келинглар! Қайта кураш тушинглар!

Баковулнинг бу буйруғи ўзининг бир онда, қандай алфозда йиқилганига ҳали ҳам ишонмаётган ва мағлубият аламини ҳазм қилолмаётган Араб полвонга яна бир умид учқуни бўлиб туюлди.

У баковулнинг олдига тезда етиб келди.

— Таомил бўйича бир даврада йиқилган полвон, йиқкан полвон билан бошқа бир даврада курашиши мумкин. Демакки, Араб полвон билан менинг айни шу даврада курашишим нодуруст, тақсир, — деди Мурод.

— Тўғри. Аммо дожат шуки, сизнинг қандай усул билан Араб полвондек номдор полвонни йиқитганингизни қозикалон кўрмай қолган эканлар. Шу сабабки, муҳтарам қозикалон қай-

та курашишингизни буюрдилар, — деди баковул.

Мурод даврага тикилиб қарастан қозикалонга қараб кулиб қўйди. Унга «Хўп бўлади» дегандай бош иргади. Сўнгра баковулга қаратса яна «Хўп бўлади, тақсир, курашамиз» деди.

Полвонлар курашиш олдидан қўл сиқишишдилар.

Кураш бошланди. Араб полвон бу гал фавқулодда тез ва шиддат билан кураш бошлаб юборди. У чаққонлик билан ўнг қўлинин Муроднинг чап елкасига ташламоқчи ва унинг ёқасини ушлаб олиб усулага кирмоқчи бўлган эди. Аммо Муроднинг жуда тез бажарган «дастпеч» усулини қўллаши билан унинг елкасидан ошиб қандай қилиб ерда чалқанча ётганини билмай қолди.

Мурод бу гал Араб полвоннинг ўнг қўлинин ўзининг елкасига қўндирамаган эди. У Араб полвоннинг ўнг қули тирсагидан ўзининг ўнг қули билан ушлаб, тез бурилиб, уни слкаси устидан ошириб ташлаган эди.

Даврада қичқириқлар, қий-чувлар авж олди. Мурод одатига кўра йиқилган рақибининг ўрнидан туришига кўмаклашиб қўйди.

Муроднинг яна бир одати бор эдики, у ўзидан ожиз полвонни, ҳурмат юзасидан, уч қўл курашгандан сўнг йиқитарди. У бундай нуфузли даврада, Арәб полвондек кучли полвонни аяб ўтирамади. Чунки, бундай кучли, давра кўрган полвонни аяш — ярим мағлубият эканини у яхши биларди.

— Э, балли! — деди қозикалон кулиб.

— Рустами достон бўл-а, полвон! — деди раис ҳам кулиб.

— Араб полвондек номдор полвонга ўз ёқасини ҳам ушлатмай йиқитяпти бу полвон, ажабо. — деди қозикалон, ўз ажабланишини ёнидагиларга билдириб.

— Араб полвонга ҳам қийин бўлди, авом ичиди, — деди миршаб, бош чайқаб, ачиниш билан.

— Қани, баковулга айтинг. Мурод полвонни бошқа полвонга қўшаверсин! — деди қозикалон раисга.

Кураш давом қилиб, Мурод яна олти-еттита полвонларни, қисқа вақтлар оралиғида йиқитди.

Амалдорлар ва давра аҳли Муроднинг усуулларига ҳангуманг бўлиб қолдилар. Улар Мурод ижросидаги кўпгина кураш усуулларини умуман қўришмаган ва билмас эдилар. Даврани ажабтовур сукунат згаллаган бўлиб, давра аҳлиниң кўпчилиги: «Бу полвон жуда соҳибхунар полвон экан, Тўра Полвонни

ҳам йиқитади дейишар ва Муродни азбаройи ёқтириб қолганлари уларнинг олқишиларидан билиниб турарди.

— Раис, пешин намози якин. Бориб, намозни адо қилиб келгунимизга қадар томошани шу ерда тұхтатинг. Мурод полвон билан Тұра полвоннинг олишувини намоздан сұнг бошлаймиз.

— Фоят дуруст бұлади. Мурод полвон ҳам дам ростлаб олади, тақсир, — деди миршаб.

— Хұп бұлади, шариатпаноқ, — деди раис.

Қозикалоннинг буйруғига жавобан, Раис құллуқ қилиб, сүридан тушиб, пастга — давра томон юрди.

Козикалон ҳам ўрнидан туриб, сүридан пастга туша бошлади. Бошқа амалдорлар унинг орқасидан тараддуудландилар.

## 14. ФОЛИБ

Пешин намозини Ширбадан сайилгоҳидаги жоме масжидида ўқиб бўлишган амалдорлар, ўз мансаби ва хурматига қўра, яна жойлашиб үтириб олдилар. Үзларининг құлай ўринларини йўқотишдан қўрққан давра томошабинларининг аксарияти турган жойларида намоз адо қилдилар. Чунки, улар кутаётган томоша — томошалар ҳасани бўлиши билан бирга, бу томоша камида бир йил, аксар кишилар учун бир умрлик кураш хотираси бўлиб колади. Билҳақ, уларнинг тилларида достонга айланади.

Одатан, қозикалоннинг буйруғи билан раиснинг яратганга шукури, амир жаноби олийлари номига дуосидан сұнг кураш давраси янада очилди.

— Ҳалойиқ! — деди баковул, баланд овозда. Сизнинг қаршингизда ўз рақибларининг барчаларини йиқитган иккита полвон турибди. Ҳозир ана шу икки полвонни курашга қўшиб амирликнинг энг олд полвонини аниқлаймиз. Қўли баланд келган полвонга соврин берилиб, амиримизнинг табаррук ёрликлари топширилади!

Баковулнинг гапларидан сұнг, жим турган томошабинлар яна ғидир-бидирга тушдилар. Яна ўзаро тортишув суҳбатлар бошланди.

Мурод ва Тұра полвон, кураш кийимлари билан давра ўртарғида, бир-бирларига қараб тикилиб турардилар. Мурод ;арифини бошдан-оёқ кузатар, унга қандай усул ишлатмоқ қулай

тушишини чамалар эди.

Тұра полвон ҳам, Муродға қараб турған ҳолда, бүйин мұшакларини үйнатыб, үзини бұлажак курашга тайёрлатан бўлди.

Баковул қозикалонга қаради. У бош қимирлатыб, «бошлай-веринг» ишорасини берди.

— Қани полвонлар, курашинглар! — деди баковул.

Мурод ва Тұра полвон құл олишиб саломлашдилар. Сүнгра курашни бошладилар.

Мурод секін юриб рақибиға яқынлашди. Тұра полвон ҳам яқынлашиб келиб, Муроднинг құлларига үзининг бармоқларини тегизар-тегизмас орқага тисарилиб үзини олиб қочар ва даврани гир айланиб, сакраб, югуриб, қилиқлар қиласади.

Давра ахли үртасида кулгу күтарылди. У яна келиб худди шундай қиласади.

Даврада кулгу авж олди.

«Учинчи бор ҳам рақибим шундай қиласади» деб үйлаган Мурод бироз бұшашиброқ турған эди. Бу гал у келиши билан Муроднинг ёқасидан ушлаб, бор кучи билан, уни олдинга ва ластга тортди. Унинг бундай далли қилиқларидан мақсад, рақибини гангитиб қўйиб, уни олдинга бирдан тортиб, тиззасини ерга тушириш эдики, бундай ҳолдан сүңг тизза ташлаган рақиб «ўз мағлубиятини» тан олмоги зарур эди.

Тұра полвоннинг бундай «усулидан» сүңг Муроднинг тиззалари ерга тушишига яқин қолди. У зўр-базўр үзини ўнглаб олди. Кўпчилик томошабинлар севимли полвоннинг тиззалири ерга тегмаганидан суюниб: «Худога шукур. Мурод полвон чўккаламади» деб қўйишиди.

Тұра полвон яна бир неча бор давра айланиб югурди. Муродни гангитишига ҳаракат қиласади. Аммо давра кўрган полвон үзини ўнглаб олган эди. Энди у Тұра полвон билан ҳар қандай алфозда кураш тушишга тайёр турарди.

Тұра полвон Мурод томон тез келди-ю, куч ва тезлик билан ўнг оёғини Муроднинг оёқлари орасига тиқиб, оёғи бармоқлари билан тездә унинг чап оёғини чирмаб, қалмоқи усулинини ишлатмоқчи бўлди. У Муроднинг чап оёғини үзининг ўнг оёғи билан юқорига кўтара бошлади. Сүнгра, бор кучини ишга солиб, үзининг чап қўли билан унинг ўнг қўлини ўзи томон тортди. Мурод ундан кучлироқ эди. Шу боис, унинг бу усули «ҳа» деганда иш бермагач, у үзининг ўнг қўли билан рақибининг бо-

шини пастга боса бошлади. Қалмоқчи усулини қўллаётган киши учун бундай қилиш, кўплаб ҳолларда, рақиби устидан аниқ ғалабага олиб келарди.

Муроддек зўр ва соҳибхунар полвоннинг бундай усул домига тушиб қолиши, энди уни мағлубият кутиши мумкинлигидан давра аҳлининг кўпчилиги саросимага тушиб қолди. Улар сукунат гирдобига фарқ бўлгандай, бор бисоти бир жуфт хўзга айланиб қолгандай, гўё ўз ииниси ёки фарзандининг қай йўсинда мағлуб бўлаётганини кузатишга мажбур этилгандай, ҳаяжонли кузатишда эдилар.

Усулга киришган Тўра полвон, гўё рақибини қандай йиқитаётганини ҳамма кўриши учунми, ёки бор кучини жамлаган бўлдими «Ҳабба-а-а!» деб бақирди. Ўзини олдинга ташлаб йиқитиши тезлаштириш чорасини қилмоқчи бўлди. Аммо у Муродни йиқита олмади, йиқита олмасди ҳам. Чунки Тўранинг бу усулни Муродга қўллаши нодуруст эди. Сабаб шу эдики, Муроднинг оёқлари Тўраникidan узун ҳамда бақувват эди. Бу усул билан Тўра ўзининг ўнг оёғи билан Муроднинг узун оёқларини етарлича баланд кўтара олмас эди. Яна бир сабаб шу эдики, Мурод ундан ҳар томонлама кучли ва соҳибхунар эди. У Тўранинг на йиқитишига имкон берди, на бу усулдан ўзини чиқариб юборди.

Тўра полвон бу усул билан Муродни йиқита олмаслигига кўзи етгач, бу усулдан чиқиб, бошқа усулга кирмоқчи бўлди. Яъни, ўнг оёғини усулдан олиб, эҳтимолки, зудлик билан ёндан қўйиш усулини бажармоқчи бўлди. Аммо Мурод унинг ўнг оёғини чиқариб олишига имкон бермади.

Мурод унинг ўнг оёғини ўзининг чап оёғи билан чирмаб, ўзини ўнглаб олгач, рақибини юқори кўтарди. Сўнгра бир силтаб оёғини рақиби оёғидан чиқариб ҳам олди. Тўра полвон оғир тошлар кўтариб ўзини жуда чиниқтириб юборган Мурод полвон қўлларида тарозининг енгил томони янглиғ ҳаволаб қолди. У Тўра ни ярим буриб, ерга ташлади. Тўра кураклари устига йиқилди. Ҳалигина пашша учса, ёқимсиз «ғинг-ғинг»лаши эшигтилиши мумкин бўлган сукунатдаги даврада шундай баланд қичқириклар бўлдики, Ширбадан сайилгоҳидаги атиқалар ларзага келди.

Мурод ғалаба қозонди. У ўз рақибининг ўрнидан туришига кўмаклашди. Ясовуллар давра аҳлини зўр-базўр тинчлаштиришга эришдилар.

Мурод рақиби Тура полвонни йикитганида қозикалон ҳам ўз қизиқишини, хаяжони ва Муродни миңбаъд яхши куриб қолганини яшира олмай, ўрнидан сапчиб туриб, қарсак чалди.

— Худо қўллади уни, биродарлар. Худо қўллади, — деди қозикалон ёнида ўтирганларга, ўзининг мўйлаби ва чакаги қоматига муносиб калтагина қора соқолини чап қўли чангали билан сийпаб-сийпаб қўяркан.

— Шундай тақсир, шундай. Худой ёрлақаган бўлса керак, бу — Мурод полвон Пойкандийни, — деди раис қозикалоннинг гапини маъқул қилган бўлиб.

— Қоракўл, Пойканд деганларини «пирлар назари тушган жой» деб нақл қилишади, тақсир. Бу йигит ҳам назаркарда полвонлардан бўлса, ажабмас, — деди миршаб, суҳбатга қўшилиб.

— Мулла Мирзо! — деди, ўзини орқада турган маъмурлар томонга бурилиб, қозикалон.

— Лаббай, эшитаман, тақсир, — деди Мулла Мирзо, қўлида тўн билан, зум ўтмай, қозикалон рӯпарасида пайдо бўларкан.

— Раис жанобларига тўнни беринг! Бул киши, шу адрас тўнни полвонлар полвони — Мурод полвонга, муносиб соврин сифатида топширсинлар.

Мулла Мирзодан тўнни оларкан, раис:

— Бош устига, тақсир, — деди.

— Абдурауф жаноблари! — деди қозикалон, саҳндан тушиб. давра томон боришга тараддуланаётган раисга қаратা.

— Кулғим сизда, шариатланоҳ, — деди раис.

— Полвонга тўнни кийдириб бўлгач, амиримиз жаноби олийларининг табаррук номларига дуо ўқиб, даврани якунланг. Мурод полвонни эса, менинг олдимга олиб келинг! Уни ҳозироқ амиримиз олий ҳазратларининг олдиларига олиб кираман. Ёрлиқ олиб бераман. Билдирингки, бошқа номдор полвонлар ҳам уйларига тарқалиб кетмасинлар. Эртага амиримиз жаноблари яна кураш томошаси амр килиб, кўнгил очишлари мумкин, — деди қозикалон.

— Ҳурматли қозилар қозиси. Рухсатингиз билан, мен ҳам бориб, Мурод полвонни табриклаб қўйсан, — деди Мулла Мирзо, бевақт, яъни қозикалондан олдин сўридан тушмоқ учун, ҳурмат юзасидан ўз хўжайинидан ижозат сўраб.

— Рухсат. Бораверинг, Мулла, — деди қозикалон.

Мулла Мирзо юкуниб олди-да, раиснинг орқасидан юриб, супадан туша бошлади

## 15. АМИР ҲУЗУРИДА

Аркнинг шимол томонидан келган учта фойтун ароба, регистон майдонида Болоҳовуз масжиди тўғрисида келиб тұхтади. Биринчи аробадан қозикалон ва раис тушдилар. Кейинги сидан Мулла Мирзо, Мурод ҳамда яна икки-уч сарой амалдорлари, қолган уч аробадан ҳам тўрт-беш амалдор тушдилар ва регистон майдони узра Арки Олий дарвозаси томон юра бошлидилар. Қозикалон регистон майдонининг Арк дарвозаси яқинроғига борганида тұхтади. У билан бораётган раис ҳам күйманыб қолди.

— Қани, Мурод полвон, тезроқ юр! Мен сени Амиримиз жанобларининг ҳузурларига олиб кираман, — деди қозикалон.

— Мен, модомики, полвон Олий ҳазрат олдиларига кирадирғон бўлса, ўзини қандоқ тутиши лозимлигини уқтириб келдим, — деди Мулла Мирзо.

— Яхши иш бўлибди, — деди қозикалон.

Мурод ҳаяжонда эди. Катта кураш майдонидаги беллашувлар, фойтун аробада казо-казолар билан юриш, салобатли осори бинолар яна Бухоройи шариф шариатпаноҳи билан Бухоро Амиридек улуғ кишининг олдига кириш чекка қишлоқдан келган ҳар бир кишини ҳаяжон юки остига олиши табиий эди.

Мурод хиёл илдамлаб қозикалон олдига борди.

— Менинг орқамдан юр, полвон! — деди қозикалон.

— Хўп бўлади, тақсир, — деди Мурод ва унинг орқасидан дарвоза томон кўтарила борди. Дарвоза олдида турған тўрт нафар сокчи қозикалон ва ёнида бораётганларнинг ичкарига киришларида ўзларини гўё ҳеч нима кўрмагандай тутишди.

Қозикалон, Мулла Мирзо ва Мурод ичкарига, тахтапул устидан ўтиб, юқори кўтарила бошлидилар. Жоме масжиди рўбараўсиздаги саҳндан ўнгга, Чорсу йўлига тушиб юрдилар. Раис шу йўлдан чапга бурилиб қолди. Қозикалон Бадриддин тўғри Чорсу зишклари оралиғида турған киши — зишк оғаси олдига борди. У чиройли, тоза кийинган, хушбичим йигит эди Фақат унинг руҳсати билангина ичкарига — Амир олдига кириши мумкин бўларди.

— Ассалому алайкум, тақсир! — деди зишк оғаси, қозикалонга таъзим билан.

— Ваалайкум ассалом, ини, — деди қозикалон.



Мурод ҳам эшик оғаси билан саломлашиб олгач, салладор бу кишиларнинг суҳбатига қулоқ осиб турди.

— Отангиз саломат юрибдиларми? — деб суҳбатни давом қилдириди қозикалон.

— Аллоҳга шукур, саломатлар. Сизга ҳар доимгилик салом деб юбордилар.

— Саломат бўлсинлар. Падарингиз одамшинавандада кишилар. Худо ёрлақасин, — деди қозикалон.

— Раҳмат тақсир.

— Амиримиз жаноби олийларинин олдиларига кирмоқ истадик, қабулдамиканлар? — сўради қозикалон.

— Ҳа тақсир. Келганингизни етказайми?

— Шундай ини, шундай.

— Ҳўп, шариатпеноҳ. Ҳозир.

Эшик оғаси ичкарига — амир ҳузурига кириб кетди.

— Мен "ини" деганим — бу йигит, менинг ишончли одамларимдан. Отасининг илтимоси билан ушбу ишларга ўзим тайин қилганман, — деди қозикалон, атрофга қизиқиши билан алантлаётган Муродга.

— Сийратлари ҳам, муомалалари ҳам ёқимли киши экан, — деди Мурод.

— Қандоқ бўлмоқ лозимлигини кўп маротаба таъкид қилганмиз. Ана полвон, кўрганингиздек, сарфи тузук, — деди қозикалон, ўз «ишончли одами» ва шу йўсин ўзини ҳам мақтаган бўлиб.

Шу дамда Амир ҳузуридан шахдам чиққан эшик оғаси суҳбатни бўлди:

— Амиримиз жаноби олийлари сизни кутмоқдалар, — деди ў.

— Хўш, мен кирай. Аммо шу йигит сиз билан қола турсин, — деди қозикалон.

У эшик олдида туриб, яна бир бор, у ёқ-бу ёқларини тузатган бўлди. Чуқур нафас олиб чиқарди-да: «Ўзинг қўллагайсан», деб ичкарига кириб кетди.

Қозикалон Бадриддин эшик олдини тўсиб турган ғуломгардни айланиб ўтиб, ичкарига кирди.

Ичкарида, унинг рўпарасида, зллик қадам чоғлик масофа-да, тахти Олийда, Амир Сайид Олимхон, ўнг тарафида унинг мирзоси ўтирас эдилар.

Қозикалон Бадриддин, Амир Сайид Олимхонга юзма-юз туриши биланоқ иккала қўллари бармоқларини сариқ адрес чакмони устидан кўкрагига босиб, катта, оплоқ салласининг тупшиб кетмаслик чорасини қилган ҳолда, бош эгиб қуллуқ қилди. Сўнгра бошини киёл кўтариб, ярим букилган кўйи, илдамлаб Амирга яхироқ борди.

— Илоҳи! Салтанат эгаларига Аллоҳ умрбокийлик ато этган бўлгай! Наврӯзи олам улуғ Амиримизга жаҳонгирилик олиб келсин! — деди қозикалон.

— Иншоолло! Хўш, Бадриддин! Юртда нима гаплар? Элининг байрамнишинлиги қандоқ кечди?

— Юрtingиз тинчу фаровонликда. Эл байрамнишинлиги зиёда бўлди, Олий Ҳазрат. Шу йўсинда мен сиз Жаноби Олийларига бу рўз, амр этганингиздек, Ширбадан сайилгоҳида уч кунлик Наврӯз байрамининг зўр кесиб қаригани, бунда уч кун кураш томошаси берилиб, унда пойкандлик Мурод деган полвоннинг қўли барча полвонлардан баланд келгани тавсифини сизга етказмоқчи бўлиб, муборак ҳузурингизга ошиққан эдим.

— Пойкандлик Мурод полвоннинг қўли баланд келди, дингизми?

— Ҳа, Олий Ҳазрат. Ўзи ҳам жуда кучли, соҳибҳунар полвон экан.

— Нечук, илгари эшитмаган эканмиз, қози?! — деди Амир ҳайрон бўлиб.

— Мен — содиқ қулингиз, сизнинг ғаминок дилингизга озгина бўлса ҳам фароғат бағишланар, деган мақсад билан Тўра полвондан ҳам қўли баланд келадиган янги полвонлар қидиртирган эдим. Пойкандда бундай полвоннинг борлигини Мулла Мирзо галириб қўйди. Кеча оқшом Пойкандга дарҳол чолар юборган эдим. Мана шу субҳи сиддиқда, сизнинг қутлуғ саломингизни олиб кирган эдим, ҳузуримга улни олиб келишди. Синааб кўрсам Рустами Достоннинг ўзгинаси. Тош кўтаришда бошиқ полвонлардан икки чандон устун.

— Санги Рустами<sup>\*</sup> ҳам кўтаради дерсиз ҳали қози? — деди, кинояли кулиб Амир.

\* Санги Рустам – Афсонавий полвон Рустами Достон кўтариб ўйнайдиган оғир тош

— Мақтаса арзигудек полвон экан, шундай демоқчи эдим, Олий Ҳазратлари, — деди қозикалон Бадриддин.

— Бу полвонингиз менда бисёр қизиқиш уйғотди. Ўзи шу срдами?

— Ҳа, шу ерда — қуттуғ останангиз пойида. — деди қозикалон.

— Олиб киринг!

— Баш устига, Олампаноҳ.

Қозикалон токим орқаси ғуломгардга қадар, ярим букилган кўйи тескари юриб борди. Ғуломгардга орқаси тегингач, бурилиб, ташқарига чиқди. У зум ўтмай Муродни эргаштириб қайтиб кирди. Эгилган ҳолда яна Амир томон юрди. Мурод ҳам унга тақлид қилиб юрганча Амирга яқинроқ борди. Сўнgra, бошини бироз кўтарган кўйи :

— Ассалому алайкум! Элу юрт бахтига подшоҳимиз омон бўлсинлар. Наврўзлари муборак бўлсин! — деди Мурод.

— Ваалайкум ассалом! Пойкандликмисан?

— Шундай, ҳазратим.

— Илгари бунда — Бухорода кураш тушганимисан?

— Йўқ, Олий Ҳазрат, тушмаганман.

— Пойкандда қандоқ машқ қиласардинг?

— Неклигингиздан, тақсир. Қоракўл тўйларида.

— Ақли расо йигит кўринасан. Полвонлигинга ҳам шубҳам йўқ. Мен сенга полвонлиғ ёрлигини ёзиб бераман Аммо... Менинг полвонлиққа қизиқишим бор. Шу боис зартага Регистон майдонида яна бир кун кураш буюриб, сенинг амалу усулларингни томоша қиласман. Агар номдор полвонларни йиқитсанг, сарпо ва ёрлиққа яна қўшимча совринлар тақдим эттираман. Тушундингми, Пойкандлик?!

— Тушундим, Олий ҳазратлари. Тушундим.

— Кози, Пойкандийни жой билан таъмин қилинг! Яна номдор полвонларни Регистон майдонига йиғинг! Эрталабдан ногоралар чалдириб, бунда яна бир кун томоша бўлишини эълон қилдиринг!

— Хўп бўлади, Олий ҳазрат. Номдор полвонларнинг тарқалиб кетмасликлари лозимлигини буюргандим. Эртага албатта уларни майдонга йиғдирман. Баш устига.

— Ташаккур қози! Мурод полвондек ажойиб полвонни бунда ҳозир қилибсиз. Боз устига, менинг курашга ишқибозлигими ни назардан қочирмаబсиз Тадбиркорлигингишга тасанно!

— Бошим осмонга қадар етди, қуллуқ Олий Ҳазрат, қултуқ! Хизматлари бош устига, — деди қозикалон Бадриддин, хурсандлик билан, бош эгиб.

— Хўш. Бўлмаса, сизлар бўшсиз, қози, — деди Амир.

— Тушундик, Олампаноҳ, — деди қозикалон ва эгилиб орқа томонга — токим, ғуломгардгача тескари юрди. Мурод унга тақлид қилди.

Улар орқаси билан ғуломгардга урилгач, бурилиб чиқиб кетишиди.

## 16. РЕГИСТОН МАЙДОНИДА КУРАШ

Тонг ёришиши арафасида, Бухоройи Шариф жоме масжидлари ва Минорайи Калондан тарқалаётган аzon чақириқлари бутун шаҳарга оҳанрабо янглиғ тарқалмоқда эди. Жоме масжидларда оламлар Раббига ва унинг расули — Мұҳаммадга, ўз валинеъматлари — подшоҳ Олий Ҳазратлари номига дуолар ўқиб, бу куннинг ёришаётган мунаввар ва тинч тонги ҳаққига шукуроналар билдираётган мұмінларнинг сони юзлаб, минглаб эди.

Аzon чақираётган муazzинлар овози тиниб, күп ўтмай бомдод намози адo қилингач, Арки Олий дарвозаси устида жойлашган Ноғорахона айвонидан тараалган улкан духуллар\* товуши бутун шаҳарни эгаллабгина қолмай, ҳатто яқин қишлоқларга ҳам бориб етди.

Ноғорахона айвонидан чалинаётган саккизта улкан духулларнинг товуши масжидлардан эндиғина қўзғалишган муллаларни, шаҳар аҳлини ҳамда яқин қишлоқ аҳлининг кўпчилигини меҳригиёдек ўзига тортди.

Ноғорахабар йиғилиб келаётганларнинг кўпчилиги бугун ҳам кураш томошаси бўлишини таваккал қилишаётган бўлсалар-да, аксарият одамлар бундан хабарсиз эдилар.

Очиғи, падари ва боболари йўлидан борганида Амир Саййид Олимхон бундай қилмаган бўлниши мумкин эди. Чунки, боғоси Саййид Амир Музafferхон ва отаси Саййид Амир Абдулаҳадхон уч кунлик Наврӯз байрамидан сўнг, «одамлар ер ишлари ва экин-текинга кечик масинлар», деган мақсадда, байрам-

\* Духул Икки томонига чўп билан уриб чалинадиган улкан ноғора

га якун ясаб, ўзлари дилхушилик қилмоқчи бўлсалар, Моҳи Хосса ёки Карминада, байрамни тор доирада давом қилдирганилар. Амир Сайид Олимхон эса, курашга азбаройи қизиққанидан, фавқулодда янги полвон — Мурод полвоннинг курашини катта даврада кўришни истади.

Бу Наврӯз байрамидек, аслида ҳафталаб, ойлаб нишонлаш мумкин бўлган қадимий байрамга яна бир забар қўшарди, холос. Дарвоқе, Амир Сайид Олимхон 1893-1896 йиллар оралиғида Русиянинг Петербург шаҳрига, салтанат ва мамлакатни идора килиш қонунларини згаллаш мақсадида, падари бузруквори истагига кўра юборилиб таълимот олади. Бу йилларда Оврўпа маданияти ва ўша ўлка истеъмолида бўлган рус ва француз тилини яхшигина ўрганади.

Уч йиллик таҳсилини тугатиб келгач, отаси Абдулаҳадхон, мамлакатни идора қилишни ўргатиш мақсадида, уни икки йил ўзи билан олиб юради. Сўнгра, етарлича кўникма ва дунёқарашга эга бўлган Сайид Олимхонни отаси Насаф вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди. У ерда мадрасалар, масжидлар, кўпприклар қурдириб, шу билан бирга халқнинг турмуш дараҷасини яхшилаш борасида саъй ҳаракатлар қилган Сайид Олимхоннинг мазкур вилоят аҳолиси ичидаги обрўйи жуда юқори бўлади.

Насафда ўн икки йил ҳокимлик қилган Сайид Олимхон, падари бузруквори амри билан, Бухоройи Шариф музофотига қарашли бўлган — Хўрак водийси<sup>\*</sup>нинг Кармина вилоятига ҳукмрон этиб тайинланади. Ўзининг халқчиллиги билан яхшигина обрў топиб бораётган Сайид Олимхон, орадан икки йил ўтиб, отаси вафот этгач, 1329-ҳижрий йили, муҳаррам ойининг ўнинчи куни, милодийнинг 1911-йили ўзига мерос бўлиб қолган марҳум ва мағфур падари салтанатига ўтиради.

Амир Сайид Олимхоннинг инсонпарварлигини олдиндан эшишиб, билиб юрган Бухоро халқи бундан хурсанд бўладилар ва ўз валинеъматларига содиқ хизмат қилишга қасамёд этадилар.

Тахти Олийга ўтирган Амир Сайид Олимхон бутун музофот халқларини бир йиллик хирож тўлашдан озод қилиш фармойишини берган эди.

\* Хўрак водийси — Ҳозирги Навоий вилояти

Шунинг учун ҳам Бухоро ҳалқи Арки Олийнинг ҳар бир ноғрахабаридан неклик кутиб, жон дилдан ошиқар эдилар.

Бинобарин, бугуиги ўтказилажак кураш хабари мақсадида чалинган ноғоралар товуши воситасида, кўп ўтмай, Регистон майдони одамларга гавжум бўлиб қолди.

Бухоронинг кураш томошасига ўта қизиқувчан ҳалқи Регистон майдонига аробаларда қум келтириб, ёйиб, кураш учун ҳозирланаётганини кўриб, ўзларида йўқ хурсанд эдилар.

Кўп ўтмай Арк дарвозасининг ўнг томонида, Регистон майдонининг ўртасида қалингина қум ёйилиб, кураш давраси ҳосил қилиндики, бу ерда бўлажак кураш олишувини Арки Олийнинг юқорисида жойлашган таҳти равонда туриб, Амир бемалол кузатиши мумкин бўларди.

Томошага йиғилган ҳалқ ясовуллар «кўмагида» кураш даврасининг гир атрофини ўраб олишди. Давра атрофига номдор полвонлар ўтириб олишган эди.

Бу тунда Муродни Мулла Мирзо меҳмон қилганди. Давранинг жануб томонидан, Мулла Мирзо ва Мурод яқинлашиб кела бошладилар. Мурод полвоннинг келишини кутиб турган кураш шинавандалари гур этиб ўринларидан туришди ва полвоннинг даврага киришига йўл очдилар. Мурод Мулла Мирзонинг орқасидан юриб даврага кириб борар экан, уни интиқ кутаётган давра аҳлига «Ассалому алайкум!», дея кўп салом берди.

Мулла Мирзо Муродга даврадан жой кўрсатди ва «Аллоҳдан сенга омад тилайман, полвон», деб қўйди. Мурод Мулла Мирзога «Раҳмат, тақсир!», дегач у даврадан чиқиб кетди.

Мурод ўтириб олган жой, давранинг нари томонида ўтирган Тўра полвонга рўбарў эди. Уларнинг нигоҳлари тез-тез бир-бириники билан тўқнаш келиб қоларди.

Бухоро шаҳрида ўтказилиши лозим бўлган байрамлар раис ва қозикалон раҳнамолигида ўтказилар эди. Бугунги давра курашини Амир Сайийд Олимхон кузатажак. Шу боис, ўзларини ҳамма ишда камарбаста кўрсатмоқ бўлиб, раис ва қозикалон даврада тик айланишмоқда. Улар ясовулларга ҳалқни ҳақорат қилмасдан, таёқлари билан урмасдан, фақат тушунтириш ва илтимос йўли билан тинчлантириш — тартибни сақлаш лозимлигини тез-тез уқтириб туришарди.

Чунки Амир бирон-бир амалдорнинг ёки ясовулнинг ҳалқа тазийқ қилиши ва зўравонлигини ёқтирумас ва сира кечирмас эди.

Даврада шов-шув кўтарилди. Сайийд Амир Олимхон Арки Олийнинг юқорисида, Регистон майдонига қараб турган кичкина эшикдан тор супачага чиқиб, тахтиравони сари бормоқда эди. У тахтга бориб ўтиргач, бутун давра аҳли баланд овозда «Ассалому алайкум, зоти Олийлари!» дедилар ва такбир айтиб, баланд овозда дуо қилдилар. Амир ўз халқининг унга бўлган ҳурматига муносаб жавоб билан «Ваалайкум ассалом!» деб, хиёл бош эгиб қўйди.

Амир чиқиб келиб, тахтиравонга ўтирганини кўрган қозикалон даставвал Аллоҳга шукуроналар ва Амир номига дуолар ўқиди. Давра аҳли унга ҳамдо бўлишиди. Сўнгра:

— Раис, курашни бошлаб юборинг! — деди.

— Хўп бўлади, тақсир, — деди раис, ва уз навбатида баковулни чақирди.

— Баковул! Тезроқ бўлинг! Курашни бошлаб юборинг! Бирон ножўялик ва фирромликка йўл қўйилмасин, — деди.

— Бош устига! — деди баковул.

Баковул Ширбадан сайилгоҳида кураш баковуллигини олиб борган Ўрмон полвон эди.

Амирнинг, эҳтимолки, қозикалонга зрталабки кўрсатмасига биноан, Мурод ва Тўра полвонлар аввалига учтадан номдор полвонлар билан курашга тушиб, Амирга ва давра аҳлига яхши томоша беришлари, сўнгра, икковлари курашишлари лозим эди.

Мурод ўзи билан курашга тушадиган учала полвонни ҳам турли усуллар: «қоқима», «дастпеч», «қалмоқи» кабиларни аниқ ишлатиб, ҳалол йиқитиб бўлгач, даврага Тўра полвон чиқди ва у ҳам кўп ўтмай ўз рақиблари устидан ҳалол ғалабаларга эришиди. У қўймич, «яккачил», «ёнбошотма» усулларини жуда яхши биларди.

Амир ва давра аҳлиниң барчаси уларнинг курашидан баҳра олишиди. Аммо, кураш томошасининг энг қизиқ ва ҳаяжонли онлари олдинда эди.

— Ўз рақиблари устидан ҳалол ғалабага эришган полвон — Мурод полвон Пойкандий билан, рақиблари устидан ҳалол ғалаба қозонган полвон — қаршилик Тўра полвон курашта тушадилар! Марҳамат, майдонга чиқинглар! — деб эълон қилди баковул.

Рақиблар кураш майдонинга чиқишиди. Баковул уларнинг кийимларига бир-бир разм солиб, белбогларини кураш одати-

га күра, қай даражада боғланғанлигини кузатди ва «Курашингар!» деб баланд овоз билан амр қилди.

Полвонлар давра ўртасига бориб, одатий құл сиқишиш билан саломлашдилар. Кураш бошланди.

Иккала полвон ҳам бир-бирларига бир неча бор жиддий тикилиб яқинлашиб узоқлашдилар. Улар рақибининг енгидан ёки ёқасидан тутишга ҳаракат қиласылар, аммо ҳар иккөві ҳам бунга зриша олмадилар. Чунки, ҳар иккала полвон ҳам бу курашдаги ғалаба нечоғлик салоғиятга зәға эканлигини тушунив турардилар.

Одамлар бу курашаётганларни соқибұнар, күчли ва чаққонлигини билғанлари учун ҳам, гарчанд кечаги кураш даврасида Мурод полвоннинг құли баланд келган бўлса-да, ким устун бўлиши мумкинligини, токим у рақибини йикитмагунича аниқ айтголмас эдилар. Уларнинг баъзилари «Кеча Тўра полвон йиқилган эди. Бугун у бор кучини ишга солиб, йиқитиб, орини олади» деса, яна бировлари «Мурод полвонни Тўра йиқита олмайди, у анча бақувват кўринади», дер эдилар. Ана шундай ҳис ва тортишувлар томошабинларнинг қалбини чулғаб олганлигидан давра аҳлиниңг ҳуши бошидан учгандай — кўпчиликларнинг баданида қалтирашлар, юзларида тेरлаш ва қизариш аломатлари сезилиб турарди.

Ниҳоят курашаётган полвонлар бир-бирлари билан курашга киришдилар. Тўра полвон шиддат билан киришиб, бод-бод «қоқима» усули билан йиқитмоқчи бўлгандай, Муродни чалғитиб, тўсатдан «дастпеч» усулига киришди. Мурод бу усулга қарши усулни билар эди. У чап оёғини ҳарифининг чап оёғига ўтказиб илдирди ва уни олдинга сурди. Тўра полвон олдинга узала йиқилди.

Рақиблар яна курашга киришдилар. Тўра полвон чаққонлик билан, илгаригидек, Муродга «қоқима» усулинин құлламоқчи бўлди. У Муроднинг хиёл олдидаги турган ўнг оёғига «қоқима» берди. Бу Тўра полвон учун Мурод қўйған «тузоқ» бўлиб чиқди, гўё. Тўранинг чап оёғи Муроднинг ўнг оёғига «қоқима» бергани билан уни сира қўзғата олмади. Аксинча, Мурод бир силтанди-да, ўзини қулай вазиятга келтириб, Тўра полвоннинг чап оёғини ичкари томонидан ўзининг ўнг оёғини солиб, фавқулодда тез ва бор кучи билан ҳаракат қиласылди, оқибатда Тўранинг чап оёғи анча юқори кўтарилди. Тўра усулдан чиқмоқ учун, ўнг оёғи устида бир-икки ликиллаб, чап оёғини Муроднинг ўнг оёғи

«Қалмоқидан» чиқармоқчи бўлди. Аммо Муроддек давра кўрган соҳибхунар полвон бунга йўл қўймади. Тош кўтариб ўзини азалдан жуда чиниқтирган пойкандлик полвон Тўра полвоннинг оёғини ўз оёғи билан кўтариб турган ҳолда ўнг қўли билан елкасидан кўтариб ердан узди ва буриб қум устига оҳиста ташлаб, ўзи унинг устига ўтириб олди.

Даврада қий-чув кўтарилди. Буни кузатиб турган Амир ҳам ўрнидан туриб, қарсак чалиб юборди. Мурод рақибининг қўлидан тортиб, унинг ўрнидан туришига кўмаклашди. Елкасига шапатилаб, дўстона муносабат билан қучиб қўйди.

Тўра бундай мард, содда ва айни пайтда кураш майдонида тенгсиз бу полвонга ҳавас билан боқди. Унга кулиб қўйди-да, ўз мағлублигини мардона тан олган бўлиб, рақибини қучиб, кўтариб қўйди. У Муроднинг чап қўли билангина ушлаб кўрди. Сўнгра унга:

— Пишиқ йигит экансан, Мурод. Пойканд деганлари қаерда, ўзи? — деб савол берди.

— Қоракўлда, — деди, кулиб боқаркан Мурод.

— Вақт топиб, сен билан бир давра қурмогим бор, полвон, — деди Тўра полвон.

— Боринг ака, бошим осмонга етарди, — деди Мурод.

Баковул полвонларнинг суҳбатини бузиб, уларнинг голиб бўлгани — Муроднинг қўлини юқори кўтарди ва баланд овоз билан:

— Мурод полвон Пойкандий бу йилнинг тенгсиз полвони деб топилиб, Бухоронинг олд полвони бўлди! — деб эълон этди.

Давра аҳли қий-чувлаб, Муродга табрик сўзлар айта бошлидилар.

Амалдорлардан бири Амир томонидан белгиланган иккита зарбоф тўн, баҳмал ҳамёнчада бир неча тилла танга, ҳамда амирнинг ёрлиғи ёзилган чўпхатни баковулга топширади. Баковул ҳам Мурод полвонга тўн кийдиради. Мурод ва Тўра Амирга ва давра аҳлига қуллуқ қиласидилар Тўра полвон даврадан чиқиб кетди. Баковул Муродни даврада сақлаб қолди ва унга баҳмал ҳамённи узатди.

Сўнгра давра аҳли эътибори билан:

— Мана бу ёрлиқ Бухоронинг олд полвони Мурод полвон Пойкандийга Амиримиз Олий Ҳазратлари томонидан берилди, — деди ва ёрлиқни ўпиб Муродга узатди.

Мурод ёрлиқни оларкан уни икки құли билан бошидан юқори құттарди, сүнгра уч маротаба үпіб күзига суртди, Амирга қарата қуллуқ бажо келтирди.

— Ёнидаги киши таъзим билан, тезлаб зышк томон юрди.

Қозикалон даврага яқун ясаб узундан-узун дуолар қилди. Амир үрнидан турди ва эшик томон юрди. У токим эшикдан ичкарига киргуни қадар ҳамма бөш згиб, қуллуқ қилиб турди.

— Раҳмат, иним, отангга раҳмат! Бизни жуда хурсанд қилдинг, — деди қозикалон, Муроднинг олдига келиб.

— Аллоҳға шукур. Құллаб юборди, — деди Мурод.

— Худой ёрлақаган полвон, бу — Мурод полвон деганлари, демабмидим, тақсир. Ана күрганингиздек, унинг құли яна ба-ланың бұлды, — деди ҳовлиқиб келган Мұлла Мирзо.

— Раҳмат, биродарлар. Раҳмат! — деди Мурод.

Шу пайт ҳалигина юқорида, Амир нималарниидир уқтириб юборған амалдор ҳовлиқанча келиб:

— Полвон, Амиримиз жаноблари буюрдиларки, пешин на-мозидан сүнг, ҳузурларига кирап экансиз, — деди Муродға қозланиб ва унга бүлгап ҳурматини яшира олмай кулиб қўйди. Амалдор сұхбатдошларидан узоқлашди.

Томошибинларнинг күпчиликлари, айниқса ёшлар, Мурод полвонга ҳавас билан боққан ҳолда, тұда-тұда бұлыб суҳбат-нишинлик құлмоқда зәилар.

— Қани юринглар, менинг ҳузуримга кирамиз. Намозгача бир пиёла чой ичайлик, — деди қозикалон.

Улар биргалашып майдон бүйлаб, сарой томон юрдилар.

## 17. ВАЪДАСИГА ВАФОДОР КИШИ

Мурод пешин намозидан сүнг Амирнинг ҳузурига кирди.

Қозикалон, мұлла Мирзо, яна уч-түрт амалдор ва муллалар, сарой дарвозаси олдидә үзаро суҳбат құрмоқдалар.

Сұхбат ҳалигина қариган кураш даврасининг томошасига бориб тақалди ва сұхбатдошларидан бири:

— Мурод полвон деганлари жуда зўр паҳлавон экан, — деди.

— Уни қозикалон буйруғи билан Пойқандга от қўйиб, камина олиб келган здим, — деди иккинчиси.

Қозикалон «Уни камина олиб келган здим», деган йигитдан:

— Пойқандга сиз бориб келдингизми, Маҳмуд, — деб сұради.

— Ҳа, тақсир. Мен бориб келган эдим.

— Мурод полвон Пойкандини қисқа вакт ичида топиб, олиб келганингиз яхши бўлди. Унинг курашидан Амир жаноблари ҳам хурсанд бўлдилар. Бинобарин, менинг ҳам бу тадбиримдан хурсанд бўлиб, мақтаб қўйдилар, — деди қозикалон.

— Тўғриси, мен Мурод полвоннинг уйида, у билан қўл олишиб саломлашиб кўришган чоғимдаёқ, унга ихлосим ортганди. Унинг қўллари бақувват, панжаси меникидан икки чандон катта эди. «Агар номдор полвонларни йиқитсанг, қўлинг ҳамма полвонлардан баланд келса, сенга бир от бераман» деб ваъда қилиб эдим. Ҳў-ӯ-ӯ ана, ўша от! — деди Маҳмуд иноқ.

— Анави йигитча ушлаб турган отни деяпсанми? — сўради Мулла Мирзо.

— Ҳа, ўшани. Ҳали давра охирида табрик қилиб, ҳадя қиламан дедиму улгира олмадим. Полвон сиз жаноблари билан саройга кириб кетди. Уни ҳалигача кутаяпман. — деди иноқ.

— Ҳа, полвон ҳозир чиқиб қолар. Аммо, иноқ сизнинг полвонга берган ваъдангиз ва унинг амали вожидан туҳфа засини кутаётганингиз менга жуда ёқди. Бағри кенг, саҳоватли инсон экансиз. Шу сабаб маврид топиб, сиздаги яхши инсоний фазилатларни Амир жанобларига етказаман ва мавқейингизни кўтариш чорасини кўраман, — деди қозикалон.

— Ташаккур, тақсир. Ташаккур! — деди иноқ.

Арки Олий дарвозасидан чиққан Мурод, қозикалон, Мулла Мирзо, Маҳмуд иноқ ва бошқалардан иборат суҳбатдошлар даврасига томон юрди.

У даврага яқинлашгач, қозикалон:

— Хўш полвон. Гап сир бўлмаса, қандай янгиликлар бор? — деди.

— Жаноби олийлари: «Кураш ва паҳлавонлик машқларини кўпроқ қилиб юр! Байрам ва базмларда курашга соламан. Шикорга чиққанимда, бекликларга боришда сени ўзим билан олиб кетаман», дедилар.

— Амир жаноблари курашга қизиқадилар, полвонларни ҳам эъзозлайдилар, — деди қозикалон.

— Аллоҳга шукур. Шундай экан, — деди Мурод.

— Полвон, Маҳмуд иноқ ҳурмат юзасидан, сенга от туҳфа қилиш ниятида эканлар.

— Маҳмуд амаки, эсимда, шундай ниятингиз бор эди. Аммо мен уни бажаришингизни зарур деб билмайман.

— Тұхфани қабул қила қол, Мурод! Бир күн келиб, Аллоқ хоҳласа, мен ҳам Маҳмуд амакингни құллаб юбораман! — деди қозикалон Бадриддин.

Маҳмуд иноқнинг ишораси билан, Оқманглайнин ушлаб турған шотир йигитча, уни етаклаб, Мурод томон олиб келди. Мурод Оқманглайнинг жиловидан ушлаб, «Раҳмат, Маҳмуд амаки, сизни Худо құлласин» деди.

Мурод Оқманглайнин эркалади.

— Хұп занди, полвон, Мулла Мирзо ёнингизга икки сарвар қўшиб юборади, уйингизга қайтинг, — деди қозикалон.

Суҳбатдошларнинг барчаси Мурод билан хайрлашдилар.

## 18. ТҮЙ

Бухоро Амири Мурод полвонни жуда ёқтириб қолган эди. Шу боис, уни ҳар пайт олдига чақыртириб тура, ёзги оромгоҳлари бўлмиш — Моҳи Хоса ёки Карманада дам олиш мақсадида, томоша ташкил қилиб номдор полвонлар билан курашга қўшар эди.

Амир Мурод полвонни ширкорга чиққанида, вилоят ва бекликларга сафар қилганида ўзи билан бирга олиб юришни ёқтиради.

Шунинг учун ҳам Муроднинг ҳурмати Бухоро амалдорлари ва уламолари орасида ҳам яхши эдик, бу зътибор у йила-ниб тўй бўлган күн яққол сезилиб турди.

Мурод ва Қизлархоннинг тўйлари ёз фаслининг бошларида бўлди. Унинг тўйи Сайёт қишлоғида илгари ўтказилган тўйлардан шуниси билан фарқ қиласиди, бу тўйга Бухоро амалдорлари ҳам ўзларининг тўёналари билан ташриф буюрган, қишлоғнинг илгариги тўйларидаги сингари бир неча ўн эмас, бир неча юз киши қатнашмоқда эди.

Ўша даврда топган қўчқор ёки зчки, топмаган бир бош хўроуз сўйиб тўйу маъракасини ўтказган бўлса, Мурод бунга имкони борлиги боис, қишлоқ аҳли, дўсту ёрлар, амалдорларнинг ҳурматини жойига қўйиш мақсадида, тўй жойи бўлмиш қизнинг уйида бир бош ҳўқиз, ўзининг ҳовлисига кириб-чиқиб турган меҳмонлар учун икки бош қўчқор сўйдириб, кабоб, шўрва, палов сингари овқатлар тараддудини кўрган эди.

Хўжжи чўпчининг хонадони — яъни бўлажак келин — Қизлархоннинг ҳовлисига гиламлар тўшалган. Тўшамалар устига бир неча йўл дастурхонлар ёйилган. Дастурхон ароғидагилар учун турли овқатлар ва ноз-неъматлар муҳайё эди. Қишлоқ оқсоқоли Бозор закотчи, Берди савдогар, Мустафоқул қори, қишлоқнинг ҳурматли — кекса муллаларидан Ҳусанхон Ҳўжа ва бошқа бир неча муллалар, қариялар Бухоро амалдорлари билан бирга узун айвон остидаги сўрига жойлашишган зди. Икки томон қудалар — Хўжжи чўпчи ва Шароф тегирмончанинг бир лаҳза ўтиришга вақтлари бўлмай, меҳмон кутиб олиш билан банд.

Ҳовлига тўй удуми билан, куёвларга хос кийпиган йигит — Мурод бир неча күёвнавкар ўртоғининг куршовида кириб келди.

Ҳовлининг бир четида кўрпа, сандиклар билан машғул бўлиб турган ўн-ўн беш момо, доира чалиб, ўлан бошлаб юбордилар.

«Ҳой - ҳой ўлан, жон ўлан,  
Ҳойдир бугун, ёр-ёр!  
Икки қуда данг турган,  
Тўйдир бугун ёр-ёр!  
Икки сандиқ рўйма-рўй,  
Рўй беради, ёр-ёр!  
Икки қуда данг туриб,  
Тўй берадир, ёр-ёр! »

Мурод, ҳамтенг ўртоқлари билан, тўй дастурхонлари атрофидан ўтаркан, ўтирганларнинг барчаси:

«Муроджон, баҳтли бўлинглар!»,  
«Муроджон, илоҳи, қўша қаринглар!» деган қутлов ва дуолар қилдилар.

Куёв ўртоқлари билан эшикка яқинлашгач, уларга бир момо пешвоз чиқди ва уни ичкарига бошлаб кирди.

Ўртоқлари эса орқага қайтдилар.

Момо Муродни ичкарига, Қизлархон турган хонага бошлаб кирди-да:

— Кел, болам, кел! Маҳраминг бу ерда. Сизларга дастурхон тузатганимиз. Ўтириб овқатланинглар! Бир-бирингизга ана бу ширинликлардан едиринглар! — деди.

Мурод ичкарига кириб, тўй либосини кийиб, дур мунчоқлар, зулғигажжак, аравак, тилло билагузуклар, зебигардон кабиларни тақиб олган Қизлархонга маҳлиё бўлиб қолган эди.

Момо эса такрор-такрор: «Ўтиринг, болам, ўтиринг!» деб дастурхонга ундарди.

Муродга Қизлархон: «Ассалому алайкум! Мурод ака» деб, таъзим билан салом бергач, унинг бошидан «учган» ҳуши ўзига «қайтди» шекилли:

— Ваалайкум ассалом! Ўзингмисан, Қизлархон? Бунчалар очилиб кетибсанки, таърифга сўз йўқ, — деди.

— Сезаяпман, куляяпсиз Аммангиз шунаقا кийинтиридилар. «Шуларнинг барчаси сенга ният қилиб харид қилинган, киясан, тақасан, тамом, вассалом,!!» — деб туриб олдилар.

— Бечора от балки бир амаллаб кўтарар, аммо мен сени шунча тақинчоқларинг билан қандоқ, кўтараб олов атрофида айлантира оламан, — дея кулди Мурод.

Қизлархон қачонлардир қилган ҳазилини эслади, уялди.

— Қизлархон! Сен, ҳеч қанақа безакларсиз ҳам жуда хушрўй эдинг. Ҳозир мана бу гулдай янада очилиб кетибсан, — деди Мурод ва қўйнидан атиргул чиқариб Қизлархонга узатди.

— Раҳмат, Мурод ака, — деди Қизлархон таъзим билан

— Болаларим, бир-бирингизга ширбиринч едириинглар! Дастурхондаги тухтардан, кабобдан, майизлардан енглар. Күёвнинг қорни оч бўлса, ҳали айтганидек, келинни отдан кўтараб ололмайди, — деди суҳбатни тинглаган момо.

Қизлархон ва Мурод кулиб олишди, сўнгра: «Олинг!», «Олинг!» қилишиб, бармоклари учиди ширбиринч олиб, бир-бирининг оғзига мулозамат билан тутиб, ширбиринчхўрлик қилдилар.

Бир оздан сўнг кирган икки момо, ҳовлиққанича: «Сўфи келдилар», «Хусанхон Хўжам келдилар, у ёқ-бу ёғингизни тузатинг, никоҳ хутбаси ўқийдилар», лейишиб, келин ва күёвнинг кийимларини тузатган бўлишди.

Қишлоқ масжиди сўфиси Ҳусанхон Хўжа ичкарига кирганда у кишини келин-күёвлар ёнма-ён турган ҳолда, таъзим билан, салом бериб кутиб олишди.

— Э-э-э бахтли бўлинглар, ёшлар! Бахтли бўлинглар! — деб ичкарига кирди сўфи. У никоҳ русумини қилиб, хутба ўқиди. Яна бир бор ёшларни табриклаб, ташқарига чиқди.

— Энди күёвтүрга рухсат. Үйларига бораверсинглар! Биз келинни ўзимиз олиб борамиз, — деди аёллардан бири.

— Хўп, бўлмаса мен борай, — деди Мурод ва ўрнидан турди. Күёв эшик томон юрган эди, бир момо уни тұхтатди.

— Тұхта болам! Мана бу дастурхонни ҳам ўзинг билан олиб чиқ! Ўртоқларинга берасан. Илоҳим, уларга ҳам юқсин, — деди. Момо дастурхонга кулча ва ширинликларни әхтиётлик билан туғиб, Муроднинг қулига тутқазди.

Мурод дастурхонни олиб, эшикдан беш-олти қадам юрмасданоқ, бўз йигитлар унга ташланишиб қўлидан дастурхонни юлиб қочишиди.

Қий-чув кўтарилиди. Йигитлар дастурхон ичидагиларни, удумга кўра, холироқ жойда ўтириб, тамадди қилиш мақсадида, ҳовлидан қочиб чиқишиди. Тўй дастурхони атрофида ўтирганлар уларнинг орқасидан, эҳтимолки, ҳабас билан кулиб қолишиди.

Мурод яна уч-тўрт күевнавкар ўртоқлари билан юриб ҳовлидан чиқди.

Тўй ҳамон давом этарди. Бир оз вакт ўтгач. Мулла Ҳусанхон Ҳўжа Мустафоқул Корига қараб:

— Кори пешин намозига оз қолди. Ошга фотиҳа ўқиб, келин-куёв номига дуо қилсангиз! — деди.

Мустафоқул Кори бош чайқаб «Хўп» ишорасини қилди ва: «Бухоройи Шарифдан келган меҳмонлардан тингласак», — деди меҳмонларга юзланиб.

Мехмонлар «Ўзларидан!», «Ўзларидан!» «Ўзларига баҳш этдик!» дейишгандан сўнг, Кори тўй дастурхонига фотиҳа ясади:

— Берган ноз-неъматлари учун Аллоҳга шукур. Бу куннинг тинчлиги учун, Раббимга, подшоҳимиз — Амир Саййид Олимхон жанобларига чексиз шукурлар бўлсин. Бугун қовушажак ана шу икки ёш баҳтли бўлсинлар! Ўзларидан кўпайишиб — ували-жували бўлсинлар, Омин, ё Роббил Оламин. Тўйда ўтирганларнинг барчалари дуога шерик бўлдилар.

Дуодан сўнг дастурхон атрофида ўтирганлар туриб, кетишига шайландилар. Уларнинг аксарияти уй-уйларига, кўпчилик Муроднинг уйига тўйни яна давом эттириш мақсадида юрдилар. Бухородан келган амалдор ва уламолар ҳам Муроднинг ҳовлисига ўтдилар.

Рўзи ўз ҳовлисига Оқманглайни жиловидан тортганича, стак-лаб кирди. Пешонаси ҳамда оёқларининг тиззаларига қадар оп-поқ қизил отнинг устига қизил баҳмалдан мато ташланган, ко-килларига шилшилалар илиб безатилган эди. Урф-одатга кўра келин ана шундай безатилган отда куёвникига кузатилиши ло-зим эди.

Бунда келин томонидан амма, хола, янга кабилар келин би-лан бирга боришлари, отни зса келиннинг яқинларидан бир киши стаклаши лозим бўларди.

Ҳовли меҳмонлардан бўшаб, келин учун безатилган от ҳам тайёр бўлгач, аёллар келинни ҳовлига олиб чиқишиди.

Қизлархон отасидан оқ фотиҳа олгач, Рўзи ушлаб турган Оқманглайнинг эгарига аммаларидан бирини, келинни эса унинг орқасига миндириб қўйишиди. Момолар куйлаган «ёр-ёр» қўшифи, доира садоси остида уни куёвникига кузата бошлади-лар:

«Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан.  
Ўланчимаи, ёр-ёр!  
Икки ёшга баҳт тилаган,  
Тиланчимаи, ёр-ёр!  
Чимилдиқнинг этаги,  
Ботланади, ёр-ёр!  
Қизни олиб қудалар.  
Отиланади, ёр-ёр!  
Қизни олиб аммалар.  
Аста юринг, ёр-ёр!  
Куёв тўра уйига,  
Омон боринг, ёр-ёр!»

«Ёр-ёр» айтиб келаётгандар кўп йўл юришмади. Улар Ша-роф тегирмончининг дарвозаси қадар — бор-йўғи эллик-олт-миш қадам юрдилар, холос.

Меҳмонлар завқу шавқ билан кутиб олинди. Қудалари улар-нинг устларига: «Баҳт билан келсин!», «Ризқ билан келсин!» деб, чимдимларida ун сепишиди.

Иккала томон ҳангомалашиб, кулишиб олдилар.

От дарвоза олдига келиб тўхташи билан куёв йигит кулгу, қий-чув овозлар остида, келинни отдан кўтариб олди-да, ҳовли ўртасида ёниб турган олов атрофида айлантира бошлади. Бу

орада: «Энди «ёр-ёр» айтиш биздан!», деган күёв томон момолари доира чалиб, «ёр-ёр» бошлаб юбордилар.

«Йиглама қиз, йиглама!  
Ёр саники, ёр-ёр!  
Остонаси тиллодан,  
Үй саники, ёр-ёр!

Үттиз күрпә раҳт урдим,  
Нарвон билан, ёр-ёр!  
Бек ўглима түй қылдим,  
Армон билан, ёр-ёр!

Хой-хой ўлан, жсон ўлан,  
Хойинг бўлсин, ёр-ёр!  
Тўққиз ою-ўн кундан,  
Ўглинг бўлсин, ёр-ёр!»\*

Мурод келинни олов атрофида, дуолар, табриклар, ҳазилхуэуллар қуршовида уч маротаба кўтариб айланди-да, келинкүёвлар учун ажратилган чимилдиқли уйга кўтариб, кириб кетди.

У орқасидан кирган онаси ва уч-турт момонинг дуоси, табриги, ўғитларини олгач, уларга: «Раҳмат сизларга. Энди ташқарига чиқаверишларингиз мумкин!» деб қўйди.

Ташқарида эса, катта-катта мис қозонларда турли таомлар осилган бўлиб, шодиёна тонггача давом этди.

## 19. МУҲОРАБА

Мурод уйланиб оила қурганидан сўнг ҳам, тўй ва байрамларда, Амир томонидан уюштирилган хос давралардаги кураш олишувларида қатнашиб, давранинг энг одд полвонига айланди. У севиклиси Қизлархон билан етти йил ширин ҳаёт сурди. Барча бухороликлар бошига тушган мусибатли кунлар уларнинг оиласини ҳам четлаб ўтмади.

\* Назокат момо Ҳайдар қизидан

Ўн тўққизинчи асрнинг бошларидан Русия ва Ўрта Осиё давлатлари орасида савдо-сотиқ ишлари ниҳоятда яхшиланиб борди.

Жумладан, рус савдогарлари ўзлари олиб келган ноёб молларни Бухоро бозорларида сотишар ва бу ердан тери, пахта, юнг, шойи гиламлар, от ва чорва молларини сотиб олар здилар. Савдо-сотиқдан ҳар иккала томон манфаатли бўлиб, Русия ва Бухоро давлати орасида дўстлик ришталарини мустаҳкам боғлаган эди. 1868 йилга келиб Бухоро билан Русия ўртасида тузилган шартномага биноан Русия фуқаролари Бухоро амирлигига солиқ тўлашдан озод эди, лекин улар маҳаллий бозорларда савдо-сотиқ қилганликлари учун молнинг юздан икки ярим фоизини Бухоро ҳукуматига бериши шарт эди, холос.

Саййид Амир Музаффархон ўғли Саййид Амир Абдулаҳадхон йигитликнинг дастлабки кезларида мамлакатда ислоҳот ўtkазишга киришган эди. У киши жуда кўп янгиликларга йўл очди. Мамлакатга темир йўл, телеграф ҳамда Моҳи Хосадаги бошқарув ва дам олиш оромгоҳи электр чироғи билан таъминлади.

Русиянинг маҳаллий халқ билан дўстлик ришталари янада мустаҳкамланиши учун Бухорода сиёсий шўъба таъсис этилди. Бу сиёсий шўъба рус фуқаролари ва савдогарларининг Бухорода эркин юришини таъминларди. 1880 йилларда Тошкентдан Бухоройи Шарифга қадар, 1888 йилларда Чоржўй беклиги ҳудудигача ётқизилган темир йўл излари бу икки давлат ўртасидағи савдо-сотиқни янада ривожлантириб юборган эди. Амирликнинг ҳисоб-китобига кўра фақат Бухоро–Русия савдо-сотиғининг ўзи билан икки юз эллик миллион франкни ташкил этарди. Аммо Саййид Амир Олимхон салтанати даврига келиб, Русида бўлиб ўтган 1917 йил феврал инқилобидан сўнг ўзларини «большевиклар» деб атаган жамоа вакиллари ёмон ниятли илк қадамлари ва тарғиботлари Бухорога ҳам етиб келганди.

1918 йилнинг ўнинчи марта болшевиклар ҳамла қилиб, Бухоро музофотига қарашли Зиёвуддин мавзейини згаллаб олишди. Бундан норози бўлган халқ оёққа турди. Ҳатто, қўшни Афғонистон ҳалқи ҳам большевикларга қарши курашда Бухорога ёрдам беришга тайёр эди. Бундан чўчиган большевикларнинг қўмондони Колесов 1918 йилнинг йигирма бешинчи мар-

тида Амир билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Бухоро Амири ҳам аҳволини тузатиш мақсадида, сулҳ тузишни яхшироқ деб биларди. Шундан сўнг ҳам большевиклар ўзларининг соҳта ташвиқотлари билан оми халқ орасидан анчаларини ўзлари томон оғдира бошладилр. Большевиклар Бухоро давлатига ғайритабиий шартлар қўйиб, уларнинг ижро этилишини талаб қиласидан бўлишиди. Улар ўринсиз равишда бухоролик фуқароларни йўл-йўлакай тутиб, қамаб қўйишни бошладилар. Уруш бўлиши муқаррарларигини тушуниб етган амир Сайид Амир Олимхон ҳар томондан одам тўплаб, Бухоронинг Когон темир йўл тўхтамида қуролланган ҳолда душманга қарши жангга тайёр турди.

Юқорида зикр этилган, большевикларнинг 1918 йилги Бухоро давлатига қиласидан босқинчиллик урушидан мақсад бутун Бухоро давлатини босиб олиш эди. Аммо Бухоро Амирининг қўллаган чоралари ва халқният муносаби қаршилиги туфайли улар фақат Зиёвуддин туманини босиб олишта эришиди.

## 20. ЖАНГ МАЙДОНИДА

1918 йил. Март ойининг 24 куни. Икки ҳафтадирки, большевик босқинчилари Бухоро давлати музофотига қарашли Зиёвуддин темир йўл тўхтамига жойлашиб олиб, шу мавзени босиб олиш, сўнгра Бухорога юриш қилиш мақсадида жон-жаҳлари билан ҳужум қилмоқдалар.

Кўп сонли қўшини борлигига қарамасдан Бухоро давлати ҳарбий вазири Мұҳаммад Сайдбек парвоначи большевик босқинчиларига қарши очиқ ҳужумга ўтмасдан, ҳозирликча, чекиниб келмоқда.

Ҳарбий вазирнинг бундай йўл тутишига етарлича сабаб бор эди, албатта. У бу билан Зиёвуддин мавзеидаги қишлоқларнинг вайронна ва култепага айланишининг олдини олган, кўп сонли бўлса-да, тажрибасиз қўшинларини уруш тажрибаси ва тактикасига эга бўлган большевик қўшинларига рўбарў қилиб қўйиб, қирилиб кетишининг олдини олган эди. Бинобарин, у қишлоқларни ташлаб чиқиб, жанубга – Бухоро шаҳри томон чекинсада, Зиёвуддин мавзесининг жанубидаги ялангликда жойлашган паст-баланд дўнгликлар – қиртепалар ортига жойлашиб олиб яхшигина жанг истеҳкомига эга бўлиб олган эди. Энди, большевикларнинг олдини олган эди.

вик босқинчилари Бухоро томон юриш қилишлари учун каттагина ялангликни босиб ўтишлари зарур эди, бу улар учун катта талофат талаб қиласы эди. Чунки, тепаликлар орқасига жойлашиб олган Бухоро давлати құшинлари, бу ерда туриб, уларга муносиб қаршилик күрсата олиши мүмкін эди. Шундай бұлса-да, босқинчилар ялангликни кечиб ўтишга бир маротаба уриниб құрдилар, милтиқ ва пулумётлардан ўқса тутылиб, күп талофатлар күргач, орқага чекіндилар. Шундан сүнг иккала томон құшинлари ҳам ұзаро узоқда жойлашиб олишиб, бир-бирлари томон милтиқлардан, пулемётлардан ва түплардан ўқ отиб турмоқда здилар.

Бу урушда Мурод полвон Пойкандий ҳам күпчилик қаторида қир ён бағрига ётиб олган юрт босқинчиларини мүлжалга олиб, милтиқдан ўқ узмоқда здилар. Унинг милтиғида ўқи тугаб қолгудек бұлса, бирор ярадор ёки шаҳиднинг милтиғини олиб, яна қир бағрига үрнашиб олганича, ён-атрофдан шиппиллаб учаётган ўқлар ва унча узоқ бұлмаган жойларда портлаётган түп ўқлары – металл соққаларининг портлашларига беписанд жаңғ қиласы.

Босқинчиларнинг ўқларига дучор бўлғанларнинг кўпчиликлари яраланиб, инграб ётган бўлсалар, кўпчиликлар жон таслим қилмоқда здилар.

Бухоро давлати аскарлари орасида шундай одат бор эди, мусулмончиллик юзасидан, жаңг бораётган бўлишига қарамай, ҳар бир шаҳид устида йиғилишиб узоқ вақт жаноза ўқишар ва мусибатга берилишарди. Бу эса ҳарбий вазирга ёқмас, ўзининг хос одамлари ҳамда яловбардор билан отда жаңг майдонини кузатиб юриб, аскарларни вақтинча бундай одатдан тийилишга ва жаңг қилишга ундарди.

– Мусулмонлар! – деди Мұхаммад Сайдбек, у ер – бу ерда шаҳидлар атрофида, йиғилганларга баланд овоз билан, – ҳозир ҳар бир шаҳид устида йиғилиб, кўз ёш тўкиш вақти эмас. Ахир ортимизда муқаддас шаҳримиз Бухороий шариф турибди. Ожизалару фарзандларимиз ор-номусини босқинчилардан ҳимоя қилишимиз даркор! Қани, қуролларингизни қўлга олинг! Она юрт учун курашга чоғланинг!

Унинг бу сўзларидан таъсирланган аскарлар, ўринларидан туриб, қўлларига милтиқларини олишиб: “Энди бу босқинчиларга омонлик йўқ!”, “Босқинчиларга ўлим” дейишганларича

тепаликлар ён бағирларига ўрнашиб олиб, душман тарафга ўқ ёғдира бошлаши.

Майдонда ёш бир аскар оғир яраланған кекса аскарни қўйнига олганича унинг сўнгги сўзларини, кўзларида ёш билан, тингламоқда эди:

– Болам, – деди ярадор, титроқ овозда, – умримда бирон бир кишини хафа қилиш тугул ҳайвонга ҳам озор бермаганман. Номи ўчсин – уруш сабаб, қўлимга милтиқ олиб, одам боласига қарата ўқ отдим. Бунинг устига, икки ҳафтаки, ҳар куни, беш вақт номознинг икки-учтаси қазо бўлди. Билмадим, охиратим қандай бўлади? Аллоҳ мени кечирмас. Мен ўлсам жасадимни шу қир бағрига кўмиб қўяқолинглар.

Кекса жангчи шу сўзларни айтиб тугатаркан бошқа гапира олмади. Бир-икки бор қийналиб нафас олди-да, бутун вужуди билан силтаниб қўйди, бошқа нафас олмади. Ёш жангчи эса, кўзларида ёш билан, марҳумнинг бошини тупроққа қўйиб, апилтапил, пичирлаб, жаноза ўқиди. Сўнгра қўйнидан пичоғини чиқариб, қир бағрини ёра бошлади.

Отишмалар давом этмоқда эди. Душман тарафидан отилган тўп ўқларининг кўплари қиртепалар олдига тушиб, портлаб, чакалакзору қамишзорларни портлатиб юборса, гоҳ-гоҳ тепаликлардан ўтиб тушиб Бухоро давлати аскарлари ёнида портлар ва ҳар гал тўрт-беш кишининг умрига зомин бўларди.

Муроднинг ўнг томонида жойлашиб ўқ узаётган аскар олдига келиб тушган снаряднинг кучли портлаш тўлқини уни пулемёти билан баравар орқага улоқтириб юборди. Оғир пулемёт ва тупроқ кўчкиси босиб қолган пулемётчи бор овози билан бақира бошлади:

– Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар! Куйяпман!

Ўқ отилаверганидан қизиб кетган пулемёт стволи унинг бўғзини куйдираётган эди.

“Ҳозир биродар, ҳозир!” дея, унинг устидан пулемётни кўтариб олмоқчи бўлдилар, аммо уддалай олишмади. Шу пайт Мурод, юргурганча етиб келиб, иссиқ бўлишига қарамай, бир уринища пулемётни аскарнинг устидан кўтариб олди.

Буни кузатиб турган ҳарбий вазир воқеа жойига келиб:

– Баракалла полвон! Урушнинг биринчи кунлариданоқ кузатиб юрибман. Яхши жанг қилмоқдасан. Ҳозирги ишинг ҳам таҳсинга лойиқ. Аллоҳ умрингни зиёда қилсин, – деди.

- Илоҳи, айтганингиз келсин, – деди Мурод.
- Раҳмат сизга полвон ака, – деди ўрнидан туриб, ўзини зўрға ўнглаб олган пулемётчи.
- Биродарчилик, ука, – деб қўйди Мурод, қисқагина ва яна тепалик устида қолдирнб келган милтифи томон шоши.

Бухоролик жангчиларни кузатиб, жангга ундан бораётган ҳарбий вазир ва унинг икки нафар хос кишисининг отлари улардан олдинроқда портлаган тўп ўқининг гумбирлашидан саросимали силтандилар. Душман томонидан отилган тўпнинг ўқи вазир – Муҳаммад Сайдбек парвоначидан олдинроқда, ундан олти-етти қадам узоқроқда, портлаган эди. Гарчанд портлаш вазирга бирон жароҳат бермаган бўлса-да, унинг ёнида бораётган икки кишидан бирини яралаган, улардан олдинроқда бораётган яловбардорни от устидан улоқтириб ташлаган эди. Кучли портлаш яловбардорнинг отини афнатиб, ўзини эса учтурт қадам нарига улоқтириб юбориб, қўлидаги Бухоро давлати байроғини тепаликдан нарига учириб туширган эди. Байроқ шундай бир жойга бориб тушган эдикни, уни тезлик билан бориб олинмаса, ёниб келаётган чакалакзор олови домида қолиши мумкин эди. Шу боис, муқаддас ялов ёниб кетмаслиги чорасидан, вазир саросимага тушиб қолди.

У зудлик билан отидан тушиб, тепалик бағирлаб байроқ учуб тушган жойга яқинроқ борди, кузатди.

Ўтган йилдан қолиб бўй чузиб турган ўлик қамишлар серпана жангллар ва ёнтоқлар фасли баҳорнинг биринчи ойи якунида нур таратиб турган қуёшнинг ожизгини тафти билан ҳали тўла қуриб улгурмаган. Шу боис ҳам, олов байроқ тарафга, димиқиб, тутаб ёнган кўйи яқинлашмоқда эди.

– Қани! Қани, ким нариги тарафга ўтиб, байроғимизни олиб қайтади. Қайси мард ўтади? Қани, ким?! – ҳаяжон билан, ҳайқириб гапирди ҳарбий вазир.

Атрофдаги аскарлар тепаликдан нарига — душман ўқи ёғилиб турган ялангликка ўтиб байроқни олиб қайтиш осон змаслигидан бир зум, қўрқинч ва ҳадик билан, жим турдилар.

– Мен! – деди ниҳоят, ўрта ёшлардаги бир аскар, қўлидаги милтифини ерга қўяркан.

– Худо умрингни берсинг, тезроқ бўл! Биз ҳаммамиз душман томон бараварига ўқ отиб сени тўсиб турамиз. Борақол! – деди Муҳаммад Сайдбек.

Ҳарбий вазирнинг “Ҳамма бараварига, душман тарафга қарата, ўқ отиб турсин!” деган буйруғи билан тепаликлар ён бағрига ётиб олган Бухоро давлати аскарлари болшевик босқ-инчилари томонга қарата ўқ ёғдира бошладилар. Ўқ ёғмирига дучор бўлган кўпгина босқинчилар писиб олдилар.

Пайтдан фойдаланган аскар, байроқни олиб қайтиш мақса-дида, югуриб тепалиқдан нарига ўтди. Тезлик билан бориб, байроққа қўл тегизиши билан кўкрагига ўқ тегиб йиқилди.

Оғир ярадор бўлишига қарамай, чузилиб, байроқни ушлади, уни алангадан бирор қарич берироққа тортди. У байроқ дастагини ўнг қўли билан маҳкам ушлаганича, илиқ тупроққа секин бош қўйди...

Қуёш нуридан илиган тупроқ болалигини эслатди. Гўё, она-сининг мулойим, тафтли тиззасига бош қўйтгандай, онаси эса унга: “Роса чарчабсан болам, ухла, оромингни ол!” дея соchlарини си-лаётгандек бўлди. У кўзини юмди ва мангут йўқуга кетди.

Воқеадан воқиф бўлғанларнинг барчаси афсус-надомат че-кишиди.

— Афсус, — деди ҳарбий вазир ҳам чуқур нафас оларкан. У бир зум бош эгиб турди-да, буйруқ билан эмас, илтимос оҳан-гига “Байроғимизни олиб қайтишга ўзида журъат топа олади-ган яна бирон мард борми?” — деди.

— Бор! — деди, ёш, тўладан келган, бир аскар йигит.

— Баракалла аскар! Шошил, шамолдай ел! Борақол! Аллоҳ паноҳида асррасин, — деди вазир, Бухоро аскарларининг кўпчи-лиги, милтиқ ва пулемётлардан душман тарафга ўқ ёғдирар турдилар. Пайтдан унумли фойдаланишга уринган ёш аскар байроқни олиб қайтишга уринди, аммо... воқеа мудҳишлик билан тугади. У тепалик устидан ўтиши биланоқ душман тара-фидан ўққа тутилиб, ҳалок бўлди.

Бухоро давлати аскарлари орасига ғамли сукунат чўқди.

— Байроқдан айрилиш — ўлим. Байроқни олиб қайтиш учун ўзим бораман! — деди ҳарбий вазир, қўллари бармоқларини мушт қилди, — Душманга қарата ўқ отиб туринглар! — деди-да, тепалиқдан ошмоқ-чун шахдам қадамлаб кетди. Унинг гав-дасининг бош қисми тепаликда юқори кўтарилиши билан унга қарата, душман тарафдан ўқлар ёғила бошлади. Ўқлар чив-чив-лаб товуш берганича, унинг яқинидан ўтмоқда эди. Шу пайт кимнингдир бақувват қўллари уни пастга босди, орқароққа

тортиб, унинг гавдасини душман ўқларидан яширди. Фавқулодда бу ишдан ҳайрон бўлган ҳарбий вазир орқасига бурилди, ўзини пастга орқага тортган киши билан юзланди.

– Полвон, сенмисан?! – деди ҳарбий вазир ва бошқа бирон сўз демай, гўё сеҳрлангандай унга термулиб қолди.

– Азиз бошингиз омон бўлсин, Муҳаммад Сайдбек жаноблари. Байроқни олиб қайтишга мен бораман, – деди Мурод.

Шу пайт вазирнинг хос кишиларидан бири келди-да, уни янада орқароққа тортди.

Байроқ турган жойга ўтиб олиш учун тепаликдан тез, шиддат билан, ошиб ўтиш керак эди. Акс ҳолда душманга нишон бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам Мурод, тепаликдан тез ошиб ўтиш мақсадида, олдинига йигирма қадамча орқага ти-сарилди, сўнгра бор кучини йигиб, тепалик томон югурди. У тепалик устида “лип” этиб кўринди-ю, ўзини пастга отиб, байроққа яқинроқдаги чуқурроқ бир жойга ўрнашди.

Яловни ҳалок бўлган жангчининг қўлидан олиб, унга ниҳоятда яқинлашиб қолган оловдан берироққа тортди.

Мурод тепаликдан югуриб байроқ томон, кечиб ўтганида унга чаққонлиги жуда қўл келган эди. Шу сабаб унга томон ўқлар узган душман пулемётчисини додга қолдирган эди.

Энди-чи? Энди у пастликдан юқорига ҳараб югуриб ўтиши лозим. Ўтганда ҳам қўлида байроқ билан ўтмоғи шарт. Акс ҳолда ҳаммаси бесҳуда.. Ана шундай масъулият олдида таваккал қилишдан чўчиган Мурод бир зум чалқанча ётиб, осмонга термулиб, ўйлаб турди. Унинг кўзлари анча олисроқда, баланд учиб ўтаётган қарғаларга тушди. Уларни кўз илғай олмас дарражадаги олисликка қадар кузатди. Шу дамда унинг кўз ўнгигда онаси гавдаланди. Онаси уни урушга кузатаётib нон тишлигиб, ризқ сақлаган ва “Бухоромизни ёвдан асрар! Ҳар бир дамда ўзингни эҳтиёт қил! Аллоҳ сени ўз паноҳида асрасин!” деб дуолар ўқиган эди. Ана шулар кўз олдида гавдаланган Мурод, беихтиёр “Аллоҳ ўзинг паноҳингда асрар”, деди-ю, бир-икки чуқур нафас олиб, шиддат билан ўрнидан турганича қўлида байроқ билан ўзиникилар томонга югурга кетди. Бухоролик аскарлар унинг очиқдаги ҳаракатини тўсиб туриш учун душман томонга тинимсиз ўқ отиб турдилар.

Душман пулемётидати чиқаётган қўргошинлар Муродни деярли “кувлар” эди. Мурод тезлик билан югуриб келиб тепа-

ликдан паста – ўзиникилар тарафга ўзини отди. Ҳамма бир зум отишдан тұхтаб, тирик келған – мәрд ва жасур юртлошларига хавас билан боқиши.

Пастлика – ўзиникилар томонға ўтиб олган Мурод құлида ушлаб турған мусулмандык рамзи – ҳилол ва беш вақт шарт намознан аңглатып турувчи – беш панжа сурати муҳрланған Бұхоро давлати байроғига ўтирган чанг – ғуборни туширди-да вазирға узатди.

Мурод байроқни олиб қайтиш учун тепаликдан нарига югуриб ўтганида дүшман пулемётчиси, қанчалик сергак турған бўлишига қарамасдан уни нишонга ололмаган эди. Шунда унинг қўмондлони: “Галварс, нари тур! Ҳали уни қочириб юборасан..! деганча уни итариб юбориб пулемётни ўз измига олган эди. Аммо у ҳам байроқни елдириб югуриб кетаётган жангчини нишондан қочирди.

— Одам боласининг бу қадар чаққон бўлишини биринчи бор кўришим, — деди у, бошидаги фуражкасини юқорилаб қўяркан, ҳайрат билан.

Шу пайт, унинг олдига, ўринбосарларидан бири ёнида ўрта ёшлардаги ўзбек йигити билан яқинлашиб келди-да, гап бошлади:

— Ўртоқ қўмондон, манабу ўзбекнинг гапига караганда отишмани бир зум тұхтатып турсак, Бұхоро аскарлари, бир оздан сўнг, пешин намозини ўқишига тушарканлар. Ўша пайтда бостириб борсак уларни қириб ташлашимиз мумкин экан.

“Пешин намози” — дея такрорлади большевиклар қўмондона ва сотқиннинг фикрида ҳақиқат борлигидан қувониб кетди.

— Ҳа, ҳа. Пешин намози бўлади, — деди сотқин, лаганбардорлик билан, бош чайқаганча, каловланиб.

Шундан сўнг босқинчилар ўқ отишни тұхтатиши. Жанг майдонида бир фурсат, Бұхоро халқи кутгани – тинчлик ҳукм сурди. Аммо у узоқ чўзилмади. Бұхоро давлати аскарлари намоз ўқиши билан банд, деб ўйлаган большевик босқинчилари ҳужумга ташланиши. Аммо, кутилмаганды қақшатқыч зарбага дучор бўлиб, қўшинининг катта қисмини талофат бериб, орқага чекиндилар.

Босқинчилар ўқ отишдан тұхтаб, сукут қылған дамда Бұхоро давлати ҳарбий қўшин қомондони Мұҳаммад Сайдбек бунинг ҳарбий ҳийла эканини тушуниб етган эди. У ўз қўшинла-

рига: «Аллоҳ раҳмдил ва иноятли. Ўзи кечирсин, яна бир бор намозни қазо қилиб, босқинчиларнинг ҳужумига тайёр туринг, мусулмонлар!» — дея буйруқ берган эди. Шу сабаб ҳам большевик қўшинларининг ҳужуми катта талафотли чекинишлари билан якун топди.

Бундай талофат бериб қўйган босқинчилар қўмондони Колесов дурбин билан Бухоро давлати қўшинларини кузатди.

Унинг нигоҳи бухороликларга келиб қўшилаётган ўнлаб, юзлаб одамларга тушди. У ўз кўзларига ишонмай, дурбин билан қайта ва яна қайта келиб қўшилаётганларга қаради. Сўнгра жаҳл билан:

— Сотқинни топиб келинглар! — деб буйруқ берди.

Зум ўтмай унинг олдига ўз давлати ва халқига хиёнат қилган — сотқинни судраб келдилар.

— Ҳозир биз жуда ожизмиз. Шунинг учун, қандайдир бир ўз ватанининг хоинининг гапи билан ҳужум қилишимиз эмас, сулҳ тузиш чорасини қидиришимиз керак, — деди большевик босқинчилари қўмондони Колесов.

У шундай деб, белига осиғлик камаридан тўппончасини олиб, ҳамма ўқини сотқинга қаратади. Қонга белангтан сотқин узала йиқилди. Босқинчилар қўмондони ўқсиз тўппончасини сотқиннинг жонсиз жасади устига ташларкан, алам билан, чуқур-чуқур нафас олди, сўнгра қўлига оқ байроқ олиб жанг майдони томон хомуш қадам босди.

Тўпларнинг вайронали гумбурлашлари, милтиқлар ўқлари «ёмғири» остида кечган бу қонли муҳораба айниқса, бухороликлар учун жуда талафотли бўлди. Минглаб бухоролик ёшлилар Бухоройи Шариф озодлигини сақлаб қолиш йўлида шаҳид бўлдилар.

Зиёвуддиндаги жангларда кўрсатган жасорати учун Мурод полвон Пойкандий ҳарбий вазир томонидан — тўқсабо ҳарбий унвони билан тақдирланди. Тўқсабо Мурод полвон Бухоро давлати ҳимоясини янада мустаҳкамлаш мақсадида, Қоракўл беклигидан аскарликка лаёқатли деб топилганиларни йиғиб келиш ва уларга ҳарбийдан сабоқ беришга юборилди.

## 21.ДҮСТАЛАШУВ

Мурод, Амирнинг буйруги билан бориб, Қоракүл халқи ичидан минглаб кишиларни кўнгилли равишда, ватан ҳимоясига тайёр эканини қайд қиласа-да, улардан фақат бир минг беш юзга яқини чавандозни ўзи билан Бухоро шаҳрига олиб борди.

У қоракүллик отлиқлар — ватан ҳимоячилари билан Бухоро шаҳрига кириб борганида, кўчалар халқнинг олқишиларидан ларзага келди. Омманинг душман устидан ғалаба қозонишга ншончи янада ортиб, суворийлар ортидан доира чалиб, ўйнаб, куйлаб борарди.

Арк олдida Мурод бошлиб келган отлиқларни бир неча амалдорлар билан биргаликда генерал Ҳожи Юсуфбек Муқумбий кутиб олди.

Мурод отидан тушиб, унинг жиловини бировга тутқаздида, ўзи Ҳожи Юсуфбек олдига борди.

— Ассалому алайкум, генерал Ҳожи Юсуфбек жаноблари,  
— деди Мурод, таъзим билан.

— Ваалайкум ассалом! Ватан озодлиги жонифони. Қоракүллик бу суворийлар билан келаётганингиз Амиримиз жаноби олийларига, ҳозиргина етказилиб, бизни сизнинг истиқболингизга чоғлаган эдилар. Буюрдиларки, уларни ўзингиз билан Когон темир йўл тўхтами тарафга олиб борар экансиз. У ерда сизни жаноби олийларининг тоғалари – ҳарбий вазир Мұҳаммад Сандбек парвоначи, қўмондон Абдулҳофиз парвоначи ва Мұҳаммад Иброҳимбек девонбеги каби аскар бошлиқлари кутиб оладилар.

— Хўп бўлади, тақсир. Бош устига, — деди Мурод.

— Айтганча, Мурод Пойкандий, сиз энди тўқсанбо ҳарбий унвони даражасидасиз. Суворийларни олиб юришда қатъиятлик даркор эканлигини унутманг! Отлиқлар сиздан илгарилаб кетмасликлари, кўча чангитиб тарқоқ юрмасликлари лозим!

— Хўп бўлади, генерал жаноблари, — деди яна Мурод таъзим билан.

— Шошилинг! Бунча суворий аскарлар билан боришингиз у ердаги биродарларимизни гурурлантириб юборади, иншоолло, — деди генерал.

Мурод «Иншооло», деди-да, тисарилиб икки-уч қадам юргач, бориб отига минди. У отининг жиловини тортиб, отлиқлар томон бурди-да:

— Азиз қоракүлликлар! Эңди сизлар шунчаки, Ватан ҳимоя-чи-  
сигина змас, балки улус ва шариат ҳимочиси бўлмиш — Ами-  
римиз жаноби олийларининг ишонган аскарларисизлар! Шу боис,  
отда юрганда тартиб билан юришни, олдинда бораётган амалдор  
ва қўмондонлардан олдинга ўтиб кетмасликни, тарқоқ ва саёқ чанг  
чиқариб юрмасликни ўрганишингиз ва бериладиган буйрукларга  
қатъий амал қилишга одатланишингиз даркор! Кани, менинг ор-  
қамдан юринглар, кетдик! — деди ўқтам овоз билан.

Отлиқлар Муроднинг бу сўзларига жавобан: «Хўп бўлади,  
полвон!» дея унинг орқасидан эргашдилар.

\* \* \*

Мурод қоракүллик суворийлар билан, Когон темир йўл  
тўхтами ёнида жойлашган аскарлар қароргоҳига кириб борга-  
нида уларни катта ҳурмат ва олқишлиар билан қарши олдилар.

Уларни ҳарбий вазир Муҳаммад Сайдек парвоначи, уруш  
қўмондони Абдулҳафиз парвоначи, Иброҳимбек бий аскар бош-  
лиғи ва бошқа ҳос кишилар ва амалдорлар кутиб олиши.

Бу ерда жамланганларнинг аксари Амирнинг низомий ҳар-  
бийлари бўлиб, уларнинг кийимлари оқ кулуча, белларидан  
қайиш камар билан боғлар здилар. Шимлари қўй теридан,  
сёкларида этик, бошларидан қўзи тери телпак бор зди. Саркар-  
даларнинг бош кийимларини савсар мўйнасидан бўлиб, нишон-  
лари олтиндан зди.

— Хуш келдингиз, тўқсанли! Кўп сонли аскар йигибсиз, сизга  
ташаккур! — деди Муҳаммад Сайдек парвоначи, Мурод билан  
сўрашиб бўлгач.

— Бу йигитлардан ўн чандон мўли Қоракўлда қолдилар.  
Уларни ҳозирча, олиб келишни лозим билмадим. Аммо улар  
ҳам ҳар лаҳзада шай туражаклар. Бу ерга келганлар — ўзлари-  
да оти бор ватанпарварлар, — деди Мурод.

— Улар неча сонлиғ. Сизда ҳисоби борми?, — сўради Аб-  
дулҳафиз парвоначи.

— Ҳа, мана! — деди Мурод, қўйнидан қоғоз чиқариб унга  
узатар экан.

— Хўп, яхши. Бир ярим мингтacha эканлар, — деди парвоначи  
ва қўлидаги қоғозни Иброҳимбек аскар бошлиғига узатар-  
кан, унга:

— Мұхаммад Иброҳимбек, сиз бу суворийларни бошлаб боринг-да, бутуноқ ҳарбийдан сабоқ бердиришины бошлаб юборти-ринг! — деб тайин қилди.

— Хұп бұлади, тақсир! — деди Иброҳимбек бий бөш згиб.

Иброҳимбек бий Мурод бошлаб келған отлиқлар томон юраркан, Муродга қарата:

— Қани, тұксабо, мен билан юринг — деди.

— Хұп тақсир, — деди Мурод ва уннинг орқасидан юрди.

— Ҳозир биз отлиқларни иккиге ажратамиз. Бир гуруұға отда қилич яланғочлаб ҳамла қилишни, иккінчи гуруұға, мильтік ва түппончалардан, мұлжалға үқ отишни үргатамиз Сұнгра үрінларини алмаштирамиз, — деди аскар бошлиғи, йүл-йұла-кай суҳбат очиб.

— Яхши бұлади. Бу йигитларнинг аксаияти далада ишлаш-дан бұлак иш қилишмаган, — деди Мурод.

— Сиз ҳам жангга киргансиз. Жангда қандоқ ҳаракат қилиш лозимлигини үқтириб боринг!

— Яхши тақсир, тушунтираман, — деди Мурод.

Улар үзаро суҳбат билан суворийларга яқынлашиб борған-ларида, отлиқлар бөш згиб салом бердилар.

— Ассалому алайкум! Ҳурriят посбонлари! — деди Мұхам-мад Иброҳимбек, баланд овоз билан.

— Ваалайкум ассалом!, — дейищди суворийлар.

— Юрт озодлиги ва келажак сизнинг құлингизда! Аллоҳ бу йүлда барчангизга ҳиммат ато қылған бұлгай!

«Иншоолло!», «Иншоолло!» дейищди жамоадагилар.

— Қани, сизлар үнгга, қолғанлар зса чапға ажralиб, икки гуруұға бўлининглар! — деб буйруқ берди Иброҳимбек бий, үнг қўли билан томонларга ишорат қилиб. Суворийлар иккита гу-руұға ажralдилар.

Бир гуруұғ отлиқлар, душманга отда қилич билан ҳамла қилишни үргатувчи Үрин чаққоннинг олдига бордилар. Бу ерда отлиқлар қўлларида қилич билан, от чоптириб, ҳар беш қадамда ерга суқиб қўйилган чўпларни қилич билан каллаклаш ёки йиқитиб утишни машқ қилнишарди. Бу жуда кийин машғулот зди-ки, бунда тез елиб бораётган отда туриб үнгдаги чўпга зарба бе-рилгач, қисқа вақт оралиғида сўлдаги чўпга зарба бериш учун қилични яна ҳаволатиб, зарбага ҳозирлаш керак бўларди. Буни зса ҳар ким ҳам уddyалай олмасди. Бу машғулотни ўрта бўйли,

ориқдан келган, хүшбичим чавандоз тез-тез кўрсатиб турар, қолганилар эса, унга тақлидан бажаришга ҳаракат қиласар эдилар.

Иброҳимбек бий билан Мурод Ўрин чаққоннинг олдига боргандарида у машғулотдан бўшаб, отдан тушиб, уларнинг олдилари томон юрди.

— Ассалому алайкум! — деди Ўрин чаққон. Мурод ва Иброҳимбек бий «Ваалайкум ассалом!», дея алик олдилар.

— Ўрин чаққон, танишиб ол! Бу киши Мурод тўқсабо бўладилар. Бундан кейин, бошқа ҳарбий амалдорлар қатори бу кишига ҳам итоат этасан! — деди Иброҳимбек

— Бу киши тўғрисида эшитганман. Адашмасам, тўқсабо — Мурод полвон Пойқандий бўладилар, — деди Ўрин чаққон.

Мурод ва Ўрин чаққон қўл олишиб саломлашдилар.

— Яхши, Чаққон! Энди сенга хизмат кўпайди. Ана бу гуруҳ отлиқларга ҳам ҳунарингни ўргатасан!

— Бош устига, тақсир, — деди Ўрин чаққон ва югуриб бориб, отга сакраб минди, қиличини яланғочлаб, от елдириб, ерга кўминб қўйилган чўпларни маҳорат билан каллаклаб чиқди. Отини елдириб келаётсиб бир аскарга «Милтифингни бер!» дедида, у томонга улоқтирилган қуролни ушлаб олиб, у ер-бу ерга суқиб қўйилган нишонларга қарата ўқ уза бошлади. Ўқлар мўлжалга аниқ тегди.

Кузатиб турғанларнинг барчаси «Балли, Ўрин чаққон!», «Қойил-э!» дейишиб олқишлиб қўйдилар.

Иброҳимбек билан Мурод ҳам унинг бу эпчилигига тасанно айтдилар. Сўнгра Иброҳимбек Ўрин чаққонга:

— Сени ва Маманазар мерғанини ҳарбий унвон билан тақдирлаш чорасини кўраяпман. Ҳозирча яхши, мана шундай ишлайвер! Мен тўқсабони Маманазар томонга олиб ўтиб, таништирай, — деди.

— Ўрин, биз сен билан кечга яқин шу ерда учрашамиз, — деди Мурод.

— Иншоолло, тақсир, — деди Ўрин чаққон.

Иброҳимбек бий билан Мурод, ёнларида отларини етаклаб келаётган аскарлардан ўз отларини миниб олдилар-да, иккинчи ҳарбий гуруҳ машғулотчилари томонга, орқаларидан суворийларни эргаштириб юрдилар.

Бу ерда Маманазар исмли йигит милтиқ ва тўппончадан ўқ узиб, аниқ нишонга уришни ўргатарди.

Мурод ва аскар бошлиғи манзилга етиб келишганида аскарлар түрт киши бўлиб саф тузиб, нишонга қаратади ўқ узишарди.

Салом-алиқдан сўнг Иброҳимбек Муродни таништириди.

Мурод истараси иссиқ, келишган қоматли, ўрта бўйли, пишиққина йигитта қўл узатди. Улар қўл сиқишиб кўришиб олдилар.

— Маманазар! Муродни полвон сифатида ҳам танисанг керак. Ҳозирда бу кишининг ҳарбий унвони — тўқсабо. Бошқа ҳарбий бошлиқлари сингари, бу кишига ҳам, итоат этишини унумла! — деди Иброҳимбек бий.

— Хўп бўлади, тақсир! — деди Маманазар.

— Бир мерганлигингизни кўрсатсангиз деган эдим, — деди Мурод қизиқишини яшира олмай.

— Хўп бўлади, тақсир! — деди Маманазар мерган ва қўлига инглиз милтиғини олди.

У қўлига милтиқни олиши билан, шу атрофдаги аскарлар иккига бўлинниб, нишоннинг олдини очдилар. Эллик метрлар узоқликда большевик аскарларининг фурашкаси ёғочга осиғлиқ турарди.

— Хў-ў, ана у большевик тақирини кўряпсизми? Ўшанга қаратади ўқ узаман, — деди Маманазар.

— Кўряпмиз. Марҳамат! — деди Иброҳимбек бий.

Маманазар мерган «винчестер» винтовкасидан изма-из беш марта ўқ узди. Ўқлар нишонга аниқ теккани фурашканинг қўпол тебранишидан сезилиб турди. Милтиқдан ўқ отиб бўлгач, у қўйнидан маузер тўппончасини чиқариб, нишонга тескари турди. Сўнгра чап қўлини чўзиб, ўнг қўлидаги тўппончасини чап қўли устига қўйган ҳолда, қаторасига олтита ўқ отди. Ўқлар нишонга аниқ тегди. Атрофдагилар яна олқишлиб қўйдилар.

— Мурод, ана шундай йигитлар сизнинг ихтиёргизда, бошқа ҳарбий бошлиқлар каби сиз ҳам Ўрин чаққон, Маманазар мерган каби кишиларнинг ишидан хабардор бўлиб, самарасини кўриб туринг. Ҳар бир аскар қилич ва милтиқ билан яхши жанг қила билиши даркор! — деди Иброҳимбек бий.

— Хўп бўлади, тақсир, — деди Мурод, боши билан ҳарбийларча таъзим этиб.

— Бўлмаса, мен борай. Сизлар янги келган аскарларни ҳам машққа чорланг, — деди Иброҳимбек бий. У отига миниб олиб, ҳарбий қароргоҳ томонга бурилди-да, йўргалатиб кетди.

Мурод милтиқ ва тұппончалардан нишонга үқ узиб күрди. Үқтарнинг аксари нишонга аниқ тегди. Аммо бундан үзининг күнгли тұлмади, шекилли, Маманазар мерганга:

— Дүстим, хатойим күп бўлди. Мўлжалга бехато уришни, албатта, ўрганишим керак, — деди.

— Отишингиз ёмон змас. Аммо тез ва аниқ отиш керак! Бунинг учун отиш мобайнида нафас олмаслик, ҳатто нафас чиқармаслик ҳам керак. Бутун вужуд билан нишонни аниқ мўлжалга олиш ва уни сеза билиш даркор. Агар биронта үқ нишонга аниқ тегмаса, бунинг сабабини аниқлаш ва бу хатони бошқа такрорламаслик чорасини қилиш керакки, шундагина мерган бўласиз.

— Энди, мен шу ерда эканман, ҳар куни машқ қилиб боришига ҳаракат қиласман, — деди Мурод.

Мурод ва Маманазар мерган үқ отиб, мерганликни машқ қилаёттанилар олдига боришиди ва бироз ўргатдилар, назорат қилдилар.

Қош қорайғаңда машқ қилишлар тұхтатилди. Юзбоши ва элликбошилар аскарларнинг ўзларининг алоҳида мўлжалланған жойларига бошлаб кетдилар. Мурод Маманазар билан келишилган вақтда Ўрин чаққоннинг олдига борди.

Учовлон очиқ ялангликтаги ўт-ўланлар устида ўтиришиб суҳбат бошладилар.

— Агар биз бу ерда бирга хизмат қиласар эканмиз, биз бири-мизни яқындан билмоғимиз, қолаверса, ҳар бир ишни ўзаро тушуниб ҳаракат қилмоғимиз керак. Гарчи ҳарбий унвоним бўлса-да, сизлардек йигитлар билан яқин дўст бўлиб олишни истардим. Шу боис менга ўзларингиз ҳақингизда сўзлаб берсангизлар. Қаерликсизлар? Болалигининг қандоқ кечган? Мана шулар мен учун жуда қизиқ туюмкоқда, — деди Мурод.

Ўртага бирозгина сукунат чўкди. Ўрин чаққон гап очиб, сукунатни бузди:

— Майли, полвон ака, гапириб берамиз. Лекин сиз ҳам ўз ўшлигингизни гапириб берсангиз. Биз ҳам полвонларнинг ҳаётига жуда қизиқамиз.

— Яхши, — кулди Мурод, — албатта гапириб бераман.

— Биз икков ҳам Жондор туманиданмиз, — гап бошлади Ўрин чаққон, — Жондорнинг Ҳазарман қишлоғиданман. Ёшим йигирма учда. Қишлоғимизда мени кўпчилик «Ўрин чаққон»,

баъзилар эса «Үрин ўғри» деб аташади. Аслида мен бирон марта ҳам ўғирлик қилмаган бўлсам-да, бунга сабаб бор. Отам қишлоғимиздан Назар бойнинг ўн танобдан ортиқ ерида ишлаб яҳшигина даромад олардилар. Назарбой ерни очдирган пайтда, отам қаторида, ўн нафар кишини ишлатганлар. Ерни очиб, экинга тайёрлаган пайтларида ер майдони анчагина шўр бўлган. Ўша йили стиштирилган ҳосилдан қанча фойда олган бўлса, Назарбой ер унумдорлиги ортган пайтларда ҳам, шунча фойданн талаб қиласди, холос. У «Меҳнат қилсанглар, Аллоҳ сенларга барака беради. Сенларнинг ризқларингни олишга менинг ҳаққим йўқ», дерди. Бу отам ва у билан ишладиганлар учун жуда фойдали эди.

Аммо бир йил келиб акам, чечак тошиб, оғир касал бўлиб қолди. Отам бор буғдойимизни муллалар ва табибларга бериб, акамни даволатиш ҳаракатига тушдилар. Отам жуда содда одамлар, ким нима маслаҳат солса, ўшаки қизаберадилар. Мулла ва табиблар «Ўғлингнинг баданинга қон сурман. Бунинг учун товуқ ёки қора эчки қони даркор» дейишиб, бисотимиздаги товуқ ва эчкиларга қирон солиб бўлишгач, каттароқ саллали бир табиб, «Ўғлингни қон суриб даволайман, бунинг учун, қора товуқнинг қони даркор. Иншоолло, у тузалиб кетади» деган. Отамнинг кўнгиллари нозик эди. У «Ўғлим ўсал бўлиб қолмасин. Нима бўлса ҳам, ўша қора товуқни топганим бўлсин!» деб, ўз холасининг товуқхонасига киради. Содда одам биронта товуқни ушлолмай каталакдан чиққач, холаларининг ити қопиб олган. Эртасига бу воқеадан бутун қишлоқ хабар топиб, отамни Сафоқул эмас, «Сафо ўғри» деб номлаганлар. Отам умрида бирон марта ўғирлик қилмаган эканлар. Бир мартасини ҳам уддалай олмаганлар. Акам касалликдан вафот этдилар. Ўша кезларда мен ўн тўрт ёшларда здим, чамаси. Отамга ёрдам бергани доим далага чиқардим. Назар бойнинг иккита оти бўлиб, уларга қараб туриш менинг зиммамда эди. Мен от чоптиришни яҳши эгаллаб олдим. Ҳатто югуриб бораётган отнинг остидан айланиб ўта олардим. Шу бонс қишлоғимдагилар мени «Үрин чаққон» дейишарди. Отам билан бўлган «ўғрилик» воқеасидан сўнг, баъзи бир ҳангоматалаблар ва лоғчилар мени «Ўғри бола», баъзилари «Ўрин ўғри» деб атайдиган бўлишди. Аммо бунга отам ҳам, мен ҳам кўни-киб қолганмиз.

— Тұгри айтасан, Ўрин. Бунга ақамият бермаслик керак. Баъзи одамлар яхши күрганидан ұам лақаб тұқиб құядилар. Мана сенинг бугунги ишларинг ҳамманинг ҳавасини келтиради. Бу сенинг қандоқ тарбия топтанингни, кимлигингни күрсатиб турибди, — деди Мурод.

— Шундай, Ўрин, шундай, — деди Маманазар.

— Қани, Маманазар, энди үзинг ҳақында гапириб берақол, — деб, сүз навбатини Маманазарға берди Ўрин чаққон.

— Нимани ұам гапирадим? Жондорнинг Шаҳри Ислом мавзейига қарашли Қипчоқ қишлоғиданман. Ёшим йигирма иккіда. Бир йилдан ошды, отам большевик босқынчиларига қарши кечган Зиёвуддиндеги жаңда шақыд бўлдилар. Мана мен ҳам, уруш сабаб шу ердаман.

Ёшлигимда, отам ҳаётликларида тұқин яшардик. Уйимиз темир йұлға жуда яқин эди. Темир йұлнинг яқинида темир йұлни ва паровозлар үтишини назоратчилари учун маҳсус қурилган кичкина, оқ, кузатув уйчаси бор зди. Бу үйчада Сергей бобо деган бир үрис турарди. Биз уни «Үрис бобо» деб атардик. Үрис бобо жуда сахий зди. Шунинг учун, биз — болалар унинг олдига тез-тез бориб турардик. Үрис бобо бизга нон, қурилган балиқ, қанд бериб сийлаб турарди. У мени «Мамиш» деб чақиради. Менинг ёшим үн етти-үн саккизга етганида у билан ниҳоятда дүстлашиб қолдим. Чунки мен энди унинг тилида бемалол гаплаша оладыған бўлғандим. У мен билан сирлашарди. Биз тез-тез қармоқ олиб, балиқ овига чиқиб турардик. Кейинчалик, унга милтиқ беришди. Үрис бобо милтиқ билан ов қишишни ёқтирап экан. Биз тез-тез ёввойи товуқ, гоз, ўрдак овлаш учун шикорга чиқиб турардик. Сергей бобо жуда мерган бўлиб, ҳатто учиб ўтаётган ўрдакни ҳам отиб туширап зди. Ҳар сафар овга чиққанимизда менга милтиқ отишни ўргатиб турарди. Мен ундан милтиқ отишни ўрганиб олдим ва қисқа вақт ичида нишонга аниқ урадиган бўлдим.

— Ҳа, буни инкор этиб бўлмайди. Милтиқ ва тўппончадан яхши отар экансан, — деди Мурод.

— Милтиқ отишни менга ҳам Маманазар ўргаттган, — қўшиб қўйди Ўрин чаққон.

— Энди навбат сиздан, Мурод ака. Ёшлигинизни, қандоқ қилиб полвон бўлганингизни сўзлаб берсангиз, — деди Маманазар, ўт-ўлаилар устига ўрнашиброқ ўтириб.

— Ҳа, ваъда берганимдек гапириб бераман, — деди Мурод, сұнгра бир зұм сұкут сақлаб яна давом этди, — Дүстларим, полвонлигим хусусида гапирсам, бу жуда оддий. Уйимизда каш-каш ва құл тегирмонлар бор эди. Отам дон күтариб келғанларнинг барчасининг ҳожатини чиқарар, бойми, камбағалми донини ун қилиб түйиб беришга ҳаракат қиласыптардилар. Бу билан рұзғор тұқислигига ҳам эришиларди. Оナам рұзғор ишларидә тиниб-тинчимасди. Мендан сұнг бир синглим бұлиб, у касалликдан вафот этган. Ҳудо раҳмат қиласын. Әлғиз фарзандлигим боис, онаам мени «күз қорачиғим» деб асраб-авайларди. Едириб-ичириш ва кийинтиришда ҳам жуда зътиборда здим. Яхшигина еб-ичиб, соғлом үсганим учунми, бир түйда берилған кураш даврасида үзим тенғи болаларнинг утасини йиқитдим. Шу воқеадан сұнг полвонликка үзимда ишонч ҳосип бүлди, шекилли, гоҳ уни-гоҳ буни күтариб, машқ қиласыптардің бүлдім. Оғир-оғир юкларни, тошларни, токим жиққа терга ботганимга қадар күтариб машқ қила бошладым. Бунинг нағи катта бўлиб, тўй-байрамлардаги кураш давраларининг ҳар бирида беш-олти полвон йигитни йиқитадиган бўлдим. Наврӯз байрамидаги курашда яхшигина томоша кўрсатган здим. Бир куни Қоракұлнинг олд полвонларидан бўлган Юсуп полвон мени олдиларига чақириб узоқ суҳбат қурди. Кураш қоидалари, усул ва сирларини ўргатди. У киши жуда соҳибхунар здилар. Шу боис, мен улардан кўп нарса ўргандим. Ҳозирда ҳам у кишини «уста» деб ҳурмат қиласман. Билишимча, менинг Бухоро шаҳридаги курашларим ҳақида зшитган экансиз. Яхшин, оиласдан гапирай. Ҳозирда, ёшим ўттиз иккода. Суюб турмуш қурғаним — ожизам бор. Ҳамдам. Авлиёқул деган ўғилларим ва Чинниой деган қизалогим бор. Онаами, отами, оиласми жуда тез соғинаман. Қоракұлда аскар йифиб кўп овора бўлдик. Мана икки ҳафтадирки, уларни кўрмадим, соғиндим. Айниқса, болаларни... Эҳ...! Бу муҳорабалар...! — деб қўйди Мурод, тишини қисиб.

— Бахти экансиз. Биз ҳам уйлансак, сизни ҳам таклиф қиласыз, — деди Үрин чаққон.

— Насиб бўлса, Мурод ака, сизни ака сифатида, яқин дүст сифатида тўйимизга, албатта, таклиф қиласыз. — деди Маманазар мерган.

— Насиб қиласын, Илоҳо! — деди Мурод.

Оқшом кириб кун қорайиб бораётган эди. Аскарлар учун овқат тайёрланаётган ўнлаб мис қозонлар томондан бир суворий от елдириб келди-да:

— Жаноби түқсабо! Сизларни овқатланишга таклиф қилиш япти! — деди.

— Ташаккур! Ҳозир борамиз, — деди Мурод ва ёнидагиларни ундағы қүйиди, — Қани дўстлар, овқатга борайлик.

Учала дўст, ўринларидан туриб, қозонлар томон чоғландилар.

## 22. САВДО КАРВОНИНИНГ ТАЛАНИШИ

Афғонистоннинг Қундуз шаҳридан чиққан савдо карвони, Термиз шаҳри яқинидаги кечувдан Амударёни кечиб ўтиб, Бухорога дохил бўлди. Илгари бу ердан савдо карвонларининг кечиб ўтишига большевик аскарлари йўл қўйишмас эди. Гап шундаки, Зиёвуддинда бўлиб ўтган большевиклар ва бухороликлар ўртасидаги урушга қадар бу ерда уларнинг каттагина қўшини ташланган эди. Бу қўшин шу кечув орқали Бухорога Афғонистон, Эрон каби мусулмон давлатларидан ёрдам келишиннинг олдини олиши шарт эди. Шундоқ эдикни, Бухоро тарафига карвонлар ўtkазилмас, ўtkazilgанида ҳам обдан «текширувдан» ўтиларди. Большевиклар бу билан Афғонистон воситасида инглиз қуролларини Бухорога олиб ўтилишининг олдини олишга ҳаракат қиласарди. Зиёвуддинда кечган большевиклар ва Бухоро давлати ўртасидаги жангдан сўнг, Афғон аскарлари Афғонистон чегараларига ташланган большевик қўшинларини қириб ташлаган эдилар. Шунинг учун ҳам, эндиги карвонлар чегарадан бамайлихотир ўтишарди.

Аммо большевиклар Бухоронн босиб олиш ниятидан воз кешишмаган эди. Шу боис, улар чегарада турмасалар-да, Бухора бошқа мусулмон давлатларини туташтирувчи йўлларга ўз хуфияларини ташлаган эдиларки, улар Бухорога келиб-кетадиган одамларнинг мақсадини аниқлаб, марказий разведка идораларига етказиб турнишарди.

Кечувдан муаммосиз ўтган савдо карвони аҳли ўзларини заминдаги энг баҳтиёр одамлардан санаб, Термиздан Қаршига ва ундан Бухоро сари яқинлашиб бормоқда.

Карвонга қундузлик, қирқ беш ёшлар чамасидаги бой савдогар Соҳиб сарбонлик қилиб келмоқда.

Бомдод намозидан сүнг күзғалиб, қызыл баркашдек қизарыб, ҳусн очаётган қуёш шуъласида ҳаракатланаётган карвоннинг олдида бораётган, тўриқ минган сарбон ёнида бораётган тую минган кишига:

— Қобил бобо, отлиқларга буюринг, карвоннинг қуйруқ томонига бориб хабар олсинлар-чи, улар қандоқ келмоқдалар!?

— деди.

— Хўп, бой, ҳозир! — деди Қобил бобо.

Қобил бобо Соҳиб савдогардан йигирма ёш катта киши. У Соҳиб савдогар хизматида бўлиб, сахий бу савдогардан кўп неклик кўрган. Шу боис, у ўзини хўжайнин танлашда омадли санар ва савдогарнинг ҳар бир кўрсатмасини бекаму кўст бажаришга ҳаракат қиласарди.

Қобил бобо ўттизга яқин юк ортилган туюлардан иборат карвоннинг ўрталарида, ўзаро сұхбатлашиб келаётган отлиқ йигитлар томон юзланиб:

— Салим, Фулом!! Тезда бориб, карвоннинг қуйруқ томонида келаётганлардан хабар олиб келинглар! — деб буюрди.

От минган тўрт нафар отлиқдан иккитаси отларининг жиловини тортиб, орқага бурилдилар ва йўргалатиб кетдилар.

Дарвоқе, карвоннинг олдида, юксиз туюда, ёши элликни қоралаган киши — Даврон сарвар бормоқда. У ҳам Қобил бобо сингари кўп маротаба савдо йўлларида бўлиб, бу йўлларни ёд биларди. Унинг туси дамига бошқа туюлар, пилта ип билан, бирин-кетин боғлаб қўйилган эди. Даврон сарварнинг тусисига уланган биринчи туга усти соябонли, қўш кажавали тую тиркалган эди. Бу кажаваларда Соҳиб савдогарнинг ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги гўзал, сарвқомат қизи — Руқия ва ёнида савдогарнинг тўққиз-ўн ёшлардаги ўғли — Ориф келмоқда эдилар. Кажавали тую ёнида поий-пиёда келаётган ёшгина шотир йигитча уларнинг хизматида эди.

Қобил бобонинг буйруғи билан кетган отлиқ йигитларнинг икквлари ҳам от чоптириб, карвоннинг олдида бораётганларга етиб олдилар. Улардан бири кулиб:

— Карвонда хотиржамлик, ҳаммаси кўнгилдагидек, аммо орқада келаётганлар қизиқ-да. Бухорога яқин келаётганимизни англаган дарвешларнинг хушлари чоқ бўлиб, ҳалқали асларини қумга уриб, «Ё Ҳақ!», «Ё Ҳақ!» деб ўйин қилмоқдалар. Аҳли раият эса, Ҳазрат Баҳоуддиндан ривоят қилишаётib, бири

«ундай» деса, иккинчиси «бундай» дея, даҳанакинишинлик қилиб келмоқдалар, — деди.

— Бухорой Шарифни тавоғ қилиб, Баҳоуддин Ҳазратларининг қабрларини зиёрат қилишгач, уларнинг юзларига нур, дилларига зиё уммони знади. Даҳанакинишинлик қилишни айб деб биладиган бўладилар, — деди Қобил бобо.

Дарҳақиқат, «Бухорой Шарифни», «Имом Бухорий юртими», «Баҳовуддин Нақшбанд Ҳазратлари қадамжоларини» зиёрат қилайлик. Бизга ҳам ўзингиз билан боришга рұксат этинг, илтимос», дейишиб, тўрт нафар дарвеш ва дехқону қўйчивон, мударрису толиби илм, косиб ва тужжорлардан иборат ўн-ўн икки нафар раият аҳли ҳам сарбондан рұксат олишиб, карвон этагини ушлашган здилар.

Сунбуланинг тонгги салқин ҳавоси, даштнинг тароватли зекини карвон аҳлининг сархуш-сарафроз кўнгилларини яйратарди. Шу тариқа юзлаб туёқлар, этигу чориқ кийган зиёратчилар ўйноқ шамолга кўкрак тутиб, йўл танобини тортаётган бўлиб, карвон Бухоро сари тинч яқинлашиб келмоқда эдн. Тусатдан бошланган қий-чувлар ва милтиқларнинг гумбурлаб отилишлари дашт тинчлигини бузиб юборниши билан бир вақтда карвон аҳлининг осуда қалбига қўрқинч ва титроқ солди. Бир зумда ўн олти нафар қуролланган кишилар карвонни ўраб олишли.

Атрофдаги отларнинг депсиниб кишнашлари, қуролланган кишиларнинг бирдан таҳдид солиб карвон аҳлини нишонда тувиши, савдогарларни ҳамда қўпроқ сарбонни қўрқинч ва ҳаяжонга солди.

— Тўхтанглар! Жаноблар, отманлар! — деб икки қўлини баланд кўтариб илтимос қилди Соҳиб савдогар.

«А-а-а мулла. Авгандан келдингми?» дея, ўнг қўлида тўлпонча ушлаган бир отлиқ яқинлашди. Афтидан у европаликка ўхшарди. Ўзбекчани бузиб бўлса-да гапириши, у бу ўлкада узоқ вакт бўлганлигидан дарак бериб турарди. У большевой ҳарбийлари кийимида бўлиб, малла, қизғиши сочи устидан нишонли фуражкасини бостириб кийиб олганди. Умуман, қуролланган бу тўдадагиларнинг барчаси большевик кийимида эди.

— Ҳа жаноб, Афғонистондан келмоқдаман. Карвонда арзигулик ҳеч нарса йўқ, — деди, қалтираган кўйи сарбон.

— Динамит бар? Бар! Пистолет бар? Бар! Ҳазир проверка киламиз! Агар бар! Ҳамманизи атамиз! — деди түппончасини сарбонга тұғрилаб, большевик хуфиясининг гуруҳ бошлиғи.

— Йўқ, жаноб. Үндай нарсалар бизда йўқ, — деди сарбон анча хотиржамлик билан.

«Половина проверьте, караван! А осталъние держите в цель!» деб, баланд овоз билан буйруқ берди, большевиклар тұдасининг бошлиғи.

Большевикларнинг бу тұдаси уларнинг «разведка» — хуфияларидан бўлиб, беш-олти нафарини арман дашноқлари, уч-тўрт ўзбек миллатига оид ва қолганини ўрис миллатига мансублар ташкил қиласади. Арман дашноқлари ўзларига яқдил бўлган ўрис большевикларига ёлланма тарзда «ёрдамга» келган эди. Улар бойлик орттириш важида ҳеч нарсадан қайтмасди. Шунинг учун ҳам бошлиқларининг «Карвонни текширинг!» буйругини олгач, ҳам карвон юкларини, ҳам карвон аҳли чўнтак ва ҳамёйларини титкилашга тушгандилар. Улар ўзлари «қимматбаҳо» деб санаган ҳар бир нарсани тортиб ола бошладилар. Уларнинг бу «кодати» бошлиқларига ҳам таъсир қиласадан қолмаган эди. Шу бое ҳам, бу гуруҳнинг хатти-ҳаракатлари босқинчи — қароқчиларникига ўхшаб кетарди.

— Хей, караванбаси, бу якка! — деб қўлидаги түппончаси билан ишорат қилиб, Соҳиб сарбонни ўзига яқинроқ чорлади тұда бошлиғи. Соҳиб сарбон отини үндаб унга яқинроқ борди.

— Тилла бар! Бер! — деди, түппончасини тұғрилаб туриб, ёнига келган сарбонга туда бошлиғи.

Сарбон қўйнига қўлини тиқиб, ҳамёнини олиб, унга узатди. У каттагина баҳмал ҳамённи қўлига олди-да, гўё салмоқлаб кўрган бўлиб, уч-тўрт марта ҳавода отиб ушлади, сўнгра боғичини ечиб, ичига аланглади.

«Золото! Мулла, сен камбағалдан ақча олади, кейин бай бўлади», деб тўнғиллаб қўйди ўз-ўзича. У ҳамённинг боғичини ўраб боғламоқчи эди, аммо сарбоннинг қўлидаги узукни кўриб, «Уни бер!» деди, түппончасининг учи билан узукка ишорат қилиб.

Туя устида туриб, бўлаётган воқеани кузатиб турган Қобил бобо қароқчилар бошлигининг бу сўзидан сўнг, афсус-надомат белгиси билан боз тебратиб, кўзларини узок юмиб турди.

Сарбон бармогидан нафис узукни ечиб, қароқчилар бошлиғига узатди. У қўлига узукни олар экан, ўзида йўқ курсанд бўлиб, бир зум томоша қилди, сўнгра қўлидаги баҳмал ҳамёнга солиб, боғичини боғлади.

Сарбоннинг бошидан ҳуши учди. Қароқчига кулимсираб боқиб турса-да, нафрати чексиз эди. Ўзи билган ёки билъакс билмаган ҳолда, нафратининг белгиси — жағларини бир-бира га маҳкам босиб, юзининг мушакларини бўрттириб олди. Афсус билан сёкингина бош чайқаб қўйди.

Бу узукни Соҳиб савдогар уруш бошланишига қадар — девонбеги, хозирда эса ҳам девонбеги, ҳам аскар бошлиғи бўлиб хизмат қилаётган бухоролик яқин дўсти — Иброҳимбек бийга деб сотиб олган эди. Муҳаммад Иброҳимбек савдогар дўстига, «Пулини аямангур, менга нафис, қимматбаҳо узук топиб келинг!» деган эди.

Қароқчиларнинг икки нафари карвоннинг қўйруқ томонидаги юклар ва одамларни «текшира» бошладилар. У ерда хирқа кийган дарвешлар «Ё Ҳақ! Ху! Ё Ҳақ!» лейишиб, осмонга қаратса асоларини ниқлаб, оёғидағи чориқларини ерга уриб, айланиб чанг тўзғитмоқда эдилар. Аҳли раият эса қўлларини осмонга кўтариб Худога илтижо қўшлардилар. Қароқчилар уларнинг бу ҳаракатларидан қўрқиб қўзлари жовдираబ ўйнар эди.

Карвоннинг олд томонида эса, қароқчилардан бири Даврон сарварни талаб, юзини паранжи билан ёпиб олган Руқияни ва ёнида ўтирган укаси Орифни «текшириш» учун, уларга яқинлашиди.

— А-а-а, девушка! Иди сюда! — деди у, қизга қаратса қўлларини чўзиб. Даврон сарвар ва Қобил бобо ичларидан нималардир деб пичирлашар, Аллоҳдан нахот сўрадилар.

— Жаноб буюринг, қизимга тегмасинлар! Худо хайрингизни берсин, илтимос, — деди, қўлларини қароқчилар бошлиғи томон узатаркан, титроқ овозда Соҳиб сарбон.

— Отставить, — деб бақирди тўда бошлиғи.

Қизга яқинлашишга ҳаракат қилган қароқчи ўз бошлиғига ҳайрон ва норози боқиб қўйди-да, кажавали туядан узоқлашди.

Соҳиб савдогарнинг ва бошқа йўлдошларининг кўнгли озгина бўлса-да, таскин топди.

— Энди бизга жавоб беринг жаноб, бизда бошқа арзигулик ҳеч нарса қолмади, — деди, илтимос оҳанги билан савдогар.

— Сизга жавоб берамиз. Сиз Аллоҳингизга товба қилинг, берамиз. Биз ҳеч нима кўрмадик. Ҳеч нарса айтмаймиз, денг. Сўнг жавоб берамиз! — деди қароқчилар бошлиғи «ўзбекчада».

— Аллоҳни ўртага қўйиб: «Мени ҳеч ким таламади, мен чўлда ҳеч кимни кўрмадим», деб қасам ич, — демоқчи.

— Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичаман. Ҳеч кимга ҳеч нима демайман, — деди сарбон.

— Ҳа-а! Аллаҳ бар! Қасам ичди. Энди бар, кет! — деди кулиб қароқчилар бошлиғи.

«Текширув» пайтида ерга ёйиб ташланган матоҳларни шошилиб туяларига юклаган карvon аҳли яна қўзғалдилар.

Икки нафар қароқчи отларини йўргалатиб, бошлиқлари олдига келдилар. Улардан бири бошлиғига:

— Нима учун биз уларни ўлдирмадик? Уларни ўлдириш керак эди. Энди улар бизлар ҳақимизда ҳаммага гуллаб юришади, — деди ўрис тилида.

— Йўқ, улар бундай қилолмайдилар. Чунки, улар ўзларининг Худолари номидан қасам ичдилар. Мусулмонлар қасамларини бузмайдилар. Улар бу ердан яна қайтиб ўтадилар. Уларни яна талаймиз, — деди қароқчилар бошлиғи.

Уларнинг олдига яна бир отлиқ от чоптириб келди. У қуролсиз, ёшгина, сарқ сочли, келишгангина йигитча бўлиб, гуруҳ бошлиғининг укаси эди. У акасига:

— Михайл. Ака! Нима учун бундай қилдинг? Ота-онамиз бизга бундай номаъқулчиликни ўргатмаган эдилар-ку! — деди ўрисчада.

— Буни уруш дейдилар, ука. Урушда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

— Уруш деганларининг номи ўчсин, — деди укаси, карvon орқасидан, афсус билан боқиб.

Уруғланган барра ёвшонлар оралаб бораётган карvon қанчалик илдам ва ўқтам илгарилаётган бўлмасин, унда ғамгинлик ҳукмрон эканлиги сезилиб турарди.

Сарбон ингичка «Оҳ» тортди. Унинг дил тубицан чиққан сайҳасини Қобил бобо зшитиб:

— Соҳиб, сайҳа тортиш гуноҳ. Сайҳа чорасизлик белгисидир. Ва лекин биз омонмиз! Сен ҳалол инсонсан, Худо чорасини қиласар. Насиб бўлса, дўстинг Иброҳимбек жанобларига келаси гал узук келтириб берарсан, — деди.

— Иншоолло, — деди сарбон, сұлғин оқанғда.

Шу дамда карвон ақлидан кимдир:

— Бухоройи Шарифга етдик, мусулмонлар!! Минорайи Калоннин күряпман! — деб қичқириб юборди.

Ҳамманинг юзига нур югурди.

## 23. ТҮНГИ БАЙ\*

Тула тұлишмаган ой ёғудисида Бухоро шаҳрига кириб келген карвонни сарбон Тими Абдуллахон бозорининг гарб томонида жойлашған пештоқли уч дарвоза олдидаги, катта ҳовлиға чұқтируди. Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари билан ёнма-ён жойлашған бу бозор — Бухоронинг савдо маркази эди. Тими Абдуллахон бозорига келтирилған савдо молларининг аксарини құтарасыга харид құлувчи савдогар жаллобалар қисқа вақт оралығыда сотиб олишар ва бу молларни Тимнинг ичкари расталарыда ҳамда Бухоронинг бошқа бозорларда сотиб пуллар зәилар. Соғиб савдогарни бу бозорда күпчилик танир ва ҳурмат қиласылар. Чунки Соғиб савдогар мол сотиб олаётган жаллобларнинг ҳамёни құтартмаган ҳолларда, молни уларга қарзға беріб юборар ва пулинин иккитеңдегі күндан сүңг олишга ҳам рози бўларди. У кўп ҳолларда имкон чегарасыда сахийликлар қиласылар, бу ўз навбатида у келтирадиган молларга талабгорларни кўпайтириб юборган эди. Шу сабаб ҳам, шомдан ошиб келган Соғиб савдогарнинг карвон молларининг харидорлари хуфтонгача бир неча ўн кишига етди.

Маёқ ва шамлар шуыласыда кечәётган савдо гангир-гунгирлари бозорда фаолият кўрсатаётган тунги соқчинлар — миршаб ясовулларининг диққатини тез-тез ўзига тортиб туради.

Тун оралаб бозор ҳовлисига кириб келган беш-олти суворий гавжум одамлар томон яқинлашар экан, улардан бири баланд овозда:

— Нимага бақир-чақир қиласанлар?! Кимнинг карвони келди, ўзи? Тағин молларини ўғирламанглар! — деди савдо кечәётган жойга янада яқинлашиб.

\* Савдогар ақли савдо-сотиқ ишларини «бай» дейишади. «Бай» форсчада «савдо-сотиқ» демакдир

Одамларнинг аксари гапираётган кишининг кимлигини овозидан, унга бурилиб қарамасалар-да, яхшигина таниган эдилар. Шундай бўлса-да, ҳурмат юзасидан бурилиб, тавозе билан салом бердилар.

Тим бозори ҳовлисини ларзага келтириб гапираётган бу одам тунги соқчилар бошлиғи — миршаб Ҳикмат Бўз эди.

«Тақсир, афғонлик Соҳиб савдогар келибдилар», «Соҳиб савдогар, тақсир» деб унинг саволига жавоб берди йиғилганларнинг бир нечтаси.

— У киши қанилар, шу ердамилар? — деди миршаб, отидан тушишга тараффудланиб.

— Мен шу ердаман, Ҳикматилло! — деди карвонбоши, эски таниши томон яқинлашар экан.

— Эҳе-е, соғ-омонмисиз, биродар? — деб, қучоқ очиб кўриши миришаб.

— Аллоҳга шукур, саломатман, ўзингизлар-чи?

— Худога шукур! Саломатмиз.

— Дўстим Иброҳимбек девонбеги, жаноблари саломат бормилар, тақсир? — деди савдогар.

— Саломатлар, тақсир. Саломатлар. Шу кун кўргандим. Фақат у киши, ҳозирда, шаҳар чеккасида, Когон Темир йўл тўхтами томонда, аскарлар бошидалар.

— Муҳаммад Иброҳимбек девонбеги билан учрашишим керак эди, Ҳикматилло, — деди савдогар ўйчан аснода.

— Бўлмаса, мен ҳозир чопар юбориб, бу тўғрида у кишига стказай, биродар.

— Йўқ-йўқ. Ҳозир эмас. Эрталаб етказсангиз хурсанд бўлардим. Эрталаб савдо-сотиқ ишларим якун бўлгач, у киши билан баҳузур бўлардим. Агар малол келмаса, ҳозирда сиздан бошка илтимосим бор эди, — деди савдогар.

— Хўш, хўш. Айтаберинг, — деди миршаб, аланглаб.

— Девонбегининг уйларида кўп бор меҳмон бўлганман. У киши ва оиласлари тўғрисида уйимдагиларга кўп сўзлаганман. Шундан эшишиб, қизим у кишининг қизлари билан дўстлашмоқ ниятида келган эди. Ўғилчам ҳам у билан бирга. Уларни эрталабгача, мусофирхонага жойлаш ниятим йўқ. Фарзандларимни Муҳаммад Иброҳимбек ҳовлиларига кузатишни сизга топширмоқчиман, биродар, — деди Соҳиб савдогар.

— Жоним билан, дўстим. Жоним билан.

— Ташаккур сизга, дүстим! Ташаккур!

— Қани бұлмаса, келсінлар. Девонбегининг уйлари унча олис змас. Йұл-йұлакай уларни жойлаштириб, сұнгра шаҳар күчаларини айланамиз. Сизнинг ёнингизда эса, икки нафар соқ-чи қолдириб кетаман.

— Ташаккур сизга, биродар, — деди савдогар. У илдамлаб юриб, бориб қажавали түя ёнида ұраниб-чирманиб үтирган қизи ва үғлига:

— Руқия, Ориф сизларни дүстларим билан бирга, дүстим Ибрөхімбек девонбегиникига узатаман, қозирланинглар, — деди.

Қиз құліга тутунча олиб үрнидан тураркан, эринибгина отасидан сұради:

— Ота, Маржонанинг уйи узоқдами?

— Йұқ, қизим, яқында Ҳозир, тұрт қадамда, пиёда үтасизлар, — деди, қизи Руқиянинг саволига жавобан савдогар.

— Сиз қачон борасиз, ота? — сұради қиз.

— Эртага, әрталаб хабар оламан, — деди савдогар.

— Ота, опам менинг орқамда юрсин! — деди савдогарнинг үғли, үзини кattалардек тутиб, опасининг олдида туриб. юриши бошларкан.

— Тұғри айтасан, үғлим. Шундай бұлмоғи лозим, — деди савдогар.

Савдогар қизи Руқияни ва үғли Орифни отлиқлар орқасидан зргаштириб бораркан, бир зум қараб турди. Сұнгра Қобил бобо ва Даврон сарвар билан савдолашаётган жаллоблар томон юрди.

## 24. МАМАНАЗАРНИНГ ОШИҚЛИГИ

Тонг. Қуёш найза бүйін күтарилен. Соқиб савдогар, Қобил бобо ва Даврон сарварлар савдо пулларини қисобламоқдалар.

— Агарда большовилар икки юз қадоқ<sup>\*</sup> хурмо ва ул-булларимизни тортиб олмаганларида, савдомиз янада зиёда бұларди, — деди чуқур нафас олиб Даврон сарвар.

— Даврон ака, жим бұлинг! Большовилар ҳақида бирон жойда галириб юрманг, — деди Соқиб савдогар, құлайдаги бир

\* Бир қадоқ - тұрт юз грамм

сиқим тангани Қобил бобо оғзини очиб турған чарм ҳалтанинг ичига ташларкан.

— Эсингизда тутиңг, Даврон! Савдогар «Хеч кимга ҳеч нима демайман», деб Аллоҳ номи билан қасам ичғанлар, — деди Қобил бобо.

— Шундай. Буни, яна бир бор, барчага таъкидланғиз. Аммо, яна даҳанларидан гуллаб құймасындар! Боринг-да, мусофирихона-нага кираётган йүлдошларимизга, тағии, уқтириб келинг! — деди савдогар.

— Хүп бұлади, бой оға! — деди Даврон сарвар.

Даврон сарвар, құлларыда уни-буни құтариб мусофирихона-га равона бұлаётган дүстләри томон шошилди.

— Қобил бобо, туяларимизни саройға, яхшигина жойлаб құйдінгизми? Келмоқнинг кетмоғи ҳам бор, — деди савдогар.

— Саройбонга барча түя ва отлар учун хашак пулини тұлаб, хизмат ҳақини ортиғи билан тұлаб құйдим.

— Яхши қилибсиз, — деди Соҳиб савдогар.

Шу пайт бозор ҳөвлисига от йүргілатыб иккى отлиқ кириб келди. Улар отларининг пишқириб нафас олишидан анчагина йүлни босиб үтгандығы яқындағанда турарди. Бу отлиқлардан бири Мұхаммад Иброҳимбек бұлса, иккінчisi Маманазар мер-ған зди.

Иброҳимбек Соҳиб савдогарни узоқдан таниб өлди, шекилли, юзига табассум өлди.

— Худога шукур, дүстим! Соғ-саломат етиб келибсиз, — деди Иброҳимбек девонбеги Соҳиб савдогарға ҳали яқынлашмай туриб, йигирма қадамлар олисликдан.

— Худога шукур! — деди савдогар ҳам кулиб.

Девонбеги ва Маманазар мерған отдан түшсилар. Савдогар ва Қобил бобо уларнинг истиқболи сары илдамладилар. Эски қардошлар құчоқ очишиб құришдилар. Маманазар ҳам девон-бенининг дүстләри билан сұрашды. Бу орада Даврон сарвар ҳам ҳозыр бұлди. Девонбегидек танишини яна учратганидан у ҳам, қызығыш, буғдой ранг юzlарыда янада қызариш, севинч ҳислари билан құчоқ очиб құрыпди.

— Үй ичи, таниш-билишлар саломат бормилар, — деди сав-догар, Иброҳимбек девонбегига.

— Худога шукур. Үзларидан сұрасак.

— Аллоҳга шукур. Тинчлигү омончилик, — деди савдогар

— «Эндиғи гал болаларни ҳам олиб келаман», деган эдингиз.  
Уларни күрмаяпман-ку, дүстим.

— Келишди. Уларни миршаб — Ҳикматилло воситасинда ҳовлингизга узатган эдим.

— Хуш иш бўлибди. Қани бўлмаса, ҳовлига борайлик. Марҳамат! Юринглар! — деди Иброҳимбек девонбеги.

— Девонбеги, ҳовлингизни топиб бора оламан. Сизлар бораверинг. Биз ҳам саройдан отларимизни олиб, миниб борамиз,  
— деди савдогар.

\* \* \*

Орадан кўп фурсат ўтмай, Иброҳимбек девонбеги ҳовлиси олдида уч отлиқ пайдо бўлди. Уларни уй эгаси, Маманазар мерган ва бир шотир йигитча кутиб олдилар.

Мұхаммад Иброҳимбек ва Маманазар мерган мәҳмонарларга «хуш омаде» деб кутиб олиб, ҳовлига таклиф қилдилар. Шотир йигит мәҳмонарлар отларидан тушишлари билан жиловларини әгалари қўлидан олиб, ҳовли олдидағи мурватгардонли қозиқларга боғлай бошлади. Мәҳмонарни ичкарига олиб кирдилар. Яхшигина тузатилган дастурхон атрофида Аллоҳ ва Амирномига дуолар ўқилди. Барчалари сўрашиб бўлгач, Иброҳимбек ўрнидан туриб:

— Маманазар, сизга бир хизмат бор эди, ука. Бу ёққа бир қараб қўйинг, — деди ва уйдан ташқарига, ҳовлига чиқди.

Маманазар ҳам унга эргашиб ташқарига чиқди. Унинг кўзи тасодифан, ичкари ҳовлида паранжисиз юрган икки ҳизга тушди. Юраги симиллаб кетди.

— Мана бу пулни олинг-да, бир бозорлаб келинг. Саккиз дона нон олинг. Нонни Мақсаджон деган йигитдан олинг. У кишидек нон ёпадиганлар кам. Ўн қадоқ тойифи ва ҳусайнни узумлардан сотиб олинг. Узумни Юсуф Ширин деган пойқандлик бободан олинг. «Пойқанднинг узумига тенг келари Мағрибу Машриқда йўқ», деганлар Бошқа ҳамма нарсалар етарли Бора қолинг мерган. Бора қолинг, — деди девонбеги.

— Хўп бўлади, тақсир. Айтган одамларингизни топиб, факат улардан оламан, — деди Маманазар мерган.

Маманазар мерған Иброҳимбек қўлидан пулни олиб, дарвоза томон бурилди. Шу онда ҳовлидан дарвоза томонга икки қиз ҳам борар эдилар. Улар энди паранжи ёпиниб олган эдилар.

Маманазар қизларнинг орқасидан, деярли бир вақтда, дарвоздан чиқди.

— Ака, юринг, биз ҳам бозорга яқин ўтамиз. Отам айтган Мақсуд нонвойни сизга кўрсатиб юбораман. Нонни ўша кишидан оласиз, — деди қизларнинг кичкина бўйлиси.

— Сиз Мұхаммад Иброҳимбек жанобларининг қизлари бўласизми, синглім? — деди Маманазар, каловланиб.

— Шундоқ, — деди қизча.

— Ёнингиздаги қиз опаигизми? — деди Маманазар мерған. Қизчанинг ёнида назокат ва иффат ила бошига офтобда гўё товус пари янглиғ жилоланадиган шойи паранжи ёпиниб, юзига докалан парда ташлаб бораётган қизга ишорат қилиб.

— Бу киши — меҳмонимиз. Соҳиб тогамнинг қизлари бўладилар, — деди қизча.

Маманазар Соҳиб савдогарнинг қизига тикилиб қўйди. Меҳмон қизнинг юзига ташланган дока парда, у оҳиста ташлаб бораётган қадамлар сажди ва кузнинг ўйноқи шамоли таъсирида хиёл кўтарилди. Маманазарга аён бўлдики, қизнинг кўзлари уни зимдан кузатиб бораётган, юзига ташланган парда буни ёнидагилардан яшириб бормоқда экан.

Йигит ва қизнинг кўзлари бир зум тўқнашиб олди. Қизининг оқ тусли юзи, тим қора қошлари, қайрилма киприклари-ю шаҳло кўзлари йигитнинг эс-ҳушини ўғирлади. Унинг баданини илиқлик, майнин титроқ згаллади. Йигит, қандай бўлмасин, бу қиз билан танишиш тараддудига тушди. Аммо бунга қандай қилиб эришишнинг чорасини қилолмай анча йўлни жим ўтказди. Ногаҳон ўзи билиб, ёки сархушлиқдан билмайми, қизларга гап отиб қўйди:

— Келинглар, танишиб олайлик! Менинг исмим Маманазар. Сизларники-чи?

Маманазар юришдан тўхтаб, қизлардан ўз саволига жавоб кутди.

— Менинг исмим Маржона, — деди девонбегининг қизи. У ёнида ўзидан уч-тўрт ёш катта Руқия борлиги боис, модомики,

йигит назар соладиган бұлса, у фақат Руқияга аталишпини биларди, шу боис ҳам, тап тортмай гапириб борарди.

— Сизнинг исмингиз-чи, мәхмои қыз? — сұради Маманазар, қизнинг қозини яна бир бор күриб олиш илинжида унга термулиб.

Шамол қозини очиб юбормаслиги учун қозига ташланған дока пардасининг пастки иккі барларини иккі құли билан ушлаб турған қыз бироз жим турди да, қисқагина жавоб берди:

— Руқия.

— Исмингиз ҳам, жисмингиз каби жуда гүзәл экан, — деди Маманазар ва яна йўлни давом эттириди.

Улар одамлар билан гавжум бозорга яқинлашиб қолдилар. Бозорга кираверишда Маржона:

— Маманазар ака, нонни ҳўй анави, оқ яктали тоғадан оласиз, отам айтган Юсуф бобо ана шу томонда бўладилар, чамамда. Сўраб топарсиз, — деди.

— Сизлар-чи? Қаёқҳа бормоқчисизлар? — сұради йигит, гўё қимматли нарсасини йўқотиб қўяётган кишидай саросимага тушиб.

— Мен Руқия опамни қариндошларимизнинг олиб бормоқчи эдим, — деди Маржона.

— Эртага ҳам кўчага чиқасизларми?

— Худо хоҳласа, чиқармиз, — деди Маржона.

— Маржона. синглим. Яширмоқ на ҳожат, агар ҳўп деса, Руқия опанг билан яқиндан танишмоқчи эдим, — деди йигит довдираб.

Маржона йигитнинг бу сўзларидан сўнг мәхмон қизни бироз нарирокқа ундаған борди. Улар ўзаро, қисқагина суҳбат куриб олдилар. Қизлар яна йигитга яқинроқ келишиди.

— Руқия опам «майли» дедилар. Биз зартага, Худо хоҳласа, пешинда холамизникига чиқамиз, ўшанда Масжиди Калон олдидан ўтамиш, — деди Маржона.

— Худо хоҳласа, албатта, бораман, — деди Маманазар қозига қувонч олиб.

Қизлар бозор ҳовлисига кирмай, ўнг томонга бурилиб, кета болладилар. Йигит уларнинг орқасидан бироз термулиб турғач, бақириб-чақириб харидор чақираётган нонвойлар тараф юрди.

## 25. УЧРАШУВ

Бугун, пешин намозига ҳали талайгина вақт бор бўлишига қарамай, катта масжид — жоменинг рўпарасида бир йигит у ёқдан-бу ёққа юриб, атрофга аланглаб қўярди. Бу йигит — Маманазар мерган эди. У бугун аскарий сарбозларча — низомий кийимда эмас, балки одми кийиниб олган, бошига ихчамгина оқ салла боғлаган, оёғига маҳси, ковуш кийган эди.

Маманазар Масжиди Калонга кириб пешин намозини ўқиш тараддуудида эмас эди. У намоз адоси билан бўлиб, кечаги въдасини бузишдан, аниқроғи суюб қолгани — Руқияни учратолмай қолишдан қўрқарди.

Шу йўлдан, яъни пойи Калондан Маржона Руқия билан холосиникига ўтади. Маманазар эса бу дақиқани интизорлик билан кутмоқда. Катта масжид-жоменинг олдида турган ҳушрўй, чиройли кийинган бу йигитга, намоз ўқимоқ важи билан масжид дарвозаси томон бораётгандарнинг баъзилари, «Киринг йигит, кираверинг. Муazzин чақириб бўлди», дейишарди. Муллаларнинг шу янглиғ гапларидан қочиш учун Маманазар Масжиди Калон дарвозасининг шарқ томонида жойлашган Мир Араб мадрасаси саҳни томон юрди. Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси саҳни оралиғида бир чуқур майдонча бўлиб, бу майдончанинг бўйи таҳминан йигирма, эни ўн метрча келарди. Бу майдонча ғўза бозори эди. Пешинга қадар ғўза жаллоблари сотишга келтирилган пахтанн кўтара сотиб олиб кетишиган эдилар. Майдонда бир йигитча у ёқ-бу ёққа юриб, тўкилган пахталарни териб олмоқда эди.

Маманазар майдон гирди пиллапоясига ўтириб, қизларнинг келишини кутиб, уларнинг йўлларига термулиб турди. Кўп ўтмай катта масжид олди билан ўтиб келаётган икки қизни кўрган йигит сакраб ўрнидан турди. Уларнинг истиқболи сари юрди.

— Ассалому алайкум, қизлар! — деди Маманазар қизларга яқинлашибоқ шошилиб.

«Ваалайкум ассалом», дейишиди қизлар, бирма-бир.

— Мен сизларни дарҳол танидим. Аммо сизлар мени бу устбошим билан танимассизлар, дегандим, — деди йигит.

— Биз сизни дарҳол таниб олдик, Маманазар ака, — деди Руқия, мулойим оҳангда ийманибгина.

— Ҳа. Руқия опам сизни узоқдан күришлари билан, «Ана Маманазар ака! Танидим», — дедилар.

— Ростданми, Руқия? — сұради Маманазар.

Қыз бироз сукут қилди-да:

— Рост, — деб қисқагина жавоб берди.

— Маржона, синглим, агар холангнинг уйлари шу тарафда бўлса, келинглар, озгина бирга юрайлик, — деди Йигит.

— Майли, юринг ака, — деди Маржона.

Йигит йўл-йўлакай суҳбат очди.

— Руқия мен сен билан яқинроқ танишмоқ илинжиадаман. Менга ўзинг тўғрингда гапиришинг шарт эмас. Мен... Менинг қалбим сен ҳақингдаги ҳамма нарсани... менга ошкор қилиб бўлди. Сен бебаҳо қизсан! Сен пок ва тозадилсан! Сенинг таърифингга сўз ожиз!

— Келинглар, ғўза бозоридан ўтамиш, — деди Маржона.

Фаросатли қизча гап севги арзига еттанини, бу Руқия ва Маманазарнинг кейинги тақдирларига — ҳаёт ва турмушларига тақалишини, ҳозирда улар қуражак суҳбат бу икки дилнинг бутун ҳаётига татигулик бўлишини тушунди, шекилли, йигит ва қиздан хиёл олдинлаб, уларни ғўза бозорига — чуқур майдонга бошлаб тушди.

Улар чуқур майдонга тушиб улгургач, Маманазар:

— Шу ерда бир зум турайлик. Менинг Руқияга айтар гапим бор, — деди.

Маманазарнинг бу гапларидан сўнг, кичик қиз — Маржона катталардан бироз нарироққа бориб турди. Аммо у кўп узоқ кетмаган эди. Бу алфозда у Маманазар ва Руқиянинг гапини бемалол, эшитиб туриши мумкин эди.

— Сизлар қачон юртингизга қайтмоқчисиз, Руқия? — сұради Маманазар.

— Эртага қайтсак керак, — негадир хўрсинниб жавоб берди Руқия.

— Демак, мен дилимдаги гапларни шу кун, ҳозир, шу ерда айтиб қолмоғим керак.

— Қандай гапларни, Маманазар ака?

— Руқия, бу гапларимни юзингни очсанг, рўйинингга айтмоқчиман.

— Бу мен учун ҳаёсизлик бўлади, очолмайман

— Руқия, илтимос, юзингни оч! Мен бунга бутун вужудим билан муштоқман. Мен айтар сўзимни сенга, кўзларингга бо-

қиб айтмоқчиман. Илтимос, юзингни оч, Руқия, — деди Маманазар, ёлвориш оңанги билан.

Қиз ийманибгина, юзига ташланган ҳарир пардани күтариб, боши узра ёйилган паранжи устига қўйди. У йигит томонга эмас, ёнга қайрилиб тургандн. У қўлларини юзига олиб бориб, бироз титраётган бармоқларининг учи билан кўз ёшларини артди.

Қиз унсиз ийғлаганлиги боис кўзлари жиққа ёшлиги Маманазарни хайратга солди.

— Нега йиғладинг, Руқия?

— Шундай, ўзим.

— Кани, менга томон қара-чи! — деди йигит.

Қиз йигитга қаради. Бўйи йигитдан бироз пастроқ бўлганлиги боис, бошини кўтариб кўзларини юқори қадади. Кўзлар кўзларга, нигоҳлар нигоҳларга бойланди. Ҳар икковларининг кўнгилларида сирли, тоза ва заррин туйғу кечмоқда эди.

— Мен сени суюман, Руқия. Севгим учун ҳар нарсага, ҳатто, ўлимга ҳам тайёрман. Агар ҳўп десанг, шу бугунок буни отангга етказиб, қўлингни сўрайман, — деди йигит, ишонч билан.

Қиз индамади. У йигитнинг гапларига, сўровига жавобан кўзларига кўпроқ ёш олди, холос.

— Нега кўз ёш қиласан. Ёки бирор сени қаттиқ хафа қилганими, айт?!

— Йўқ. Ўзим шундай.

— Суйганинг бор эдими?

— Йўқ, асло. Аммо энди бор. У — сиз! — деди қиз.

Қизнинг дудоқлари пириллар, қайрилма киприклари оралаб сизиб оқаётган гавҳардек кўз ёшлари оқ тусли юзига оқиб тушарди. Унинг ўзига маҳлиё этувчи катта-катта кўзлари — нигоҳлари йигитни ром этиб, бетоқат қилиб қўйди. Йигит бир қадам яқинлашиб, унинг қўлларини ушлади.

— Руқия! Нега кўз ёш қилмоқдасан билмадиму, аммо рози бўлсанг отангнинг олдишан ўтиб, урф-одатга мувофиқ шаърий йўл билан никоҳ хутбаси ўқитиб, турмуш курамиз. Нима дейсан?

— Мен розиман. Аммо ..., — деди қиз. У бошқа гапиролмади. Қўлларини йигитнинг қўллари орасидан секин тортиб олди.

— Аммо сенга ишонмайман, демоқчимисан?

— Йўқ, асло.

— Нега бўлмаса ...?

— Айтольмайман.

— Айт. Мен буни билишим керак! Бу мен учун жуда зарур, Руқия. Чунки, мен умримда биринчи бор севиб қолдим. Қизнинг очиқ юзига термулиб унга дил изхорини айтдим. Бундан умидларим бисер. Ундан бенасиб қолишни хоҳламайман, — деди Маманазар. қизни гапиришга ундан.

— Майли айтаман. Аммо сиз буни ҳеч кимга гапириб юрмайсиз, деб ўйлайман, — деди қиз.

— Албатта, агар лозим бўлмаса, гапиришдан на ҳожат.

— Маманазар ака, мен ҳам сизни дейман. Аммо ишқимиз адогсиз қолиб, бир-биримизга етніпа олмаймиз, деб қўрқаман.

— Нега энди, Руқия. Очиқроқ гапирсангчи!

— Очигини айтсам, биз бу томонга келаётганимизда, бизнинг карвонимизни «болжовой» деганлари талади. Қимматбаҳо нарсаларимиз, озиқ-овқат ва сувимизни тортиб олдилар. Ҳатто отамнинг қўлларига тақилган, Муҳаммад девонбеги амакимга атаб сотиб олинган қимматбаҳо узукни ҳам, ёнларидаги тилла тошларини ҳам тортиб олиши. Икки кундан бери ёмон тушлар кўриб, қўрқиб, алаҳсираб уйғонаман. Сезаяпман, улар бизни қайтиб кетишимизда ҳам талайдилар. Ҳатто ҳаммамизни ўлдириб юборишлари ҳам мумкин, — деди қиз, севгилисининг кўзларига нажот кўзлари билан қарагандек, — Энди англаган бўлсангиз керак, нега менинг йифлаганим боисини. Мен севиб, севгимга етолмасликдан қўрқиб йифламоқдаман. Агар карвонимиз соғ-омон ўтиб, уйга борсак, онамдан розилик олардим. Келгуси гал келганимизда сиз ният қилганингиз — шаърий никоҳ ўқитиб турмуш қуардик. Аммо...

— Руқия?! Аммо нега сизлар ўша қароқчилар ҳақида етиб келишларинг биланоқ давлат одамларига, Муҳаммад Иброҳимбек жанобларига билдиримадингизлар? — деди йигит, ҳайратини яшира олмай.

— Бунинг иложи йўқ эди Отам уларга, «Бу ҳақда ҳеч кимга айтмайман», деб Аллоҳ номи билан қасам ичган эдилар. Мана, мен гуноҳкор, отамнинг қасамларини бузиб қўйдим. Бунинг сабаби, мен сизни...

— Руқия, соғ ишқ йўлида Аллоҳ ҳам, бандаси ҳам бирон ишни ножӯя қиямайди. Сен гуноҳкор эмассан. Сен гўзал, доно, мард қизсан.

Йигит ва қизнинг суҳбатларини, улардан хиёл узокроқда туриб эшишиб турган, Маржона бузди:

— Маманазар ака, энди биз кетамиз. Биз томонга одамлар келмоқда.

— Ҳа, пешин намози тугаб, одамлар тарқалишмоқда. Хайр! Рукия бора қолинглар. Мен сени кутаман. Қароқчиларни эса йўқ қилиш пайига тушаман, — деди Маманазар мерған.

Дард сирларини севиклисига айтган қизнинг қалби бүшаб, сингил тортгандай бўлди. Мужгонлари ўйнаб, юзига табассум олди. Йигитга яна бир бор боқиб қўйди, юзига парда ташлаб, Маржонанинг орқасидан эргашаркан, «Хайр, Маманазар ака!» — деди.

Маманазар пиллапоядан юқори кўтарилаётганда, унга тўкилган пахталарни териб этак халтага солиб олган йигитча «Ака, баҳтиңгиз бор зкану, аммо нодон экансиз. Ойдек, сулув қизни роса йиғлатдингиз» — деб қўйди. Маманазар эса унга жавобан, «Энди уни сира йиғлатмам. Магар кўзига ёш олса, у фақат севинч ёшлари бўлади», деди қайрилиб ва шахдам юриб йўлида давом этди.

## 26. ҲАРБИЙ ВАЗИРНИНГ ТОПШИРИФИ

Когон темир йўл тўхтами яқинида жойлашган амир аскарлари эрталабки нонуштадан сўнг аскарий маросим ўтказмоқдалар. Бу маросим пайтида пиёда аскарлар алоҳида, отлиқ аскарлар алоҳида сафланар ва ҳарбий қўмондонларга низомий саломларини беришарди. Пиёда сарбоз<sup>\*</sup>ларнинг олд қаторларида амирликнинг аскарий кийимдаги сарбозлари уларнинг орқасидан аскарий кийинмаган, яқинда аскарликка қабул қилинганлар сафланганди. Сарбозлар берданка милтиқлар билан, орқа қатордагиларнинг бир қисми эски, ясама — ўқ-дорилиари оғзидан сумба билан жойланадиган милтиқлар билан қуролланган, улардан ҳам орқароқда сафланганларда милтиқлар умуман йўқ. Улар қилич, ханжар, пичоқ, найза, ўқ-ёй кабилар билан «қуролланганлар». Отлиқ аскарлар ҳам худди шутартибда тизилганди. Бешотар инглиз милтиқлари ва тўппончалари жуда кам эди.

\* Сарбоз — мунтизам аскар

Ҳарбий вазир Мұҳаммад Сайдбек парвоначи, Абдулхофиз парвоначи, генерал Ҳожи Юсуфбек олдинда, уч-түртта юзбoshi ва мингбошилар орқада дуҳул, най, сурнай ва санж\*(орқасида тутқич бўлган лаъли(баркаш) бўлиб, бир-бирига уриб чалинади) садолари остида, отда виқор ташлаб аскарларнинг низомий саломларини «қабул қилиб» бўлишлари билан уларнинг сафига от йўргалатиб келиб, Мұҳаммад Иброҳимбек қўшилди.

— Бироз кечикдингиз, Иброҳимбек! — деди Мұҳаммад Сайдбек, секин, аммо истеҳзоли оҳангда.

— Бунинг сабаби бор, жаноб. Кейин айтаман, — деди Иброҳимбек.

Бироздан сўнг ҳарбий қўмондонлар қароргоҳда йифилдилар.

Мұҳаммад Сайдбек Иброҳимбекдан сўради:

— Хўш Иброҳимбек, нимадир демоқчи эдингиз, шекилли.

— Ҳа, жаноб Сайдбек. Менга маълум бўлишича, юртимизнинг шарқий ҳудудларининг карvon йўлларида большевик хуфиялари мавжуд экан.

— Аниқми? Қаердан билдингиз? — сўради Сайдбек.

— Аниқ. Ишончли одамларимдан билиб олдим.

— Неча киши эканлар?

— Ун беш-йигирма нафардан иборат қуролланган большевиклар тўдаси бўлиб, улар яқинда Бухорога келаётган карvonни талаганлар. Озиқ-овқат, сув, қимматбаҳо буюмлар, тилла ва кумуш пулларини тортиб олганлар, сўнг ҳеч кимга, ҳеч нима демаслик шарти билан, карvonбошига қасам ичдириб ўтказиб юборганлар.

— Үнсурлар! Яна пайдо бўлишибди-да!

— Шундай тақсир. Аммо энг ёмони мен бу хабарни карvon яна орқасига қайтиб, йўлга тушганидан сўнг эшитдим.

— Карvon ҳозир йўлдами?

— Ҳа, тақсир. Бугун тонг билан чиқиб кетганлар. Ана шу хабарни сизга етказмоқ нияти билан, саройга — ҳузурингизга кирган эдим, сизни тополмадим. Шу ерда эканингизни англаб, бунга ошиқдим.

— Демак, — деди Сайдбек ўйчан, — карvonнинг шаҳар ҳудудидан чиққанига уч-тўрт соатча вақт бўлибди. Уларни орқага

\* Санж – орқасида тутқич бўлган лаъли(баркаш) бўлиб, бир-бирига уриб чалинадиган чолғу асбоби

қайтарсак бўлади. Тезда бориб, ўзингиз ишонган икки кишини менинг олдимга олиб келинг! — деди Сайдбек.

— Хўп бўлади, — деди Иброҳимбек ва зудлик билан ташқарига чиқиб кетди.

Бу вақтда Мурод ҳарбий саркардалар минаднган фойтунга суюниб туриб, Маманазарнинг нишонга ўқ узишини кузатмоқда эди.

— Маманазар! Мўлжалга отаверганингдан нишонга илиб қўйилган большевик тақири илвираб қолди. Милтиқ ва тўлпончаларни қиздириб юбординг. Қани, дўстим, бу ёқقا кел-чи! — деди Мурод.

Маманазар чуқур хўрсиниб, қўлидаги тўлпончани баланд оёқли, ясама хонтахта устига қўйди-да, саф тортиб турган тўрт нафар аскар йигитта қараб, «Марҳамат! Машқ қилаверинглар!» деди. Ўзи эса бошини эзган қўйи Мурод томон юрди. Пепона терини артди. Мурод ундаги ғамгинлик аломатларини сезди.

— Маманазар, негадир хомуш кўринасан. Тинчликми? Нима... Куни кеча танишганинг Руқия деган қиз, кеча борганингда кўнглингта озор бердими? — ўсмоқлаб сўради Мурод.

— Йўқ, аксинча.

— Руқияни севиб қолдингми?

— Ҳа, ака.

— У-чи?

— У ҳам.

— Унда нега ғамноксан?

— Бунга сабаб бор.

— Нима сабаб экан? Ёки қизнинг ота-оналари норози эканми? Падарлари ким экан?

— Мурод ака, ҳозир мен сизга қизнинг отаси ва у ҳақида баъзи бир...

Маманазар шундай деб суҳбатни давом қилдирмоқчи, қизнинг отаси Соҳиб савдогар экани, уни большевик қароқчилари талагани ва бу ҳақда ҳарбий бошлиқларга етказиш кераклиги лозимлигини айтмоқчи эди. Аммо шошилиб келган Муҳаммад Иброҳимбек уларнинг суҳбатларини бўлди.

— Йигитлар, қани мен билан юринглар. Сизларга топшириқ бор, — деди Иброҳимбек ва яна орқасига тўниб, ҳарбий қароргоҳ томон юрди.

«Хўп бўлади», дейиши Мурод ва Маманазар ва унга эргашдилар.

Иброҳимбек девонбеги Йигитларни Сайдбек парвоначининг олдига олиб кирди.

— Шу йигитларми? — сўради Сайдбек.

— Шулар. Ишончли йигитларим.

— Хўш, бўлмаса, гап бундай, — деди Сайдбек, мақсадга ўтиб, — Бугун зрталаб Бухородан Афғонистон тарафга карvon чиқибди. Бу карvonга етиб олиб, уни орқага қайтаришларингиз керак. Сабаб шуки, бу карvonни Бухоро томон келишида, чўл ичида, большевикларнинг хуфия тўдаси талаган экан. Биз карvonни орқага қайтариб, кўп сонли қуролланган аскар юбориб, бу қароқчиларни йўқ қилиб юборишларимиз лозим. Сўнгра карvon учун йўл бехатар бўлади. Сизлар ҳозироқ йўлга чиқишингиз ва карvonга етишишингиз, уни қайтаришингиз шарт! Топшириқ тушунарлими?

«Шундай!» дейишди йигитлар.

— Шошилинг! Қурол-яроқ ва яхши отлар олиб, ҳозироқ йўлга чиқинглар!

«Хўп бўлади», дейишди йигитлар ва низомий таъзим билан хонадан чиқиб костишди.

Йигитларнинг ҳар бирлари бешотар милтиқ, тўппончалар билан қуролланиб, отларига миндилар-да, Бухоронинг шарқ томонига қараб шамолдай елдириб кетдилар.

## 27. КАРВОННИ ИЗЛАБ

Ҳарбий вазир топшириғи билан чиқсан икки отлиқ. Бухоро шаҳри ҳудудини от югуртириб босиб ўтиб, Қизилқумнинг сарҳадсиз ялангликларига чиқдилар. Улар икки-учта қум хомаларини кечиб ўтгач, отлиқлардан бири ўзининг оппоқ оти жиловини катта қум тепа устига бурди. У тепалик устида туриб:

— Мурод ака, бу ёқса чиқинг! Бу ердан туриб узоқ-узоқларни кузатиш мумкин экан, — деди.

Иккинчи отлиқ ҳам ўзининг қизил, пешанаси оқ отини тепаликка ундали. Оти уни юқорига олиб чиққач, чап қулида ушлаб турган жиловни қамчи ушлаб турган панжасига қистирди-да, чап қули кафтини кўзига тушаётган қуёш нурига тўсин қилиб, пешанасига ёнтади. У ҳам ёнидаги дўсти сингари узоқ-узоқларга термулди, нигоҳлари билан карvonни қидирди.

Орқада қолган паст текисликлар — Бухоро работлари яшил духобаёйиб күйилган сингари күм-күк кўриниар, аммо шарқ тараф кузатилса бу кўклиқ ниҳоятда сийраклашгани сезилиб турарди.

— Маманазар, негадир карвон кўринмаяпти. Ёки улар бу ердан ўтиб кетишга улгурдилармикан-а? — сўради Мурод.

— Мен ҳам шунга ҳайронман.

— Жануб томонга, кўндалангига юрамиз. Балки изларини учратармиз.

Отлиқ йигитлар жануб томонга — карвон йўли йўналишига кўндаланг йўналишда от чоптириб кетдишар. Улар чўл бағрини ёриб ўтган катта йўлакка дуч келиб отларини тўхтатдилар.

— Бу йўлдан бу яқинда ҳеч ким ўтмаган, — деди Маманазар мерган.

— Тўғри айтасан, мерган, — деди Мурод, яна қўшиб қўйди,

— Яна озроқ юрамиз, агарда изларга дуч келмасак, орқага қайтамиз!

— Бўпти, кетдик.

Улар бир оз от чоптиришгач, Маманазар:

— Мурод ака, орқага қайтсан ҳам бўлаверади, — деди.

Маманазар қўли билан жануби-ғарбдаги бир пастликни кўрсатиб.

— Ҳў-ӯ-ӯ анави пастликдаги дарахтларни кўряпсизми?

— Ҳа, кўрдим. Нима эди?

— У жой менимча, «Мош айвон» бўлса керак.

— У қандай жой?

— Болалигимда отам, мен ва бир нечта қишлоғимиз чоллари шу ерга келганимиз. Улар ташландиқ, пахса бир уйни зиёрат қилишиб, дуолар ўқигандилар. Айтишларича, зоҳид бир чўпон шу ердан қудуқ қазиб, чиғириқда сув тортиб чиқарган. Дарахтлар экиб, остига сув қўйган. Ярим танобча ер очиб мош сочган экан. Ҳозирги кунда ҳам дарахтлар мева берар экан. Баъзи чўпонлар эса, удум юзасидан, ўша майдонга мош экар эканлар. Шунинг учун у ерни «Мош ёвон» дейишади.

— Яхши удум экан.

— Энди орқага қайтсан ҳам бўлади. Биз анча олислабмиз, Мурод ака.

— Ҳа, орқага қайтиб, кун чиқарга қараб от соламиз. Ҳалигина кўрган йўлимиздан Бухоро томон қайтамиз. Менимча, карвон ўша йўлдан ўтиши керак. Улар ҳали орқада.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

— Кетдик бўлмаса! — деди Мурод.

Улар шарқ тарафга қараб от чоптириб кетдилар. Бир оздан сўнг қумлик бағридаги йўлни яна топдилар.

— Ана шу йўлдан орқага қайтамиш! — деди Мурод, отининг жиловини тортиб, уни орқага буаркан.

— Ҳа, шундай қилсак, маъқул бўлади, — деди Маманазар ҳам унга зргашиб.

Маманазар карвонни топа олмасликларидан хавотирга тушди. Агар карвон ўтиб кетган бўлса, у қароқчилар қўлига тушиши аниқ. Карвонда эса, Руқия бор. Руқиянинг, карвондагиларнинг ҳоли не кечаркан.

Маманазар шундай фикрларни хаёлидан ўтказаркан, беихтиёр, «Руқия, Руқия. Қаердасан, Руқия» деб пичирлаб қўйди.

— Бир нима дедингми? — деди Мурод, пичирлаб гапириб бораётган Маманазарга.

Муроднинг сўровидан ўзига келган Маманазар бир кулиб қўйди-да:

— Полвон ака. Сизни ҳамма ҳурмат қилади. Ҳурматли инсонсиз. Ҳозир мен сиздан бир қизнинг отасидан, мен учун қизнинг қўлини сўраб беришингизни илтимос қилмоқчиман, — деди.

Мурод кулиб юборди, сўнг кулгидан ўзини тийиб:

— Бу кимсасиз чўлда қайсан уйга кириб, кимнинг отасидан, қандай қизнинг қўлини сўраб бериш имумкин?

— Мумкин! Худо хоҳласа, чўлда ҳам, кўлда ҳам қўллайверади, — деди Маманазар кулиб.

Мурод яна кулиб олди. Маманазар, мабодо карвонни учратишка, унинг сарбони — Соҳиб савдогардан унинг қизи Руқиянинг қўлини сўрашини Муродга тушунтироқчи бўлиб, оғиз ростлаган эди ҳамки, Мурод:

— Мерган, буни қара. Йўлни қандайдир отлиқлар кесиб ўтибди, — деди.

Маманазар ҳам от туёқлари изи устида отини тўхтатиб, изларга тикилди.

— Ҳа, қандайдир отлиқлар ўтибди, — деди Маманазар излардан кўз узмай.

— Қани, юр-чи, издан борамиз. Балки, карвонда отлиқлар бўлса, ўшалар йўл чизгандирлар, — деди Мурод.

Улар бир оз йүл юриб, пастликдан, қум хомалари орасыдан үтаёстиб, Маманазар отини тұхтатди. Отидан тушиб, от туғи билан янчиб үтилган шувоқни құлига олди.

— Бу ердан ҳозиргина қандайдир отлиқлар үтишибдилар. Мана күринг, шувоқнинг янчилган жойида нам турибди.

Мурод ҳам отидан тушиб, янчилган шувоқни ва изларни кузатди.

— Ҳа, ҳозиргина үтишибди. Ким бұлишлари мүмкін? — деде, савол назари билан Маманазарга тикилиб қаради Мурод.

— Агар большевик қароқчилари бұлишса, уларни йүқ қилиб таштаймиз! — деди Маманазар мерған, оти Эгарига илингтан милтиқен құлига оларкан.

— Ахир улар күпчилик бўлса, қандай қилиб йүқ қиласми?

— деди Мурод, Маманазарнинг гапига ҳайрон бўлиб.

Мурод шундай деган эди ҳамки, қум дўнгликлари орқасидан тўртта отлиқ киши чиқиб, уларни нишонга олди.

Муроднинг милтиғи отининг эгарига осилган, Маманазар эса, милтиғини қўлига олган, аммо қайишидан осилтириб турибди.

«Қўлларингни кўтар!» деди қароқчилардан бири ўрисчада.

Маманазар ўрис тилига яхшигина тушунар эди. Шу боис, қўлидаги милтиғини ерга ташлаб, икки қўлини кўтарди.

— Сен ҳам кўтар! — бақирди тўрт қароқчидан бири.

— Сизга ҳам, «Қўлингни кўтар!» деб буйруқ беришяпти, — деди Маманазар.

Мурод икки қўлини юқори кўтараркан, Маманазардан секин сўради:

— Булар қароқчи большевиклардан бўлишса керак-а?

— Бахтга қарши, шундай.

— Амирнинг югурдаклари! Нималар деб пичирлашаяпсизлар! Қани, олдинроқ юринглар! — буйруқ берди бир қароқчи ўрисчада.

Мурод ва Маманазар қароқчиларга яқинроқ бордилар.

— Энди тўхтанглар! Тўппончаларингни олиб ерга ташланглар! — деб буйруқ берди қароқчилардан бири ва милтиғини олиб Мурод ва Маманазар томонга тўғрилади. Қолган уч қароқчи ҳам йигитларни нишонда тутдилар. Мурод ва Маманазар белларига боғланган камарларига илингтан гилофни очиб, ундандағы тўппончаларнини қўлларига олишди. Қароқчилар янада

сергак тортишиб, милтиқларини нишонларга янада аниқроқ түғриладилар. Маманазар Муроднинг кўзига тикилди. Иккала дўстнинг кўзлари бир-бирига маъноли боғланди.

— Мурод ака, биз нишондамиз. Тўппончаларимизни ташлаймиз, — деди Маманазар мерган.

Мурод тўппончасини ёнга, ўзидан икки-уч қадам нарироққа ташлади.

Маманазар эса тўппончасини ўзидан орқага, бир-нккни қадам нарироққа ташлади.

— Буларни нима қиласми? — сўради қароқчилардан бири, қолганиларидан.

— Отib ташлаймиз! — деди малласоч, узун бўйли қароқчи. Қароқчилар милтиқларини нипонга тўғрилай бошладилар.

Маманазар ўрис тилини яхшигина тушуниарди. У қароқчилар суҳбатининг индаллоси — ўзи ва Мурод полвоннинг ўлдирилиши ҳақида кечганини тушунди.

Маманазар қуролини ташлаёттанида, бир нарсани назарда тутиб ташлаган эдик, бунда у ўзини орқага ташлаб, тўппончасини олиб, ётган жойида қароқчиларга ўқ узиши мумкин бўларди. Аммо энди кеч бўлди. Қароқчилар милтиқларининг тепкисини босишса бас, нишондагилар — Маманазар ва Мурод гўзал ҳаётнинг тотли онлари — муҳаббат, висол онлари билан, бутун борлиқ билан абадга видолашадилар.

Тўргала қароқчининг бараварига ўқ узишлари иккала дўст ҳаётига «сўнгти нуқтани» қўйиши мумкин эди. Аммо Маманазарнинг бошлаб қўйган ҳийласи, уларни ўқ узиш ниятидан тишиб, томошабингга айлантириб қўйди. У Муродни уруша бошлади ва ўрисчада:

«Ҳаммасига у айбор. Мен эмас. У катта бой. У амирнинг малайи. Унда пул жуда кўп!» деб бақириб-чақириб полвонни ростманасига ура бошлади.

Қароқчиларга бу томошга кулгили бўлиб кўринди. Чунки, жуссаси анчагина кичик бўлган йигитчанинг ўзидан анча гавдали, келбатли кишини тицмай дўппослаши, уларнинг наздида кулгилий бўлиб туюлганди. Аммо бу бир ҳийла эди, холос. Маманазар мерган Муродни уриб, ўрисчада, бақир-чақир қилсада, Муродга «Сиз ҳам мени уринг!», «Мени ҳам уринг, Мурод ака!» деда, ўзбек тилида пичирлаб қўймоқда эди. Мурод Маманазарнинг нима мақсадда бундай деяётганига тушунмаётган

бұлса-да, унга сөкінгина бир тарсаки туширди. Шуни күтиб турған Маманазар орқа томонига «гангиб» йиқилди.

Ана зәнди унга орқа томонга, ерга ташлаб құйған түппончасыни олиш учун ҳийла пардаси остида яширин имкон туғылған зди.

У ерга йиқилиші билан түппончасини олди-ю, «хо-хо-холаб кулиб турған қароқчиларни ота бошлади.

Қароқчилар бұндай бўлишини сира кутишмаган зди. Маманазар мерғандек кишини қўлига тушган түппонча фақат нишондан сўйларди.

У учта қароқчининг нақд пешанасига ўқ қадагаңди, тўртингчиси милтиғини олиб, нишонга олишга ҳаракат қилди. Маманазар чаққонлик билан ётган жойида юмалаб, унинг қўлидаги милтиғини отиб туширди. Қароқчи отидан йиқилиб, ўрнидан туриб қоча бошлади. Мурод унинг орқасидан, түппончаси билан икки марта ўқ узди, аммо тегмади.

— Узоқ, Мурод ака, узоқ, — деди Маманазар, — Бу масофа мана бу шоввозники.

У шундай деб, ерда ётган милтиқни қўлига олди-да, қўли билан чангини артди, сўнг оғзига яқин тутиб пулаб, қолган-кутган чангларини учирган бўлди. У қочиб бораётган қароқчини нишонга олмай туриб, қайрилма ва тезкор ҳаракат билан, милтиқнинг тепкисини босди. Ўқ қароқчига тегиб йиқилди.

Маманазар мерған қароқчига қаратса ўқ узганида милтиқдан чиққан гумбурлаган товуш сарҳадсиз чўлнинг узоқ-узоқларига ҳам эшилтилганди. Бу товуш айни пайтда мақсад ва нитилишлари турлича бўлган иккита гуруҳга ҳам бориб етди. Булардан биринчиси, Пешин намозини ўқимоқ, овқатланиб олмоқ важи билан, айни пайтда, қароқчиларга кўринишдан қўрқиб түяларини қум хомалари орасига, чуқурроққа чўқтирган Соҳиб савдогарнинг карvon аҳли зди.

— Ўқ товуши эшилтилди, — деди Соҳиб савдогар, давра қуриб чой ичаётган карvon аҳлига.

— Ҳа. Қароқчиларга яқин қолдик. Негадир улар ўқ узмоқдалар? — деди Қобил бобо.

— Қуён ёки жайрон кўришган бўлсалар керак, очофатлар, — деди Даврон сарвар.

— Биз, тун ярмидан ошгандан сўнг, тонгга яқин, йўлга тушамиз. Бу пайтда қароқчилар ширин уйқуда бўладилар. Худо хоҳласа, уларни четлаб ўтиб кетамиз, — деди Соҳиб сарбон.

Үқ товушини зшитган иккинчи гурух бу — большевикларнинг хуфия разведка гуруҳи эди. Уларнинг баъзилари юлғун ва саксовуллардан ясалган ката ичидан мизғиб ётган бўлсалар, тўрт нафари улкан саксовуллар соясида, сигарета чекиб, ўзаро суҳбатлашиб ўтирган ҳолда, соқчилик қилишарди. Ўқ товушини зшитгач саксовул соясида ўтирганлар ҳар жойга қўйилган милтиқлари томон югурдилар. Капалар ичидан ётганлар ҳам апилтапилга тушиб, қўлларида милтиқ ва тўппончалари билан у ёқ-бую ёққа югуриб қолдилар.

— Кимдир ўқ отаяпти. Эй, сизлар — тўртовлон! Қани, бориб аниқлаб келинглар-чи, ким ўқ отмоқда?! — деди қароқчилар бошлиғи.

«Хўп бўлади» дейишганча, саксовул соясида ўтирган тўрт соқчи пастга, юлғунзорга тушди, у ерда турган отларига миниб олиб, ўқ овози чиққан томонга от солдилар.

Тўрт қароқчи ўқ товуши чиққан томонга боргандаридан Мурод ва Маманазар ўлиб ётган қароқчиларнинг милтиқларини йигиштириб олишаётган эди. Улар бир жойда ўлиб ётган, пешанасидан ўқ еган, қароқчиларнинг милтиқларини олдилар ва қочаётib Маманазардан ўқ еган тўртинчи қароқчининг жасади устига бордилар.

— Бунисида милтиқ йўқ-ку? — сўради, ҳайрон бўлиб, Мурод полвон.

— Бунисининг милтиғини қўлидан отиб туширғандим. Милтиғи биз турган ўша чуқурликка, саксовуллар орасига, тушганди, — деди Маманазар мерган.

— Бу мурдани ҳам, нариғилари олдига олиб бориб, ҳаммасини кўммоқ керак. Бўлмаса, гуноҳга ботамиз, — деди Мурод полвон.

— Ҳа, тўғри айтасиз.

— Қани, олдик, кўтарамиз!

Мурод шундай деб, қўлидаги учта милтиқнинг ҳайшини елкасига илди-да, мурданинг боши томонидан ушлаб қўтарди.

— Майли, қўтардик, — деди Маманазар ҳам, қўлидаги иккита милтиқни елкасига иларкан, мурданинг оёқларидан қўтариб.

Улар мурдани эллик-олтмиш қадамча қўтариб келишли. Бу орада, чарчаган бўлса керак, Маманазар гап очди:

— Отмасам ҳам бўлар экан, чарчадим. Аммо буларни отмасликнинг иложи ҳам йўқ эди. Чунки, гапларига қараганда, улар бизни отиб ташламоқчи эдилар.

— Ҳа, шундай эди. Улар бизни отмокчи бўлишиб милтиқларини тўғирлашганида, баданимни совуқ тер босиб кетди. Ўлимимга ишониб, калима қайтаришга тушган эдим. Аллоҳга шукурким, ўлимни бизга эмас, қароқчиларга раво кўрди.

Иккала дўст мурдан кўтариб, учта мурда ётган жойга олиб келдилар. Уни ҳам қолган уч мурда ёнига ётқизиб, елкаларидаги милтиқларини олиб ерга қўйдилар.

— Мана бу ердан чуқур қазисак осонроқ бўлади, — деди Мурод, ўзлари турган кўчки қум тепанинг ён бағрини кўрсатиб.

Улар чуқур қазиб, у ерга мурдаларни қўйиб кўмдилар. Бироз чарчадилар, қум хомаси ён бағрида ўтириб дам олдилар.

Муроднинг кўзи чуқурда, қандим шохлари орасида турган милтиққа тушди.

— Маманазар, қара анави тўртинчи қароқчининг милтиғи, — деди у дўстига, қандим орасидаги милтиққа ишорат қилиб.

Маманазар нигоҳлари билан милтиқни бироз қидирди. Кўзи тушгач:

— Ҳа-а. Энди кўрдим. Уни ҳам оламиз, — деди.

У шундай деб. ўрнидан турган эди ҳамки, ўрисчада, «Қани, қўлларингни кўтаринглар!» деган бақириқ эшигилди. Маманазар кайрилиб орқасига қаради. Мурод ҳам ўрнидан туриб, овоз келган томонга бўрилди. Тепалик устида тўрт нафар қароқчи уларга қарата милтиқларини тўғрилаб турган эди. Мурод ва Маманазар қўлларини кўтардилар.

— Энди кунимиз битган кўринади, Мурод ака, — деди, пи-чирлаб, Маманазар.

— Ўлиминг олдидан калима ўқиган бўл-да, тиззаларингни ерга ташла. Ўша милтиқни олишга урин! — деди Мурод, лабларини деярли харакатлантирмай.

— Милтиқ анча узоқда. Энди чинакамига ҳам «Ёсин» ўқийверсак бўлаверади, — деди Маманазар.

— Эй, сизлар! Бу ёққа келинглар! Тезроқ! — деди қароқчилардан бири. Мурод ва Маманазар қўлларини кўтарган алфозда большевик қароқчилари томон юрдилар. Маманазар қандим буталари орасида, ярим яширин турган милтиққа кўз ташлаб ўтаркан, ич-ичидан афсусланди. Тишларини қисирлатиб, бош чайқаб қўйди.

Бу гал душмандан қутулишнинг иложи йўқ эди. Чунки бу гал, уларнинг милтиқлари юқорида, қум хомаси устида қолиб кетган, қандим дарахти шоҳ-шаббалари орасидаги милтиқ эса, анча узоклик қилган эди.

## 28. ТУТҚУНЛИКДА

Большевик хуфиялари тутқинларни ўз «қароргоҳларига» олиб борганиларида, у ердагилар орасида ғивир-шивир бошланиб, капалар ичидагилар ҳам, қўлларида милтиқлари билан ташқарига чиқдилар.

Тўрт нафар отлиқ большевикларнинг иккитаси қўллари боғланган тутқинларнинг ўзларини узун иплар билан, отлари згарларига боғлаган ҳолда, тортиб келишган бўлсалар, икки нафари уларнинг отларини ўз дамларига солиб, етаклаб келган эдилар.

— Буларни икки чақирим наридан — карвон йўли устидан ушлаб келдик. Булар бизниклардан тўрт кишини ўлдириб кўмаётган эканлар, — деди отлиқлардан бири ўрисчада.

— Нима! Бўлиши мумкин эмас. Тўрт кишини-я! Собир билан Толикни ҳамми? Маразлар! Ўлдираман! — деб бақирганча, кана ичидан чиқиб келганлардан биттаси жаҳл билан бориб, Мурод ва Маманазарнинг қоринларига милтиқ қўндоғи билганлар, — деди тўда бошлиги.

— Тўхта! Ўлдириш қочмайди. Биз буларнинг кимлигини ва нима учун бу ерларда санғиб юрганликларини аниқлашимиз керак. Афтидан, улар бизнинг бу ерда туришимизни олдиндан билганилар, — деди тўда бошлиги.

— Шундай бўлишини билгандим. Яқинда ўтган карвондагилар бизни сотиб қўйишган. Уларни ўлдириш керак эди, — деди қароқчилардан бири.

— Бизникларни ўлдириб, яна шу ерда бамайлихотир юришларига кўра, улар бизга яна таҳлика солмоқчи бўлганликлари сезилиб турибди, — деди тутқунларни етаклаб келганлардан бири.

— Шундай дегин, — деб тутқунларга яқинлашди тўда бошлиғи. У тутқундаги қўли боғлиқ, йигитларнинг кўзларига боқаркан, галини давом эттирди, — Сизлар ким? Бу ерларда нима қилиб юрибсанлар?

— Бу саволга аввал билан сизлар жавоб беришингизлар кепрек! Юрт, тупроқ бизники! — деди, унинг ўрисчада берган саволига тушунган Маманазар ўрисчада.

— Шунаками? Катта саксовул дараҳтларига боғланглар! — буйруқ берди, большевик қароқчилари бошлиғи.

Мурод ва Маманазарнинг қўлларини орқага қилиб, ёнмана ўсган катта саксовул дараҳтига боғлашди.

— Ким санлар? Бу ерда нима қилиб юрибсизлар? — сўради қароқчилар бошлиғи, дон-дона сўзлар билан.

— Биз овчилармиз. Шу ерларда ов қилиб юрган эдик, — деди Маманазар.

— Нима? Кимни лақиллатмоқчисизлар? Максим, яхшилаб адабини бериб қўй, буларнинг. Шундагина тўғрисини айтишади, — деди қароқчилар бошлиғи.

Қўллари орқасига қилиниб саксовулларга боғланган тутқунлар атрофида куймалашаётган қароқчилардан биттаси тутқунларга яқинроқ борди. Енгларини шимариб, кулиб қўйди-да:

— Мана энди ниятимга етаман. Собир ва Толик учун ҳам, қолган икки большевик қуролдошимиз учун ҳам қасос оламан, ўлдираман! — деди қароқчилар бошлиғи Максим деб атаган, бўйчан қароқчи.

— Ур! Уравер! Менинг саволимга тўғри жавоб бермасканлар, башарасига туширавер, — деди қароқчилар бошлиғи, жиддий оҳангда.

Максим оёғида этиги билан Муродни ҳам, Маманазарни ҳам бир неча бордан тепкилади. Чарчагач, тепишдан тўхтади. Маманазарнинг лаби ёрилиб қон оқа бошлади. Юзининг у ер-бу ерида кўкариш ҳосил бўлди. Муроднинг ҳам юзлари тепки зарбидан кўкариб, қон сизиб чиқаётган эди.

— Хўш, энди галирарсанлар! Нима сабабдан бу ерларга келганингни!

Тутқунлар индамадилар. Улар алам ва оғриқ билан, бош эгиб, жим туришарди. Уларнинг ҳеч нима демасликларини англаган қароқчилар бошлиғи:

— Эй йигитлар, иккитангиз анави қумтепа устига чиқиб, кузатиб туринглар. Булар ўзлариникилар ёрдамга келишига ишончаётган бўлмасинлар, тағин, — деди, баланд қумтепага ишорат килиб.

Иккита большевик хуфияси аъзоси баланд қумтепа томон югуриб кетишди. Хуфия гуруҳи бошлиғи эса яна Максимга қаратади:

— Сен яна уришни давом қилдир, қийна, — деди.

Мурод ўрисларнинг нима дейишаётганини тушунмас эди.  
Шу боис Маманазарга қараб бурилди-да:

— Мерган, булар нималар деб валдираяптилар? Бу шоқол-  
ларга нима керак ўзи? — деди секингина.

— Эй ярамас, нима деб гапираяпсан? А? Ҳозир пешанантдан  
дарча очиб қўяйми? — деди Максим. У милтигини Муродга  
тўғрилади. Маманазар мудҳиш ҳодиса юз беришини англади.  
У Мурод полвон Максимнинг ўрисчада айтган бу сўзларига ту-  
шунмаслигини, билҳақ, унга жавоб ҳам беролмаслигини тушу-  
нарди. Шу боис, Максимга қаратса:

— У сенга, «Қўли боғлиқ кишини уриш ҳар бир қўрқоқнинг  
ҳам қўлидан келаверади. Мард бўлсанг қўлимни ечиб, яккама-  
якка олиш!», деяпти, — деди ўрисчада.

Маманазарнинг бу сўзларидан сўнг атрофии ўраб турган  
кароқчилар кулиб юбориши. Кулгидан тўхтаб Максимга қараш-  
ди. Бу қарашлар эса, Максимга «Яккама-якка уришишдан қўрқа-  
санми? Чиқ олиш!» дейишаётгандай маънони берарди, гўё.

Максим эса хозиргина тепки зарбидан мажруҳ аҳволга тушиб  
қолгандай — ҳолсизланиб, чўккала ўтириб қолган Муродга тер-  
мулиб олди-да, ўзини ундан ўн чандон кучли сезди, шекилли:

— Қўлларини ечинглар! Яккама-якка уришаман, — деди  
ёнидагиларга.

Атрофдагилардан биттаси Муроднинг қўлларига боғланган  
арқонни еча бошлади. Арқонни нега ечиб, унинг қўлларини  
бушатишаётганига тушуниб етмаган Мурод полвон Мамана-  
зар мерганга қаратса:

— Булар менинг қўлларимни ечмоқдалар. Сени ҳам ечиб  
юбориб, бизни озод қилишмоқчи, ҳойнаҳой, — деди, секинги-  
на.

— Йўқ. Улар фақат сизнинг қўлингизни ечадилар ва қар-  
шингиздаги тўнғиз билан яккама-якка, қонли олишувга қўша-  
дилар. Агар у болиб келса, сизни ўлдирмоқчи. Фурсат етди де-  
гунча ё сиз уни, ё у сизни ўлдиради, — деди мерган.

— Шуниси етмай турганди ўзи, — деди Мурод, қаршисида-  
ги даванг ўрисга боқиб қўяркан.

Муроднинг қўли ечилгач, ўрнидан турди. У туриши билан  
унинг рўбарўсида турган Максим, унинг қорнига зарб билан  
тепди.

**Мурод йиқилди.**

Атрофин ўраб турган ҳангоматалаб большевик қароқчилари «Балли, Максим! Яхши бошладинг!», деб қий-чув бошладилар.

Мурод қайта ўрнидан туриши билан Максим унинг тумшуғига мушт туширмоқчи бўлди. Мурод чақонлик билан унинг муштига чап бериб, ёқасидан ушлади-ю, ошириб, кураш усулинни қўллаган ҳолди, ерга силтаб ташлади. Максим ерга чалқанча йиқилди. Мурод унинг орқа томонига ўтиб, елкасидан қайириб юқорига кўтарди. Рақиби ўрнидан хиёл тургач, орқасидан туриб, бақувват билакларини бўйнидан ўтказиб бўға бошлади.

Максим мажолсизланиб, типирчиласхга тушди. Атрофдаги большевиклар эса милтиқларини Муродга тўғрилаб отмоқчи бўлишиди.

— Отманглар! Ўзи қутулиб чиқа олади,— деди большевиклар бошлиғи.

Мурод ўз қўлларига «рақибининг» жонсараклик билан осилиб, ундан қутулиб кетишга ҳаракат қилаётганига бепарволик билан Маманазарга бир қараб қўйди. Маманазарнинг унга қаратса, сөкингина, бош чайқаши — «тугатинг!» маъносини берди, шекилли, у қўйнидаги каллани бир бурган эди ундан шиқирлаган товуш чиқди. Максимнинг қўллари, жонсиз танаси, елкасига осилиб қолди. Унинг бўйин суюклари синган ва жонтаслим қилган эди.

Қароқчилар милтиқларини Муродга тўғрилаб, уни отиб ташлаш ниятига тушдилар.

— Отманглар! Қўлларини боғланглар! Ўлим булар учун — совға бўлади. Буларни ўлдирманг, қийноққа соламиз. Менинг саволларим жавобсиз қолишини хоҳламайман, — деди қароқчилар бошлиғи.

Уч-тўрт нафар қароқчи Муродга ташланиб, уни яна боғлаб қўйишиди.

Қароқчилар бошлиғи, ўлиб ётган Максимнинг жасади устига борди-да, унинг киприкларини кўтариб, унсиз кўзларига тикилди. Бошидан фурашласини олиб, бир зум тик турди. Қолган большевиклар ҳам унга тақлидан шундай қилишди. Большевиклар бошлиғи тутқунларга ғазаб билан боқаркан, ёнидагиларга, «Буларни қийнанглар!», деб буйруқ берди.

Қароқчиларнинг бир нечтаси иккала тутқунни роса уришди, тепкилашди. Бошлиқлари, «Бўлди қилинглар!», дегунига қадар қийнашди.

Ҳушини йўқотган икки тутқун — Мурод ва Маманазар кун ботиши арафасида ўзларига келиб бир-бирига термулиб «Хайрият, тирик эканмиз!» дегандек, мийигида кулиб қўйишиди.

## 29. ПИНҲОНА СУҲБАТ

— Михаил, юр, уйга қайтамиз. Бу иссиқ чўлларда изғиб юргунча, ўзимизнинг бепоён Россиямизга қайтамиз. Туламизнинг ҳавоси қандай салқин эди-а. Ясногорскийнинг бепоён адирлари, ўрмонлари, ёмғирлардан тўлиб-тошиб турувчи жилғалар, қанақа эди-я. Эҳ! Юр, кетайлик.

— Юра, ҳали ёшсан-да, ука. Худо менга бир кунда мана шунча олтин инъом этди. Ясногорскийда қирқ йил ишлаб ҳам, бунчасига эришолмайсан, — деди иккинчи суҳбатдош, қўлидаги олтин солинган баҳмал ҳамённи ҳаволатиб салмоқларкан.

Дарвоқе, бу суҳбатдошлардан бири большевик ҳарбий қўшнилари вакили, хуфия хизматлари жосуси, Наманган ва Қўқонда ерлик ҳалқининг большевикларга қарши кўтарилган қўзғолонларини бостиришда кўп бор иштирок этган, ҳозирда Бухоро давлатини босиб олишда хуфиёна хизмат қилаётган — Михаил Лебедов бўлса, иккинчиси, унинг укаси Юрий эди.

— Ака, бу большевикларнинг мақсадини тушунмайман. Ахир яқин-яқингача Бухоро ҳалқи Россия ҳалқи билан иноқ эдилар. Россиянда давлат тўнтариши бўлиб, ҳукумат большевиклар партияси қўлига ўтди-ю, улар бу ўлкаларда ҳам иғво ва урушларини бошлаб юбордилар. Афтидан бу урушлар бошида турувчилар катта манфаат кўрадилар. Биз эса, уларнинг манфаатга зришишлари йўлида қурол бўлиб хизмат қилмоқдамиз, — деди Юра, акасига тушунтирган бўлиб.

— Кимлар қанақа манфаат кўраяптилар билмайману, аммо менинг манфаатим нақд, — деди Михаил ҳамённи қўлида ўйнаб.

— Ахир одамларни ўлдириб, талаб, мана буларга ўхшаганларини қийнаб бойлик орттиришдан кўра, — деди Юра, ўзларидан йигирма қадамча наридаги, қўллари боғлиқ икки тутқунни акасига кўрсатаркан, — Ясногорский далаларига картошкага эксан ҳам яхшигина кун кечирсан бўлади-ку. Айтишла-

рича, у ердаги дала хұжайинларининг аксариятими болшевиклар отиб ташлашған эмиш. Күпчиликларини сургун қылғанлар, баъзилари қочиб кетғанлар. Далалар бүшаб ётибди. Биз бориб зекін экамиз. Бундан онамиз ҳам хурсанд бұладилар, — деди укаси, куюнчаклик билан.

— Шундай қылсақ ҳам бұлади-ку-я, аммо йүл узоқ. Поездда кетмоқчи бұлсақ, «қочоқ» деб ушлаб олишади, — деди акаси, чүнтагидан папирос чиқарыб алғангалатар экан.

— Ахир ихтиёrimизда қанча отлар бор. Йүлга чиқсақ, буғын бұлмаса зертага етиб борамиз, — деди укаси, акасининг «шундай қылсақ ҳам бұлади-ку-я» деганидан хиёл қувониб.

Акаси биз зум үйлаб турди-да:

— Яхши йигитларим үлди. Ихтиёrimда қаланғи-касанғилар қолди. Уларнинг ичидан иккита рус йигитини сақлаб, қолғанларини гүмден қилиш керак. Шунда йүлга чиқсақ бұлади. Россия чегарасига етсак, у икковини ҳам ... Аммо буни ҳам үйлаб күрамиз, — деди ва ўрнидан туриб, «ётоқхонаси» томон юрди. У ўзи ётадиган кана олдиде бир зум тұхтади-да, папиросини отиб юбориб, тутқунлар олдиде соқчылық қилаётган икки книшига қаратады:

— Соқчилар! Ухлаб қолманглар! Қочиб кетишса бошларинг билан жавоб берасаңлар! — деди ва эгилиб ичкарига кириб кетди.

Юра бир зум ёлғыз қолди, соғинч тұла ҳислар билан уйини, онасини, болаликда акаси билан ўрмонзор этагидаги ям-яшил далаларда югуриб-елиб ўйнаганларини эслади. У чуқур ва шириң хаёллар оғушига шұнғиган эди. Унинг учқур хаёлларини олдининга наша чекиб олиб, сұнгра, тұрт күн бурун карвондан талаб олинған хурмо устида талашаётган соқчиларнинг «Менға ҳам хурмонғдан бер, нодон!» деган бақириқ овози жиловлади.

У соқчиларга қаради. Бироз кузатиб турди. Ўрнидан туриб акаси кирган «ётоқхона» томонға юрди.

### 30. ЧҮЛДАГИ НИКОХ

Кизилқұм узра тоні ёришмоқда. Ҳалигача, түлин ойнинг ёруғыда, хирагина ёришиб турған түн пардасини бутунлай очиб ташлашға уринаётган Қүёшнинг ўзи баралла күрінmasa-да, унинг бөш күтаргиси келмаётган чүлнинг сутдек оқарыб бораетған ангоридан сезиб турибди. Түні билан атрофда тинмай

уylaёттан шоқол ва бўриларнинг овозлари, бойўғлиларнинг сайраларин кескин камайди.

Кум хомалари орасида пинҷона макон қурган большевик хуфиялари ўз капалари ичидан ширин уйқуда.

Ҳатто улар асир олган икки тутқун олдидағи икки соқчи ҳам табиатнинг уйқу деб аталмиш тан оромидан лаззат олмоқдалар. Уйқу лаззати тутқунларга сира татимаган, шу боис улар бу маъзун тунни турди мавзудаги аламли судбатлар билан адодига етказиб, тонгнинг оқаришини қаршилаётган эдилар.

— Ота-онамнинг айтишларича, мен эрта тонг палласида туғилган эмишман. Шу боис, тонг отишини жуда ёқтирадим. Эрта тонгданоқ туриб, тош кўтариб, машқ қилардим. Тонг ҳавоси киши баданига роҳат, тароват бағишлайди. Афсуски, бу тонгнинг бизга нима олиб келишини ёлғиз Аллоҳ билади, — деди Мурод.

— Ҳа. Аммо менга қолса, қийнаб ўтиришмай, тарса отиб ташласалар эди, қутулардик, — деди Маманазар.

— Үндай дема, мерган. Аллоҳдан умр сўра, у саховатли. Менку, оз бўлса-да, ҳаёт лаззатини тотиб кўрдим. Оила қурдим, ортимида номимни эслаб турувчи болаларим бор, — деди Мурод насиҳатомуз.

— Ҳа, бевақт ўлим деганидан Аллоҳнинг ўзи асрасин, — деди Маманазар.

— Ўзи асрасин, — деб қўйди Мурод ҳам пицирлаб.

Шу пайт капалар томонидан тутқунлар томонга бир киши яқинлаша бошлади. Келаёттан киши тўда бошлиги — Михайлнинг укаси Юра эди.

У атрофдагиларга сездирмаслик учун секингина одимлаб келди-да, Муроднинг олдига чўқди-да. Ўз тилида гапира бошлади.

— Пахлавон, мен сизларнинг қўлларингизни ечиб юбораман. Эвазига, сизлар шу ердаги ўн битта большевикдан тўққизтасини ўлдирасизлар. Фақат, мен ва акам Михайл тирик қолишимиз керак. Шундай қисқак акам мен билан Россияга кетади, тушунарлами? — деди пицирлаб.

Ҳамма нарсани эшишиб турган ва гап нимада эканлигини антлаган Маманазар, ўрис йигитнинг нималар деганини мутлақо тушунмаган Муродга қараб:

— Мурод aka, «да», деб айтинг, — деди.

— Нега энди мен бунга «да» дерканман. Нима дегани ўзи. Бироз туриб, «энди «ба» деб айт!» деб туриб олмайдими? — деди Мурод.

— «Да» деб айтинг, илтимос. Сиз шундай десангиз иккала-мизни қўлимизни ҳам ечиб юборар экан, — деди Маманазар илтимос оҳангидা.

Мурод олдинига ишонмади, сўнгра таваккалига «да» деб қўйди.

Рус йигити эса, кулиб қўйди-да:

— Ўзларингизнинг Аллоҳингиз номи билан қасам ичиинг, — деди, Муроднинг қўзларига тикилиб.

— Аллоҳнинг номи билан қасам ичаркансиз, Мурод ака, — деди Маманазар, тушутириб.

— Ана, айтгандим-ку «да»нинг изидан яна бир балосн бўла-ди, деб. Қасам ичиш Аллоҳ таолога ширк бўлади, ахир. Мен бундай қилолмайман, — деди Мурод, Маманазар томонга юзланиб.

— Полвон ака қасам ичиш нодуруст бўлса-да, бундай ҳолларда мамнуъ эмас.

— Хўш, нима деб қасам ичмоғим керак экан? — сўради Мурод, бироз норози оҳангда.

— Бу ердаги газандалар бошлиги Михаил бу йигитнинг акаси экан. Қўлларимизни ечиб юборгач, бу йигитча ва акаси Михаилдан бошқасини ўлдиришимиз лозим экан. Шунинг учун қасам ичтирмоқчи.

— Майли, қасам ичаман. Астағфурулло!, — деди Мурод ва бироз бурилиб, қибла томон термулиб.

— Бисмиллаҳир раҳмонир Роҳим. Мен – ожиз банда, қиблам — Каъба Шариф томон қараб, Роббим Аллоҳ, пайғамбари-м — Муҳаммад алайҳиссаломнинг муқаддас номларини тилга олиб қасам ичаманки, Михаилга ва укасига, ҳар қандай вазиятда ҳам, озор етказмайман! Омин, ё Роббил Оламин! — деди.

Ўрис йигит Муроднинг гапини зътибор билан тинглаб турди-да, ўз табиатига кўра жилмайди, сўнгра, «Ҳозир!», «Ҳозир!» деб Муроднинг қўлини еча бошлади.

— Шароитга қаранглар. Ҳеч кимни ўлдирмай қочиб қутулсанглар ҳам хафа бўлмайман. Ҳар ҳолда, сизларни ўлдириб акамнинг қўли қонга ботмайди.

Юра шундай деб секин гойиб бўлди.

У Муроднинг қўлини ечди. Мурод эса ўз наябатида Маманазарнинг қўлларини ечиб юборди.

Қўллари ечишган тутқунлар, сездирмай, ухлаб ётган икки соқчи томон юрдилар. Уларнинг ҳар бири бир соқчининг, оғзини ёпиб, бўйини бураб, гумдон этдилар. Мурод ўзи тинчитган соқчининг милтиғини қўлига олиб үзларидан ўн-ўн беш қадамда нарида боғланган, эгардан озод этилмаган, Оқманглай томон юрди. Маманазар ҳам жонсиз ётган соқчининг милтиғи'ни олмоқ учун қайшидан торган эди, тасодифки, милтиқдан ўқ отилиб кетди. Жонсиз ётган мурданинг бармоғи милтиқнинг тепкиси устида илиниб турган бўлса керакки, отилиб кетган милтиқнинг гумбурлаган говуши атрофни ларзага келтирди. Ўрис йигити айтган икки соқчини ҳисобламаганда тўққизтаси саросима билан, бақир-чақир қилишиб, қўлларида қурол билан ётоқларидан чиқа бошладилар.

Мурод ва Маманазар ўз отларига миниб қоча бошладилар. Кападан югуриб чиққан бир большевик уларга қаратса икки маротаба ўт очди. Аммо ўқ ҳеч кимга тегмади. Маманазар мерган, бир бурилди-да, унга қаратса ўт очди. Большевик қароқчисининг қўлидан милтиғи учиб тушди. У кўксидан ўқ еган эди.

Тутқуниликдан озод бўлган икки отлиқ Бухоро шаҳри томон от чоптириб кетдилар. Уларнинг орқасидан саккиз отлиқ таъқиб қила бошлади. Қувиб келаётганлардан биттаси Юра бўлиб, у қуролсиз ҳолда, шунчаки от чоптириб борарди. У кочокларни қувлаб бораётган акасига қаратса «Михайл, қайт оркангга!» — деб, ўқтин-ўқтин бақириб борарди.

Акаси эса, унинг сўзларини эшитса-да, парво қилмай қочоқлар орқасидан тўлпончаси билан ўқ узар, ёнида ва орқароқда от елдириб бораётган большевикларга қаратса:

— Тезроқ чоптирглар отларингни! Етиб олинглар! Отис ташланглар! — деб, бақирганча буйруқ берарди.

— Мурод ака, отингизни тез елдирманг! Масофа юз қадамча бўлгани яхши. Михайлни отиб қўйманг, қасам ичгансиз! Унинг тўлпончасининг ўқи бизга етиб келмайди, — деди Маманазар мерган. ўзидан олдин от чоптириб бораётган Мурод полвонга.

Маманазар ва Муроднинг орқасидан қувлаб келаётганлар кўп ўқ уздилар, аммо улардан биронтаси ҳам қочоқларга тегмади. Бунга уларнинг ўз отларини ҳовлиқиб, эгар-жабдуқсиз

миниб олишгани сабаб бўлган бўлса, ажабмаски, бундай ҳолларда аниқ нишонга уриш тугул отда ўтиришнинг ўзи ҳам қининчилик туғдиради.

Маманазар мерганинг милтиғидаги битта ўқ отилиб кетиб унда тўртта ўқ қолганди. Мерган тўртта ўқ билан тўртта таъқибчини қулатди. Энди унинг ўқи тугаганди. Мурод эса, учта ўқ билан биттасини аниқ нишонга уриб, унинг милтиғида эса иккита ўқ қолганди.

Қочиб бораётгандарнинг бахтига, таъқиб қилаётгандарнинг сони ҳам камайиб, тўртови қолди. Улардан икки нафарига озор етказмаслик лозим, чунки бу тўғрида Мурод Аллоҳ номи билан қасам ичганди. Шу боис, Мурод ҳам. Маманазар ҳам, бу икки кишига қарата ўқ узолмайди. Чунки, қувиб келаётган тўрт отлиқнинг фақат иккитасигагина иккى дона ўқ мавжуд.

Югуриб бораётган от устида нишонга аниқ уришни, бир неча бор машқ қилиб, анчагина ҳавосини олган бўлса-да, Мурод яна бир ўқ узди-ю, аммо таъқибчини нишондан қочирди.

— Мурод ака, нечта ўқингиз қолди? — сўради, унинг ёнгинасида от чоптириб бораётган Маманазар мерган.

— Бир дона бўлса керак! — деди, унга жавобан Мурод.

— Менда ўқ қолмади. Милтиғингизни менга беринг, биттасини ўзим гумдон қиласман, — деди Маманазар, ўзининг ўқсиз милтиғини улоқтириб юбориб, Муроднинг милтиғини олишга чоғланганда таъқибчининг милтиғидан отилган ўқ Маманазарнинг чап елкасига тегиб яралади. Маманазар ўнг қўли билан қон оқиб бораётган ярасини ушлаганча, от устида энкайиб қолди.

— Сенга нима бўлди, мерган?! Яраландингми?

— Йўқ. Ҳечқиси йўқ. Энди ўқимиз қолмади. Қочиб қутулишини ўйлаш керак, — деди эгилган қўйи, Маманазар мерган.

— Икки ўртоқ таъқибчиларидан қутулмоқ илинжида отларини янада илдамроқ югуришга ундан башладилар.

Қадимдан «От ва қурол эр кишига кўрк ва виқор бағишлайди», деган гап бор. Айни дамда Маманазарнинг оппоқ тусли чиройли, чопқир тулпори бор эди-ю, аммо қуролидан айрилди. Маманазар мергандек кишининг қўлида, шундай таҳликали дамда, қуроли бўлмаса-я. Буни таърифлаш...

Маманазар иложксизликдан ўкиниб бораётган дамда унинг миясига бир фикр келди. У яна ўттиз-қирқ қадамлар олдинроқ-

да, кече түрт большевикни отганида, биттасининг қуроли қандим шохлари орасига тушиб қолганини эслади. Шу боис, ўша жойга етиб бориши билан, ўзини қурол турган жойга томон пастта отди.

Қувиб келаётгандардан бири қуролсиз, ярадор қочоқни «Отдан йиқилиб тушди» деб ўйлаган бўлса керак, отини югуришдан тұхтатиб, қочоқ «ағнаб тушган» чуқурлик томон бурилди. Бу қисқа фурсатда Маманазар мерган қандим шохлари орасидаги милтиқни қўлига олиб улгурганди. У қум хомаси устида, ўзига яқинлашиб келаётган отлиққа ўт очиб, отидан ағанатди.

Муродни қувлаб бораётган милтиқли большевик ўқ овозини зшитгач, бурилиб қаради. Кўрдик, ўртоғи ўқ еб отидан йиқилди. Бу ҳайратомуз воқеадан сўнг, у орқасига қайтди. Маманазар турган чуқур томон, милтиғини тўғрилаб яқинлашди. Буни сезиб турган Маманазар, чуқурликда туриб бирдан бош кўтарди-ю, милтиқни бир қўлида ушлаган ҳолда, қароқчига қаратадекисини босди. Таъқибчи ўқ еб отдан йиқилди.

Мурод полвон билан нима кечганини англамоқ учун, уни кўриш учун Маманазар мерган қум хомаси устига чиқмоқчи бўлди, аммо ҳолсизланиб йиқилди. Унинг жароҳати оғир бўлмаса-да, кўп қон йўқотган эди. У ҳолсизланиб қолганига қарамай, қўлида милтиқ билан, қум тепа устига интила бошлади.

Маманазарнинг ярадор бўлгани ва отидан «йиқилганини» англаган Мурод отини тұхтатиб, орқага бурди. Ўзини қувиб келаётган Михайлга қаратадекисини тўғрилаб турди-ю, аммо отмади. Унинг милтиғида бир дона ўқ қолди. Бу ўқ яқинлашиб келаётган Михайлга мўлжалланганди. Аммо у болаликдан мард ва бир сўзли эди. Аллоҳ номи билан қасам ичганида ҳам, Юрадек йигитга «Акангга озор етказмайман», деб, шунчаки ваъда берган тақдирда ҳам ваъдасининг устидан чиқарди, Михайлга қаратадекисини тўғрилаб турди. Рақиб эса, яқинлашиб келиши билан, «Милтиғингни ташла!» деб бир неча бор бақириб ўдағайлади. Мурод унинг ўрисча сўзлари тушунди, шекилли, милтиғини ерга ташлади. Михайл отидан тушиб, милтиқни олди.

— Энди сени бўрини отгандек, отиб ташлайман! — ўшқирди Михайл. У олдинига тўплончаси билан Муродни нишонга олиб, телкисини босди. Ўқ отилмади. Чунки тўплончасининг ўқи тугаб қолганди. У «Ярамас» деди-да, наганни ерга ташлаб,

қўлига милтиқни олди.

— Энди сени тугатаман, эшитяпсанми?! Мен энди сени тугатаман! — милтиқни Муродга тўғрилаб ўшқирди у.

— Ака! Отма уни! У яхши йигит, уни отма! — деб от чоптириб яқинлашиб келди укаси Юра.

— Кечирасан ука, жангда душманни аяш — мағлубиятга олиб келади. Мен уни отиб ташлайман! — деди Михаил. У милтиқ тепкисини босишга ҳозирланди.

Мурод ҳаёт билан видолашмоқчи бўлиб, кўзларини юмид олди. Ўқ овозининг гумбурлашидан унинг совуқ тер бостан бадани сесканиб кетди. У бир зум кўзи юмуқ ҳолда турди. Сездики, унга ҳеч қандай ўқ теккани йўқ. Чирт юмуқ кўзларини очиб қараса, унга милтиқ тўғрилаб турган Михаилнинг кўзлари катагидан чиққудек, оғзидан эса қон оқаётганини кўрди. У шу алфозда, бир оз «тик» турди-ю, тобланиб чалқанча йиқилиди.

Бу воқеа шундай юз берган здики, Михаил Муродни огиб ташлаш мақсадида унга милтиқ тўғрилаган паллада, Маманазар мерган, ярадор бўлишига қарамай, қумтепа устига судралиб чиқиб олган ва узала ётиб Михаилни нишонга олганди. У милтиқ тепкисини босинда Михаилдан илгарилаган ва дусти Муродни ўлим чангалидан олиб қолган эди.

Мурод бир зум ўзига келмади. У ёқ-бу ёққа ноҳуш аланглаб, қумтепа устида ярадор ётган Маманазарга кўзи тушди. У ўнг қўлини юқори кўтариб, «Мен бу ердаман!» деб, силкиётган эди. Мурод Маманазарни кўргач, кўзларида севинч ёшлиари билан, Оқманглайнин у томон югуришга унгади.

Инсоният умумбашар баҳти йўлида қанчалик уринмасин, барибир унинг баҳтли дамларини мунофиқ кишиларнинг иғтиёси ва маккорлиги, бир зум бўлса-да, бузиб тураркан. Давлатлар ҳукмдорлари орасидаги зиддиятлар, амалдор кишиларнинг шахсий манфаат йўлидаги чегарасиз уринишлари, сиёсий қараашлар мутаносиблигининг бузилиши маҳорабаларга олиб келадики, у қурбонларсиз кечмайди.

Юра йиқилиб ётган акаси ёнига от чоптириб келди-да, отни тўхтатиб улгурмай, ўзини акаси томонга ташлади. Чалқанча ётган акасининг бошидан ҳарбий бош кийимини олиб, бошини силади.

— Ака, ўлма! Ўлишинг мумкин эмас! Уйга қайтмоқчи эдик-

ку, ахир! — деди Йигламсираб Юра. У акасининг юрак уришини эшишмоқ учун, унинг юраги устига қулоқ тутмоқчи бўлди. Акасининг чап томон қўйнида нимадир борлиги ва у юракни эшишишга ҳалал бераётгани боис, Юра акасининг қўйнига қўлини солди. Қўлига теккан дағал нарсани тортиб олди. Бу — тўрт кун бурун Соҳиб савдогарнинг карвонини талаб, қўлга киритган олтинлар ва қимматбаҳо узук солинган баҳмал ҳамён эди.

Юра акасининг юрагини бир зум эшишиб турди, сўнгра юқорига — кўкка кўз қадаб:

— Эй, ҳар нарсага қодир Худо! Ахир сен кечиримли эдингку! Наҳот акамнинг гуноҳларини кечира олмадинг! Маврид топиши билан уйига қайтмоқчи эди, ахир, — деди.

У акасининг бошини кўтариб, чап қўли устига қўйди — қўйнига олди. Сочларини силади, сўнгра мурданинг афтига термулиб туриб, қўлидаги ҳамённи унинг устида тутиб турди-да :

— Мана сени ҳалок қилган нарса. Улар ҳеч қачон инсонга бахт келтирмаган, — деди ва ўтирган қўйи акасининг жонсиз танасини бағрига тортиб йиғлади.

Бу орада, Маманазарнинг ёнига от чоптириб борган Мурод, отидан тушмасданоқ, «Хайрият, тирик экансан, ука», деди ва отидан ҳовлиқиб тушиб, у томон шошли.

— Худога шукур, тирикман. Аммо чап елкам устидан ўқ теккан эди, қийнаяпти. — деди Маманазар узала ётган жойидан туриб, қум устига ўтириб оларкан.

Мурод Маманазарнинг ярасини кузатаркан :

— Бундай яранинг қўрқинчли жойи йўқ, ўқ сувакка шикаст етказмаган, бундай ҳолларда яра тез битиб кетади. Фақат, тоза мато билан ўраб қўйиш керак! — деди.

— Да尔да бўлаётганингиз учун раҳмат, Мурод ака, — деди Маманазар, кулиб.

— Йўқ ука, раҳматни мен айтишим керак. Сенга раҳмат! Агар сен нишонга аниқ урмаганингда. мен тирик қолмаган бўлардим.

— Яхшиямки, мана бу ерда, қандим шохлари орасида милтиқ борлигини менга кўрсатган эдингиз. Ана ўша милтиқ менинг ҳам, сизнинг ҳам жонимизга оро кирди.

— Биз ожиз эдик. Бу Аллоҳнинг қўллагани бўлди, — деди Мурод, қўйнидан тоза мато чикариб Маманазарнинг ярасини боғларкан.

— Ҳа, бизни ўзи қўллади,— деди Маманазар.

Мурод Маманазарнинг қўлини беўшовгина боғлаб қўйди.

— Қани йигит, ўрнингдан тур-чи,— деди ва Маманазарнинг ўнг елкасидан кўтариб, унинг ўрнидан туришига кўмаклашди.

Маманазар ўрнидан туриб, чуқур-чуқур нафас олиб, осмонга боқди.

— Янгидан туғилгандек бўлдим, Мурод ака. Ҳалигина қўлларимиз боғлиқ ҳолда, бизни қандай ўлим кутаётган бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаётган эдик.

— Тўғри айтасан. Аллоҳнинг мадади билан бу тонгни ҳамтириклик билан қарши оляпмиз.

Маманазар атрофга қувонч билан аланглар экан, ўзларидан икки юз қадамча нарида, акасининг жасади устида андуҳ чекаётган Юрага кўзи тушди. Юзидаги қувонч белгилари йўқолди. Маъюс тортди.

— Мурод ака, чархнинг кажрафторлигига қаранг, биз «Типик қолдик!» деб суюнаяпмизу ажойиб дўстимиз Юра акасининг жасади устида оҳ тортяпти.

— Буни ўйламаганинг маъқул. Агар уни отмасанг, у близни отиб ташларди. Шундай экан, бу воқеликларнинг ҳеч бир жабҳасида на сенинг ва на менинг айбимиз йўқ. Саросимали бу дамларда кўрган-кечиргандарнингни унут! Ҳали яхши, қувончли дамлар кўп бўлади.

— Тўғри айтасиз, Мурод ака. Юринг, ўрис дўстимизга ҳамдардлик билдирайлик. У бизни тушунади.

— Ҳа, акасининг ўлимида бизнинг айбимиз йўқлигини унга тушунтириб қўй, мерган.

Маманазар Муродга эргашиб, Юра томонга тўрт-беш қадам ташлади-ю, бирдан тўхтаб қолди. У кўзларини Бухоройи шариф томон тикаркан:

— Мурод ака, қаранг карвон келяпти! Руқия келмоқда! Руқия! Руқия! — қичқирди ва карвоннинг истиқболига ўн-ўн беш қадам югуаркан узала йиқилди.

Мурод югуриб бориб, йиқилиб ётган Маманазарнинг ёнига тиззалари билан чўкди, узала ётган йигитнинг сўлғин ангорини ўзига қаратиб, кечаги қийноқлардан қолган асоратлар — юзидаги кўк доғлар устига ёпишиб олган қум зарраларини сидириб туширди.

— Сенга нима бўлди, мерган? Кўзингни оч! Очсангчи кўзингни! Эй Худо! Балоларингдан ўзинг асрагайсан!

Мурод кўзлари юмуқ, ҳхупсиз бир аснода ётган Маманазарга узоқ термулиб турди. «Нафас олаяпти. Ҳушидан кетган. Карвон тезроқ келса эди», дея пичирлаб, карвон томон боқди.

Илонизи йўл тортиб келаётган карвоннинг олдидагилар, ўзларидан олдинда, қандайдир бир киши, нккинчи бир кишини, ўтирган ҳолда, бағрига олиб турганини кўришиб, улардан кўз узмай, яқинлашиб келардилар.

— Кўринишларидан мусулмонга ўхшайдилар, — деди Соҳиб савдогар.

— Ҳа. Аммо ким бўлишларидан қатъи назар улар ичор аҳволда қолганликлари аниқ. Ёрдам бермоғимиз шарт, — деди Қобил бобо.

— Ҳа, бу чўлнинг қонуни, — деди Соҳиб сарбон ва карвон аҳлини тезроқ юрипга ундан, — Қани, биродарлар, тезроқ бўлинглар! Олдимизда турган икки кишига ёрдам беришимиз керак, — деди баланд овоз билан.

Карвон аҳли туяларини тезроқ юритиш чорасига тушдилар.

Карвоннинг орқасидан зргашиб келаётган дарвешлар ва раият аҳли бир-бирларига «Аллоҳга шукурки, бизни Бухорий Шарифни тавоғ этиш шарафига етказди» дея шодон здилар.

— Ассалому алайкум! Омонмисизлар, биродарлар? — деди, Мурод ҳамда ҳупсиз ётган Маманазарнинг олдига карвондагиларнинг барчасига қараганда олдинроқ етиб борган, Соҳиб сарбон.

— Ваалайкум ассалом! Худога шукур, омонман. Аммо ўртотимнинг ҳуши ўзида эмас, — деди Мурод, Соҳиб сарбондан најкот истагандек бўғиқ овозда. Соҳиб сарбон отидан тушдилада:

— Қобил бобо, қани тезроқ бўлинг, карвондагиларнинг биронтасидан сув олиб келинг! — деди. У Муроднинг қўйнида беҳуш ётган йигиттага тикилиб қолди. Сўнгра ийманибгина Муроддан сўради:

— Тақсир, беҳуш йигитнинг исми Маманазар эмасми, мабодо?

— Шундай биродар. Уни танирмидингиз? — ҳайрон бўлиб сўради Мурод.

— Мұхаммад Иброҳимбек жанобларининг уйларида тузнамақ, ҳамсуғбат бўлгандик.

— Сиз Соҳиб савдогар бўласизми, тақсир?

— Ҳа.

— Сиз тўғриңгизда Маманазарнинг илиқ фикрлар айтгани бор, эслайман.

Шу дамда отасининг «Карвоңдагиларнинг биронтасидан сув олиб келинг!» деганини зшигтан Ориф, ёнида турган сув тўла кўзани олдида, тую устига ўрнаштирилган кажавадан сакраб тушиб, отаси томон чопди.

— Мана сув ота, — деди у, кўзани отасига узатаркан.

Соҳиб сарбон кўзани олди-да, ундан кағтига сув қуйиб олиб, беҳуш ётган Маманазарнинг юзига сув қуя бошлади. Маманазар хиёл тебраниб қўйди-ю, аммо ҳуши ўзига қайтмади.

— Маманазар, ука, кўзингни очсанг-чи, — деди Соҳиб сарбон Маманазарнинг елкасидан тутиб, ҳушига келтирмоқчи бўлди. Маманазар инграб юборди. Соҳиб сарбон эса қўллари қонга бўялганини сезди.

— Ахир у яраланган-ку! Билмай туриб ярасига тегинибман. Ўзи ҳам жуда кўп қон йўқотибди. Ориф, югур опангдан тоза рўмол сўра, Маманазар акангнинг жароҳатини тузукроқ боғламасак бўлмайди, — деди Соҳиб сарбон ёнида турган ўғлига.

Ориф юрганича тую устидаги кажавада ўтирган опаси — Руқиянинг олдига бориб:

— Опа, тоза рўмолларингиздан биронтасини бераркансиз! Отам айтиб юбордилар, — деди.

— Бўридай изғиб юрган талончиларга энди менинг рўмолим керак бўлиб қолибдими? — деди, ҳеч нарсадан хабари йўқ Руқия истеҳзоли оҳангда.

— У киши ўрис талончиси эмас, отамнинг танишлари — Маманазар ака эканлар, — деди Ориф, опасига тушунтирган бўлиб.

Маманазарнинг исмини зшигтан қиз бирдан сергак тортди-да:

— Нима? «Маманазар ака» дедингми? Нима бўлган унга?

— Оғир яраланган, — деди Ориф, опасининг бу исмни зшигиб, ўзини қўярга жой топа олмаётганидан ҳайрон бўлиб.

— Эй Худо, ўзинг асррагайсан, — деди Руқия ва қўлига биситидаги тоза рўмоллардан бир эмас, иккитасини олиб, кажавали тую бўйнидан сирғаниб, чаққонлик билан ерга тушди. Бор





кучини тұғлаб, югуриб бориб, карвон аҳлининг күпчилиги үраб турған ярадор йигит томон талпинди. У ярадор ҳолда, ҳушсиз ётган йигитни Маманазар эканини таниди.

— Маманазар ака! Сизга нима бўлди?! Кўзингизни очинг, Маманазар ака! — Руқия шундай деб, Маманазарнинг юзларини силай бошлади.

Атрофни үраб турғанлар кечәётган воқеадан ҳайрон эдилар. Ахир шу дамгача, бу иффатли қиз эркаклар олдида юзига ташланган лардан очмаган эди. Ҳозир эса, у бу пардан унга иловаланган паранжиси билан бирга олиб ташлади. Бунинг устига кўпчиликнинг назиди «нотаниш» бир ярадор йигит устида айюханнос солиб йиғламоқда. Бундан, айниқса, қизнинг отаси ҳайрон бўлиб, саросимага тушиб қолди. Ёнидагилардан хижолат бўлиб:

— Қизим, бу нима қилганинг? Ахир, сен бу йигитни танимайсан-ку! Бориб ўрнингда ўтиранг яхши бўларди! — деди.

— Ота, мен Маманазар акани яхши танийман. Биз Маржона орқали танишиб олганимиз. Мен уни...

Йигитнинг аҳволига ачиниб йиғлаётган қизнинг ўпкаси тўлганиданми ёхуд қизларга хос ҳаё устунлик қилдими, алқисса, гапи андак қисқа бўлди.

Руқия Маманазарнинг юзига сув сепиб, унинг жиққа ҳўлланган юзини ўзининг рўмолларидан бири билан арта бошлади. Маманазар ҳушига келди. Кўзини очиб атрофга боқди, Руқияга кўзи тушди.

— Руқия, сенмисан? — деди Маманазар. Унинг юзида қувонч ва баҳт чизгилари намоён бўлди.

— Ҳа, менман, Маманазар ака, — деди қиз севиниб.

— Мана буни ичириш керак. Ўзини тутиб олади, — деди Даврон сарвар қўлидаги косани Муродга узатаркан.

— Нима бу? — сўради Мурод, суюқлик тўла косага ишорат қиларкан, Даврон сарвардан.

— Гулоб. Ширингина. Ичирсангиз, нафи бисёр бўлади, — деди Даврон сарвар жавобан.

— Менга беринг, мен ичира қолай, — деди Руқия, қўлларини коса томон чўзиб.

Даврон сарвар қўлидаги косани қизга узатди. Руқия косани олиб, ундан шарбатни Маманазарнинг оғзига тутди. Йигит идишдаги шарбатни ярмини ҳаловат билан, сипқорди, Мама-

назар қаддини тиклаб, қум устига ўтириб олди. Руқия йигит кўйлагининг ўқ теккан жойини бир оз йиртиб, жароҳат устини очди, аниқ кўринаётган яра атрофини қўлидаги рўмолнинг учи билан тозалай бошлади.

Кечеётган воқеалар қизнинг отасини ўнғайсиз бир аҳволга солиб қўяётган эди. Буни сезган Мурод уни бу аҳволдан қутқармоқчи бўлиб, гапни узоқдан бошлади:

— Тақсир, сизлар Иброҳимбек девонбеки жанобларининг уйларига боргандарингизда, ҳали айтганингиздек, у ерга Маманазар ҳам борган экан. Мұҳаббатнинг йўли ойдин деганларидек, қизингиз Руқиябону билан укамиз Маманазар, маврид топиб, бир-икки учрашишган, келажаклари ҳақида суҳбат қуришган. Бир-бирларини севиб қолишган. Аммо сафарингиз қариб, сиз юртингиз томон қайтган экансиз. Сизларнинг йўлингизда эса, ўта хавфли большевиклар тўдаси бор эканки, бу ҳақда хабар топган дўстингиз Иброҳимбек девонбеки жаноблари ҳарбий вазирга хабар бердилар. Ҳарбий вазир сизларнинг орқангиздан етиб олиш ва орқага қайтариш топшириғи билан мен ва Маманазарни чопар қилиб юборгандилар. Биз эса сизларни қидириб сарсон бўлдик. Биз большевиклар билан юзма-юз келиб қолиб, жанг қилдик. Асир ҳам тушдик, кўп қийнашди. Аммо Аллоҳнинг марҳамати билан ўша тўда ичидаги бир ёш ўриси қўлларимизни пинҳона ечиб юборди. Яна отишма қилишимизга тўғри келди. Маманазарнинг мерғанлигига тасанно айтсангиж бўлади. У ўн бешта душманнинг ўн иккитасини ер тишлиатди. Мен эса атиги учтасини.

Мурод гапининг сўнггида, ўз-ўзидан хижолат бўлиб, илжайиб қўйди.

— Қойил, тасанно сенга, мерған йигит! Демак, бизнинг олдимизни тўсадиган қароқчилар энди батамом тугатилган экан-да, — деди Соҳиб сарбон хурсандчилигини яшира олмай.

— Ҳа, шундай, — деди Мурод.

Атрофдагиларнинг Маманазарга, шундай мард. жасур, мерған йигит билан танишиб, севишиб қолган Руқияга минбаъд ҳаваслари ортди. Улар бу икки ёшга меҳр кўзлари ила тикила бошладилар.

Шу пайтда акасининг жасадини кўмнб бўлган Юра йиғилганлар томон яқинлашди. Унинг бир кўлида акасининг бош

күйими ва ҳужжатлари, иккинчи қўлида баҳмал ҳамён ҳамда металлдан ясалган сув идишаси бор эди.

— Қаранглар! Ана, яна битта қароқчи келяпти, тирик қолган экан! — бақириб юборди, йигилганлар томон келаётган Юрани курсатаркан, Даврон сарвар.

Ҳамма яқинлашиб келаётган ўрис йигитга қаради. Уларнинг батзилари, «Қуроли борга ўхшайди» деб орқароққа тисарилдилар.

— У қароқчи эмас, у бизнинг дўстимиз. Ана шу йигитча бизга катта ёрдам қилди. У бизнинг қўлларимизни бўшлатиб, озод қилиб юборди, — деди Мурод, ўрис йигитни атрофлагиларга таниширган бўлиб.

— У қон тўкилишини, бирорга озор беришни, бирорнинг дилини оғритишни билмайдиган беғарас ўрис йигити. У бизнинг дўстимиз, — деди Маманазар ҳам, у томон меҳр билан термулиб туриб.

Ўрис йигити йигилганлар олдига келди-да, қўлидаги баҳмал ҳамённи Соҳиб сарбонга узатди.

— Бу меники-ку! — дели сарбон, ҳамённи қўлига оларкан севиниб.

— Соҳиб эсингиздами? Тўрт кун бурун, қароқчилар талаб, ҳамёningиз ва узугингизни тортиб олганларида «Оҳ!» тортганингиз. Ўшандада мен «Сайҳа тортманг! Сиз ҳалол инсонсиз, омон бўлсангиз Аллоҳ яна етказур» деган эдим. Ана яна етказди, — деди Қобил бобо, хо-холаб кулиб.

— Ўзига шукур, — деди Соҳиб сарбон кулиб.

Маманазарнинг кўзи ўрис йигитнинг қўлидаги ҳарбий бош кийими ва ҳужжатларга тушди. У ўрис йигити акасининг жасадини кўмиб келганини, марҳумнинг ҳужжатлари ва бош кийимни уни хотирлаб туриш учунгина олганини тушунди.

Маманазар Юранинг кўзларига термулиб, гуноҳкорона бош эгиб:

— Дўстим кечир. Бундай булишини хоҳламаган эдим, — деди.

— Сенда айб йўқ. У гуноҳга ботган эди. Уни Худо кечирмади, холос, — дели ўрис йигити Маманазарга.

Бу орада Руқия Маманазарнинг яраси атрофини тозалаб, рўмоли билан боғлашга урнаётган эди.

Буни кўриб қолган Юра унга:

— Бир зум тұхта қизча, менда спирт бор. Спирт билан тозаланған яра газак олмайды, — деди-да, құлидаги жез идишчанинг өғзини очиб, Руқиянинг құлидаги рұмолнинг учига спирт томизди. Рұмолнинг ұйлланған учи билан ярани бир неча бор артди-да, — Ана әнді, боғласа бүлади, — деди ва рұмол билан яра устини боғлаб қўйди.

— Раҳмат сенга, дұстим! — деди Маманазар Юрага.

— Арзимайды. Худодан жароқатингни тезроқ битишини сұрайман, дұстим, — деди Юра.

Маманазар ва Юра қўл сиқишиб олдилар.

Шу тоб Муроднинг хотирасига Маманазарнинг «Полвон ака, мен учун, бир қизнинг қўлини сұраб берсангиз» дегани ва «Худо хоҳласа, чўлда ҳам, кўлда ҳам қўллайверади» деганлари эснга тушди, шекилли, Маманазар ва Руқияга қараб бир кулиб олди-да, ҳамманинг диққатини ўзига тортиш учун, баланд овоз билан:

— Биродарлар! Ҳалигина, мен сизларга Маманазар ва Руқиябонунинг сөвишиб қолишгани тарихини сўзлаб берган эдим-у, аммо бир нарсани айтиш хотирадан кўтарилибди. Мендан, укам Маманазар бир қизга уйланиш нияти борлигини, отасидан унинг розилигини олиб беришимни илтимос қилганди. Шунинг учун сизларнинг олдингизда шаърий бир ишга қўл урсам. Ҳурматли Соҳиб акамиздан укам Маманазарга қизлари Руқиябонуни жуфти ҳалолликка беришларини сұрасам! Тақсир, илтимос, ёшларнинг истакларини ерда қолдирмай, ҳўп десангиз, — деди бош Эгиб.

Соҳиб сарбон бир-бирига талпиниб турған йигит ва қизга бир зум тикилиб турди-да:

— Даврон, карвоннинг орқасида келаётганлар ичидә, кекса бир зоҳидга кўзим тушганди. Бориб чақириб келинг! Бу икки ёшга никоҳ хутбасини ўқиб берсин, — деди.

Даврон сарвар карвоннинг күйруқ қисмида, қумга ўтириб олиб, хушчақчақ суҳбат қураётганлар ёнига югуриб борди. У югуриб борганидан нафаси қисиб, бироз қийналиб қолдими ёки раият аҳлининг ичидан кексарогини танлаш учун кўз югуртирган бўлдими, ҳар ҳолда бироз сукут қилди. Унинг ҳовлиқиб келгани, гапиролмай турганини кўрган аҳли раият ва улардан нарироқда ўтирган тўрт дарвеш қўрқиб қолишилар. Ўринла-ридан сакраб турдишлар.

— Нима бўлди ўзи, қароқчилар келишдими?, — сўради раият аҳлидан бир киши.

— Йўқ, қароқчиларнинг ҳаммасини Маманазар деган бир йигит қириб ташлабди, — деди Даврон сарвар, Маманазарни азбаройи яхши кўрганидан, у ҳақда бирозгина бўрттириб:

— Ё Али! Ана Худонинг нажоткор юборгани, — деди яна бирори.

— Энди ўша йигитга сарбоннинг қизи Руқияни унаштириб қўйамиз. Тақсир, Соҳиб сарбон сиздан никоҳ хутбасини ўқиб беришни сўрайтилар, — деди Даврон сарвар, раият аҳлининг Энг кексасининг олдига бориб.

— Биродарлар! Ана Аллоҳинги карами. Бухоройи Шарифни тавоб этдигу йўлимиздан қароқчиларни юлиб ташлаш учун нажоткор юборибди. «Энди ҳар бир кунингга муборак шуур ёғади», деганлари рост бўлиб чиқди. Сарҳадсиз чўлда тўй буюряпти. Шарифни тавоғ этдиму умримда бирор кез баҳш этишмагани — менга никоҳ хутбасини ўқишдек муборакни баҳш эттиришаяпти. Эй Эгам ўзингга шукур! Эй пирлар шаҳри, шаҳарлар шарифи ўзингга шукур! — деди қария гоҳ осмонга, гоҳ Бухоро шаҳрига қаратат қўлларини чўзиди.

Даврон сарвар қарияни бошлаб, ўзи билан олиб кетди.

Қариянинг сўзларини эшитиб, раият аҳлининг барчаси, ютуриб қум тепа устига чиқиб олиб, тиззаларини ташлаб Ҳудога сажда қилишга тушишди. Дарвешлар эса, асо чалишиб, «Ё, Ҳақ! Ё, Ҳақ!» дея рақси самоъга туша бошлишди.

Даврон сарвар бошлаб борган қария Маманазар ва Руқиянинг никоҳ хутбасини ўқиб — иккала ёшни шаръий жуфти ҳалол қилиб қўйишишди. Нон ва ширинликлар тарқатилди. Ўрис йигитини ҳам ва турли неъматлар билан меҳмон қилдилар, сийладилар. Ўз навбатида у ҳам бисотида бори — жез идишдаги оловли сувидан етганича қўйиб берди. Бу дамнинг шавқидан ҳамма хурсанд бўлди.

— Ота, мендан рози бўлинг, онажонимга саломимни ва узримни етказинг, — деди Руқия, йиғлаган кўйи, отасининг олдинга тиз оёқ ташларкан.

— Албатта етказаман, қизим. Тур, турақол. Илоҳи баҳтли бўлинглар! Ҳа айтганча, мана бу ҳамён мендан сизларга сеп ўрнида. Ундаги узукни эса, Муҳаммад Иброҳимбек амакиша-

рингга топширнглар, — деди Соҳиб сарбон, қулидаги узукни Маманазарга топшираркан, уни бағрига босиб.

Йўли айри бўлажак, карвон аҳли ажойиб ўрис йигитига нон ва сув бериб, Маманазар ва Руқияга ҳамда Муродга бахт ва омадлар тилаган ҳолда хайрлашдилар.

Руқия, Маманазар, Мурод ва Юра ҳалигина уфқда бош кўтарган Қуёш томонга кетаётган карвонни кузатиб қолдилар.

Юра ҳам Мурод ва Маманазар билан қучоқлашиб хайрлашди-да, отига миниб, шимол томон йўл олди.

Мурод ва Маманазар ҳам отларига миниб олдилар. Маманазар узангидан оёғини чиқариб, Руқиянинг отга миниб олишида кўмаклашди. Руқия Маманазарнинг орқасига мингашиб олди. Мурод эса ўз отида, улардан хиёл олдинда, Бухоро томон юрдилар.

Мурод ўзидан орқада келаётган келин-куёвга бурилиб қарди-да, кулиб:

— Одатда, келин-куёвга «Ёр-ёр» ва лапарлар куйлашади. Мен ўйланганда ҳам шунаقا бўлган эди. Мен унақасини ёд билмайману, аммо хўп десангизлар бир қўшиқ куйлаб бераман, — деди.

— Хўп. Яхши бўларди-да, Мурод ака, — деди Маманазар кулиб. Руқия ҳам кулиб олди.

— Бўлмаса, мен дуторимни созлаб олай, — деди Мурод.

Мурод шундай деб, елкасига осиғлиқ милтигини қўлига олди-да, унинг ўқларини чиқариб сочиб юборди, бир хўрсиниб олди-да, яна гап очди:

— Илоҳи! Бу ажал қуролини биз ҳам, фарзандларимиз ҳам, ушламасак эди, — деди.

— Илоҳи! Айтганингиз келсин! — деди Маманазар ҳам.

— Хўш, бу қўшиқни бир ҳамтенгим бобосидан ёд олган экан. Бу бобомерос қўшиқни у тез-тез куйлаб турарди. Мен ҳам ундан ёдлаб олганман.

Мурод шундай деб, қўлидаги «дуторини» чертган кўйи қўшиқ бошлади:

Ҳаёт — маъносини англамоқ қийин,

Ҳайронман ҳаётга, нима ўзи бу?

Яшамоқ — еб ичмоқ ва ўлимми — у?

Йўқ дўстлар ҳаётни ўйламанг деб — иш!

Ҳаёт — уни тушунганинг оғир синови..

Муроднинг овози сарҳадсиз чўлнинг узоқ-узоқларига тар-қалмоқда эди. Унинг тараннуми ҳатто Қуёшга қадар етиб, Қуёш «Ёр» деб аталмиш заминга бугунги ташрифи қўшиқ билан бошланганидан мамиун жилмаяётгандек эди, гўё.

## МУРОД ПОЛВОН ПОЙКАНДИЙНИНГ КЕЙИНГИ ХАЁТИ ТЎҒРИСИДА

(хотима ўрнида)

Хўжжи чўпчи ва Наима момонинг ўғиллари — Рўзи — отам Исмоил Рўзиевнинг оталари бўладилар. Берди савдогар — онам Муҳаббат Берди қизининг оталари бўлганлар.

1983 йилга қадар умргузаронлик қилган Рўзи бобомдан, отонамдан Мурод полвон Пойкандий ҳақида кўп ва хўп эшитганиман.

Қолаверса, Сайёт қишлоғи ёки Пойканд ҳудудидаги бирон бир тўю маъракаларга бориб, қариялар даврасига тушиб қолсам, гапни дарҳол Мурод полвон Пойкандийдан очиб юборардим. Судбат қизди бўларди.

Бинобарин, мен Пойкандий ҳақида кўп нарса билардим. Аммо асарни шу ерда тугатишни лозим бўлдим. Чунки, мен биладиган бошқа маълумотлар: уйдирмалар, лофлар, афсоналар, борингки, бошқа гарихий воқеалар асар мазмунини ўзгартира олмас эди.

Шунинг учун ҳам, Мурод полвон Пойкандийning кейинги ҳаёти ҳақида қизиқувчн ўқувчиларим учун, қисқагина қилиб, яна қўйидагиларни маълум қилмоқчиман:

1920 йил сентябр ойининг 2-5 саналарида большевик қўшинлари Бухоро давлатига ҳужум қилиб уни босиб оладилар. Бўлиб ўтган бу жангда Мурод полвон, Рўзи, Маманазар мерган, Ўрин чаққонлар ҳам қатнашадилар. Мурод полвон, Ўрин чаққон ва Маманазар мерганлар бу мағлубиятдан сўнг гоҳ у гоҳ бу халқ озодлик қўшинларига қўшилиб большевикларга қарши курашиб юрганлар.

1926 йил баҳорида, улар қўшилган Жўра Амин бошчилигидаги халқ озодлик қўшини Бухоронинг шимоли-гарбидаги

Ҳожа Убон мозори яқинидаги жангда катта талофат күради. Қўшин бошлиғи — Жўра Амин, шу жангда ҳалок бўлади. Мурод полвон асирга тушади. Аммо уни сургунга юбориш пайтида, НКВД аъзоси Повловский деган киши номаълум бир киши томонидан берилган пора Эвазига, озод қилиб юборади. У ўзи туғилиб ўсган Сайёт қишлоғига қайтиб келгач эркин яшолмайди. Унга шу қишлоқда яшовчи НКВД отбоқари — Очилқул деган киши «Сен Амирнинг одами эдинг, сени НКВД аъзоларига айтиб қаматаман!», деб дағдаға қиласкергач, оила аъзолари билан, онаси — Роҳат ойимнинг юрти — Олот мавзесидаги Буржоқ қишлоғига кўчиб кетадилар. Мурод полвон Пойкандий 1939 йилда вафот этади. Унинг қабри ўша қишлоқдаги «Буржоқ қабристони»да. Ундан Ҳамдам, Ҳайдар, Авлиёқул, Шарофат, Очилой деган фарзандлар қолган.

Ҳозирда, Қоракўл тумани Ёдгор Сафаров жамоа ҳўжалиги 4-бўлим, Қозон қишлоғида, Мурод полвон Пойкандийнинг қизлари Шарофат момонинг қизи Латофат ая яшамоқдалар. Мен у кишидан Мурод боболари ҳақида кўп маълумотлар олганман.

*Юсуф Рўзи Байкемдий*  
16 июн. 2006 йил.

*Адабий-бадний нашр*

**ЮСУФ РЎЗИ БАЙКЕНДИЙ**

**БУХОРОНИНГ ОЛД ПОЛВОНИ**

*Тарзий-саргузашт роман*

**Муҳаррир**

**Даврон РАЖАБ**

**Бадний муҳаррир**

**Баҳридин БОЗОРОВ**

**Техник муҳаррир**

**Елена ДЕМЧЕНКО**

**Мусаҳҳиҳ**

**Алимурод ТОҶИЕВ**

**Компьютерда саҳифалопчи**

**Феруза БОТИРОВА**

**Расмлар муваллифи**

**Даврон ЖАҲБОР ўғли**

Босишига 20.11.2006 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 5,75. Шартли босма тобоги 9,66.

Адади 1500 нусха. Буюртма № 260.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср ивлоди» нашриёт-матбаса марказида тайёрланди.

«Ёшлилар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.